

Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадний, ижтимоий-публицистик журнал



МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 5/216

2015 йил, май

Бош муҳаррир:
Шухрат РИЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Омонулла РИЗАЕВ
Отабек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Фозил ЖАББОРОВ
Алишер ОТАБОЕВ
Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Фарход ва Ширин” достонидан.3

НАСР

Й.ГОРДЕР. Апельсин киз. Қисса. (Рус тилидан К.Носирова тарж.).11
Ғ.ПЎЛАТОВ. Херируд фарёди. Ҳарбий дала қиссаси.53

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Туркман шеърияти.45

ДРАМА

Б.НУШИЧ. Унвон керакдир йигитга. (Рус тилидан М.Қодиров тарж.).97

ГЛОБУС АРГЕНТИНА

Аргентина Республикаси.156
Аргентина шеърияти.174
Унутилмас сиймолар.201

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

А.УЛУҒОВ. Адабий қаҳрамон қадри.141
М.УМАРОВ. Воқеалар тизими томошанинг асосидир.147

ҲИКОЯ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

О.ОТАХОН. Сарҳадлар.186
Х.КОРТАСАР. Беморларнинг саломатлиги. Ҳикоя.150

АДАБИЙ ОҚИМЛАР

М.ХОЛБЕКОВ. Модернизм.126
В.ВУЛЬФ. Шоҳона боғ. Ҳикоя. (Рус тилидан Э.Вали тарж.).133

ТАРЖИМА ТАДҚИҚИ

Ш.МИНОВАРОВ. Нораства қалб изтироблари.138

Муқовамизда.203
Таквим.204



“ФАРХОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДАН

*Достонни рус тилига
Қодиржон ЭРГАШЕВ
насрий таржима қилган*

VI¹

Қалам васфида бир неча қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамга кетурмакки, назм кишвари саводин якқалама қилиб эрди ва “Панж ганж” авроқизга гавҳарнош рақами тортилиб эрди ва ул роқим бобида ҳамки мунинг хатти маънисин рақам-барақам билди, балки қалам-бақалам нақл қилди. “Байязаллоху таоло авроқа жаройимиҳо”.

Водить калам для восхваления калама и описать достоинства того писца², который объединил страну поэзии и его писания, рассыпающие жемчужины, были начертаны на страницах «Пять сокровищ» и ещё про другого писаря³, который по буквам постиг смысл написанного им и изложил его, передовая от калама к каламу. «Пусть Аллах отбеливает страницы их грехов».

*Қаламким раҳнаварди тезтакдур,
Азалдин манзили фавқ ул-фалақдур.*

*Калам – путник, быстро одолевающий дорогу,
Ему место изначально на высшей сфере небес.*

*Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,
Не адҳам, жардаи Шабдез рафтор.*

*Может он вороной конь, быстрый как мысль,
Не вороной конь, а скакун чёрный как Шабдез⁴.*

¹ Давоми. Боши ўтган сонларда.

² Слово «писец» здесь употреблено в значении «поэт». Имеется в виду великий поэт Востока Низами.

³ «Писарь» тоже употреблено в значении «поэт». Имеется в виду другой великий поэт Востока Хусрав Дехлави.

⁴ Шабдез – легендарный конь, принадлежащий древнеиранскому царю Хусраву.



*Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,
Бўғун белбоғию тирноқ – узори.*

*Палец – всадник сидит на нем,
Сустав – его кушак, ноготь – его лицо.*

*Чопарда қўйругин айлаб алам ул,
Қулоғидек аёғдин-бош қалам ул.*

*При беге хвост его как знамя,
Все тело от ног до головы, как его уши исполосовано.*

*Дема Шабдез, бир қушдур хушовоз,
Қанотсиз айлабон ҳар сори парвоз.*

*Не называй его Шабдез, он птица со сладким голосом,
Которая без крыльев летает во все стороны.*

*Шаба минқоридин ҳар сори зоҳир,
Валекин ул шаба сочиб жавоҳир.*

*От его клюва виднеется агат,
Но он рассыпает рубины.*

*Не қушим, қушда йўқ бу навъ жисми,
Ҳакими сунъ они айлаб тилисми.*

*Какая эта птица? Птица не имеет такого тела,
Мудрец сотворения сделал его талисманом.*

*Танига заъф голиб, кўрмайин ранж,
Вале жавфи аро юз маънавий ганж.*

*Тело его бессильное, хотя не больное и не измученное,
Но в нем есть сто сокровищ мыслей.*

*Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечукким ганжпоши Ганжаором.*

*Из его сокровища никто не мог получить столько,
Сколько получил тот, рассыпающий жемчужин,
который покоится в Гандже¹.*

*Агарчи Ганжада ороми онинг,
Вале ганж узра доим гоми онинг.*

*Хотя в Гандже он нашел покой,
Но он постоянно ступает по сокровищам.*

¹ Здесь речь тоже идет о Низами.

*Кўнгул кунжин қилиб ганжи маоний,
Оғиз абвоби савтидин ниҳони.*

*Сделав угол своей души кладезем мыслей,
Двери рта скрыл, не подавая голоса.*

*Ики лабдин эшиклар айлабон ул –
Ки, ҳар ким топмағай ул ганж аро йўл.*

*Из двух губ сделал двери он,
Чтоб не каждый нашёл дорогу к кладу.*

*Вале меъмори ҳикматсози онинг,
Бурундин қилди сангандози онинг.*

*Но тот зодчий с мудростью создавший его,
Заранее соорудил камнемет там.*

*Ангаким ўғрилиқ расмин қилиб фош,
Етиб афлок сангандозидин тош.*

*Тому, кто проявляет обычай воровства,
В голову от камнемета неба попадают камни.*

*Ёғиб чун тоши ҳар ён ошкоро,
Топиб аҳбоб – гавҳар, хасм – хоро.*

*Сыплются камни повсюду открыто,
Друзья найдут жемчуг, враги – камень.*

*Отай деб хора, ганж оғзини очмай,
Вагар очиб, не гавҳарларки сочмай.*

*Чтобы метать камни, не открыл он двери клада,
Но если открыл, то какие жемчуга рассыпал!*

*Тутуб гавҳарлари яксар жаҳонни,
Нечукким хайли ахтар осмонни.*

*Его жемчужины наполнили мир,
Как звёзды, наполнившие небо.*

*Йўқ, ул гавҳарки чун тупроққа қолғай,
Аёғ остига чун қолғай, ушолғай.*

*Это не тот жемчуг, который падает на землю,
Попадает под ноги и ломается.*

*Анингдек гавҳареким жилва чоги,
Музайян бўлғай андин эл қулоги.*

*Он такой жемчуг, когда проявляет свой блеск,
Уши людей находят украшение.*

*Не ул зийнатки осилгай қулоқтин,
Вагар очилса айрилгай қулоқтин.*

*Но это не то украшение, которое висит на ухе,
Которое снимается и отделяется от уха.*

*Дуреким, чун қулоқни қилди маскан,
Кириб қилгай кўнгул дуржини махзан.*

*Это такой жемчуг, он через уши,
Проникает в сердце и превращает его в кладезь.*

*Кўнгул дуржин демай бўлгай лаболаб –
Ким ул дарёга солгай дурни то лаб.*

*Не только ларец души наполнит он,
Но и река наполнится жемчугом до краев.*

*Ким ул гавҳардин олса халқ ҳар дам,
Юз илда бўлмагай мингдин бири кам.*

*Если народ оттуда в каждый миг достаёт жемчужины,
За сто лет эта река не уменьшится ничуть.*

*Киши мундоқ бўла олмай гуҳаррез,
Магар ул ҳиндуйи зоди шакаррез.*

*Никто не мог так засыпать жемчугами мир,
Разве тот рассыпающий сахар индийского происхождения¹.*

*Не ҳинду, тўтии ширин мақол ул,
Не тўти, булбули шўридаҳол ул.*

*Не индус, а попугай сладкоречивый,
Не попугай, а соловей, издающий стоны.*

*Тушуб оламга тўтидек баёни,
Етиб гардунга булбулдек фиғони.*

*Его речи, как речи попугая, наполнили мир,
Дошли до небес его стоны, как стоны соловья.*

*Бўйига назм солгон ҳулла ахзар,
Дема тўти, дегил Хизри паямбар.*

*Его стан украшен зелёным платьем из стихов,
Не говори, что он попугай, а пророк Хызр².*

¹ Речь вдет о Хусрав Дехлави.

² Согласно легенде, пророк Хызр всегда проявляется в зелёном одеянии.

*Анинг зулмоти Ҳиндустони охир,
Равон сўз чашимай ҳайвони охир.*

*Его тьма – это его Индостан,
Изящное слово его – родник с живой водой¹.*

*Агар булбул десанг, Ҳиндустон – тун,
Қаро зулмат дема, анбарфишон тун.*

*Если его соловьём назовёшь – то Индия – ночь,
Но это не тьма, а ночь, распространяющая мускус.*

*Бу андоқ тун аро шабхез булбул,
Шабистон ичра шўрангез булбул.*

*Он – соловей поющий в такой ночи,
Соловей, поднимающий шум среди ночи.*

*Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин онинг қақнус озор.*

*Не скажи соловей, назови его Феникс,
От его песней страдает Феникс.*

*Агар қақнус чекиб юз нола жонсўз,
Анга минг нола ўқи борча дилдўз.*

*Если Феникс сто стонов издает, сжигающие душу,
Он тысячи стонов – стрел пустил, пронизывающие сердце.*

*Дема ўқ, балки ҳар бир барқи охи –
Ки, секриб ўртабон маҳ то ба моҳи.*

*Не назови их стрелами, каждый из них молния вздоха,
Которое сжигает всё от рыбы до луны.*

*Солиб юз шуъла ҳар дам хирманига,
Ўзининг йўқки, олам хирманига.*

*Он² бросил сто пламеней на свое существо,
Не только на свое существо, но и на весь мир.*

*Маоний баҳрига анфосидин мавж –
Ки, ул мавж остига қолиб тўқуз авж;*

*От его дыхания забушевало море мыслей,
И девять небес оказались под его волнами.*

*Такаллум риштасига назмидин дур,
Фалак бағрига ул дурдин тафохур.*

¹ Здесь также намёк на легенду о Хызре, согласно которой Хызр в поисках живой воды вошёл в тьму.

² То есть Хусрав Дехлави.

*На нить речи нанизаны жемчужины его стихов,
Ими даже небо гордится.*

*Саводи назм анга абри баҳори,
Бўлуб эл бошига гавҳар нисори.*

*Написав стихи, он как весенняя туча,
На головы людей бросал жемчужины.*

*Саросар ул булут гавҳар ародур,
Ки, найсоний булут янглиз қародур.*

*Эта туча вся усыпана жемчугами,
Все они чёрные как весеннее облако.*

*Саводи демаким, мушкин саҳоби,
Бўлуб ҳар қатра анда дурри ноби.*

*Не говори письмо – черные как мускус облака,
Каждая капля есть чистый рубин.*

*Бу дуррким васфи сигмай сўзга ҳаргиз,
Латофатдин кўрунмай кўзга ҳаргиз.*

*Этот рубин описать не хватит слов,
Из-за своего изящества он не виден глазу.*

*Тили дуррпош, ўзи покиза гавҳар –
Хирожи мулк, йўқким реза гавҳар.*

*Язык его (Хусрава) – рассыпающий жемчуг,
сам он чистый рубин,
Но это такой рубин, который может
стать данью всей страны.*

*Не гавҳар, балки илму фазл кони,
Дема конким, дегил кўҳи маони.*

*Не жемчуг, а месторождение науки и достоинств,
Не скажи месторождение, скажи гора мыслей.*

*Эмас гар тоғ, бас шиддат қилиб биг,
Нетиб гардунга ҳар дам еткуруб тиг.*

*Если это не гора, то каким образом,
Она может вонзить шпагу в небо?*

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.*

*Нелегко стоять на этом ристалище,
И быть руки в руки Низами.*

*Тутайким қилди ўз чангини ранжа,
Неким урди анинг чангига панжа.*

*Все свои пальцы сломали,
Кто до сих пор в ступил с ним в бой.*

*Керак шер оллида ҳам шеро жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги.*

*Со львом надо бороться как лев,
Если ни как лев, хотя бы как тигр.*

*Йўқ эрса жамъ бўлса борсдек юз,
Алардин ҳосили йўқ, гайри пуф юз.*

*Если не так и собралось скопище барсов из ста,
От них нет никакого толку, на них «пуф» и все.*

*Агарчи елдин эрмас баҳрға бок,
Вале минг чок ўлур чун бўлди кўлок.*

*Хотя море не испытывает страха перед ветром,
Но если поднимается шторм, оно станет
разделенным на тысячи.*

*Тегар дарёға сарсар қўзгалони,
Вале ҳар ел эсиб чайқатмас они.*

*Вихрь может забушевать реку,
Но любой ветерок не может ее всплеснуть.*

*Низомий эрди андоқ пили воло –
Ки, чекти ганжу гавҳар пили боло.*

*Низами был слоном – исполином,
И засыпал мир столько же жемчугом.*

*Керак ҳам пил эрур, бу нукта маълум –
Ки, солгай пил хартумиға хартум.*

*Известно, что надо быть таким же слоном,
Чтобы свить хобот со слоном.*

*Агарчи пашианинг хартуми ҳам бор,
Эл озориға неши шуми ҳам бор.*

*Хотя и муха имеет хобот,
У нее есть даже жало, чтобы людей укусить.*

*Чу суртар пил хартумини дарҳам,
Бўлур захмиға юз минг пашиа марҳам.*

*Но когда слон свой хобот будет тереть,
Сто тысяч мух – как будто мазь для его раны.*

*Букун ул пилу бу ҳинду эрур бил,
Кичикрак бўлса ҳам, лекин эрур пил.*

*Сегодня (передо мной) тот слон и этот индус,
Хотя индус поменьше, но тоже слон.*

*Кичик гар эрса эл андешасидин,
Эрур Ҳиндустоннинг бешасидин.*

*Хотя в мнении людей он мал,
Но все равно он из джунглей Индустана.*

*Ало то абри найсон зинда пили,
Кияр баргуствони чархи нили.*

*О, боже, до тех пор, пока живой слон весенней тучи
Наденет броню из синего неба.*

*Бу икки пилни гуфронпараст эт,
Майи раҳматдин икки пилни маст эт.*

*Сделай этих двух слонов достойным прощения,
Сделай их пьяным от вина милости твоей.*

*Навоийга даги шавкат етургил,
Бу икки пилдин қувват етургил.*

*Навои тоже дай славу и мощь,
От этих двух прибавь ему силу.*

*Ки, бўлсун бу ики пили замондек,
Қаю пили замон, пили дамондек.*

*Пусть он тоже станет как эти слоны эпохи,
Не слоны эпохи, а слоны неистовые.*

*Ки, топиб маст бўлмоқ пешасин ул,
Мусаххар айласун сўз бешасин ул.*

*Пусть он тоже, опьянев как они,
Завладеет джунглями слова.*

*Кел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш,
Кетур бу ики ёди бирла бир қўш;*

*Эй кравчий, моя душа разгорячилась,
Принеси мне две чаши вина в память этих двух.*

*Алар ишқида нўш айлаб ики жом,
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом.*

*Выпивая эти чаши с любовью к ним,
Возьму в руку чашу прославления Джамии.*

(Давоми келгуси сонларда)



Йостейн ГОРДЕР

(1952 йил тугилган)

Таниқли норвег ёзувчиси ва публицисти. “Ташхис ёки бошқа новеллалар” (1986), “Циркчининг қизи” (2001), “Сирли фол” (1990), “Жумбоқ кўзгуси” (1993), “Қисқа умр” (1996), “Апельсин қиз” (2003) каби асарлар муаллифи. Гордернинг “София олами” романи (1991) дунёнинг 53 та тилига таржима қилинган, биргина Германияда 3 миллиондан ошиқ нусхада чоп этилган. Асарларининг умумий адади ўн миллиондан ошади.



Отам ўн бир йил аввал вафот этган. Ўшанда тўрт ёшда эдим. Бир кун келиб у менга ўзи ҳақида хабар беради, деб ўйламагандим, ваҳоланки, биз бу китобни биргаликда ёзғамиз.

Бу – китобимизнинг муқаддимаси, уни мен ёзгуман, отам бироз кейин кўшилади. Ҳар қалай, асосий ҳикоячи – у.

Уни яхши эслай оламан, деб айтолмайман. Суратларини кўп томоша

қилганим учун эсимда, деб ўйласам керак. Чинакамига эса у менга юлдузларни кўрсатган айвондаги воқеанигина хотирлайман.

Суратлардан бирида отам билан меҳмонхонамизда сарик чармли диванда ўтирибмиз. У менга қизиқ нарсаларни гапираётган бўлса керак. Диван ҳалигача бизникида турибди, лекин энди унда отам йўқ.

Бошқа суратда ойнаванд айвонда яшил тебранма курсида бирга ўтирибмиз. Бу сурат отам ўлгандан бери бизникида осифлик турибди. Мен ҳозир ҳам ўша яшил тебранма курсида ўтирибман. Тебранмасликка уриняпман, чунки катта блокнотга ёзяман. Кейин ҳамма ёзганларимни отамнинг эски компютерида териб чиқаман.

Шу компьютер ҳақида ҳам бир нималарни гапириб берсам бўлади, аммо бу мавзуга ҳали қайтаман.

Мени ҳар доим эски суратлар таажжубга солади. Улар бошқа даврга тегишли, бизникига эмас.

Отамнинг суратлари йиғилган катта альбомни сақлайман. Тириклар орасидан кетган одамнинг суратларини томоша қилиш бироз ваҳималироқ. Отам видеога ҳам олинган. Мени унинг овози чўчитади негадир. Баланд, гулдирак.

Менимча, марҳум ёки, бувим айтгандек, орамизда йўқ одамни видео орқали кўришни тақиқлаш керак. Ўликларни кузатиш керакмас.

Кассеталардан бирида менинг овозим ҳам ёзилган. Ингичка ва чийилдоқ. Палапоннинг чийиллашини эслатади.

Ўшанда биз шундай гапирганмиз: отам йўғон, мен ингичка овозда.

Суратлардан бирида отамнинг елкаларида ўтириб, арчадаги юлдузни узиб олишга уринаётганим кўриниб турибди. Бир ёшлардаман, табиийки, уни салгина қимирлата оламан холос.

Онам гоҳида кассетада отам икковимизни кўрганда, ўзи бизни суратга олган бўлса ҳам, орқага тисарилиб хохолаб кулади. Менимча, у отамни кўрганда бекор кулади. Бу нарса унга ёқарди, деб ўйламайман. У, хойнаҳой, коидаларни бузаяпсан, деган бўларди.

Бошқа кассетада отам билан пасха таътили пайтида Фьелльстёлендаги уйимиз ёнида куёшда ўтирибмиз. Иккаламизнинг қўлимизда яримтадан апельсин. Мен ўзимнинг ҳиссамни тозаламай, шарбатини сўришга уриняпман. Отам эса, ишончим комилки, буткул бошқа апельсинлар ҳақида ўйлаяпти.

Ўша пасхадан кейиноқ отам касал бўлиб қолди. У ярим йилдан ортиқ бетон бўлиб юрди, ўлимдан кўрқарди. Менимча, ўлишини биларди.

Онам отам мени яхшироқ билиб олишга улгурмай ўлишидан айниқса қайғурганини кўп гапиради. Бувим ҳам шунга ўхшаш гапларни айтади, лекин оҳанжамалироқ қилиб. У мен билан отам ҳақида гаплашганда, овози қандайдир ғалати бўлиб қолади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир бувам иккаласи тўнғич ўғлидан айрилди. Бунинг нималигини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Яхшиямки, яна битта ўғиллари бор. Аммо бувим отамнинг эски суратларини кўрганда, сира кулмайди. Ҳурмат билан қарайди. Ўзи шундай дейди.

Отам бор-йўғи уч ярим ёшдаги бола билан жиддий гаплашиб бўлмайди, деб қарор қилганга ўхшайди. Бугун-ку, унинг нимани назарда тутганини тушунаман, сиз ҳам, бу китобни ўқиётган ўқувчи, яқинда тушуниб оласиз.

Менда отамнинг касалхонадаёқ олинган сурати бор. Бу суратда у роса озиб кетган. Мен унинг тиззасида ўтирибман, у эса устига йиқилиб тушмаслигим учун қўлларимдан тутиб турибди. Жилмайишга уриняпти. Сурат ўлимидан икки ҳафта аввал олинган. Унинг менда бўлмагани яхшийди, аммо бор экан, ташлаб юборолмайман. Лекин қаролмайман ҳам.

Ҳозир ёшим ўн бешда, аниқроқ айтадиган бўлсам, ўн беш ёшу уч хафталикман. Исмиб Георг Рёед, Ослодаги Хюмлевейенда онам, Йорген ва Мириам билан яшайман. Йорген – янги отам, аммо мен уни шунчаки Йорген деб атайман. Мириам – менинг сингилчам. У атиги бир ярим ёшда, гаплашишга ҳали жуда кичкиналик қилади.

Мириамнинг отам билан тушган сурати ҳам, видеокассетадаги тасвири ҳам йўқлиги тушунарли. Ахир унинг отаси Йорген-ку. Отамнинг мендан бошқа боласи бўлмаган.

Шу китобнинг сўнгида сиз Йорген ҳақида ҳайратланарли бир нарсани билиб оласиз. Ҳозирча бу ҳақда гапиришга эрта, лекин китобни охиригача ўқиб чиққан одам ҳаммасини тушунади.

Отамнинг ўлимидан сўнг бувам билан бувим бизниқига келишди ва онамга отамнинг нарсаларини йиғиштиришга ёрдам беришди. Аммо арзирли нарса топишолмади. Муҳими – отам касалхонадан олиб кетишларидан олдин ёзган узун ҳикоя.

Умуман олганда, у пайтда отамнинг қандайдир ҳикоя ёзганини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган. Апельсин қиз ҳақидаги воқеа мана шу душанбадагина юзага чиқиб қолди. Бувим асбоблар сақланадиган омборхонага кирди-ю, мен кичкиналимда учган қизил пойга машинасининг қопламасига яширилган шу ҳикояни топиб олди. У ёққа қандай тушиб қолганини ҳеч ким билмайди. Уч ярим ёшимда отам ёзган ҳикоянинг пойга автомобилим билан боғлиқ бўлиши тасодиф эмас, албатта. Мен ҳикоя пойга машинаси ҳақида демоқчи эмасман, асло, шунчаки отам уни мен учун ёзганини таъкидлаб қўймоқчиман. Отам Апельсин қиз ҳақидаги воқеани мен катта бўлганимда ўқиб, тушуна оладиган даражада ёзган.

У келажакка мактуб ёзган.

Отам бу саҳифаларни қачонлардир эски пойга автомобилининг қопламасига солган экан, демак, хатлар эгасига етиб боришига шубҳа қилмаган бўлса керак. Менимча, эски нарсаларни шара-барачиларга топшириш ёки чиқинди қутисига ташлашдан аввал яхшилаб текшириб кўриш керак.

Охирги кунларда ҳаёлимни бир ўй банд этган. Менимча, келажакка мактуб жўнатишнинг болалар машинасининг қопламасига яширишдан кўра оддийроқ йўлини топса бўларди. Хатларни оддий ёки электрон почта билан жўнатганимизда, биз фақат манзилни ёзамиз. Почта ёки e-mail орқали юборилган хат эгасига қачон етиб бориши бизга маълум эмас. Билл Гейтс¹ бу ҳақда ўйлаб кўрса бўларкан. Виндоуснинг кейинги вариантига бу амални кўшишга ҳали кеч бўлгани йўқ.

Баъзан, камдан-кам бўлса ҳам, кимдир номамизни тўрт соат ёки ўн тўрт кун ёки қирқ йилдан сўнг ўқишини истаймиз. Апельсин қиз ҳақидаги ҳикоя худди шундай нома эди. У ўн икки ёки ўн тўрт ёшли Георг деган болага, яъни отаси кўрмаган ва кўра олмайдиган болага ёзилган эди.

Аммо ана энди ҳикоямни чиндан ҳам бошлайдиган пайт келди.

Яқинда мусиқа мактабидан уйга келганимда, бувам билан бувимга дуч келдим. Улар Тёнсбергдан “сюрприз” қилиб келиб, эрталабгача бизниқига қолишмоқчи экан.

Онам билан Йорген ҳам уйда бўлиб, холлда кўринишимни ва этикларимни ечишимни сабрсизлик билан кутишарди. Этикларим лой ва хўл эди, лекин ҳеч ким бунга эътибор бермади. Уларнинг фикру ҳаёли бошқа нарса билан банд эди. Мен дарров бир кўнгилсизликни пайқадим.

¹ Билл Гейтс – америкалик миллиардер. У замонавий компьютер дастурларининг илк кашфиётчи ва амалиётчиларидан саналади, хусусан, бутун дунёда кенг фойдаланиладиган “Виндоус” амалиёт тизими (Windows OS) Билл Гейтснинг “Майкрософт” компаниясига тегишли.

Онам Мириамнинг ухлаб қолганини шундай оҳангда айтдики, бувам билан бувимнинг ташрифидан ҳеч қандай яхшилик кутмаса ҳам бўлишини англагандай бўлди. Ахир улар унга бува ва буви эмас-ку. Ўзининг бува-бувиси бор. Улар ҳам яхши, бизникига келиб туришади, лекин қон торғади, дейишади-ку.

Мен меҳмонхонага кириб гиламга ўтирганда, ҳаммаларининг юзи бирор жиддий нарса содир бўлгандай салобатли эди. Аммо мактабда охириги пайтларда танбех эшитмаётгандим, мусиқа мактабидан уйга ўз вақтида келаётгандим, сўнги марта ошхона столдан ўнталикни ўмарганимдан бери ҳам бир неча ой ўтиб кетди. Шунинг учун уларга бемалол: “Гапиринглар!” дедим.

Бувим отам менга ўлимидан бироз аввал ёзган хатни топиб олишганини тушунтирди. Ичимда бир нарса ачишиб кетди. Отам ўн бир йил аввал вафот этган. Уни эслай олишимга ишончим қомил ҳам эмас ҳатто. “Отамнинг мактуби”, бу – даҳшатли даражада баландпарвоз, ҳатто васиятномадан ҳам улуғворроқ эшитиларди.

Шунда бувимнинг тиззасида қатта конверт ётганини пайқадим, уни менга узатди. Конверт ёпиштирилган, устига биттагина сўз: “Георгга” деб ёзилган эди. Дастхат бувимники, ойимники ёки Йоргенники ҳам эмасди. Мен конвертни очиб, семизгина бир даста қоғозни чиқардим. Сесканиб кетдим, чунки биринчи саҳифанинг тепасига шундай деб ёзилганди:

“Қулайроқ ўтириб ол, Георг. Қулайроқ жойлашиб олишингни истайман, чунки сенга таъсирли бир воқеани айтиб бермоқчиман”.

Бошим айланиб кетди. Бу нимаси? Отамнинг мактуби? Ҳақиқийми?

“Қулайроқ ўтириб ол, Георг”. Отамнинг гулдирак овозини эшитгандай бўлдим, бу видеоёзув эмасди, унинг овозини худди у тирилиб, биз билан меҳмонхонада ўтиргандай эшитдим. Конверт мен очгунча ёпиштирилган ҳолича турган бўлса-да, барибир, катталардан бу хатни ўқишган-ўқишмаганини сўрадим, ҳаммалари бош чайқашди, ҳатто бир сатр ҳам ўқишмаганини айтишди.

– Битта ҳарфини ҳам, – Йоргеннинг овозида бу одамга сира хос бўлмаган ўнғайсизлик сезилди. – Балки ўзинг ўқиб бўлганингдан сўнг бизга хатни ўқишга рухсат берарсан.

Хатда нималар ёзилгани унга жуда қизиқ эди, шекилли. Негадир унинг виждони унчалик тоза бўлмаса керак, деб ўйладим.

Бувим тушдан сўнг машинага ўтириб Ослога ғириллаб келишганини айтди. Унга бир жумбоқ ечилгандай туюлгани учунгина. Бу сирли эшитилади, аммо чиндан ҳам шундай.

Отам касал ётганида, онамга мен улғайганимдан сўнг ўқишим керак бўлган хат ёзаётганини айтган. Аммо улар ҳеч қандай хат топишолмаган, мен эса, аллақачон ўн бешга тўлиб бўлдим.

Бу воқеадаги янгилик шу эдики, бувим қутилмаганда отамнинг бошқа сўзларини ҳам эслаган. У ўшанда менинг қизил пойга машинамни ташлаб юбормасликни буюрган экан. Бувим отамнинг касалхонада ётганда айтганларини сўзма-сўз эслагандай бўлган. “Георгнинг пойга автомобилени ҳеч қачон ташлаб юборманглар, – деган у. – Асло, сизлардан ўтинаман. У сўнги ойларда Георг иккимиз учун жуда қимматли бўлиб қолди. Георг бу автомобилни сақлаб қўйишини истайман. Бир кун унга айтиб беринг. Бу автомобилни нега асраб қўйишни сўраганимни тушуниши учун бир кун айтиб беринг”.

Худди шунинг учун эски пойга автомобилимни ташлаб юборишмаган. Ҳатто Йоргенга ҳам бу ҳақда қаттиқ тайинлашган. Хюмлевейенда бизникига кўчиб келганда, унинг фақат бир нарсага тегишга ҳаққи бўлмаган: қизил пойга автомобилимга. Бу нарсага шунчалик ҳурмат билан қарардики, унинг

кистови билан Мириамга бошқа, янги автомобиль сотиб олишди. Балки унга кўп йиллар отам мени олиб юрган автомобилда қизини олиб юриш ёкмагандир. Лекин у шунчаки пўримроқ автомобиль сотиб олишни истаган бўлиши ҳам мумкин. У модага берилган.

Шундай қилиб, *хат ва пойга автомобили*. Бу жумбоқни ечиш учун бувимга ўн бир йил керак бўлди. Кимдир журъат топиб, омборда сақланаётган эски автомобилмни яхшилаб кўздан кечириши кераклигини энди тушунибди. Адашмабди. Автомобиль шунчаки автомобиль эмас, почта қутиси экан.

Бу воқеага ишонишимни ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмасдим. Ота-оналар, бувалар ва бувилар ҳақиқатни гапираётганини ҳеч қачон билолмайсан, айниқса, бувим айтганидек, “нозик масалалар” да.

Бугун мен учун энг катта жумбоқ шундаки, нима учун ўн бир йил аввал отамнинг эски компютерида нима сақланаётганига қизиқиб кўришга ҳеч кимнинг ақли етмаган? Ахир отам бу хатни ўшанда ёзган-ку! Тўғри, улар компютерни очишга уришиб кўришган, аммо паролни топишга зехнлари етмаган. У кўпи билан саккизта ҳарфдан иборат эди, ўша пайтларда компютерлар шундай эди. Аммо ҳатто онам ҳам паролни тополмаган. Эплай олишмаган. Шунинг учун компютерни чордоққа чиқариб қўя қолишган! (Отамнинг компютерига ҳали яна қайтаман).

Энди отамга ҳам сўз бериш вақти етди. Вақти-вақти билан унинг ҳикоясини изоҳлар билан тўлдириб бораман. Кейин сўнгсўз ёзаман. Шундай қилишим керак, чунки отам узун хатида менга жиддий бир савол берган. Жавобим унинг учун катта аҳамиятга эга.

Мен бир шиша кола билан отамнинг мактубини олиб, хонамга кириб кетдим. Ҳар эҳтимолга қарши эшикни ичкаридан қулфлаб қўйганимда, ойим эътироз билдирди, лекин кўп ўтмай қаршилиқ қилиш бефойдалигини тушунди.

Ўлган одамнинг хатини ўқишда қандайдир сирлилик, айтиш мумкинки, эъзозли нимадир бор, шу боис ҳамма яқинларим атрофимда айланиб юришларига йўл қўёлмасдим. Нима бўлганда ҳам, бу ўн бир йил аввал вафот этган отамнинг мактуби эди. Ёлғизлик менга жуда зарур эди. Бу узун кўлёмани қўлда ушлаб туриш ғалати, мен худди отам билан бирга тушган, ҳали ўзим кўрмаган суратларим йиғилган янги альбом топиб олгандек эдим. Дераза ортида қор бўралаб ёғарди. Қор мен мусиқа мактабидан уйга қайтаётганимда ёға бошлаганди. Аммо, менимча, бу қор эриб кетади. Ҳозир ноябрнинг боши-ку.

Каравотга ўтириб, ўқишга киришдим.

“Қулайроқ ўтириб ол, Георг. Қулайроқ жойлашиб олишингни истаймман, чунки сенга таъсирли бир воқеани айтиб бермоқчимман. Балки сен аллақачон сариқ чармли диванда бемалол жойлашиб ўтириб олгандирсан? Агар албатта уни янғисига алмаштирамаган бўлмасанлар, лекин мен буни била олмайман. Худди шу сингари сени қишқи боздаги ўзинг яхши кўрган эски тебранма курсида тасаввур қилишим мумкин. Ёки ҳозир айвонда ўтирибсанми? Ахир мен ҳозир йилнинг қайси фасли эканини билмайман. Балки сизлар Хюмлевейенда яшамаётгандирсизлар?”

Ким билсин?

Мен ҳеч нимани билмайман. Норвегиянинг бош вазири ҳозир ким? БМТ бош котибининг исми нима? Ва яна: Хаббл телескопи бўйича ишлар қандай кетяпти? У ҳақда бирор нима биласанми? Эҳтимол, астрономлар Коинотимиз тузилишига оид янги нарса топишгандир?”

Келажакни тасаввур қилишга кўп урундим, лекин бирор марта сенинг тахминий қиёфангни, сенинг давринг образини кўз олдимга келтира олмадим. Мен фақат сенинг кимлигингни биламан. Аммо буни ўқиган пайтинг ёшинг

нечада бўлишини билмайман. Ўн икки, ўн тўрт? Ахир мен, сенинг отанг, аллақачон тириклар орасидан кетганман.

Ростини айтганда, мен ўзимни ҳозирданоқ арвоҳдай ҳис қиляпман, ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда, бўғилиб кетяпман. Арвоҳлар нега шамолнинг увиллашига тақлид қилиб гувиллаши ва увлашини тушуна бошладим. Ўз авлодларини қўрқитиши учун эмас. Шунчаки ўзлари яшаган даврдан бошқа ҳар қандай даврда нафас олиши уларга оғир. Бизга ҳаётда маълум жойгина берилиб қолмаган, бизга маълум вақт ҳам берилган.

Ишлар шунақа, менинг асосим фақат ўзим яшаётган даврда бўлиши мумкин. Ҳозир 1990 йилнинг августи.

Бугун – мен буни ўқийдиган вақтингни назарда тутяпман – уч ярим ёшлигингда ёзнинг илиқ ойларида бирга ўтказган дамларимизнинг барини унутган бўлсанг керак. Лекин замон ҳамон бизга тегишли ва биз ҳали кўп ёқимли дамларни бирга ўтказамиз.

Сенга сўнги кунларда кўп ўйлаган нарсамни ошкор қилмоқчиман: бирга ўтказилган ҳар бир кун, иккаламизни қизиқтирган ҳар бир майда-чуйда мени эслаб қолишингга ёрдам беради. Энди мен кунлар ва ҳафталарни санай бошладим. Яқшианба кuni сен билан Трюваннсторнет кузатув майдончасида ярим қиролликни томоша қилгандик, кўз олдимизда Швецияга қадар кенгликлар намоён бўлганди. Онанг ҳам биз билан, учовимиз бирга эдик. Аммо ўша кун сенинг эсингдамикан?

Агар эслолмасанг, эслашга уриниб кўр, Георг. Илтимос, уриниб кўр, ахир буларнинг бари сенинг қаерингдадир сақланяпти-ку.

Катта темир йўлингни эслай оласанми? Сен ҳали у билан узоқ ўйнайсан. Мен полга қараяпман. Шу дақиқада рельслар, поезд, паромлар холлнинг ҳар ерида сен қандай қолдирган бўлсанг, шундайича ёйилиб ётибди. Богчага кеч қолмаслик учун сени ўйиндан ажратиб олишга тўғри келди. Аммо қўлларинг ҳамон шу йўл қисмларига тегиниб турибди. Мен бирорта рельсни суришга ботинолмайман.

Биз яқшианба кунлари турли ўйинлар ўйнайдиган компьютер-чи? Компьютер янгилигида менинг хонамда турарди, лекин ўтган ҳафта уни холлга қўйдик. Энди менга сенинг нарсаларинг ёнида бўлиши ёқимли. Оқшомлари сен ҳам онанг билан шу ерда ўтирасан. Буванг билан бувинг аввалгидан кўпроқ келиб туришибди. Бу яхши.

Уч гилдиракли яшил велосипед-чи? Буткул янги, чиганоқлар сепилган йўлакда турибди. Агар уни эсласанг, демак, у мен тасаввур қилгандек, эскириб, яроқсиз ҳолга келиб, гаражда ёки асбоблар омборхонасида сақланаётган бўлса керак. Ёки унинг кuni эски бозорда битдимми?

Қизил пойга автомобилига нима бўлди, Георг? Ҳа, **унга** нима бўлди?

Согнсванн кўли бўйлаб қилган сайрларимиздан хотираларинг қолган бўлиши керак-ку? Фьелльстёлендаги уйимизга борганларимиз-чи? Сен билан уч марта кетма-кет пасхага ўша ёққа бордик. Аммо сенга бошқа савол беришга ботинмайман, рост, ботинмайман, ахир сен меники ҳам бўлган ўша замон ҳақида ҳеч нарса эслолмаслигинг мумкин. Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолсин.

Сенга бир воқеани айтиб беришни ваъда қилдим, аммо сеҳрли чўпнинг ишораси билан тўғри оҳангни тополмайсан. Мен ўзим яхши биладан деб ўйлаган болакайга мурोजаат қилиб адашиб бўлдим. Лекин бу сатрлар сенга етиб борганда, сен болакай бўлмайсан-ку. Тилла ранг жингалак сочли болажон бўлмайсан.

Қари кампирлардай “с-с”лаб гапирётганимни ўзим эшитяпман, бу

аҳмоқлик, ахир мен ўзим кўрмаган ва юракдан гаплашолмаган катта Георгга мурожаат қиляпман-ку.

Соатга қараяпман. Сени боғчага олиб бориб, уйга қайтганимдан бери атиги бир соат ўтди.

Сой ёнидан ўтиб кетаётганимизда, сувга чўп ёки тош ташлаш учун ҳар доим автомобилдан тушасан. Бир куни ўша ерда газ сувдан бўшаган елим идишини топиб, уни ҳам сувга улоқтирдим. Сени тўхтатмадим. Энди сенга истаган деярли ҳамма нарсангни қилишга рухсат бериляпти. Баъзан боғчада мен билан хайрлаишини ҳам унутиб, гуруҳингга югуриб кириб кетасан. Гўё вақт мени эмас, сени сиқиб бораётгандай. Ғалати ўй. Бутун ҳаёти олдинда бўлган болалардан кўра кексаларнинг вақти кўпроққа ўхшайди.

Мен, албатта, унчалик қари эмасман, бу билан мақтанолмайман, ўзимга ёши йигит, нари борса, ёши отадай кўринаман. Шундай бўлса-да, энг катта орзум – вақтни тўхтатиши. Бу кунлар абадий чўзилишига қариши бўлмасдим. Оқшомлар ва кечалар ўз навбатида ўтаверсин, чунки суткалар сутка-да, уларнинг мароми бор, аммо эртанги кун ўтган кундан бошланиши керак. Менда кўрган ва ҳис қилганларимдан ортигини кўриши ва ҳис қилиши истаги йўқ энди. Фақат боримни тутиб қолгим келяпти жуда. Лекин ўғрилар кўринишиди, Георг. Бу чақирилмаган меҳмонлар менинг ҳаётимни кучларимни ўғирлай бошлади. Шармандалар!

Шу кунларда сени боғчага олиб бориши айниқса ёқимли ва айниқса оғир. Чунки ҳаракат қилишим ва пойга автомобилдан сени олиб юришим осон бўлса-да, танам тўзалмас дардга чалинганини биламан.

Касални дарров ётқизадиган шафқатли касалликлар бор. Ёвуз касаллик одамни ҳолдан тойдириб, тўшаққа михлаш учун кўп вақт керак бўлади, одатда. Балки сен менинг шифокор бўлганимни эслолмассан, лекин ишончим комилки, онанг сенга мен ҳақимда гапирган. Ҳозир шифохонадаги ишимдан озодман, лекин нима ҳақида гапирётганимни биламан. Мен энгил касаллар қаторига кирмайман.

Шундай қилиб, бизнинг арифметик мисолимизда ёки сўнги учрашувимизда иккита замон бор. Ҳар биримиз ўз чўққимизда туриб, бир-биримизни яхшироқ кўришига уринаётгандекмиз. Бизни унутила бошлаган водий ажратиб турибди, сен ҳаёт йўлингда уни ортингда қолдириб кетгансан, бу йўлни менсиз босиб ўтгансан. Шундай бўлса-да, ҳозирги – мен бунга ёзаётган, сен боғчада бўлган замонни ҳам, бу сатрларни ўқийдиган фақат сенинг замонингни ҳам ушлаб туришига ҳаракат қиламан.

Тушун, бу хатни ёзаётганимда, мангуга ташлаб кетаётган ўғлимга ёзаётганимда, ичим ёниб кетяпти, сенга ҳам уни ўқиши қийин бўлади. Аммо сен улгайдинг. Мен бу сатрларни ёзишига қодир эканман, сенда ҳам уларни ўқишига жасорат топилади.

Кўряпсанми, мен яқинда ҳаммаси – қуёш, ой ва умуман, ҳамма нарсдан айрилишимни англаб турибман, ваҳоланки, энг оғири – онангдан ва сендан айрилиши. Ҳақиқат шундай, у куйдиради.

Сенга жуда муҳим савол бермоқчиман, шунинг учун ҳам буларнинг барини ёзаяпман. Аммо уни беришдан аввал сенга Апельсин қиз ҳақида таъсирли бир воқеани ҳикоя қилишим керак. Бугун, яъни бу сатрларни ёзаётганимда, бу воқеани тушунишига сен жуда кичкиналик қиласан. Яхшиси, бу менинг сенга камтарона меросим бўла қолсин. Ҳаётингда бошқа кунни кутиб ёта турсин.

Энди ўша кун келди”.

Шу ергача келгач, кўлёмзадан бош кўтардим. Отамни эслашга кўп уринганман, ҳозир ҳам яна бир марта уриниб кўрдим. У мендан шуни сўраганиди.

Аммо эсимда қолгандек туюлган ҳамма нарсани видео ва суратларда кўргандим.

Болалигимда катта темир йўлим бўлгани эсимда, аммо бу отамни эслашимга ёрдам бермади. Уч ғилдиракли яшил велосипед ҳамон гаражда турибди, уни ҳам болалигимдан бери эслайман, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Қизил пойга автомобилим ҳам асбоблар омборхонасида турарди ва турибди. Аммо мен Согнсванн кўли ёнидаги сайрларни эслолмайман. Отам билан Трюванн-сторнетдаги кузатув майдончасига кўтарилганимизни ҳам эслолмайман. У ерга кўп марта чикқанман, лекин отам билан эмас, онам ва Йорген билан. Бир марта у ерда фақат Йорген билан бўлганман. Ўшанда Мириам туғилган, онам туғруқхонада ётганди.

Албатта, Фьелльстёлендаги уйимизда бўлганимиз ҳақида хотираларим кўп. Лекин бу хотираларда отам йўқ. Уларда фақат онам, Йорген ва кичкина Мириам бор. У ерда дала ҳовлимиз кундалиги бўлиб, отам ўлимига қадар ёзган ҳамма нарсани кўп марта ўқиганман. Унинг ёзганлари эсимдами ёки бунини ўша кундалиқдан билиб олганманми, айтиш қийин. Видеотасмалар ҳам, эски фотосуратлар билан ҳам худди шундай. “Пасхага Георг билан қордан фонуслари бор улкан қорли уй ясадик”. Албатта, мен бу ёзувларнинг ҳаммасини ўқиганман, кўпини ёддан билардим ҳам. Лекин уларда айтилган воқеаларда ўзим ҳам иштирок этганимни умуман эслолмайман. Ахир отам билан ўша қорли фонуслари бор улкан қорли уйни қурганимизда, мен атиги икки ярим ёшда бўлганман. Бизда ўша уйнинг сурати ҳам сақланиб қолган, лекин у шунчалик хираки, фақат фонусчалари кўриниб турибди.

Мен энди ўқий бошлаган узун хатида отам мендан яна бир нарсани сўрабди:

“Дарвоқе, Георг, Хаббл телескопи ишлари қандай? У ҳақда бирор нарсани биласанми? Балки астрономлар Коинотимиз тузилишига оид бирор янгиликни аниқлашгандир?”

Бу сатрларни ўқиганимда, этим жимирлаб кетди: ахир мен яқиндагина ўша катта космик телескоп ёки инглизча атайдиган бўлсак, Hubble Space Telescope¹ ҳақида иншо ёздим. Бошқа ўқувчилар “Spice girls”² ёки Роальд Даль³ ҳақида ёзишди. Мен эса, кутубхонани титкилаб, у ердан Хаббл телескопи ҳақидаги бор маълумотни топиб, иншомни унга бағишладим. Уни яқиндагина ўқитувчимга топширдим, у эса дафтаримга “бундай мураккаб мавзуга етук, ақл билан ва асосли ёндашганим”дан хурсандлигини ёзди. Менимча, ҳаётда шу баҳодан бошқа ҳеч нарсани билан бунчалик фахрланмаганман. Хулосанинг энг бошида ўқитувчим чиройли қилиб қайд этиб қўйибди: “Ҳаваскор астроном учун гулдаста!” У ҳатто ўша гулдастани ҳам чизиб қўйибди.

Балки отам кароматгўй бўлгандир? Ёки у шунчаки тасодифан мен иншо ёзганимдан сўнг Хаббл телескопи ишлари қандай кетаётганини сўраганми? Ёки отамнинг хати ҳақиқиймасми? Балки у тирикдир, ўлмагандир? Елкамдан муздек ел югуриб ўтгандай бўлди.

Узоқ ўйланиб ўтирдим. Хаббл телескопи “Дискавери-25” фазо кемасида ер орбитасига 1990 йил апрелида чиқарилганди. Отам худди ўша йил касалга чалинган – пасха таътилидан кўп ўтмай. Бунини ҳар доим билганман. Фақат у Хаббл орбитага чиқарилганда касал бўлиб қолгани ҳақида ўйламагандим. Отам ҳатто “Дискавери” бортида Хаббл билан Канаверал

¹ Хаббл телескопи (Hubble Space Telescope) – НАСА ва Европа космик агентлиги ҳамкорлигида Ер орбитасига учирилган космик телескоп. Унга америкалик олим, космосни ўрганиш ишига катта ҳисса қўшган Эдвин Хаббл номи берилган.

² “Spice girls” – инглиз эстрада гуруҳи (Буюк Британия).

³ Роальд Даль – таниқли инглиз ёзувчиси.

бурнидан чиқарилган кунда, ҳатто ўша соат, ўша дақиқада касалидан воқиф бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Унда телескоп ишлари қандай кетаётганини билишга қизиқаётгани тушунарли. Ҳеч қанча ўтмай телескопнинг бош ойнасида жиддий нуқсон борлиги маълум бўлди. Отам бу нуқсон “Индевер” фазо кемаси астронавтилари томонидан 1993 йил декабрда бартараф қилинганини билиши мумкин эмасди. 1997 йилда телескопнинг ичига монтаж қилинган кўшимча ажойиб курилма ҳақида билмаслиги тайин эди. Отам Хаббл телескопи ёрдамида Коинотнинг энг аниқ ва батафсил суратлари ишланганини билишга улгурмай вафот этди. Уларнинг кўпини мен интернетдан топиб, изоҳлар билан бирга иншомга кўшдим. Энг ёққан суратларни хонамга осиб кўйдим, масалан, бизнинг Куёш системамиздан 8000 ёруғлик йили нарида жойлашган улкан юлдуз Эт Килнинг ғаройиб даражада равшан суратини. Бу Сомон йўлининг энг катта юлдузларидан бири, яқинда у янгитдан чакнаб, нейтрон юлдузга ёки қора туйнукка айланади. Менга яна Бургут туманлигидаги (уни М 16 ҳам дейишади) улкан газ ва тутун булутларнинг суратлари ҳам ёқади. У ерда янги юлдузлар пайдо бўлади!

Бугун биз коинот, шунингдек, Хаббл телескопи ҳақида 1990 йилдагидан кўпроқ нарса биламиз. Галактикамиздан кўплаб миллион ёруғлик йилидан узоқда жойлашган галактикалар ва юлдузли туманликларнинг минглаб суратлари ишланди. Бундан ташқари, коинот ўтмишининг ўта ноёб суратлари ишланди. Бу биров ишончсиз эшитилади, лекин коинотга тикилиш ўтмишга қарашдай гап. Ёруғлик секундига 300 000 километр тезликда ҳаракат қилади, шунга қарамай, узоқ галактикалар ёруғлиги бизга қадар етиб келишига миллиард ёруғлик йиллари керак, чунки коинот – бесарҳад. Хаббл телескопи биздан ўн икки миллиард ёруғлик йилидан ҳам узоқроқда жойлашган галактикаларнинг суратини ишлади, бу эса унинг коинот тарихида ўн икки миллиард йилдан ҳам узоқроққа назар солганини билдиради. Буни тасаввур қилиш қийин, лекин ўшанда коинотнинг ёши миллиарддан ҳам кичик бўлган... Мен бу нарсалар ҳақида унча-мунча биламан, шунинг учун ҳам бу ҳақда ёзяман. Фақат меъёрни билиш, жуда берилиб кетиш керак эмас. Мен ўқитувчимга топширган иншо қирқ етти саҳифадан иборат эди!

Отам фазо телескопи ҳақида менга қандайдир сирли ниятда ёзганга ўхшайди. Мен ҳар доим фазо тадқиқотига қизиққанман, эҳтимол, сайёрамизнинг юзасида бўлаётган ишлардан кўз уза олиш қобилияти қисман отамдан мерос қолгандир. Тўғри, мен “Аполлон” дастури ва Ойга чиққан биринчи одамлар ҳақида ҳам худди шундай яхши иншо ёзишим мумкин эди. Ёки галактикалар ва қора туйнуклар ҳақида, ҳатто қора туйнукли галактикалар ҳақида ҳам, чунки мен улар тўғрисида кўп нарсани биламан. Мен тўққизта сайёрали Куёш системаси ва Юпитер ҳамда Марс орасидаги астероидлар катта минтақаси ҳақида ҳам ёзишим мумкин эди. Ёки Гавайидаги улкан телескоплар ҳақида. Аммо мен Хаббл телескопи ҳақида ёзишни маъқул кўрдим. Отам буни қандай қаромат қилганини биларми?

У БМТнинг бош котиби ҳақида сўраганда, тушунишим осонроқ бўларди. Чунки унинг туғилган куни 24 октябрда эди, БМТ кунига тўғри келади. Нима бўлганда ҳам, БМТнинг бош котиби ҳозир Кофи Аннан. Норвегия бош вазири эса Кьелль Магне Бундевик. У яқинда бу лавозимда бўлган Енс Столтенбергнинг ўрнига ўтирди. Мен ўтириб ўйларканман, ойим эшикни тақиллатиб ишларим қандайлигини сўради. “Халал берманг”, дедим мен. Ҳозирча атиги тўрт саҳифани ўқишга улгурдим.

Қани, ота, ҳикоя қилаверинг, дедим ўзимча. Апельсин қиз ҳақида ҳикоя

килинг. Дикқатимни жам қилдим. Чунки сизнинг ҳикоянгизни ўқийдиган кун ва соат етиб келди.

“Апельсин қиз воқеаси мен Миллий театр қаршисида трамвай кутиб турган оқишлардан бирида бошланди.

70-йиллар охирининг кеч кузи эди.

Эсимда, мен тик турганча ўрганишни бошлаганим – тиббиёт ҳақида ўйлардим. Бир кун ҳақиқий шифокор бўлиб, ҳузуримга келиб, тақдирини шио-ниб топирадиган ҳақиқий беморларни қабул қила бошлашимни тасаввур қилишим қийин эди. Мен катта ёзув столи ёнида оқ халатда ўтираман ва: “Сиз қон таҳлили топиришингиз керак, фру¹ Йенсен”, дейман. Ёки: “Бунинг бошланганига анча бўлдимиз?”

Ниҳоят, трамвай кўринди, уни узоқдан кўрдим, у аввалига Стуртинген ёнидан ўтиб, Стуртингсгатен бўйлаб кетди. Кейинчалик мени ўшанда қаёққа кетаётганимни эслолмаслигим анчагача таъвишига солиб юрди. Лекин нима бўлганда ҳам, кўп ўтмай Фрогнерга кетаётган кўк трамвайга ўтирдим, одам кўп эди.

Биринчи бўлиб ўтиши жойида гарқ пишиган апельсинларга тўла каттакон қоғоз пакет кўтариб олган аломат қизга эътибор бердим. У эски олов ранг анорак² кийиб олганди, ўзимча у маҳкам қисиб кўтариб турган каттакон ва оғир пакетини ҳар дақиқада тушириб юбориши мумкин, деб ўйладим. Шундай бўлса-да, биринчи бўлиб эътиборимни пакет эмас, қизнинг ўзи тортди. Шу заҳотиёқ унинг бошиқаларга ўхшамаслигини тушундим, унда таърифлаб бўлмайдиган сирли ва жозибали нимадир бор эди.

Унинг менга қараганини ва гўё трамвайга чиққан йўловчилар орасидан ажратиб олганини сездим. Бунга бир лаҳза кетди, гўё бир-биримиз билан махфий иттифоқ туздик. Чиқишига улгурмасимдан унинг қатъий нигоҳи бутун эътиборимни эгаллаб олди, назаримда, биринчи бўлиб мен кўзимни олиб қочдим, чунки ўша пайтда жуда уятчан эдим. Лекин шу қисқа сафар пайтида энди бу қизни ҳеч қачон унутолмаслигимни аниқ ҳис этдим. Унинг кимлигини билмасдим, исмини ҳам билмасдим, аммо шу биринчи дақиқаданоқ у менинг устимдан чексиз ҳукронликка эга бўлди.

Қиз мендан бир қаричча паст, қора сочлари узун, кўзлари жигар ранг, ёши ҳам меникидай ўн тўққизларда эди. У менга қараб бош ирғагандай бўлди, лекин бош қимирлатгани йўқ, истеҳзоли ва мазахомуз кулиб қўйди, гўё биз танишидай ёки – шундай дейишдан кўрқмайман – қачондир, анча аввал иккимизнинг ҳаётимиз бир бўлгандай. Унинг қора кўзларида шу маънони уққандай бўлдим.

Қизнинг табассумидан ёноқларида қулғичи ўйнаб кетди, аммо уни олмахонга ўхшатганим сабаби бу эмас, ҳар қалай, у худди шундай чиройли эди. Бир замонлар иккимизнинг ҳаётимиз чиндан ҳам бир бўлган бўлса, демак, ўша дарахтда иккита олмахон бўлган, шу сирли Апельсин қиз билан олмахон ўйинлари ҳақидаги ўй кўнглимга ёқиб кетди.

Бироқ нега у истеҳзоли, деярли масхаромуз илжайяпти? Ўзи чиндан ҳам менга илжайяптими ёки менга мутлақо алоқаси бўлмаган, эсига келган бирор нарсага, ёқимли хаёлларигами? Эҳтимол, у менинг устимдан кулаётгандир? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриши керак эди. Лекин, менимча, ташқи кўринишимда ҳеч қандай қулғили нарса йўқ, кўринишим ҳар доимгидек жойида эди, қорнига қисган апельсин тўла каттакон пакет билан мендан кўра у қулғили туюлиши мумкин эди. Ҳа-ҳа, ҳойнаҳой, шундан кулаётган бўлса

¹ Фру (швед. fru) – Скандинавия мамлакатларида аёлларга мурожаатда “хоним” маъносига қўлланилувчи сўз.

² Анорак – енгил устки кийим, куртка. Анорак саёҳатчилар ва альпинистларга айниқса асқатади.

керак, ўзининг кўринишидан. Ҳойнаҳой, ўзининг устидан қулишига мойил бўлса керак. Бундай ноёб хислат ҳаммада ҳам йўқ. Мен нигоҳимни яна унга тикишига ботинолмасдим. Кўзларимни апельсинли катта пакетдан узолмасдим. Ҳозир уни тушириб юборади, деб ўйладим мен. Ишиқилиб, бундай бўлмасин-да. Афсуски, худди шундай бўлди.

Пакетдаги апельсин беш килодан кам эмасди, балки ундан кўпроқдир ҳам. Трамвай Драмменсвейендан судралиб кетяпти. Шу манзарани тасаввур қилишига уриниб кўр. У чайқалиб, тебраниб боради, Америка элчихонаси олдидан тўхтайтиди, Солли плассда тўхтайтиди, кейин бу ерда, Фрогнервейенда мен кўрққан воқеа юз беради.

Трамвай қутилмаганда эгилди, ҳар қалай, менга шундай туюлди. Апельсин қиз мувозанатини йўқотаёзди, мен эса апельсинларга тўла катта пакетни асраб қолишим кераклигини тушунаман. Ҳозир... ҳозирнинг ўзида!

Афтдан, ўшандаёқ машғум хатога йўл қўйган бўлсам керак. Бунинг қандайлигини тасаввур қилиб кўр: мен тез қўлимни чўзиб, бир қўлим билан наstdан жигар ранг қоғоз пакетни ушлаб оламан, бошиқаси билан қизнинг белидан қучаман. Нима деб ўйлайсан, кейин нима бўлди? Табиийки, олов ранг аноракли қиз апельсинли пакетни қўлидан тушириб юборди, балки ундан рашиқ қилиб, ўз йўлимдан олиб ташламоқчи бўлганим учун уни қизнинг маҳкам қучоқларидан мен суриб чиқаргандирман. Оқибати аянчли бўлди, чунки ўттиз ёки қирқта апельсин йўловчиларнинг тиззасига сочилиб, бутун трамвайга юмалаб кетди. Ҳаётимда жуда кўп аҳмоқликлар қилганман, лекин бу ҳаммасидан ҳам ошиб тушди, бундай шармандаликни бошиқа ҳеч қачон ҳис қилмаганман.

Лекин мен апельсинлар ҳақида ҳаддан ортиқ ёзмайманмикан, яхши-си, яна бироз трамвайда думалаб туришсин, чунки трамвай воқеасида асосийси улар эмас. Қиз дарров менга ўғирилди, у энди жилмаймасди. Аввал у хафа бўлгандек бўлди, ҳар қалай, юзи бироз тундлашди. У нима ҳақда ўйлаганини билмайман, қаердан билай ахир, аммо ҳозир йиғлаб юборадигандек эди. Гўё бу пакетдаги ҳар бир апельсин унинг учун ўзгача аҳамиятга эгадек. Тушуняпсанми, Георг, менга уларнинг ҳар бири жуда муҳимдек туюлди. Бу узоқ давом этмади, зум ўтмай у ранжиб менга қаради ва айбимни яққол англади. Ҳа, мен унинг ҳаётини синдирдим, ўзимникини айтмасам ҳам бўлади. Ўз келажакимни барбод қилдим.

Афсус, сен у ерда эмасдинг, бўлмаса, мени қутқарардинг, бирон кулли гап айтардинг. Бу эса вазиятни юмшатарди. Аммо у пайтда менинг қўлимда ҳали боланинг жажжжи қўли йўқ эди, бу сен тугилишингдан анча аввал юз берганди.

Мен қаттиқ хижолат чекиб, тиз чўкиб ифлос этик ва ботинкалар орасидан апельсинларни тера бошладим, лекин жуда озгинасини йиғиб улгурдим. Пакет йиртилиб кетди, энди ҳеч нимага ярамаслигини дарров тушундим.

Ёш қиз қаршисида юз тубан ётганимни, кўчма маънода эмас, айнан юз тубан тушиб ётганимни сезгач, мени аччиқ завқ эгаллаб олди. Энг кўнгилчан йўловчилар кула бошлашди, асабийлашиб юзини буриштирганлар ҳам етарли эди, трамвай одамга лиқ тўла эди. Юз берган воқеага гувоҳ бўлганлар бунда мени айбдор деб ҳисоблаётганлари аён бўлди, ваҳоланки, менинг ҳаракатим аслида апельсинларни асраб қолиш учун қилинаётган ноўрин эзгулик эди. Ўша машғум трамвай ҳақида хотирамда қолган энг охирги ҳолат: апельсин тўла қўлларим билан – иккитасини шимимнинг чўнтагига солгандим – олов ранг аноракли қиз қаршисида

турибман, у эса кўзимга тик қараб, “Эҳ сен бадбахт ниссе¹!” деяпти.

Бу очиқ таъна эди, кейин унинг қулгиси қистаб, ярим истехзо, ярим муроса оҳангида: “Балки ҳеч бўлмаса биттасини менга берарсан?” – деди.

“Кечирасан, – дея олдим мен фақат. – Кечирасан!”

Трамвай Фрогнердаги Мёлльхаусен қандолатхонаси ёнида тўхтади, эшиклар очилди, мен деярли самовийдек кўринаётган Апельсин қизга саросима билан бош ирғадим, у эса қўлимдан битта апельсинни шарт олиб, худди эртақдаги пари каби кўчада зойиб бўлди.

“Балки, ҳеч бўлмаса биттасини менга берарсан?” Георг! Лекин булар унинг апельсинлари эди-ку, иккитасини мен чўнтагимга солдим, қолганлари эса трамвайда думалаб кетди.

Энди мен апельсинларни, устига-устак, бировнинг апельсинларини қучоқлаб кўксимга босиб турардим. “Ярамас апельсин ўғриси!” – йўловчилардан кимдир мен ҳақимда ёқимсиз гап айтишидан ўзини тиёлмади; ўша пайтда нима ҳақда ўйлаганим эсимда йўқ, лекин кейинги бекатда трамвайдан сакраб тушиб қолдим. Фрогнер плассда.

Хаёлимни фақат бир ўй эгаллаб олганди: бу апельсинлардан тезроқ қутулиши керак! Мен уларни тушириб юбормаслик учун худди дорбоздек мувозанатни сақлашга уринардим, барибир биттаси тушиб кетиб, тош йўлдан думалаб кетди, мен эса, табиийки, эгилиб уни ололмасдим.

Кўп ўтмай балиқ дўкони ёнида, сен Фрогнер плассдаги бу дўконни билсанг керак, болалар аравачасини итариб кетаётган аёлни кўриб қолдим (Лекин ким билсин, бу дўкон ҳали ҳам мавжудмикан?) Мен аста унга яқинлашдим ва аравача ёнидан ўтаётганда, эпчиллик қилиб ҳамма апельсинларни, жумладан, чўнтагимдаги икки донани ҳам пушти болалар пар жилди устига ташладим, бунга икки сония кифоя қилди.

Ўша аёлнинг юзидаги ифодани кўрганимда эди, Георг! Нимадир дейиши кераклигини тушунардим, шунинг учун боласига бераётган камтарона ҳадямни қабул қилишини сўрадим, ахир ҳозир кузнинг охири, болалар С витаминини етарлича истеъмол қилиши жуда муҳим, чунки мен тиббиётни ўрганипман, деб қўшиб қўйдим.

У, шубҳасиз, менинг ҳадямни кўрслик деб ҳисоблади, балки мени маст деб ўйлагандир, ҳар қалай, менинг тиббиётчи-талаба эканлигимга шионмагани аниқ, лекин мен Фрогнервейендан оёғи куйган товўқдай югуриб борардим. Яна хаёлимда фақат битта ўй айланарди: Апельсин қизни топиши керак. Мен уни иложи борича тезроқ топиб, узр сўрашим лозим.

Шаҳарнинг бу қисми сенга қанчалик яхши таниши, билмадим, лекин мен ҳадемай паровоздагидек оғир нафас олиб, Фрогнервейен, Фредрик Стансгат, Элисенбергвейен ва Лёвенишолдсгат чорраҳасига, сирли қиз қўлида бир донагина апельсин билан трамвайдан тушган жойга чиқдим. Худди шу сингари Франция пойтахтидаги Этуаль майдонида ҳам бўлишим мумкин эди, бу ерда тўғри йўлни танлашга имкониятим у ердагига қараганда кўпроқ эмасди, Апельсин қиз эса зойиб бўлганди, худди ҳавога сингиб кетгандек.

Ўша оқшом Фрогнер бўйлаб анча кезиб юрдим, Брискебюдаги ўт ўчириши депосига ҳам, Қизил Хочнинг эски касалхонасига ҳам бордим ва ҳар гал олов ранг аноракка ўхшаган нарсани кўрганимда, юрагим орзиқиб кетаётганини ҳис қилдим, лекин мен излаган қиз ер остига кириб кетгандек эди.

Бир неча соатдан сўнг мени шундай кўпол ҳақорат қилган қиз Элисенбергвейеннинг қаеридадир дераза ёнида ўтириб, ёш талабанинг худди ўз

¹ Ниссе – Норвегия фольклори қахрамони. У одамларга яқин жойда яшайди, одатда, ўзи яшайдиган уй эгаларига ёрдам беради, лекин кўпинча шўхлик ҳам қилиб туради.

маликасини ҳеч топа олмаётган бирон компьютер ўйини қаҳрамонидек у ердан-бу ёққа саросимада югургилаб юргандини зимдан кузатаётгандир деган ўй хаёлимга келди. Қаҳрамоннинг истаги кучли, бироқ маликасини излаб тополмайди. Ўйин худди компьютерда қотиб қолгандек. Бир гал чиқит қутисидан янги апельсин пўчоғини кўриб қолдим. Уни олиб ҳидлаб кўрдим, агар бу ерга уни чиндан ҳам Апельсин қиз ташлаган бўлса, бу унинг охирги изи эди.

Шундай ўйлардим: ҳойнаҳой, Апельсин қиз чангида Гренландия ёки ҳеч бўлмаганда Хардангервидни кесиб ўтмоқчи, ўшанда муз саҳрода лавишадан ўлмаслик учун ит қўшилган чанага саккиз-ўн килограмм апельсин солиб олиши асло аҳмоқлик бўлмайди.

Мен яна тасаввуримга зўр бердим: ахир “анорак” эскимосча сўз, шекилли? Албатта, бу қиз Гренландияга бормоқчи! Лекин энди бу экспедиция нима бўлади? Сирли қизнинг яна апельсин сотиб олишига пули бўлмаслиги мумкин, ахир у шунча маҳсулотини йўқотганидан йиғлаб юбораёзди-ку, шунинг учун у жуда гариб бўлса керак деб ўйлаб қолдим.

Бироқ бошқа тахминлар ҳам бор эди. Буни тан олиши учун ўзимни қўлга олишимга тўғри келди. Балки Апельсин қизнинг оиласи каттадир? Ҳа, шундай бўлиши мумкин, унинг оғир касалга қарамаётганига, Қизил Хоч касалхонаси тўғрисида бир хужрани ижарага олмаганига ким кафолат беради, қолаверса, жуда кўпчиликдан иборат оиласи апельсинларни ёқтирмаслигига ким кафил бўла олади? Менинг бу оилани кўргим, ҳаммаларини Фрогнердаги хоналари катта ва кенг, шифти гипсли розеткалари бор эски хонадонлардан бирида катта тушлик столи атрофида кўргим келди, Георг. Ота-онадан ташқари оилада етти фарзанд – Апельсин қизнинг ўзини ҳисобга олмаганда, тўрт сингил ва икки ука бор, у эса меҳрибон ва гамхўр катта опа. Бу фазилятлар унга келажакда асқотиб қолиши мумкин, энди эса, ким билсин, унинг укалари ва сингиллари мактаб нонушталарида яна қачон апельсин ейишаркан.

Ёки – бу ўйдан этим жимирлаб кетди – унинг ўзи кичкина, ундан ва эндигина иқтисодий ва ишлаб чиқаришини ташиқиллаштириши институтини битирган зайратли эрию тўрт ёки беш ойлик қизчасидан иборат оиланинг бекаси бўлиши мумкин. Негалигини билмадим, лекин қизининг исми Райвейг эканига ишончим комил эди.

Шундай бўлиши мумкин, шундай тахминни ҳам ҳисобга олишим керак эди. Фрогнердаги “Балиқ ва қуш” дўкони ёнидан пушти пар жилдда эмизикли гўдакни олиб кетаётган аёл унинг онасимми-йўқми, ким билади? Балки у Апельсин қизга рўзгорда ёрдам берадиган қиздир? Бу ўй ичимни куйдириб ўтди. Гарчи у ҳолда апельсинларнинг ҳеч бўлмаса бир қисми қарашлари олмаҳонникига ўхшаши қизга қайтса ҳам. Дунё бирдан жуда ихчам бўлиб қолди, ҳамма нарса ўз маъносига эга бўлди.

Мен доим аломатларни изоҳлаб, иккига иккини қўйишини, ёки биз, шифокорлар таъбири билан айтганда, ташиқис қўйишини билардим. Дарвоқе, касал бўлиб қолганимда, ўзимга ўзим ташиқис қўйганман. Бу менга бироз таскин беради.

Ҳамкасбим ёнига бориб, мени нима қийнаётганини тушунтирдим. У ёғига у ҳаракат қилди. Ва...

Ана шунақа, Георг. **Шу ерда** бироз танаффус қилишим керак.

Кўп йиллардан олдин бир оқшом юз берган воқеани бунчалик қувноқлик билан гапира олишим балки сени ажаблантирар. Лекин менинг хотирамда бу қизиқ воқеа гўё овозсиз кинодек қолган, уни сен ҳам шундай қабул қилишингни хоҳлардим. Аммо бу шу воқеани ёзаётганимда менга енгил

бўлганини англамайди. Тан олишим керакки, мен ўзимни мутлақ ҳимоясиз ёки, тўғрироғи, батамом самимий айтсам, тасалли тополмагандек ҳис қилардим. Буни яширмайман, лекин бунга эътибор бермайман. Сен ҳеч қачон менинг йиғлаётганимни кўрмайсан, бунга қатъий қарор қилдим, аҳдимда тура оламан деб ўйлайман.

Ойинг ишдан уйга келяпти, ҳозирча эса сен билан уйда ёлғизмиз. Сен полда ўтириб, рангли бўр билан чизяпсан, лекин менга таскин беролмайсан. Ёки ундай эмасми? Балки қачондир кўп йиллардан сўнг, сенга ота бўлмиш инсон ёзган бу хатни ўқиётганингда, у ҳақда илиқ ўйларсан. Бу ўй ҳалитдан кўнглимни кўтараяпти.

Вақт, Георг. Вақт нима?”

Отам ўлимидан бироз вақт олдин мен учун ёзган таъсирли ҳикоядан яна алаҳсишимга тўғри келди. Суратга қарадим – “Мутлақо янги юлдуз. 1987. А”. Бу сурат Хаббл телескопи томонидан тахминан отам ўладиган касал эканини тушунган пайтда туширилган.

Албатта, унга раҳмим келарди. Лекин, менимча, дардини менинг елкамга ортиши унчалик тўғри эмасди. Ахир мен ожиз эдим, ҳеч нима менга боғлиқ эмасди. У ҳозирги эмас, бошқа вақтда яшаган, мен эса ўз ҳаётим билан яшашга мажбурман. Агар ҳамма одамларга мархум оталари ва аждодларининг хатлари ёғилиб кетса, биз ўзимиз истагандек яшай олмаймиз.

Кўзларимга ёш қалқиб чиқди. Лекин ширин кўз ёшлар эмас, агар шунақаси мавжуд бўлса, балки аччиқ, дардли ёшлар, улар юзимдан оқиб тушмас, миж-жамда йиғилиб, куйдирарди.

Онам билан мозорга отамнинг қабрига қараб кўйиш учун борганимизни эсладим. Энди бундай қилолмайман деб ўйладим. Ҳар қалай, мозорга бир ўзим бормайман. Асло.

Баъзида отасиз ўсиш унчалик ҳам оғир эмас. Лекин мархум отанг бирдан сен билан қабрдан туриб гаплаша бошласа, ундан чиндан ҳам ваҳимали. Балки у ўғлини тинч қўйганда яхшироқ бўлармиди? Ахир унинг ўзи менга арвоҳ киёфасида қайтганига ишора қилди-ку.

Кафтларим терлаб кетди. Лекин мен, шубҳасиз, унинг хатини охиригача ўқиб чиқаман. Балки бу хатни келажакка жўнатгани яхшидир ҳам, балки йўқ. Ҳозир бу ҳақда бир нима дейишга жуда эрта.

Барибир, у жуда ғалати, деб ўйладим мен, ҳар қалай, ўн тўққиз ёшда, 70-йилларнинг охирларидаги ўша кузда, менимча, қандайдир қизнинг трамвайда апельсин солинган катта пакет кўтариб кетаётганига бунчалик аҳамият бериши керак эмасди. Қизлар ва йигитларнинг бир-бирига кўз солишининг нимаси ғалати, ўйлашимча, улар Одам ва Ҳаво давридан бир-бирига кўз солишни бошлаган.

Нега шунчаки унга ошиқ бўлиб қолдим деб ёзиб қўя қолмаган? Қиз буни отам унинг апельсинларига ташланмасдан аввалроқ тушунган бўлса керак. У эса қизнинг белидан ҳам кучиб олибди! Балки трамвайда беихтиёр у билан апельсин вальсида айланиш истаги туғилиб қолгандир?

Болалар ошиқ бўлиб қолганда, улар ё уришишади, ё бир-бирининг сочидан тортади. Баъзилар бир-бирига қор отади. Мен ўн тўққиз ёшлилар ақллироқ иш қилади деб ўйлардим.

Лекин мен қиссанинг эндигина бошини ўқидим. Балки, ўша Апельсин қиз билан чиндан ҳам қандайдир сирли воқеа боғлиқдир? Бўлмаса, отам нега у ҳақда ёзади? У касал эди, ҳадемай ўлишини билган. Шу боис ўзи учун, балки мен учун ҳам муҳим бўлган воқеа ҳақида ёзган.

Мен колани ичиб бўлиб, давомини ўқишга тутиндим.

“Яна қачондир Апельсин қизни учратармиканман? Балки учратмасман, балки у мамлакатнинг бошқа қисмида яшар, балки у Ослога озгина вақтга келгандир.

Шаҳарда бўлиб, Фрогнерга кетаётган трамвайни кўрганимда, йўловчилар орасида Апельсин қизни кўриши илинжида ойналарига тикилиб қарардим, бу одатга айланиб қолди. Лекин қанча тикилиб қарамай, уни бирон марта ҳам кўрмадим. Оқишлари Фрогнерда сайр қиладиган бўлдим ва ҳар гал кўчада сариқ ёки олов ранг нарсани кўрганимда, ўйлардим: ниҳоят уни учратдим! Умидларим катта эди, аммо умидсизланишим ҳам кичкина эмасди.

Кунлар ва ҳафталар ўтарди, бир гал душанба кuni тушида Карл Юхан кўчасидаги қаҳвахонага кирдим, университетдаги ўртоқларим билан доим ўша ерга кирардик. Эшикни очиб, залга киришим билан қотиб қолдим, кейин ортга тисарилдим. Залда Апельсин қиз ўтирарди! Илгари уни ҳечам бу қаҳвахонада кўрмагандим, лекин энди у стол ёнида бир финжон чой билан ўтирар ва қандайдир суратли китобни варақларди. Уни гўё кўринмас куч мен қаҳвахонага кириб, яна учрашишимиз учун бу ерга ўтқизиб қўйгандек эди. Эғнида худди ўша эски анорак бор эди, Георг, қулоқ сол, ишонмайсан деб кўрқаман, лекин тиззалари ва кичкина стол ўртасида у чиройли апельсинлар солинган катта қозғоз пакетни ушлаб ўтирарди.

Сесканиб кетдим. Апельсин қизни яна худди ўша олов ранг аноракда қўлида худди ўшандай апельсинли пакет билан кўриши саробга дуч келгандек гап эди. Шу дақиқадан бошлаб мен энди фақат апельсинлар ҳақидагина бош қотирмасдим. Ўзи булар қанақа апельсинлар? Бу олтин апельсин қуёшлар ичундай кўзни олгудек ярқирардики, кўзларимни юмиб олгим келди. Олтинга бунчалик ўхшаш апельсинларни ҳали кўрмагандим. Ҳатто пўсти орасидан ҳам серсувлиги билиниб турарди. Оддий апельсинлар бундай бўлмайди!

Мен сездирмайгина залга ўтиб, ундан беш қадамча наридаги стол ёнига ўтирдим. Шунчаки қизга қараб ўтиргим, у ёғига нима қилишимни ўйлаб олишимдан аввал тушунарсиз ҳолатдан завқлангим келарди.

У мени сизди деб ўйламагандим, лекин у бирдан ўқиётган китобидан бош кўтариб кўзларимга тик боқди. Мени жиноят жойида ушлади деса ҳам бўлади, ахир мен унга тикилиб ўтиргандим. У менга илиқ жилмайди, Георг, унинг табассуми бутун дунёни гарқ қилиши мумкин эди, чунки дунё унинг табассумини кўрганда, сайёрамиздаги ҳамма урушлар ва тўқнашувларни тўхтатишига ўзида куч топарди. Жуда бўлмаганда, узоқ ярашув бўларди.

Бошқа чорам қолмаганди, унинг ёнига боришим керак эди. Оҳиста унинг столи ёнига бориб, бўш стулга ўтирдим. У бунга мутлақо табиий қабул қилди, гарчи унинг нимасидир трамвайдаги ўша воқеадан сўнг мени таниганига ишубха қилдирган бўлса ҳам.

Бир неча сония индамай бир-биримизга қараб ўтирдик. У суҳбат бошлашимизни истамаётгандек эди. У бир дақиқа кўзларимга тикилди, бу гал мен юзимни ўгирмадим. Унинг қорачиқлари титрарди гўё. Кўзлари менга “Мени эслаясанми?” дейётгандек эди. Эки: “Наҳотки мени эслолмаётган бўлсанг?”

Иккаламиздан биримиз гап бошлашимиз керак эди, лекин мен шунчалик хижолатда қолгандимки, фақат у билан ёввойи олмаҳон бўлган ва кичикроқ ўрмонзорда эркинликда яшаган пайтларимизнигина ўйлай олардим. У мендан беркинишни яхши кўрарди, мен уни топиши учун тин билмай дарахтда тепага-пастга югурардим, у эса ўша заҳоти бошқа дарахтга сакраб ўтарди. Шундай, шохдан-шоҳга сакраб, унинг кетидан бутун ўрмондан югуриб юрардим, токи ажойиб кунларнинг бирида ўзим ундан беркиниб

олишини хаёл қилмагунимча. Энди у мени қидириб саросимага тушиб қолди, мен эса дарахтнинг учида ёки эски тўнка орқасида мохлар орасида пусиб, мени қандай бетоқатлик билан қидиришини завқланиб, шу билан бирга мени тополмаса-чи деган хавотир билан кузатардим...

Шу пайт жуда гаройиб воқеа содир бўлди, қадим замонлардаги ўша ёнғоқзорда эмас, Карл Юхан кўчасидаги қаҳвахонада.

Мен қўлимни столга қўйдим, қутилмаганда у қўлини менинг қўлимга қўйди. Китобни апельсинларга тақаб қўйди, у, мен олиб қўйишимдан ёки полга тушириб юборишимдан чўчигандек, апельсинли пакетни ҳамон бошқа қўли билан ушлаб ўтирарди.

Тортинишимдан асар ҳам қолмади. Совуқ куч унинг бармоқларидан меникига ўтаётганини ҳис қилардим. Менга у қандайдир гайритабиий хислатга эгадек, бу хислат тушунарсиз тарзда апельсинлари билан боғлиқдек туюлди.

Жумбоқ, деб ўйлардим мен, ажойиб жумбоқ!

Кўп ўтмай ўртамиздаги жимлик чидаб бўлмас даражага етди, гарчи бу сотқинлик ёки Апельсин қиз учун муҳим қандайдир қоидаларни бузишдек бўлса ҳам, мен бу жимликни буздим. “Сен олмахонсан!” деганимда, биз ҳали ҳам бир-биримизнинг кўзларимизга тикилиб ўтирардик.

Шу сўзларни айтиб улгурмасимдан у енгил тортиб жилмайди ва қўлимни секин сиқиб қўйди. Кейин қўлимни қўйиб, апельсинли пакетни қучоғида тутганча виқор билан ўрнидан турди ва эшикка қараб юриб кетди. Мен унинг кўзларига ёш қалққанини кўрдим.

Гўё фалажланиб қолгандек эдим. Тилдан қолдим. Атиги бир неча сония аввал Апельсин қиз рўпарамда ўтирган, қўлларимдан тутган эди, назаримда, мен ҳали ҳам апельсинларнинг ҳидини сезардим, аммо унинг ўзи энди қаҳвахонада йўқ эди. Агар ўша апельсинлар пакети бўлмаганда, у, эҳтимол, менга қўл силкиб қўярди. Аммо пакет шунчалик катта эдики, иккала қўли билан ушлашга мажбур эди, хайрлашаётиб қўл силкишининг умуман имкони йўқ эди. Аммо у йиғларди.

Мен ҳам унинг ортидан бормадим! Бу ҳам қоидаларни бузиш эди. Мен тамом бўлгандим, мағлуб бўлгандим, ичим тўлиб-тошиб кетганди. Шундай сирли ва ажойиб туйғуни ҳис қилдимки, бу менга бир неча ойга етиши керак эди.

Қолаверса, уни яна кўришимга шубҳа қилмасдим. Бунни қудратли, аммо гаройиб кучлар бошқарарди.

Нотаниш қиз. У бизникидан анча ажойиб эртақдан келган. Лекин у бизнинг ҳаётимизга кира олди. Балки бу ерда унинг муҳим иши бордир, балки унга бизни айримлар “кул ранг борлиқ” деб атайдиган нарсадан сақлаш вазифаси топширилгандир? Шу пайтгача бундай вазифалар ҳақида ҳеч нима эшитмагандим. Мен фақат битта ҳаёт ва битта борлиқ мавжуд деб ўйлардим. Аммо, маълум бўлишича, камида икки хил тоифа одамлар бор экан: апельсин ва бошқалар.

У ҳолда нима учун унинг кўзларида ҳақиқий ёш бор эди? У нега йиғлади?

Балки у башоратчидир, деб ўйлаганим эсимда. Бўлмаса, нега бегона одамни кўрганида кўзига ёш келди? Балки у шунчаки келажакда мени оғир синовлар кутаётганини “кўргандир”?

Бундай нарсалар хаёлимга келганининг ўзи галати. Тасаввурга берилишни ҳар доим яхши кўрган бўлсам ҳам, доим ақлга суяниб ши кўрардим ва шундай бўлиб қолганман.

Қиссамнинг шу жойига келганда, қисқа хулоса қилишга эҳтиёж сезялман. Бунни тез-тез такрорламасликка сўз бераман.

Ёш йигит ва жуда ёш қиз Фрогнерга кетаётган трамвайда бир-бирини ёқтириб қолди. Улар энди бола эмас, лекин ҳали улгайиб улгурмаган, бир-бирини илгари ҳеч кўрмаган. Бир неча дақиқа ўтиб, йигитга қиз ҳозир серсув апельсинли катта пакетни қўлидан тушириб юборадигандек туюлади. У қиз томонга отилади, натижада апельсинлар трамвайга сочилиб кетади. Қиз уни “ниссе” деб атайди, биринчи бекатдаёқ тушаркан, биттагина бўлса ҳам апельсинни бермайсанми деб сўрайди, йигит эса довдираб бош ирғайди. Бир неча ҳафта ўтгач, улар қаҳвахонада яна учрашиб қолишади. Бу гал қизнинг қўлида тилла ранг апельсинларга тўла катта қозон пакет бўлади. Йигит унинг столи ёнига ўтиради, улар бир неча дақиқа бир-бирларининг кўзларига тикилиб ўтиришади. Балки бу баландпарвоз эшитилар, лекин улар нақ бир дақиқа бир-бирларининг кўзларига тикилиб, кўнгил тубигача етиб боришади, у – қизнинг, қиз – унинг. Қиз унинг қўлига қўлини қўяди, йигит унга “олмахонсан”, дейди. Шунда қиз назокат ила туриб, иккала қўлида кўтариб олган катта пакет билан қаҳвахонадан чиқади. Йигит унинг кўзлари ёшга тўлалигини кўради.

Биринчи галдан бери улар ўзаро атиги тўрт луқма алмашишади. Қиз: “Эҳ, сен бадбахт ниссе!” Ва: “Балки менга битта бўлса ҳам апельсинни берарсан?” Йигит: “Кечирасан, кечирасан!” Ва: “Сен олмахонсан!”

Қолгани – овозсиз кино. Қолгани – жумбоқ.

Балки бу жумбоқни еча оларсан, Георг? Мен ечолмасдим, балки ўзим ўша қиссанинг бир қисми бўлганим учундир?”

Ниҳоят бу воқеа мени чинакамига қизиқтириб қўйди. Апельсин қиз икки марта кетма-кет қўлида апельсинли катта пакет билан отамнинг қаршисидан чиқди. Бу ерда қандайдир сир бор эди. Қаҳвахонада у бир сўз айтмай отамнинг қўлидан ушлаб, унинг кўзлари қаърига қарайди, кейин эса бирдан сакраб туриб, кўзида ёш билан кўчага югуриб чиқади. Ғалати. Буни изохлаш қийин эди.

Агар отамнинг кўзига кўринмаган бўлса, албатта.

Балки Апельсин қиз “тасаввур маҳсули”нинг ҳосиласи бўлгандир? Кўп одамлар Лохнесс махлуқини ёки жуда бўлмаса Сельюр қўлида денгиз илонини кўрганман дейди, бунинг учун уларни ёлғончиликда айблаб бўлмайди, чунки улар “ўз тасаввури маҳсули”ни кўрган бўлиши мумкин. Агар отам Апельсин қиз бир куни Карл Юхандан ит қўшилган катта чанада ўтиб кетди деганда, бундай ҳикоя ҳаётининг қайсидир дамларида отам ақлдан озишга яқин бўлганидан дарак беради деб ўйлардим. Эҳтимол, шундай бўлгани маъқул эди, бундай касалликларга қарши дорилар бор.

Апельсин қиз тасаввур маҳсули эдими ёки тану жони бор одамми, бир нарса аниқ: отам уни телбаларча севиб қолганди. Ниҳоят унга бирон гап айтиш имкони туғилганда, у, назаримда, хаёлига келиши мумкин бўлган энг аҳмоқона гапни айтган. “Сен олмахонсан”, – деган у. Умуман олганда, ўзининг аҳмоқлигидан ҳайрон қолганини яширмаган ҳам. У нега айнан шу сўзларни айтганини ким менга тушунтириб бера олади? Йўқ, ота, бундай жумбоққа менинг тишим ўтмайди.

“Қаҳвахонадаги ўша қисқа учрашувдан сўнг мен мунтазам равишда ва фақат Апельсин қизни қидира бошладим, яна кўп кунлар ўтди, мен эса уни ҳатто узоқдан ҳам кўрганим йўқ.

Сенга излашларимнинг тафсилотлари ва йўл қўйган хатоларим ҳақида гапирмайман, бу рўйхат жуда чўзилиб кетади. Лекин мен нуқул мулоҳаза юритар, таҳлил қилардим, бир куни шундай хулосага келдим: икки галда ҳам Апельсин қизни душанба куни кўрдим. Нега бу ҳақда аввалроқ ўйламаган эканман-а! Апельсинлар эса мени унинг ёнига олиб борадиган ягона аниқ из

эди. Ахир Фрогнердаги дүкконларда ҳам апельсинлар сотилади-ку. Ҳа, лекин улар жуда серсув, ширинми, қолаверса, арзонми? Шундай ўйлардим: агар одам бундай нарсаларга синчковлик билан ёндашса, у апельсинларни катта мева бозоридан, масалан, Юнгсторгетдан – ўша пайтда бу Ослодаги мева ва сабзавот сотиладиган чинакамига катта ягона бозор эди – харид қилади, айниқса, унга бир кунда бир неча килограмм керак бўлса. Апельсин харид қилгач, Стургат трамвайига чиқади, Фрогнердаги уйига боради, айниқса, таксига пули бўлмаганлар. Яна бир нарса эътиборимни тортди: жигар ранг қоғоз пакетлар! Оддий сабзавот дүкконларида мевалар пластик халталарда берилади. Фақат Юнгсторгетда ҳамма сабзавот ва мевалар шунақа – Апельсин қиз кўтариб олганга ўхшаши катта қоғоз пакетларга солинади, шекилли? Бу менинг беҳисоб назарияларимнинг биттаси эди, лекин мен уч ой давомида Юнгсторгетга мева ва сабзавот харид қилишига қатнадим. Мен учун, талаба учун таомномасини яхшилаши анча фойдали эди, охирги пайтларда қисқичбақали салат билан қовурилган сосискани кўп ейишни одат қилиб олгандим.

Юнгсторгетда қайнаган ҳаётни тасвирлашига ҳожат йўқ, бундан мендан яхшироқ тасаввур қила оласан. Раста ёнида ўн килограммли апельсин пакетини арзонроқ олиши илинжсида савдолашаётган анорак кийган сирли қизни тасаввур қилишига уриниб кўр ёки худди шу қизни икки кўлида оғир қоғоз пакетни кўтариб бозордан чиқиб кетаётганини фараз қил. Қолган ҳамма нарсани эсдан чиқар, қолган ҳаммани демоқчи эдим.

Лекин сен уни кўряпсанми, Георг?

Бозорга биринчи марта, иккинчи марта борганимда ҳам, ҳафсалам тир бўлди, лекин учинчи душанбада бозорнинг охирида олов ранг доғни кўрдим, ҳа-ҳа, бу олов ранг аноракли қиз эди, у мева расталарининг бири ёнида туриб, катта қоғоз пакетга апельсин тўлдирётган эди!

Бозорда одамларни турткилаб ўтиб, кўп ўтмай унинг орқасида бир неча метр нарида тўхтадим. У апельсинларни шу ердан сотиб олар экан-да! Мен уни худди жиноят устида қўлга туширгандек эдим. Тиззаларим қалтираб кетди, ерга йиқилиб тушишимга оз қолди.

Апельсин қиз ҳали апельсинларни танлаб бўлмаганди, гап шундаки, у апельсинларни ўзига мослаб танларди. Қара-я: мен бироз нарида туриб, унинг апельсин кетидан апельсинни олиб, жигар ранг пакетга солишдан ёки пештахтага қайтиб қўйишдан аввал ҳар бирини яхшилаб кўздан кечириётганини эътибор билан кузатардим. Унинг апельсинларни Фрогнердаги биринчи учраган дүккондан сотиб олмаслигини энди тушунадим. Бу ерда истаганича танлаши мумкин эди.

Апельсин танлашида бунчалик инжиқликни ҳали кўрмаган эдим, қиз уларни шарбат сиқishi учун сотиб олмаётганига ҳам асло шубҳа қилмасдим. Унда нима учун? Бу борада сенинг қандай тахминларинг бор? Унинг у ёки бу апельсинни олишига қарор қилгунча нега ярим дақиқадан вақт сарфлаётганини тушуна оласанми?

Менда фақат битта тахмин бор эди: Апельсин қиз катта болалар бозғачсида ошпаз бўлиб ишлайди, у ерда болаларга нонуштада биттадан апельсин берилади. Болаларда адолат туйғуси кучли бўлиши ҳаммага маълум. Шунинг учун Апельсин қиз сотиб олган апельсинлари бир хилда катта, бир хилда думалоқ ва бир хилда олов ранг бўлиши учун жон куйдиряпти. Бундан ташқари, уларни санаб олаётганди.

Бу анча ишончли туюлди, менда ҳатто бозғачда бир неча азамат йигит ишлайди, бу уларнинг альтернатив ҳарбий хизмати деган ёқимсиз

үй тугилди. Бироқ янада яқинроқ боргач, гап бошқа нарсада эканлигини англадим. Апельсин қиз сира ҳам бир хил апельсинларни танламаётганди, ҳаммасининг орасидан бир-бирига ўхшамаган, турли катталикдаги, шакл ва рангдаги апельсинларни танлаш учун овора бўлаётганди. Бир нарсага эътибор бер: айрим апельсинларда ҳатто шохчаси билан барглари ҳам сақланиб қолганди!

Мен енгил тортиб, боғчада альтернатив хизматни ўтаётган шилқим йигитларни хаёлимдан чиқариб ташладим. Аммо бу менинг ягона қувончим эди. Қиз жумбоқ эди, жумбоқлигича қолаётганди.

Ниҳоят пакет тўлди, Апельсин қиз пулини тўлаб, Стургатен томонга қараб кетди. Мен яна Фрогнерга кетадиган трамвайга чиқмагунимизча ўзимни билдирмасликка қарор қилиб, бироз масофа сақлаб унинг ортидан юрдим. Лекин кутганим бўлмади. Ўша куни у Стургатенга трамвайга чиқиши учун кетмаётган экан. Биз трамвай бекатига етиб улгурмасимиздан у оқ машинага ўтирди, бу “Тойота” эди ва унда олд ўриндиқда эркак киши ўтирганди!

Мен уни тўхтатиши учун югурмасликка қарор қилдим. Ўша эркак билан танишишига умуман хушим йўқ эди. Кўп ўтмай машина жойидан жилди, бурилиб, жўнаб кетди.

Яна бир муҳим тафсилот: қўлида апельсинли катта пакет билан машинага ўтираётиб, қиз кутилмаганда ўгирилиб менга қаради, лекин мени трамвайда ёки Карл Юхандаги қаҳвахонада кўрганини эслашга улгурдимийўқми, англаёлмадим. Фақат шунга шубҳа йўқ эдики, у қандайдир эркакнинг “Тойота” сига ўтирди ва ўтираётиб, менга қаради.

У бахтли одам ким эди? Унинг неча ёшдалигини кўришига имконим бўлмади, бу унинг отаси бўлиши ҳам мумкин эди, лекин бошқа томондан... Майли, ким билсин. Балки у боғчада альтернатив ҳарбий хизмат ўтаётган йигитлардан биридир? Оқ “Тойота” да-я? Дарғумон. Балки у Ранвейг исмли тўрт ойли қизчанинг отаси бўлмиши азаматдир? Йўқ, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Апельсин қиз у билан чангида Гренландияни кесиб ўтар деб ҳам ҳисоблаш мумкин эди. Кўз олдимда турли манзаралар рақс тушарди – апельсинли рацион, мушкли хўкизлар, скальпель, захира чанги таёқлари, примус ва бульон бўлакчалари. Мен ҳатто улар тунайидиган чодирни ҳам кўрдим, у сариқ эди, чанага саккизта ит қўшилганини ҳам санашига улгурдим.

Буларнинг ҳаммасини аниқ кўрдим! Мендан беркина оламиз деб ўйлашмасин. Миямда фильм айланаётгандек эди: галати жуфтлик бепоеён Гренландия музликларида чангида кетяпти. У худди қор маъбудасидек соҳибжамол ва безубор. Эркак эса бошқа гап, бурни қийшиқ, оғзининг четлари хунук буришган, нигоҳларида эса яширин мақсадлар, худди қиз ҳар лаҳзада йиқилиб кетиши мумкин бўлган маккор ёриқлар сингари! (Шундай бўлса, қизни ёриқдан олиб чиқадими? Ёки қизнинг апельсинларини еб, уни бошқа ҳеч қачон кўрмаслигини жуда яхши англаганча бир ўзи йўлида давом этаверадими?) Унда қўпол, ибтидоий ва ўзидан нари итарувчи куч сезилади. У, биз чивинни кафтларимиз орасида ўлдиргандек, оқ айиқни осонгина ўлдиради. У ҳақда гап бошлаган эканмиз, биз қонун посбонлари деб атайидиган кишилардан узоқда, муз уюмлари орасида уни зўрлашдан тап тортмаслигини инобатга олишимиз керак. У ерда уларни ким кўради? Мен бунни тушунаман, Георг. Фақат мен. Чунки фақат мен бу экспедицияни тасаввур қила оламан. Уларнинг йўл тадориғи ҳақида ҳамма нарсани биламан. Дарров саккизта итнинг ҳар бирига ном қўйдим, кечга бориб эса улар ўзи билан олиб кетиши керак бўлган нарсаларнинг тўлиқ рўйхатини

туздим. Улар йўлга олиб кетадиган нарсаларнинг ҳаммасининг оғирлиги икки юз қирқ килограмм чиқарди, бир шиша шампунь ва Сьорапалук ёки Каанаакка етганда, ичинини режалаштиришган чорак литр ароқни ҳам ҳисобга олганда...

Лекин эрталабгача асабларим тинчланди. Декабрда ҳеч ким чангида Гренландияни кесиб ўтмайди. Декабрда бундай экспедициялар Антарктикага жўнайди, аммо у ҳолда Осло бозорида апельсин сотиб олишга ҳожат йўқ, унда керакли ҳамма нарсани Чили ёки Жанубий Африкада харид қилинади. Қолаверса, бундай экспедицияга бир дона бўлса ҳам апельсин олиб кетишадими-йўқми, номаълум. Чангида Жанубий Қутбга йўл олган одам ҳар кун ишунча калория истеъмол қилиши зарурки, унга витаминли қўшимча керак бўлиши амримаҳол. Бундан ташқари, апельсинлар жуда оғир маҳсулот, асосийси эса: қўлдан қалин қўлқопни ечмасдан туриб музлаб қолган апельсинни еб бўладими? Қутб сафарида апельсинлар суюқ қўшимча сифатида Скотт экспедициясидаги отлар сингари машғум роль ўйнайди. Қанақа суюқлик! Озгина бензин ва яхши примусдан бошқа ҳеч нарса керак эмас у ерда. Муз ва қор, яъни сув, у ўлкаларда керагидан ортиқ топиладиган ягона нарса, апельсин эса саксон беш фоиз сувдан иборат.

Ёқимтой Апельсин қиз, ўйлардим мен. Кимсан ўзи? Қаердан? Ҳозир қаердасан?”

Онам яна эшик ёнига келди. “Ишлар қалай, Георг?” – сўради у.

“Яхши, – деб жавоб бердим мен. – Ҳадеб менга тирғалаверманглар”.

У бироз жим қолиб, “Эшикни кулфлаб олганинг менга ёқмаяпти”, – деди.

“Агар ундан фойдаланилмаса, кулф осиишнинг нима кераги бор? Шахсий ҳаётга дахл қилиш деган тушунча бор”.

Онамнинг ҳатто жаҳли чиқди, тўғрироғи, ранжиди. У: “Георг, сен ўзингни ёш боладай тутяпсан. Биздан яшириниб олишга ҳеч қандай сабаб йўқ”, – деди.

“Ойи, менинг ёшим ўн бешда. Сиз ўзингизни ёш боладай тутяпсиз”.

У оғир, балки, норози хўрсинди. Кейин ҳаммаси тинчиб қолди.

Табийки, мен унга Апельсин қиз ҳақида ҳеч нима демадим. Дадам унга Апельсин қиз ҳақида менга айтиб берганларини ҳеч қачон айтмаганига қатъий ишонардим. Бўлмаса, менга ўша воқеани қайта айтиб беришни сўраб қўя қолган бўларди, шунда ўзининг сўнгги кунларини шу узун хатни ёзишга сарфлашига тўғри келмасди. Балки у ёшлигида ўғлига химоя қилишни истаган воқеани бошдан кечиргандир, хуллас, бу икки эракнинг суҳбати эди. Бундан ташқари, у мендан муҳим бир нимани сўрамоқчи эди.

Ҳозирча эса у мендан Хаббл телескопи билан боғлиқ ишлар қандай кетаётганини сўради. Бу ҳақда қанчалик кўп гапириб беришим мумкинлигини билганида эди!

Энг ғалатиси, ўқитувчим мени иншони овоз чиқариб бутун синфга ўқиб беришга мажбур қилди. Сураглари ҳам кўрсатишга. Унинг мақсади эзгу эди, аммо биринчи танаффусдаёқ қизлар мени “Кичкина Эйнштейн” деб атаётди. Ғалати тасодифни қарангки, айнан шу қизлар киприк бўяйдиган туш ва лаб бўёғи билан бошқалардан кўпроқ тажриба қилишарди. Менимча, уларнинг тажрибаси фақат шу билан чекланмаган.

Лаб бўёғи ёки киприк бўяйдиган тушга ҳеч қандай қаршилигим йўқ. Аммо биз фазовий кенгликдаги сайёралардан бирида яшайпмиз-ку. Бундай ҳаёлдан одамнинг юраги ҳаяжонга тўлиб кетади. Фазовий кенгликлар борлигини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Аммо бундан қандайдир киприк бўяйдиган туш туфайли тушунишга қодир бўлмаган қизлар бор. Умуман олганда, футбол тўпи туфайли уфқни кўрмайдиган ўғил болалар ҳам бўлса керак. Ҳар

қалай, чўнтак ойнасини ҳақиқий телескопдан улкан масофа ажратиб туради! Ҳайрашарманча, айнан шу “манзаранинг бузилиши” деб аталади. Ҳойнаҳой, буни ҳайрат деса ҳам бўлади: “Бу шунақа бўларкан-да!” Бундай ҳайратни ҳис қилишга ҳеч қачон кеч бўлмайди. Аммо кўпчилик одамлар ҳаётларида бир марта бўлса ҳам бўш кенгликда учиб юрганларини ўйлаб кўришмайди. Бу ерда пастда уларни жуда кўп нарса банд қилади. Уларга фазовий кенгликларсиз ҳам ташвиш етарли.

Биз ер шаримизнинг заррасимиз. Мен уни нимадир қилишимиз кераклигини назарда тутмаяпман. Шунчаки биз шу сайёра табиатининг бир қисмимиз. Маймунлар ва судралувчилар туфайли ўзимизнинг келиб чиқишимиз ҳақида билиб олдик, бу борада баҳслашмайман. Бошқа табиат шароитида ҳаммаси, ҳойнаҳой, бошқача бўларди, лекин биз шу ерда яшаймиз. Такрор айтаман: мен ҳеч нимадан воз кечмаяпман. Фақат ўйлашимча, бу бизнинг бурнимиздан сал нарироқни ҳам кўришга уринишимизга ҳалал бермаслиги керак.

“Телескоп” жуда узоқда бўлган бирон нарсага қарашга имкон беради. Аммо Апельсин қиз ҳақидаги таъсирчан қиссининг фазовий телескопга нима дахли бор?

Қани, дада, давомини сўзланг. Ҳозир шу китобни ўқиётган ҳаммага сўзлаб беринг.

“Кейинги гал Апельсин қизни арафада, ҳа-ҳа, айнан арафада кўрдим. Бу гал у билан гаплашдик. Тўғрироғи, бир-биримизга бир неча сўз айтдик.

Ўша пайтда мен бир талаба билан Адамстюенда кичкина квартирада ижарада турардим. Аммо арафани Хюмлевейенда уйда ўтказмоқчи эдим. Отам, онам ва укам, амакинг Эйнар билан. Эйнар мендан тўрт ёш кичик, ўша йили гимназиянинг охири синфида ўқирди. Бу бувинг ва буванг Гёнсбергга кўчишларидан анча аввал бўлган эди.

Апельсин қизни яна учратишдан деярли умидимни узгандим, қолаверса, “Тойота”даги эркакнинг кимлигини англолмай довдираб қолгандим. Қутилмаганда Хюмлевейенга уйга кетишдан аввал черковдаги ибодатга бориши фикри туғилди. Мен ўша сирли қизга ҳали ҳам шунчалик мафтун эдимки, Рождествони бирга кутиб оладиган одамларининг (Ким улар? Ҳа, ким улар?) ёнига кетишдан аввал у ҳам черковга ибодат қилишга келади деган фикрга ёпишиб олгандим. Уни соборда учратсам керак, аниқроқ айтадиган бўлсам, бу унчалик гайритабиий эмас, деб ўйладим.

Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, мен Апельсин қиз ҳақидаги қиссани беаши учун ҳеч нимани ўйлаб топганим йўқ. Рухлар алдамайди, Георг, бундан уларга ҳеч қандай фойда йўқ. Аммо, бошқа томондан, мен ҳаммасини айтаётганим йўқ. Айт-чи, қачонлардир кимдир шундай бефойда ши билан машғул бўлганми?

Апельсин қизни учратиш умидидаги самарасиз уринишларим ҳақида гапиришга ҳождат йўқ. Бутун Фрогнерни айланиб чиқиши учун кунлар ва ҳафталарни сарф қилдим, аммо бу ҳақда гапиришининг кераги йўқ. Бўлмаса, ҳикоям жуда узайиб кетади. Ҳафтасига камида тўрт кун Фрогнепаркни айланардим, уни кўпинча гоҳ катта кўприк устида, гоҳ қаҳвахонада, гоҳ Монолит ёнида кўргандек бўлардим, лекин у доим бошқа биров бўларди. Тасодифан уни учратиб қолиши умидида ҳатто кинога ҳам бора бошладим. Фильмлар мени деярли қизиқтирмасди. Рекламадан сўнг, Апельсин қизни тополмагач, кинотеатрдан чиқиб кетардим, баъзан эса бошқасига кирардим. Мен ҳатто ўз наздимда уни қизиқтириши мумкин бўлган фильмларни аниқлашга ҳам ўрганиб қолдим, улардан бири “Ўзгариш даври” деб аталарди, бошқаси, швейцарларники эса – “Тўр тўқувчи аёл”. Лекин, ваъда берганим-

дек, бундай нарсалар ҳақида гапириб ўтирмайман. Менинг қиссамда фақат битта қизил ип бор, Георг, сирли Апельсин қиз билан ҳақиқий учрашувлар, хаёлий эмас. Уни учратмаган вазиятларга аҳамият беришдан нима маъно. Бунинг ютуқ чиқмаган лотерея чипталари ҳақида гапиришдан фарқи йўқ. Сен бундай воқеаларни кўп эшитганмисан? Газетада ёки бирон ҳафтаномада миллион ютолмаган одам ҳақида охириги марта қачон хабар ўқигансан? Бу ҳам шундай. Апельсин қиз ҳақидаги ҳикоя фақат ютуқлар эълон қилинадиган улкан лотерея ҳақидаги ҳикояга ўхшайди. Бир ҳафтанинг ўзида қанча лотерея чипталари тўлдирилишини тасаввур қилиб кўр. Уларни сизгиштириши учун катта хона, эҳтимол, бутун бир гимнастика зали керак бўларди. Кейин бизга ажойиб кўзбахшилик кўрсатишади ва миллиондан кам ютуқ чиққан ҳамма чипталар қаяққадир ғойиб бўлади. Гимнастика залининг полида эса кичкина уюм қолади, холос. Газеталарда биз ана ўшалар ҳақида ўқиймиз!

Демак, биз Апельсин қиз изига тушишига уринамиз, фақат уни излаймиз, бу ҳикоя ҳам фақат унга бағишланган. Қолган ҳамма нарсани ҳозирча эсдан чиқариши мумкин. Шаҳримизнинг қолган аҳолиси чегара ортида қолади. Қолган ҳамма аёллар қавс ичига олинади. Ҳаммаси жуда оддий.

Мен уни соборга кирмагунимча кўрмадим, лекин у ерда, органчи Бахнинг прелюдия¹сини ижро қилаётганда... Музлаб қолдим, кейин исиб кетдим.

Апельсин қиз бир қатор нарида ўтирарди, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмасди, ибодат пайтида бир марта ўгирилиб, псалом²ларнинг товушлари қуйилиб келаётган хорларга қараб қўйди. Бугун у олов ранг аноракда эмасди, қўлида апельсинли пакети ҳам йўқ эди. Ахир Рождество-ку! У қора пальто кийган, сочларига эса кўринишдан кумушига, ҳа-ҳа, эртақдаги ҳақиқий кумушдан ясалган тўқага ўхшайдиган катта тўқа қадалганди, балки бу тўқани бир неча Оппогейнинг ҳаётини асраб қолган еттита митти одамдан бири ясагандир.

Аммо у ибодатхонага ким билан келди экан? Унинг ўнг томонида бир эркак ўтирарди, аммо ибодат давомида улар бирон марта бир-бирлари томон эгилишмади. Аксинча, ибодат охирида Апельсин қизнинг ўнг томонида ўтирган эркак бошқа аёлга эгилиб, қулогига бир нима деб пичирлади. Бу манзара менга ниҳоятда чиройли кўринди. Албатта, ҳар ким ўнгга ва чапга ўгирилиб қараши мумкин, бунга ҳақи бор, ўша одам ҳам бундан истисно эмасди, лекин у ўнгга – сен, балки, тўғри томонга деган бўлардинг – ўгирилди. Қайси томонга ўгирилишини унга гўё мен айтгандек эдим.

Апельсин қизнинг чап томонида семиз қари аёл ўтирарди, уларнинг бир-бирини танишига ҳеч қандай ишора йўқ эди, лекин улар Юнгсторгетда учрашган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас, чунки кекса хоним менга сотувчи аёллардан бирини жуда эслатаётганди, ким билсин, балки у Апельсин қиз билан Рождество ибодатларига бирга боришни одатга айлантиргандир. Ҳамма нарса бўлиши мумкин, Георг, ҳамма нарса бўлиши мумкин! Апельсин қиз – бу сотувчи аёлнинг севимли харидори, ҳар қалай, апельсинлар харидори. Унга ҳатто махсус чегирма ҳам берилади. Бир килограмм Марокаш апельсини учун етти крона – унчалик қиммат эмас. Аммо Апельсин қиз уни олти яримга сотиб олади, камига бир халта бир-бирига ўхшамаган, сара меваларни саралаб олиши учун унга нақ ярим соат апельсинларни титишига рухсат берилади.

Мен пасторнинг гапларини эшитмасдим, лекин, албатта, у Марям, Юсуф ва гўдак Исо ҳақида гапирарди, бошқача бўлиши мумкин эмасди. У

¹ Прелюдия – кичикроқ мусиқий асар.

² Псалом – псалтирдаги диний қўшиқлардан бири.

болаларга мурожаат қиларди ва бу менга ёқарди, ахир бу кун уларнинг куни эди. Аммо мен фақат ибодатнинг тугабини кутиб ўтирдим. Ниҳоят постлюдия¹нинг оҳанглари тиниб, ўриндиқлардаги одамлар қимирлаб гапга тушиб қолишди, мен эса Апельсин қиз мендан олдин черковдан чиқиб кетмаслиги учун жон-жаҳдим билан урина бошладим. У менинг ўриндигим ёнидан бошини бироз кўтарганча ўтиб кетди, мени пайқаганига ишончим комил эмасди. Лекин у ёлғиз эди. Ва мен эслаб қолгандан ҳам чиройлироқ эди. Менга Рождествонинг ҳамма нурлари ягона, биргина қизда мужассам бўлгандек туюлди.

Залга йиғилганлар орасида фақат мен унинг сирли жумбоқларга тўла ҳақиқий Апельсин қиз эканлигини билардим. Мен унинг биз ўргангандан бошқа, бутунлай бошқа қоидалар ҳукм сурадиган эртақдан келганини билардим. Мен у бизнинг ҳаётимизни кузатаётганини билардим. Аммо ҳозир у биз каби соборга келди ва биз билан бирга бизнинг Халоскоримизнинг таваллудидан севинди. Бу ниҳоятда олижаноб иш эди.

Мен унинг ортидан кетдим. Собор олдида одамлар тўхтаб, бир-бирларини Рождество билан табриклашарди, бироқ менинг нигоҳим Апельсин қизнинг гарданидаги сирли соч тўқасига қадалганди. Бутун дунёда фақат биргина Апельсин қиз бор эди, чунки фақат у бизнинг оламимизга бошқа оламдан келганди. У Гренсен томонга юрди, мен эса унинг ортидан бордим. Қор гупиллаб ёға бошлади, музлаган қор парчалари ҳавода рақс тушарди. Мен қор парчаларининг Апельсин қиз сочларида қолдираётган томчиларни кўрардим, холос. Сочлари хўл бўлиб кетади, деб ўйладим мен, афсус, соябоним ёки бошини ёпиш учун, ҳеч бўлмаса, газетам йўқ.

Бунинг телбалик эканлигини тушунардим, ҳали бироз бўлса-да фикрлай олардим. Аммо арафа эди-ку. Мўъжизалар даври аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам, бизда ҳамма нарса содир бўлиши мумкин бўлган бир сеҳрли кун қолганди. Мутлақо ҳамма нарса. Фариишталар панага яширинганда, апельсин қизлар ҳеч нима бўлмагандек кўчаларда айланиб юрганда.

Эвр Шлоттсгатенга етмай мен уни қувиб етдим. Ёнидан ўтаётиб, ўгирилдим ва қувноқ овозда: “Рождество муборак бўлсин!” дедим.

У саросималаниб қолди, шекилли, ёки ўзини шундай тутдим, ахир қизларни тушуниб бўлармиди. Юзида табассум сезилди. Айгоқчига ўхшамайди. Мен яқинроқ танишишни истаган қизга ўхшайди. У ҳам: “Рождество муборак бўлсин!” – деди.

Энди у ёйилиб жилмайди. Биз бирга юриб борамиз. Менимча, унинг ёнида юришда давом этаётганим уни сира хижолатга солаётгани йўқ. Мен унинг пальтоси остида яширинган иккита апельсиннинг шаклини кўраман. Улар бир хилда катта ва думалоқ. Бу мени асабийлаштиради. Хижолат тортаман. Думалоқ шаклларга сира бефарқ қаролмайдиган бўлиб қолибман.

Бир нарса маълум: ҳозироқ бир нима дейиш керак, агар ҳеч нима ўйлаб тополмасам, ўзимни шошаётгандек кўрсатиб, уни тарк этишимга тўғри келади. Аммо ихтиёримда ҳали ҳеч қачон бунчалик кўп вақт бўлмаган. Вақт манбаи ёнида туриб, сўзлаш қобилиятидан айрилиб, ҳалокатга учрадим. Ҳаёлимга даниялик шоир Пиет Хейннинг мисраси келади: “**Ҳозир яшамаётган экансан, энди тирилолмайсан. Жавоб бер: сен яшайсанми?**”

Ҳа, мен яшаётгандим, ортиқ чўзиб бўлмасди, чунки шу пайтгача умуман яшамагандим. Ич-ичимдан завққа тўлганман. Ўйлаб улгурмай: “Тренландия нима бўлди, у ерга бормоқчи эмасмисан?” дедим.

¹ Постлюдия – мусикий асарнинг қўшимча бўлими.

Бу аҳмоқона эшитилди. Унинг кўзлари пир-пир учди: “Лекин мен бутунлай бошқа томонда яшайман”, – деди у.

Ниҳоят у Ослонинг шундай номланган туманини айтаётганини англайман. Жуда хижолат бўламан, лекин танлаган йўлимдан қайтмайман. “Мен Гренландия музликларини назарда тутаянман. Саккизта ит қўшилган чана ва ўн килограмм апельсин”, дейман.

У жилмайди ми ёки менга шундай туюлди ми?

Шу дақиқада у, балки, трамвайдаги ўша **воқеани** аллақачон унутиб юборгандир деган ўй келди хаёлимга. Ҳафсалам пир бўлиб, оёғим остидаги ер гойиб бўлгандек бўлди, лекин шу билан бирга енгил тортдим. Атиги бир ярим ой олдин у мени деб апельсинли катта пакетни тушириб юборганди, илгари у билан ҳеч учрашмаган, учрашувимиз бор-йўғи бир неча сония давом этган бўлса ҳам.

Аммо Карл Юхандаги қаҳвахонада учрашганимиз эсида бўлиши керак! Ёки у қаҳвахонада ҳар доим нотаниши эркакларнинг қўлини ушлаб ўтиради ми? Бу ўй менга завқ бағишламади. У қизга гард юқтирарди. Ҳатто ҳақиқий Апельсин қиз ҳам дуч келганга эътибор қилавермаслиги керак.

“Апельсинлар?” – сўрайди у жилмайиб.

“Худди шундай, – дейман мен. – Чангида икки киши бўлиб Гренландияни кесиб ўтиши”.

У тўхтади. Мен у бу суҳбатни давом эттиришини хоҳлаяптими-йўқми, тушунмайман. Ишқилиб, у мени Гренландия орқали хавфли сафарга таклиф қиляпти деб ўйламаяптими кан? Лекин шу пайт у яна кўзларини, менинг кўзларим атрофида зигзагдек айланаётган қора кўзларини тикади ва: “Ахир сен ўшасан, тўғрими?” – деб сўрайди.

Мен бош иргайман, гарчи саволини тушунганимга ишончим унчалик комил бўлмаса ҳам, чунки мендан бошқа кўпчилик уни трамвайда апельсинларга тўла катта пакет билан кўрганди. Аммо у ўзига ўзи эслатаётгандек қўшиб қўяди: “Ахир ўшанда трамвайда мени сен туртиб юбординг, тўғрими?”

Мен бош иргайман.

“Эҳ, сен, бадбахт ниссе!” – дейди у.

“Энди ниссе сенга апельсинлар ҳақини тўламоқчи”, – деб жавоб бераман мен.

Апельсин қиз юракдан кулади, гўё воқеанинг бундай тус олиши унинг хаёлига келиши мумкин бўлмаган каби. У бошини бир ёнга эгиб, “Буни унут. Сен жуда ёқимтой эдинг”, – дейди.

Яна чекини қилаётганим учун кечирасан, Георг, лекин сендан яна бир жумбоқни ечишда менга ёрдам беришингни сўрашим керак. Ўзинг билиб тургандирсан, бу воқеада нимадир мос келмаяпти. Апельсин қиз трамвайдаги ўша машъум сайр пайтида менга **гаши келиб, ҳатто жсаҳл билан қараганди**. У худди лиқ тўла трамваининг ҳамма йўловчилари ёки ҳатто ер юзидаги ҳамма одамлар орасидан мени танлагандек эди. Кейин, бир ҳафта ўтгач, у мени қаҳвахонадаги стол ёнига ўтиришига мажбур қилди. Нақ бир дақиқа кўзларимга тикилди ва ниҳоят қўлини менинг қўлимга қўйди. Унинг қўлида ажойиб туйғуларнинг сеҳрли ичимлиги қайнаётган эди. Мана, Рождество кўнгироқлари чалинишига бир неча дақиқа қолганда яна учрашдик. Шунда ҳам мени эслолмаяптими?

Тўғри, у бизга бошқа эртақдан, бизникига ўхшамаган, биздагидан бутунлай бошқа қоидалар амал қиладиган эртақдан келганини унутмаслик керак. Зеро, иккита параллел воқелик мавжуд, бири – қуёшу ойли, бошқаси – Апельсин қиз

менга эшигини бир озгина очиб кўрсатган ўша тушуниб бўлмас эртақ. Шундай бўлса-да, фақат икки тахмин мавжуд эди, Георг: албатта, ўша икки учрашувдан сўнг, эҳтимол, Юнгсторгетдаги учрашувдан кейин ҳам, у мени жуда яхши эслайди, лекин ўзини мени танимагандек тутяпти, шунчаки найранг қиляпти. Бу биринчи тахмин. Иккинчиси эса ташишига солади. Балки ўша бечора қиз унчалик соғ бўлмагандир, одамлар таъбири билан айтганда, биров томи кетгандир. Нима бўлганда ҳам, хотирасида жиддий муаммолар бор. Баъзи нарсаларни эслолмаслиги эҳтимолдан холи эмас, олмахонларда шунақа бўлиб туради. Олмагон шунчаки, гоҳ бу, гоҳ у жойда яшайди, чунки “ҳозир яшамаётган экансан, энди тирилолмайсан. Жавоб бер: сен яшаяпсанми?” Шўх ўйинлар ва дарахтларларда сакраб юришлар олмахонларнинг хотирасида қолмайди, у фақат ўзи билан овора. Апельсин қиз келган ўша эртақ қоидалари шундай. Дарвоқе, мен энди ўша эртақнинг номини эсладим. У “Тушимга кир” деб аталарди.

Аммо, Георг, бошқа томондан: мен ҳақимда унда қандай таассурот уйғонган бўлиши мумкинлигини эслаш керак. Мен ҳам унинг қўлини ўзимникига қўйиб ўтиргандим, мен ҳам унинг кўзларига тикилгандим. Аммо собордаги ибодатдан кейин нима қилдим? Энг аввало сўнгги учрашув учун унга миннатдорчилик билдириши ўрнига, менинг ўрнимда бошқа ҳар қандай тарбияли одам шундай қиларди, уни Рождество билан табрикладим. Бу ҳам етмагандек, ундан Гренландияга бормоқчилиги ҳақида ҳам сўрадим! Тўғрироғи, саккизта ит қўшилган чана ва ўн килограмм апельсин билан Гренландия музликларидан кесиб ўтмоқчилиги ҳақида. У мен тўғримда қандай хаёлга бориши мумкин эди? Балки у менда иккита шахс яшаяпти деб ўйлагандир?

Нима бўлганда ҳам, биз бир-биримизни эшитмай гаплашардик. Биз қоидалари жуда мураккаб бўлган тўп ўйинини ўйнардик. Биз тўхтовсиз копток отардик, лекин улар нишонга бориб етмасди.

Георг, шу пайт, кутилмаганда бурчакдан бўи такси чиқиб қолди. Апельсин қиз қўл силкиди, такси тўхтади ва у таксига қараб югуриб кетди...

Мен соат ўн иккига бонг уришидан аввал сеҳр тугамаслиги учун балдан чиқиб кетишига мажбур бўлган Золушкани эсладим. Сарой айвонида қолган бечора шахзодани ўйладим.

Аммо мен шундай бўлишини билишим керак эди. Апельсин қиз черков қўнғироқлари Рождество киргани ҳақида хабар бермасдан аввал уйга қайтиши лозим эди. **Қоида шундай эди.** Апельсин қизлар Рождество қўнғироқлари одамларга ўз хабарини бергандан сўнг кўчада югуриб юрмайди. Акс ҳолда, уларнинг чалинишидан нима маъно? Бу қўнғироқ жаранги йигитнинг Апельсин қизни деб эс-ҳушини йўқотишига халал бериши керак. Чоракта кам беш эди, кўп ўтмай Эвр Шлоттсгатенда менадан бошқа ҳеч ким қолмасди.

Мен шошиб фикрлардим. Апельсин қизни мени бутун умрга эслаб қолишига мажбур қиладиган бирон гаройиб гап айтиши ёки қилиши учун ихтиёримда атиги бир сония бор эди.

Ундан қаерда яшашини сўрашим мумкин эди. Йўлимиз бир эмасми, деб сўрашим мумкин эди. Ёки ўша ўн килограмм апельсин, яна тугдирган ноқулайлигим учун ўттиз кронани қўшиб ҳисоблаганда, тез юз крона санаб берсам бўларди, ахир мен унинг апельсинларни чегирма билан сотиб олганини билмаслигим мумкин эди-ку. Ҳеч бўлмаганда, шахсий қизиқишимни қондириши учун нима сабабдан шунча кўп апельсин сотиб олишини сўрасам бўларди. Албатта, бундай захиранинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ.

Лекин нима учун айнан апельсин? Нимага олма ёки банан эмас?

Ана шу сония давомида мен яна Гренландия орқали сафар, Фрогнерда яшайдиган катта оила, бир дунё апельсин желеси қўйиб, семестрни битириши шарафига уюштирилган байрам, шу дамда отаси, ўша икки ҳафта аввал Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташиқиллаштириши институтини тамомлаган, қолаверса, бир ой аввал “Жасур ва довюрак” ёшлар клубининг раиси этиб сайланган йигитнинг бақувват қўлларида ётган эмизикли гўдак, кичкина Ранвейг ҳақида ҳам ўйладим. Лекин яна тўс-тўполон болалар боғчасига бора олмасдим, менимча. Болаларни кўрсам, роса асабийлашаман.

Аммо мен керакли сўзларни тополмадим, танлов жуда катта эди. Шунинг учун у таксига ўтираётганда, “Менимча, сени севаман!” деб қичқирдим.

Бу ҳақиқат эди, лекин шу сўзларни айтишим билан афсусландим.

Такси кетди. Аммо Апельсин қизсиз. У фикридан қайтди. Назокат билан йўлқадан аста чиқиб, худди биз охирги беши йилдан бери доим қўл ушлашиб юргандек, қўлимдан ушлади ва яна олға юрмоқчилигини билдириб боши ирғади. Бироқ шу заҳоти менга қараб, “Аммо ҳозир яна такси келса, кетишим керак. Мени қутишяпти”, – деди.

Албатта қутишяпти, эри, мушакдор тоғ ва эмизикли бола қиёфасидаги ажойиб тролль. Ёки ота-онаси – отаси, менимча, пастор ёки, эҳтимол, биз ҳозиргина қатнашган ибодатга айнан у раҳбарлик қилгандир, – яна тўрт синглиси, икки укаси ва яқинда Петтер исмли укаси тилаб олган кучукча. Ёки ўша арча тағида чиройли ўралган бошмалдоқли қўлқоплар, трюгерлар¹, чанги мойи ва инуитча-датча ҳамда датча-инуитча лугатни териб қўйган қотма, юмор ҳиссидан маҳрум Гренландияни забт этувчи эркак. Йўқ, Апельсин қиз бугун ҳеч қандай семестрни тамомлаш шарафига уюштирилган зиёфатга кетмаяпти. Бугун у болалар боғчасидан ҳам озод.

“Ҳадемай қўнғироқлар чалинади, – дейман мен. – Сен ўша заҳоти уйга кетишинг керак, тўғрими?”

У жавоб бермайди, фақатгина қўлимни қаттиқ ва меҳр билан сиқади, гўё биз ернинг тортиши кучидан қутулиб, ҳавосиз маконда учиб юргандек, гўё биз галактикалараро сутни ичиб олиб, қаршимизда бутун Коинот кенг очилгандек.

Биз Тарих музейи ёнидан ўтиб, Сарой боғига яқинлашамиз. Мен истаган дақиқада янги такси кўриниб қолиши мумкинлигини биламан. Ҳадемай қўнғироқ жаранги Рождество кирганидан хабар беришини биламан.

Мен тўхтаб, унинг йўлини тўсаман. Нам сочларини оҳиста силайман, қўлим кумуш тўқада тўхтади. Тўқа худди ях каби муздек, шундай бўлса ҳам мени иситади. Буни қара, мен унга тегинишига журъат қилдим!

Кейин: “Қачон кўришамиз?” деб сўрайман.

У ерга қарайди, кейин бошини кўтариб менга боқади. Қорачиқлари безовта аланглайди, назаримда, унинг лаблари титрайди. Шунда у менга кейин анча бош қотиришимга тўғри келган топишмоқни беради. У: “Қанча кута оласан?” деб сўрайди.

Бу саволга мен қандай жавоб беришим керак эди? Балки бу тузоқ бўлгандир? Агар “икки ёки уч кун” десам, жуда бесабр бўлиб кўринардим. Агар “бутун умр” десам, уни етарлича самимий севамайман ёки, шунчаки, умуман носамимий деб ўйларди. Уртачароқ бир нимани танлаш керак эди.

¹ Трюгер – мажнунтол новдалари ёки пўлат симлар билан ўрилган ёғоч ром кўринишидаги, қорда юришга мўлжалланган мослама

Мен: “Юрагимнинг қони қолмагунча кутишим мумкин”, деб жавоб бердим.

У ишонмаган каби жилмайди. Бармоқлари билан лабларимни силади. Кейин: “Бу қанчалик узоқ?” – деб сўради.

Мен қайгуриб бош чайқадим ва борини айтишни маъқул кўрдим: “Ким билсин, балки атиги беш дақиқадир, ундан ортиқ эмасдир”, – дедим.

Жавобим уни қувонтиргани аниқ, аммо у: “Бироз кўпроқ сабр қила олсанг, яхши эди...” – деди.

Энди мен савол бердим. “Қанчалик кўпроқ?” деб сўрадим.

“Мени ярим йил кутишингга тўғри келади, – деди у. – Агар ярим йил кута олсанг, биз яна кўришамиз”.

Хўрсиндим, шекилли: “Нега бунчалик кўп?”

Апельсин қизнинг юзи тундлашди. У ўзини шафқатсизлашишига мажбур қилгандек эди. “Чунки сен мени шунча вақт кутишинг керак”, – деди.

У ҳафсалам пир бўлганини кўрди. Шунинг учун бўлса керак, “Аммо шунча вақт кута олсанг, кейинги ярим йил давомида сен билан ҳар куни кўришамиз”, – деб қўшиб қўйди.

Ниҳоят кўнгироқлар жсаранглади, мен унинг нам сочлари ва қумуш тўқасидан қўлимни олдим. Худди шу дақиқада Вергеланн-свейенга такси кириб келди. Бир бўлди.

У кўзларимга қарайди, гўё бир нимани, энг аввало, тушунишни илтижо қилиб сўраётгандек, у мендан бор кучим ва бор ақлимга зўр беришни сўрайди. Яна унинг кўзларига ёш қалқийди. “Рождество муборак бўлсин... Ян Улав!” – деди у зўрга, кейин йўлга югуриб чиқиб, таксини тўхтатади, ўтириб, хайрлашиши учун менга қўл силкийди. Бу тақдир ишораси. Машина тезликни оширади, лекин Апельсин қиз орқа ойнадан менга қараб қўйиши учун ўгирилмайди. Менимча, йиғлайман.

Мен қотиб қолдим, Георг. Ҳушим жойида эмасди. Потереядан миллион ютиб олдим, лекин бу атиги бир неча дақиқа давом этди, кейин менга чиптамда қандайдир нуқсон борлигини, ютуқни олмаслигимни, олсам ҳам, анча вақт кутишимни айтишиди.

Ким ўзи у, ўша сирли Апельсин қиз? Ўзимдан бу ҳақда неча марта сўрадим! Аммо энди янги савол тузилди. У менинг исмимни қаердан билади?

Кўнгироқлар соборда ҳам, марказдаги бошқа черковларда ҳам жом чалишида давом этар, Рождестводан хабар берарди. Кўчалар кимсасиз эди, балки айнан шунинг учун декабрь осмонига қараб саволимни бир неча марта айтиб қичқиргандирман, у худди қўшиқдек янграрди: “У менинг исмимни қаердан билади?” Шу заҳоти яна бир савол тузилиб, хаёлимдан кетмай қолди: нима учун у мен билан ярим йилдан кейингина учрашмоқчи?

Хуллас, бошимни қотирадиган нарсалар бор эди. Аммо кунлар ўтар, мен эса мос жавоб тополмасдим, чунки қайси жавобни тўғри деб ҳисоблашим кераклигини билмасдим. Тахмин қилишим учун деярли ҳеч нима маълум эмасди, гарчи ўшандаёқ аломатларни изоҳлашга берилиб, таиҳис қўйишни билсам ҳам.

Апельсин қизнинг оғир касаллиги ва унга апельсинли қаттиқ парҳез буюрилганига шубҳа йўқ. Ярим йил Америка ёки Швейцарияда даволанса керак, чунки бу ерда, уйда унга ортиқ ҳеч қандай ёрдам беришолмайди. Нима бўлганда ҳам, у ҳар гал мен билан хайрлашаётганда йиғлади. Аммо, бошқа томондан, у кириб келаётган йилнинг иккинчи ярим йили давомида, яъни шолдан декабрғача ҳар куни кўришишимиз мумкинлигига шама қилди.

Апельсин қизни аввал ярим йил кутишим керак, кейин эса ярим йил давомида уни ҳар куни кўра оламан. Бу хаёлдан ўзимни еттинчи осмонда ҳис қилардим. Менга бундай келишув ёқарди, шикоят қилишга асосим йўқ эди. Бу келгуси йил давомида кунора кўришишимизни билдирарди. Аксинча – аввал ярим йил давомида ҳар куни кўришиб, кейин ҳеч қачон бир-биримизни кўра олмаганимизда, ёмонроқ бўларди.

Мен яқиндагина тиббиётни ўрганишни бошладим, ҳаммага маълумки, тиббиётчи талабаларда ашаддий бадгумонлик туғилади ва улар ўзларининг аломатларни изоҳлаш мақсадидаги детективларча интилишларида ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам ташхис қўйишади. Ўзларининг Худога бўлган ишончларини шубҳа эгаллаган диншунос талабаларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз беради, ҳуқуқшунос талабалар эса, масалан, қонун ва ҳуқуққа танқид билан қарашни бошлашади. Шунинг учун мен иродали бўлиб, Апельсин қизнинг оғир касаллиги, бошқа мамлакатда мураккаб даволаниш курсидан ўтиши кераклиги ҳақидаги ўйларни хаёлимдан чиқариб ташлашга уриндим. Шусиз ҳам ўйлайдиганларим етарли эди.

Апельсин қизнинг ҳеч қандай жиддий касали ёки шунчаки тоби қочиши исмимни қаердан билишига изоҳ бўлолмасди. Кейин у нега ҳар гал мени кўрганда, йиғлай бошларди? Уни нима бунчалик гамга ботирарди?

Сенга Рождествода мени таъқиб қилган ўйларимни ҳали узоқ айтиб беришим мумкин эди. Фрогнерда яшайдиган катта оила ҳақида ўйлаб топганимни гапириб беришим мумкин эди. Ёки нима учун Апельсин қизни ярим йилдан кейингина кўра олишим мумкинлиги тўғрисида тузган жавобларим рўйхатини тузиб бера олардим. Жавоблардан бири, бундай жанр учун энг оддий жавоб шу эдики, Апельсин қиз бу оламдагилардан ҳаддан ташқари яхши. Шунинг учун у Африкага, шу қитъадаги, айниқса, безгак ва бошқа даҳшатли касалликлар ҳукм сурган ҳудудларга энг камбағал одамлар учун озиқ-овқат ва дори-дармон олиб яширинча жўнаган. Бундай жавоб апельсинлар билан боғлиқ жумбоқни изоҳлаши маҳол эди. Бироқ... Балки уларни Африкага олиб кетмоқчи бўлгандир. Нега бу нарса аввалроқ хаёлимга келмади? Ким билсин, у, балки бор жамғармасини бирон юк самолётининг чартер рейсига сарфлагандир?

Аммо, Георг, биз бир-биримизга Апельсин қизнинг фақат ҳақиқий изларидан юришга ваъда берганмиз. Агар сенга у ҳақдаги ҳамма ўй ва тасаввурларимни айтадиган бўлсам, компьютер қаршисида бир йил ўтиришимга тўғри келади, менда эса бунча вақт йўқ. Бу ҳақда ўйлаш қанчалик оғир бўлмасин, ҳаммаси жуда оддий.

Аммо тасаввур ўйинига берилишининг нима кераги бор? Апельсин қиз кўп марта кўзларимга тикилганини, икки марта қўлимдан ушлагани ва бир марта бармоқларини лабларимга теккизганини ҳисобга олмаганда, бир-биримизга айтган бир нечта сўздан бошқа таскин бўладиган ҳеч нима йўқ эди. Бундан чиқди, бир-биримизга айтганларимизни тартибга келтириб олиш керак эди. Мен тезда гапларимизни рўйхатга териб, уларни изоҳлаш учун миямга зўр бердим.

Сен-чи, Георг, бу саволларга қандай жавоб берган бўлардинг? Биринчиси: унга нега шунча апельсин керак бўлди? Иккинчиси: у нега менин кўзларим тубига боқиб, қўлимдан ушлади, аммо биронта ҳам сўз айтмади? Учинчиси: нима учун Юнгсторгетда апельсинларни иккита бир хили тушиб қолмаслиги учун бунчалик синчковлик билан текириб кўрди? Тўртинчиси: у билан ярим йил кўришмаслигимизда қандай сирли

аломатни кўрясан? Ва ниҳоят, бешинчиси, энг қийин савол: у менинг исмиمنى қаердан билди?

Агар сен бу ребусни еча олсанг, балки энг асосий саволга ҳам жавоб бера оларсан: ким у, ўша Апельсин қиз? Бизларнинг биттамитизми? Ёки бошқа ҳаётдан, эҳтимол, ҳатто яна бизнинг орамизга қайтиши имконига эга бўлиши учун ярим йилдан сўнг қайтиши керак бўлган бошқа оламдан келганми?

Мен бу аломатларни изоҳлай олмасдим, Георг. Ташихис қўя олмасдим.

Апельсин қиз ўтирган такси Вергеланнсвейда кўздан гойиб бўлиб улгурмай янги такси келиб қолди. Уни тўхтатиб, яқинларим билан Рождествони нишонлаш учун Хюмлевейнга жўнадим.

Ўша қишда Эйнарнинг битта ишқибозлиги бор эди: Тюриваннскейвда слалом¹. Унга чанги учини учун зўр бошмалдоқли қўлқоп олдим ва Рождество тушлигидан сўнг совгамни қандай очишини тасаввур қилиб севиндим. Бундан ташқари, мушугимизга бир банка энг қиммат консервадан сотиб олдим. Онамга – кейинги пайтларда кўп тилга олинаётган швед-фин шоирасининг шеърлар тўпламини. Шоиранинг исми Мэрта Тикканен эди, тўплам эса “Асримизнинг севги афсонаси” деб номланарди. Отамга “Ўлик югуриш” романи – норвегиялик Эрлин Йельсвикнинг биринчи романини сотиб олдим. Ўзим уни яқинда ўқиб чиқдим ва отамга ҳам қизиқ бўлса керак деб ўйладим. Аслида, яна бир сабаб бор эди: ўша пайтда ўзим ҳам қачондир китоб ёзишни орзу қилардим. Балки айнан шунинг учун отамга ёш, ҳали танилмаган муаллифнинг китобини совга қилишни жуда хоҳлагандирман.

У пайтларда мен меҳмонхона ёнидаги кичкина хонада яшардим. Ҳозир, ҳар қалай шу сатрларни ёзаётганим пайтимда, бу – сенинг хонанг. Хатим сенга етиб борганда, кимники бўлиши ҳақида эса, ҳеч нима билмайман.

Ўша йили Рождествони қандай нишонлаганимизни гапириб ўтирмайман, ахир биз бу ҳикояда фақат бир воқеа ҳақида гаплашишга келишиб олдик-ку. Фақат шуни айтишим мумкинки, Рождество кечаси бир дақиқа ҳам кўз юмганим йўқ”.

Отамнинг ҳатини атиги ярмигача ўқиб бўлганимда, ташқарилагим келиб қолди. Ўзим айбдорман. Шунча кола ичмаслигим керак эди.

Жин урсин, ўйладим мен. Энди мен яқинларимнинг қизиқувчан нигоҳлари остида меҳмонхона, йўлак ва даҳлиздан ўтишим керак. Бу “саф орасидан ўтиш” дейилади, шекилли. Аммо бошқа чорам йўқ эди.

Тўртовлон шу заҳоти бош кўтариб қаради. Ўзимни менга қадалган саволомуз нигоҳларни сезмаётгандек тутишга уриндим.

“Ҳаммасини ўқиб бўлдингми?” – деб сўради ойим. У каттакон сўрок белгисига ўхшарди: қизиқ, нималарни ўқиб чиқди экан?

“Бироз ғамгин мутулаа, а?” – деди Йорген. У худди отасиз қолганим учун менга ачинаётгандек эди, лекин у отамнинг ўрнини босиш учун кўлидан келганча ҳаракат қиларди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, бу унинг учун ибодатга айланиб қолган бўлса ҳам керак. Аммо у отамнинг ўрнини, бошқача айтганда, тўшагини эгаллаб туриб, онамнинг эридан айрилганига ачиниши мумкин эмасди-ку. Менимча, Йорген кўнглининг тубидан отам ўлганидан хурсанд. Бўлмаса, онамга уйлана олмасди. Мириам ҳам қизи бўлмасди. Энг асосийси: унинг ҳаётида мен бўлмасдим. Айтишади-ку, ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам бўлади.

Мен унинг ўзига катта қадахга виски куйганини пайқадим. Йорген

¹ Слалом – чангида тепалиқдан тез тушиш спорти.

баъзида виски ичарди, лекин фақат жума ва шанба кунлари. Бугун эса душанба эди.

Албатта унинг меҳмонхона ўртасида хижолатли алпозда туришига шу виски сабаб эмасди, ҳар қалай, мен бу ҳақда виски туфайли ёзмайман. Менимча, Йорген уйимизда пайдо бўлишидан анча олдин, ўз отам вафотидан бироз аввал ёзган хатни ўқиш учун хонамга қамалиб олганимдан салгина доврираб қолганди. У пайтда мен ҳали нодон эдим, баъзан Йоргенни “ижарачи” деб атаганман. Бу болаларга хос эди. Лекин баъзида унинг ғашига текким келарди.

“Ҳали кўп ўқийсанми?” – деб сўради бувам. У сигара чекарди. Бувам ҳар доим масаланинг моҳиятига қарарди.

“Яна ярми бор, – деб жавоб бердим. – Ташқарига чикмоқчиман”.

“Сенга ёқяптими ахир?” – деб аралашди бувим.

“Изоҳга ҳожат йўқ!” – дедим. Сиёсатчилар қийин саволларга жавоб топа олишмаганда, журналистларга шундай дейишади.

Журналистлар ва яқинларим ўртасидаги ўхшашлик шунда эдики, улар ҳам, булар ҳам бирдек қизиқувчан. Сиёсатчилар ва болаларнинг ўхшашлиги эса – уларга жавоб беришлари унчалик осон бўлмаган нозик саволларни кўп беришларида.

Сизларни бу ҳикоя қаҳрамонлари билан яқинроқ таништириш вақти етганга ўхшайди, онамдан бошлайман, чунки ҳар нима бўлганда ҳам, уни ҳаммадан яхшироқ биламан.

Онам қирқни қоралаб бўлди, уни ақли расо, мустақил аёл дейишим мумкин, ҳар қалай, у ўйлаганини айтишдан қўрқмайди. Баъзида болалардек гапира бошлайди, Мириамни ўйнатганда демоқчиман. Мен билан ҳам болалардек гаплашиб қолади, худди мен ҳали ҳам кичкина боладек. Одатда, мен бунга эътибор бермайман, лекин баъзан бундан жаҳлим чиқади, айниқса, синфдошларим ёнида шундай бўлса. Онам дўстларимга менинг кичкина болалигимни намоёйиш қилишни ёқтирадиганга ўхшайди, ваҳоланки, аслида мен ундан бир неча сантиметр баландман. Бир гал дўстим Мартин билан меҳмонхонамизда шахмат ўйнаётган эдик, кутилмаганда онам ёнимизга тароқ кўтариб келиб, сочимни тарай бошлади. Бу борада қандай фикрдалигимни очиқ айтишимга тўғри келди. Аслида, онамга жаҳл қилишни ёқтирмайман, лекин ўша сафар шунчаки жаҳлим чиққани йўқ, қутуриб кетдим – Мартиннинг борлиги мени бундай қилиқларга хотима қўйишим мумкинлигини билдиришга мажбур этарди. Онам ошхонага қочиб кетди, лекин йигирма дақиқа ўтиб, қайноқ какао ва байрам пирогини кўтариб кирди. Мартин хурсанд бўлганидан хуштак чалиб юборди, аммо ундан аввал бўлган воқеадан сўнг онамнинг ғамхўрлиги менга ёқмади. Совутгичимизда пиво йўқмикан деб ошхонага чошиб киришимга оз қолди. Пиво тополмасам, ҳеч бўлмаганда, Йорген вискисини қаерга беркитганини билиб оламан деб ўйладим ҳатто. Яхшики, Мартин бунга ҳазил билан ёндашди, кейин бўлган воқеаларни гаплашиб олдик, албатта. Менимча, онам Бадиий академияда дарс беришини билиб, Мартиннинг унга ҳурмати ниҳоятда ошди. “Агар вақт ўтиб бизда янги Пикассо пайдо бўлса, унинг қаердан чиққанидан хабаринг бўлади”, – дедим мен. Бўлган воқеадан сўнг онамнинг обрўсини бироз кўтариб қўйиш бурчим эди.

Ўз онангни тасвирлаш, унинг диди, камчиликлари ва шу кабиларни муҳокама қилиш қийин, лекин фақат унга хос бўлган баъзи жиҳатлар бор. Онам ширинмияни ҳар қандай кўринишда яхши кўради. Ҳамма жойдан ширинмияли обакиларни топаман. Умуман ширинмияси бор ҳар хил кон-

фетларни. Охирги пайтларда онам уларни биздан яширинча ейди, чунки Йорген иккимиз унинг майлига қизиксиниб, бунинг ёмон одатлигини тушунтирдик. Йоргеннинг фикрича, ширинмия одамларда артериал қон босимини оширади; албатта, у биров муболаға қияпти, лекин онам буни жиддий қабул қилиб, мени Йоргенга ширинмияли обакилар ва яна ширинмияли қандайдир конфетлар солинган катта пакетни иккимиз шаҳарга борганимизда сотиб олганини айтишга кўндирди.

Агар онамнинг кучли томонларини икки сўзда таърифлаш керак бўлса, буни “яхши кайфият” деган бўлардим. Аммо у ҳолда, унинг заиф томони – “ёмон кайфият” лигини тан олишга тўғри келади. Лекин, тўғриси, бу икки чегара орасидаги ўртача нимадирга кўп гувоҳ бўлмаганман. Онам одатда доим яхши кайфиятда юради, аммо баъзан тумшайиб қолади. Яъни у ҳар доим бир яхши кайфиятда бўлади, бир ёмон, деярли ҳеч қачон “булар орасида” бўлмайди. Ойимнинг сеvimли ибораси: “Келинлар, ухлашдан олдин қарта ўйнаймиз”.

Энди Йорген ҳақида. Унинг бўйи атиги 170 сантиметр, бўйи онам билан тенг, бу эса, тўғриси айтганда, эркак учун камлик қилади. Кўпчилик буни камчилик деб ҳисоблаган бўларди, у ҳолда, бу Йоргеннинг ягона камчилиги эмас, чунки у, бундан ташқари, малла ҳам. Йорген оқ-сарикдан келган, ҳеч қачон офтобда тобланмайди, ёзда териси пушти бўлиб қолади, худди кўйиб қолгандек. Хуллас, у малла, ҳатто қўлларидаги туклари ҳам малла. Йоргеннинг модага ўчлигини айтгандим, биров қийшанғилиги ҳам бор. Ҳамма эркаклар ҳам ваннахонасида уч хил дезодорант ва соқол олиш учун тўрт хил лосьон сақламайди. Ва ҳамма ҳам кўчага қора шойи шарф ва туя жунидан тикилган оч сариқ куртқада чиқишга ботинавермайди. Йорген учун эса бу ҳеч гап эмас. Асосийси, бу унга ярашади.

Булардан ташқари, Йорген КРИПОС (жиноят полицияси)да терговчи бўлиб ишлайди. У доим онам иккимизга “сир айтмаслиги” кераклигини эслатиб туради, аммо ҳар доим ҳам ўзини тутолмайди. Бир неча марта ҳали газетада чиқмасдан туриб катта жинойи ишлар ҳақида хабар топганман. Йорген менга ишонади. Бу жуда яхши хислат. У менинг югуриб бориб полиция сирларини сотмаслигимни тушунади.

Йорген, таъриф жоиз бўлса, жавон қаерда туришини аниқ биладиган одамлардан, аммо бу унинг ҳар доим ҳақ бўлишини билдирмайди. Яқинда биз ИКЕАга бориб, янги кийим жавони сотиб олдик, уни менинг хонамга қўймоқчи эдик. (Онам иккиси анчадан бери нарсаларим доим уйнинг ҳамма ёғида сочилиб ётганини айтaverиб безор қилишганди. Бу муболаға эди, албатта, чунки уларнинг иккинчи қаватида мен ҳатто пайпоғимни ҳам ташлаб кетмаганман. Гап шундаки, мен у ерда деярли бўлмайман). Ўша жавонни йиғиш учун ярим кун, жойига жойлаштириш учун оқшом бўйи овора бўлдик. Йорген жавон эшик орқасида девор ёнида туриши керак деб ҳисобларди, аммо мен унинг фикрига қўшилмадим. Мен жавонни дераза ёнига қўйишни хоҳлардим, гарчи у салгина чиқиб, деразани тўсиб қўйса ҳам. Бу менинг хонамлигини, деразамнинг ярим сантиметрга ёпилиб қолиши мени ташвишлантирмаслигини айтдим. Унга бу уйда ундан анча аввалдан яшаётганимни, хона эшиги очиқ бўлганда, эшиги очилмайдиган жавонга эга бўлишдан маъно йўклигини эслатдим. Табиийки, гапимда туриб олдим, Йорген билан бир сутка гаплашмадик, ниҳоят гаплашиб кетганимизда эса, бунинг учун қанчалик зўр бераётганини кўрдим.

Йоргеннинг кучли томони, менимча, бор бўш вақтини мени спортчи қилишга сарфлашга тайёрлигида эди. Ҳамма одамларда мушак бор,

улардан фойдаланиш керак дейди у. Кучсиз томони эса, менинг келажак хақида тасаввурим бошқача эканлигига, спортчи бўлмоқчи эмаслигимга тан беролмаётганида. У менинг тинимсиз “Ой сонатаси”ни чалаётганимга кўп эътибор беради деб ўйламайман. Унинг сеvimли сўзлари: “Ҳаммаси нуқтаи назарга боғлиқ”.

Бувам билан бувим хақида хикоя қилишни бошлашимдан олдин айтишим керакки, уларни жуда яхши биламан, ҳар қалай, Йоргендан кам билмайман, чунки уларникида Тёнсбергга кўп яшаганман. Айниқса, Йорген онамнинг кўнглини овлаб юрганда. Ўшанда ўн ёшда эдим. Мени бувам ва бувимникига бир ёки икки ҳафтага жўнатиш имкони бўлмаганда, онамнинг Йорген билан муносабатлари яхшиланиб кетарди деб ўйламайман. Фақат мени нолияпти деб ўйламанг, аксинча. Тёнсбергга бориш менга ҳар доим ёққан. Қолаверса, онам ва Йоргендан муносабатларининг бошланғич даври, яъни ноз-карашма даврини томоша қилишдан халос этганлари учун миннатдорман. Шусиз ҳам кўникишим керак бўлган нарсалар бор эди. Бир куни иккинчи қаватга кўтарилдим: уларга хайрли тун тилаш учун, шунда бир-бирларига чирмашиб, партўшак тагида ётишганини кўрдим. Бу менга ёқмади, шунинг учун бурилиб, секин-аста пастга тушдим. Йорген ўз отам бўлганда, буни буткул бошқача қабул қилармидим. Эҳтимол – йўқ. Мен нафратланмаётгандим. Лекин барибир улар ётоқхона эшигини ёпишлари керак эди. Менга ухлашга ётаётганларини айтиб қўйсалар бўларди. Ўшанда ноқулай вазиятга тушмасдим. Ўзимни бунчалар ёлғиз ҳис қилмасдим ҳам.

Бувим яқинда етмишга тўлади, деярли бутун умри давомида ашулачиликдан дарс берган. У ҳар қандай мусиқани, айниқса, Пуччинини яхши кўради. Ҳаётидаги асосий мақсади – мени “Богема”ни севишга мажбур қилиш, лекин, ростини айтганда, итальян опералари менга чучмал туюлади, “Богема” ҳам бундан мустасно эмас. Бувим яна табиатни, айниқса, қушларни яхши кўради. У ҳамма денгиз маҳсулотларини севади, ҳатто қисқичбақасимонлардан махсус салат ҳам кашф қилган, уни “Тёнсберг салати” деб атади (қисқичбақа, денгиз қисқичбақаси гўшти ва балиқли тефтеллар; бувим яратган салатнинг ўзига хослиги ҳам тефтелларда). Яна ҳар кузда мени кўзикорин териш учун Тьюмега олиб боради (ҳали бирон марта ҳам заҳарланганим йўқ). Бувимнинг кучли томони: у ҳамма қушларни ва уларнинг қандай ин қуришини билади. Ожиз томони: афсуски, Пуччинининг бирон ариясини хиргойи қилмасдан овқат пиширолмайди. Мен уни бундан қайтаришга уриниб ҳам кўрмаганман, бундан фойда йўқ, лекин бувимнинг кўли жуда ширин. Унинг сеvimли сўзлари: “Ўтирақолсанг-чи энди, Георг, кел, сен билан гап сотамиз”.

Бувам нафақага чикқунча Давлат метеорология хизматида ишлаган ва ҳалигача метеорологияга қизиқишини йўқотмаган – у Сири Калвиг берадиган об-ҳаво маълумотларини муҳокама қилиш учун ҳар куни “Верденс Ганг” газетасини сотиб олади. Бувам сигара чекади, лекин, ўзининг уқтиришича, фақат байрамларда. Афтидан, менинг Тёнсбергга ҳар келишимни байрам деб ҳисоблайди, қайикдаги ҳар бир сайримизни ҳам. Бувам – қувноқ одам, ҳазилни яхши кўради, қувноқлиги булоқдек тошиб туради, кейин у ҳеч қачон ўйлаганларини айтишдан кўркмайди. Агар унга бувимнинг турмаги ёқмаса, ўйлаб ўтирмасдан айтади. Турмаги ёқса ҳам, ўйлаб ўтирмасдан айтади. Йилнинг ёз фаслини бувам ўз жипига бағишлайди, унда орол ва соҳилларни айланиб юради, қишки вақтни эса

газеталарга ажратади. Баъзида маҳаллий газетага хабарлар ёзиб туради, уни Тёнсбергнинг диққатга сазовор кишиси деб ҳисобласа ҳам бўлади. Бувамнинг кучли томони: у денгизни жуда яхши кўради. Кучсиз томони: баъзида у ўзини Тёнсберг ҳокими деб ҳис қилаётгандек кўриниши мумкин. Севимли сўзлари: “Биз, бойларга яхши”.

Бир неча марта Эйнар амакимни ҳам тилга олдим. Отам Апельсин қизни учратган ўша кузда Эйнар амаким менинг ҳозирги ёшимда бўлганини ўқиш мен учун кулгили. Энди эса у катта савдо кemasида штурман, уйланмаган, лекин ҳар бир портда биттадан севимли аёли бор деган миш-мишлар юради. (Бир вақтлар кемада ҳам севгилисидан бор деб гумон қилардим. Ҳар қалай, у билан ярим йил бирга сузган, кейин қирғоқда қолган қандайдир Ингрид бор эди.) У менга кўп марта ўзи билан кемада хорижга олиб кетишга ваъда берган, лекин ҳаммаси қуруқ гап экан, ҳеч нима бўлгани йўқ. Эйнар амакимнинг кучли томони: менимча, у бутун Норвегиядаги энг зўр амаки. Кучсиз томони: ҳеч қачон ваъдасини бажармайди. Севимли сўзлари: “Сен, ҳали денгизда бўлмагансан, йигитча”.

Ва ниҳоят, тасвирлаш энг қийин бўлган охириги шахс менинг ўзим, Георг Реед. Бўйим 174 сантиметр, демак, Йоргендан тўрт сантиметрга баландман. Бу унга ёқади деб ўйламайман, аммо унинг бундан баланд (!) бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тасвирланаётган Георгнинг ичида бўлиб, уни четдан кўрмайман. Тўғри, баъзан уни юзма-юз кўраман, аммо камдан-кам, фақат кўзгуга қараганимда. Балки бу бузукликдир, лекин, тан олишим керакки, мен ўз ташқи кўринишидан мамнун одамлар тоифасига мансубман. Ўзимни чиройли деб айтолмайман, аммо хунук ҳам эмасман. Бу масалада жуда эҳтиёткор бўлиш керак. Қаердадир йигирма фоиздан кўпроқ аёллар ўзларини мамлакатдаги энг чиройли аёлларнинг уч фоизига киритишини ўқигандим, ўзингиз кўриб турганингиздек, бу борада ҳамма нарса мос келмаяпти. Нега фоиз одамлар ўзларини энг хунук уч фоизга киритишини билмайман, лекин, ўйлашимча, бутун умр ўз кўринишидан норози бўлиш унчалик ёқимли эмас. Йорген маллалигидан ва бўйи атиги 170 сантиметр эканлигидан қийналмаса керак деб ўйлашни истардим. Аммо ундан тўғридан-тўғри нимани ҳис қилишини сўрашга ботинолмайман.

Ташқи қиёфа билан боғлиқ қайғум яқинда пешанамда ҳуснбузар пайдо бўлгач бошланди, уларнинг тўрт йил ёки саккиз йиллардан кейин йўқолиши менга унчалик таскин бермаяпти. Йоргеннинг уқтиришича, у билан югуришни бошласам, ҳуснбузарлар йўқолар экан, лекин мен югурмайман. Умуман буни бекор айтди, чунки энди мени ҳуснбузардан қутулиш учун югурияпти деб ўйламаслиги учун югуришни бошламаслигим аниқ.

Кўзларим мовий, бу менга отамдан ўтган, сочларим сарғиш, терим анча оқ, лекин офтобда яхши тобланаман. Кучли томоним: Георг Реед Ер шари аҳолисининг Сомон йўли таркибига қирадиган сайёрада яшаётганимизни тушунадиган қисмига мансуб. Кучсиз томоним: ҳеч қандай ўзига хос белги йўқ. Қандайдир алоҳида белгиларим бўлишини истардим. Севимли иборам: “Раҳмат, буни ҳам, унисини ҳам, учинчисини ҳам хоҳлайман”.

Ҳожатхонадан чиққач, яна меҳмонхона орқали ўтишимга тўғри келди, лекин бу гал катталардан ҳеч ким менга бир сўз айтмади. Шунга қарор қилишган, шекилли. Бир пайтлар отам яшаган хонанинг кулфидаги калитни бураб, орқамдан кулфладим-у, каравотга отилдим. Энди ўша Апельсин қиз ким бўлганини ҳадемай билиб оламан. Агар отам у билан яна учрашган бўлса, албатта. Балки у афсунгар бўлгандир? Бўлмаса, қандай қилиб

отамни сеҳрлаб ололган? Балки улар бирон даҳшатли воқеани бирга бошдан кечиришгандир? Менга бу воқеани айтиб беришни шунчалик муҳим деб билганини изоҳловчи бирон сабаб бўлиши керак. Отамни ўлимидан аввал менга Апельсин қиз ҳақида ҳикоя қилиб беришга ундаган нарсани тушуниш учун яна нимадир билишим керак.

Апельсин қиз қанақасигадир Хаббл телескопи ёки ҳар қалай Коинот ва фазо билан боғлиқ деган ўйдан ҳеч қутула олмасдим. Отамнинг ғалати сўзлари хаёлимга ўтириб қолганди. Мен ортга варақлаб, яна бир марта ўқидим: ...у фақат қўлимни қаттиқ ва меҳр билан сиқади, худди биз ернинг тортиш кучидан халос бўлиб, ҳавосиз маконда парвоз қилаётгандек, худди биз галактикалараро сутдан ичиб олиб, қаршимизда бутун Коинот кенг очилгандек.

Балки Апельсин қиз бизга бошқа сайёрадан учиб келгандир? Ахир отам унинг бошқа оламдан келганига шама қилди-ку. Балки биронта НУЖдадир?¹ Йўқ, албатта, мен бунақасига ишонмайман, отам ҳам ишонган бўлиши мумкин эмас. Лекин, балки, у қиз ишонгандир? Борган сари оғирлашмоқда!

Хаббл телескопига Ер атрофида соатига 28 минг километр тезликда бир марта айланиши учун 97 дақиқа керак. Такқослаш учун, Христиания ва Эйдсволл ўртасида юрган биринчи поездга 68 километр масофани босиб ўтиш учун икки ярим соат керак бўлган. Демак, Хаббл телескопи Норвегияда йўлга қўйилган биринчи поезддан минг карра тезроқ ҳаракатланади. (Ўқитувчим бу такқослашни топқирлик деб баҳолади!)

Соатига йигирма саккиз минг километр! Шунда чиндан ҳам ҳавосиз маконда парвоз ҳақида гапирса бўлади! Балки “галактикалараро сут” ҳақида ҳамдир; ҳар қалай, бизникидан миллион ёруғлик йил узокда бўлган галактикалар суратлари ҳақида.

Хаббл телескопининг қуёш панелли иккита қаноти бор. Ҳар бирининг узунлиги ўн икки метр, кенлиги – икки ярим, улар телескопга 3000 ватт беради. Лекин бизнинг собордаги икки кабутаримиз Тарих музейи ёнидан ўтиб, Сарой боғига яқинлашишдан олдин ҳар бири Хаббл телескопидаги қанотга ўтириб, кўз олдиларида намоён бўлган Коинотни томоша қилган бўлиши амримаҳол.

(Охири келгуси сонда)



¹ НУЖ – номаълум учар жисм.



“ФАҚАТ ГУЛ УНДИРАР ШОИР ЮРАГИ”

Туркман адабиёти дастлаб бошқа туркий халқлар адабиёти сингари оғзаки адабиёт шаклида пайдо бўлган. Дастлабки туркман ёзма адабиёти эса XI–XII асрларда, Аҳмад Яссавий каби шоирлар ижоди таъсирида туркий (чиғатой) тилида юзага кела бошлаган. XIV асрда Бурҳониддин Сивосий ва Сайид Имониддин Насимий туркман ёзма адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Туркман тилида биринчилардан бўлиб шеър ёзган ва бу шеърятга аруз вазнини олиб кирган ҳам Сивосий эди.

XVI асрда Байрамхон, Анисий, Абдурахим, XVIII асрда Андалиб, Озодий, Маҳтумқули, Муллонафас, Маъруфий, Ғойибий, Шайдоий, Шобанда каби етук шоирлар етишиб чиққан. Шобанданинг “Шоҳ Баҳром”, “Гулу Булбул”, “Хўжамберди” дostonлари ва кўплаб лирик шеърлари, Маъруфийнинг “Сайфулмулук Мидҳал Жамол”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Давлат Эр” дostonлари, Шайдоийнинг “Қиссаи Санавбар”, Андалибнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари халқ орасида машҳур бўлган.

Туркман мумтоз адабиётининг забардаст вакили, шоир ва мутафаккир Маҳтумқули (1733–1791) шеърятда шакл ва мазмунга янгилик руҳини киритди. Ишқ-муҳаббат ғоясини ижтимоий мавзу билан боғлаб ривожлантирди. Шоир шеърларининг вазни равон, уйноқи, тили эса жуда содда бўлганидан халқ орасида тез тарқалган, куйга солиниб айтилган. Шоир ғазаллари ўзбек халқи орасида ҳам кенга тарқалган, уларга қўшиқлар басталанган.

Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги, қардошлиқ тарихини шоир Ғайратий “Амудай узун” деб таърифлайди. Бу қардошлиқ уларнинг адабиёти ва оғзаки ижодиётида чуқур из қолдирган. Гўрўғли бир қанча туркман халқ эпосларининг бош қаҳрамони бўлганидай, 40 дан ортиқ ўзбек халқ дostonларида унинг мардлик, олийжаноблик хислатлари тасвирланади. Тоҳир ва Зухра, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби пок севги тимсоллари ҳар иккала халқда ҳам севиб куйланади, зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади. Навоийни Маҳтумқули ўз устози сифатида қадрлаган, унинг инсонпарварлик ғояларини янги тарихий шароитда ривожлантирган.

Буеунги кунда ҳам туркман адабиёти қадимги илдизларидан сув ичиб, ривож топиб келаяпти. Хусусан, XX асрда яшаб ижод қилган Керим Гурбоннафасов, Гурбонназар Эзизов сингари шоирлардан бой адабий мерос қолди. Уларнинг ижод намуналари билан ўзбек китобхонларини ҳам таништиришни ихтиёр этдик.

Таҳририятдан

Керим ГУРБОННАФАСОВ

(1929–1988)

Туркман тилидан
Қурбон МУҲАММАДРИЗО
таржимаси

Туркманистон халқ ёзувчиси, Маҳтумқули номидаги Давлат ва ёшлар мукофоти соҳиби. Туркманистоннинг Кўктела туманидаги Юлғун қишлоғида туғилган. Ёш Керим шеърятга эрта қизиқади. Унинг дастлабки машқлари “Мудом тайёр” газетасида, “Тўқмоқ” сатирик журналинда босилади.

1951 йилда шоирнинг илк жиддий асари – “Кучимнинг манбаи” чоп этилди. “Шеър ва поэмалар” (1958) китоби, “Тоймас бобо” (1960) поэмаси ижодкорга катта шухрат олиб келди.

Шоирнинг шеърлари мазмундорлиги, тилининг ниҳоятда бой, содда ва ширалилиги билан ажралиб туради.

ТҮРТ ХИЛ ОДАТ

*Кеккайышны хунук одат дейдилар,
Баттарроқ десанг ҳам бўлмагай ёлгон.
Аммо бу одатни тарк этмоқ учун
Букилиб юриш ҳам яхшимас, ёрон.*

*Вайсақилик хунук одат дейдилар,
Баттарроқ десанг ҳам бўлмагай ёлгон.
Аммо бу одатдан соқит бўлай деб,
Хўмрайиб юрмоқ ҳам яхшимас, ёрон.*

*Лаганбардорлик бад одат дейдилар,
Баттарроқ десанг ҳам бўлмагай ёлгон.
Аммо бу одатдан воз кечмоқ бўлиб,
Гердайиб юриш ҳам яхшимас, ёрон.*

*Ялқовликни хунук одат дейдилар,
Баттарроқ десанг ҳам бўлмагай ёлгон.
Ва лекин ялқовлик қилмаслик учун
Жонбозликка ружу яхшимас, ёрон.*

*Бошқа хунук одатлар ҳам бор дерлар,
Тўзгиси, булар ҳам эмасдир ёлгон.
Бироқ ҳар бандимда бир сўз алмашлаб,
Вайсаб турмоқлик ҳам яхшимас, ёрон.*

КЕНГЛИК

*Мен денгизни суйдим, денгиз ҳам мени...
Бағрида олисга олиб кетади.
Бироқ сузиб бориб, сал хато қилсам,
Биламан, у мени аниқ ютади.*

*Мен у қизни суйдим, у қиз ҳам мени...
Унга сўз саралаб, гаплар бичаман.
Аммо тўрт-беш карра сўзда адашсам,
У мени кечирар, қасам ичаман.*

*Қиргоқлари олис, ҳатто кўз етмас,
Эй, сен – Қора денгиз, дунёдай кенсан.
Бироқ яна-яна кенгроқ бўлишни
Ўша нозик ниҳол қиздан ўргансанг...*

ШОИР БЎЛАМАН ДЕСАНГ...

*Кўчамиздан ўтиб борар одамлар,
Бирлари хушнуддир, бирлари гамгин.
Нима учун мамнун, не учун гамгин?
Билгингиз келар-у, сўрамоқ қийин.*

*Асли қизиқмоқлик керакмикан-а?
Бировнинг сирини билмоқ не даркор?
Тугилиш, ўлим бор фонийда, аммо
Яна бошқа минг бир сабаблар бисёр.*

*Кўчамиздан ўтиб борар одамлар,
Бирлари шодондир, бирлари гамгин.
Бугун маъюслар – шод, хушвақтлар – гамгин.
Тескари, шундай ҳам бўлмоғи мумкин.*

Майли, негалигин сўраган эсанг,
Айтайлик, сабабин билдинг ҳам дейлик.
Айт-чи, энди шоир бўламан десанг,
Кейин нималарни қалбингга тугдинг?

Майли, сабабларин сўраган бўлдинг,
Айтайлик, барини билган ҳам бўлдинг.
Айт-чи, энди шоир бўламан десанг,
Кейин нималарни қалбингга тугдинг?

Гурбонназар ЭЗИЗОВ

(1940–1975)

Туркменистон халқ ёзувчиси, Маҳтумкули номидаги Давлат ва ёшлар мукофоти совриндори. У Туркменистоннинг Ахал вилояти, Кўктепа тумани, Савитли қишлоғида заргарлар оиласида таваллуд топган. 1964 йили Туркменистон давлат университетининг тил-адабиёт факультетини тамомлаган. “Мудом тайёр” болалар газетасида, сўнгга “Адабиёт ва санъат” газетасида, 1972–1975 йилларда Туркменистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси вазифасида ишлаган.

Шоир қисқа, лекин ниҳоятда мазмунли умр кўрди ва туркман шеъриятида нурли из қолдирди. Унинг ҳаётлигида “Ином” (“Ишонч”; 1971), “Ер-осмон орасида” (1973) тўпламлари, вафотидан кейин “Сарпоҳ” (1977), “Қиз” (1978), “Сардорим” (1990), “Туркман саҳроси” шеърий китоблари, сонетлари, поэмалари дунё юзини кўрди.

Г.Эзизов шеърлари рус, озарбойжон ва инглиз тилларида ўзгирилган.

ЮРАК

Менга беринг ўн юрак, ўнта аломат юрак,
Ўнтасин ҳар бирида бир сир бўлмоғи керак.
Биттаси билан севай бепоён осмонимни,
Бири билан дунёни, бири билан инсонни.
Бири севдирсин элни, бири онаизорни.
Қолган бештаси билан маҳв этайин душманни, –
Деб дўстимга бу ҳақда сўз очаетсам аста,
Юрак безовталаниб, дейди кўкрак қафасда:
– Нечун сенга ўн юрак? Керак не учун, нечун?!
Истасанг, битта ўзим берай ўн юрак кучин.
Сиз жувонми, ё йигит, ё бир нуроний банда
Бошига оғир иш тушса, қаттиқ севиб қолсангиз,
Ўн юракка асло жой тополмасиз бир танда!
Нечунким, тор қафасда ўн юрак бўлолмас жам.
Аммо йўригини сиз тополсангиз, ишонинг,
Бир юрак тошин босар минг битта юракнинг ҳам!

ШОИР ЮРАГИ

Сен агар гул эксанг, гул унар ердан
Ва гар тикан эксанг, кўрасан тикан.
Ушбу мақол мерос ота-бободан,
“Ерга нима эксанг, шуни ўрасан”.

Шоир юраги ҳам тупроқ мисоли,
Бироқ бошқачароқ мақсад элаги.
Сен унга миҳ қадаб, сочсанг-да, оғу,
Фақат гул ундирар шоир юраги.

КУЗ КҮРКИ

Ерга япроқ тушмаса,
Күзнинг күрки на бўлгай.
Утлоқ ранги ўчмаса,
Күзнинг күрки на бўлгай.

Күёшдан нур кетмаса,
Ерга туман тушмаса,
Гозлар йиглаб учмаса,
Күзнинг күрки на бўлгай.

Ёз шовқини тинмаса,
Тупроқ “кўзин юммаса”,
Шу гўзаллик бўлмаса,
Күзнинг күрки на бўлгай.

РАССОМ БОЛА

Чизди бола тоғ шаклин, одамзодга ўхшади,
Чизди бола боз расмин, одамзодга ўхшади.
Чизди бола кун бўйи денгиз расмин, гул расмин,
Одамзодга ўхшаб, ажаб, бари турарди вазмин.

Эртаси кун расм дарси,
Маҳкам қисиб тишларин,
Навбат билан ҳар бир бола
Кўрсатди ўз ишларин.
Устоз деди: –Ўтир, бола,
Дафтарингга не чекдинг?
Кун ҳам – одам,
Гул ҳам – одам...
Кўрсатяпсан не хунар?!
Муаллима кўп гижсинди:
– Сеники шу бир хиллик:
Кун ҳам одамга менгзар,
Гул ҳам одамга менгзар!

Ҳаво эса жуда иссиқ,
Лек шамол бошин силар,
Қайтар бола ўз уйига,
дафтариди “икки”лар.

Кўкда кўёш мисли одам:
“Чекма гам, бола”, дейди.
Пешвоз чиқиб гул-лола ҳам:
“Чекма гам, бола”, дейди.

Эртаси кун бобо кўёш
Чиқар уфқни ёриб.
Бола унинг расмин чизар
Одамларга ўхшиатиб.

СЕВГИ

(Сонетлар гулдастаси)

Туркман тилидан
Очил ГОҲИР
таржимаси

1

Умрнинг оғочидан учмоқда кунлар,
Кунлар умринг элагиди эланар.
Ортга дўнмоқ истар далли кўнгиллар,
Ҳар бир кунда бир кун яшаб ўтилар.

Ҳар кимнинг кечмишдан бир армони бор,
Менинг эса куйиб кетгандир бағрим.
Сенинг руҳинг менга берар куч-мадор,
Руҳимни танамга қайтардинг, сарвим.

Йўлимизнинг айро тушгани учун,
 Бўзлама. Яратган хуш кўрмас сира.
 Урушдан сог қайтиши душвору қийин,
 Ундан ҳам ёмони қонли хотира.

Беомон хотира – гам-алам титроқ,
 Тупроқни қучгандай заъфарон япроқ.

2

Тупроқни қучгандай заъфарон япроқ, Бошқалардай ёрга дуч келмасман бот,
 Маҳзун хотиралар айлар диллим банд. Дилда кўр олса ҳам согинч-орзиқши.
 Мангу ҳижрон сабаб зирқирар юрак, Умримга эш бўлиб ўлмас муҳаббат,
 Оғриқ ёдим билан қураман суҳбат. Туяман руҳимда маъюс ҳаприқши.

Ичимга жсим ютиб гусса-қайғуни,
 Сўрадим мен сени ётдан, танишидан.
 Эрта-кечда энг соф шаффоф тўйғуни,
 Асраб қола олдим бевақт сўнишидан.

Йўллар янглиг узун мунча бу кунлар,
 Йўлларда учрашар шайдо кўнгиллар.

3

Йўлларда учрашар шайдо кўнгиллар, Тонг чоғи умримга ясалди яқун,
 Вокзал. Фронт. Оқ қор олмиш алвон тус. Ўлдим. Сўнг қарасам, тирикман яна.
 Анқир ўлим ҳиди, о, жаллод кунлар, Кун ботар чоғида отилдим у кун,
 Бироқ мен негадир тирикман ҳануз. Ўлдим. Сўнг қарасам, тирикман яна.

Васлинг орзусида қалбим бўлди банд,
 Сен дўстга меҳримсан, сен ёвга қаҳрим.
 Ўлимга минг карра бера олдим панд,
 Дунёда борлигинг учун, эй, сарвим.

Қадамда дуч келар ажалу сиртмоқ,
 Йўллар айро тушар, бошланар фироқ.

4

Йўллар айро тушар, бошланар фироқ, Санқийман узун тун қоронгусида
 Ўзи-чи миқ этмай ошади довон. Ўйлаб сени. Бедор тонгларим отар.
 Тақдир ҳукми экан – васли дийдоринг Адашган йўловчинг қиёфасида
 То қиёмат қадар – ушалмас армон. Муҳаббатинг келиб эшигим чертар.

Ақлим расо бўлиб англадим шуни,
 Барча орзуларинг тугал ушалмас.
 Бутлаб бўлмагандек кемтик дунёни,
 Мукаммал бахтга ҳам эришиб бўлмас.

Ҳар бир кунинг синов: гоҳ бахт, гоҳ завол.
 Ошиққа бу кунлар одатий бир ҳол.

5

Ошиққа бу кунлар одатий бир ҳол,
 Гоҳ қувонч, гоҳ қайгу –
 Ўтар бир хилда.
 Арифметикага ўхшаи эҳтимол,
 Бирини ёзасан, иккиси дилда.

Севгим шундай буюк соҳиби қудрат, Бир қарасам, сенга етмайди қўлим,
 Майли, сен музга дўн, аммо олов шаҳд, Бир боқсам ёнимда турибсан, алҳол.
 Эритар қалбингни ўтказмай фурсат Бир ўзингга юлдуз оздай севгимим,
 Ҳам ато қилади сенга мангу бахт. Аммо иккимизга етар бемалол.

Хотиралар маҳзун, гуссалар маҳзун,
 Ииқ ўти қалбимни қучар кун сайин.

6

Ииқ ўти қалбимни қучар кун сайин, Илоҳий бир туйғу кўнгилда ногоҳ,
 Бу туйғу – баҳорнинг илк ойи – ҳамал. Уйғониб янгилар ҳаёт тарзини.
 Ошиқлар сипқорар муҳаббат майин, Тушунар чиройга тимсол доим моҳ,
 Кўклам ииқ аҳлига сирли бир аъмол. Тинглар у шикаста гуллар арзини.

Ошиқ йигит билан сўзлашмоқ мушукул,
 Унинг ўй-хаёли ер гўзалида.
 Такрорлар тун-кун бир исмни нуқул,
 Муқаддас дуодай қўймай тилидан.

Ииқдан дил ёнмаса, бари пуч хаёл,
 Ошиқлар қурмаса, суҳбату висол.

7

Ошиқлар қурмаса, суҳбату висол, Мен сени ахтариб кезаман жаҳон,
 Бир уммонга оққан янглиз қўш дарё, Умидвор кўз тикиб шому саҳарга.
 Йўқса, ошиқларга зулматдир дунё, Сени бу шаҳардан топмасам шу он,
 Шабнам ишр тўпроқда бўлгандай увол. Отланаман шошиб ўзга шаҳарга.

Сиеҳ тунда савол аломатидай
 Чиқади осмонга ойнаинг ўроғи.
 Олисда юлдузлар кўз қисар атай,
 Уйғонар кўксимда ёдим титроғи.

Юраклар олмаса ииқдан улуш-пой,
 Чиқмоғи даргумон кўкда қуёш, ой.

8

Чиқмоғи даргумон кўкда қуёш, ой,
 Ёр, дея ошиқлар ўртаса бағир,
 Ҳа, деб фарёд чекмоқ, солмоқ доду вой,
 Наҳотки, биргина чора шу ахир.

Севги ҳасрат эмас. Юракда унган Мен ўларман. Ўқилади жанозам.
 Мангу завол билмас ям-яшил дарахт. (Ноиложмиз – табиатнинг амри бу.)
 Мен севгимни баланд кўтаргум чунон, Севгим келиб аза очар субҳидам,
 Нурли толе бўлиб силар бошим бахт. Ҳар келиши узайтирар умримни.

*Севгим ҳар кун йиғлар қабримни қучиб,
Бўзарар тун, аста юлдузлар ўчиб.*

9

*Бўзарар тун, аста юлдузлар ўчиб,
Сувланган олмадай оппоқ тонг отар,
Айланиб борлиқни ачомлаб-қучиб,
Қуёш тафтин ерга қўшиқўллаб тутар.*

*Сен менинг бахтимми ё менинг қайғум,
Бахтимми, қайғумми, ким айта олар.
Овоз бер, овоз бер, эй, менинг севгим,
Мадҳинг бўлсин бугун энг сара сўзлар.*

*Мен сенсиз бахтиёр яшадим, наҳот,
Рости, бундай бахтдан зерикдим-ҳордим.
Сени топсам, бахт шаҳрида бўлиб шод,
Ғам шаҳрини бахтга кўмиб ташлардим.*

*Шунда бешик бахтим бўларди бутун,
Хўрозлар қичқирар, тўзғир қора тун.*

10

*Хўрозлар қичқирар, тўзғир қора тун,
Бошланар янги кун қувонч, ташвиши.
Мен газал ёзарман, қувониб ҳар кун,
Гўё толеи бут энг бахтли киши.*

*Ўтарман денгиздан, олов қаъридан,
Шаффоф сув, отаи тафт қалбимга улги.
Ошиқлик мардликдир, юксак баридан,
Мардона яшаини ўргатди севги.*

*Йўлим тўсди менинг қанча тўсиқлар,
Опицлаб гуссамни ошдим улардан.
Балки омадликдир кўнгли ўксиклар,
Севган ёри билан қовушганлардан.*

*Ўйланг, бу дунёда бари жамулжам,
Юрар ўксик қалблар, омадлилар ҳам.*

11

*Юрар ўксик қалблар, омадлилар ҳам,
Бу дунёи дундан дилда минг хоҳиши.
Қовушганлар бир ёстиққа жо мудом.
Сўққабошига камдир бутун бир болиши.*

*Бугун хаёлимни пардай тўзғитиб,
Бирқиз ўтди. Англадим сир-тилсимни.
Зўра тилим тийдим, сенга менгзатиб,
Сал қолди-я, айтишимга исмингни.*

*Қулогингга сасим етдим, тамом,
Ут туташиб ёндиради ичингни.
Аммо кўнглинг бўлсин мендан хотиржам,
Заррача бузмасман сенинг тинчингни.*

*Қалбинг тинч. Бахтингни қутламоқ учун,
Қўр ташлаб мастона чиқиб келар Кун.*

12

*Қўр ташлаб мастона чиқиб келар Кун,
Қувонч, қайғуларин ичига ютиб,
Кўннинг ҳам сен-мендек бағри тўла хун,
Яшиар ёруғлик деб, ўзин овутиб.*

*Ўзи ҳам мен каби саргаишта ошиқ,
Йўқотган тинчини, кезар дарбадар.
Ҳар куни у бешига қитъани ошиб,
Излайди ёрини – қайда деб Қамар.*

*Аммо ўксик қалблар олар ундан тафт,
Гарчи Ой, деб бедор кутар тонгларни.
Лек бағри кенглиги биз учун ибрат,
Кўнглини бутлашга иўр манглайларнинг.*

*Ажаб дамлар, дилбар ҳислар талъати,
Севилмоқ – қисматнинг зўр марҳамати.*

13

*Севилмоқ – қисматнинг зўр марҳамати, Муҳаббатдан туйдим қалбимда поклик,
Чекинар беомон тақдир андуҳи. Ғурур тоғси бошим кўкка етказди.
Эрта-кеч пок қалбда ишиқ шафоати, Сенсиз тақдирдаги ёлғизлик-тоқлик,
Боис орта бошлар кўнгил шукуҳи. Мен иўрликка фақат зусса тутқазди.*

*Сенинг зуссанг билан қолдим аламда,
Сенинг зуссанг билан толеим кемтик.
Севги-қайғу бақамтидир оламда,
Шундан бери менга армондир шодлик.*

*Қуримас дунёда севги дарахти,
Ана шу – Инсоннинг энг улкан бахти.*

14

*Ана шу – Инсоннинг энг улкан бахти,
Севги тубанликка йўл бермас сира.
Сиз шундай бир севинг, шундай севилинг,
Юлдузлар ҳам рашиқдан тортсинлар хира.*

*Севги ер юзидан қирсин батамом, Айтиб адо қилолмаган бўзларинг,
Барча насткашлигу хиёнатларни. Бедор тунлар изи – ёноқда холинг.
Эга бўлиб қалбга Муҳаббат мудом, Ҳануз йўлларимга интиқ кўзларинг,
Сочсин эзгуликни, диёнатларни. Шуменинг кечмишим ҳам истиқболим.*

*Отмоқда оппоқ тонг чекинар тунлар,
Умринг оғочидан учмоқда кунлар.*

МАГИСТРАЛЬ

(Катга йўл)

*Умринг оғочидан учмоқда кунлар, Ошиққа бу кунлар одатий бир ҳол,
Тупроқни қучгандай заъфарон япроқ. Ишиқ ўти қалбимни қучар кун сайин,
Йўлларда учрашар шайдо кўнгиллар, Ошиқлар қурмаса суҳбат у висол,
Йўллар айро тушар, бошланар фиरोқ. Чиқмоғи дарғумон қўёму ойнинг.*

*Бўзарар тун, аста юлдузлар ўчиб,
Хўрозлар қичқирар тўзғир қора тун,
Юрар ўксик қалблар, омадлилар ҳам,
Қўр ташлаб мастона чиқиб келар Кун.*

*Севилмоқ – қисматнинг зўр марҳамати,
Ана шу – инсоннинг энг улкан бахти...*



Ғафур ПЎЛАТОВ

ҲЕРИРУД ФАРЁДИ

Ҳарбий дала қиссаси¹

Укам Ижодбек
хотирасига бағишлайман

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ватандошларимизнинг ачиқ хотираларидан бири бўлмиш, яқин ўтмишида кечган Афғонистондаги уруш XX асрнинг 2-ярмида рўй берган Корея ва Вьетнамдаги нотинчликлардан кейинги йирик ҳарбий можаро бўлди. “Афғон фожиаси” ҳозирда МДҲ ва Болтиқбўйи ҳудудида яшовчи турли халқларнинг 14 мингдан зиёд жигаргўшасини темир қутиларга жойлади, 100 минглаб жангчи жисмонан ва руҳан майиб-мажруҳ бўлди. Кремлдаги “даҳолар” “Байналмилал ёрдам” деб атаган шўро ҳарбий авантюраси афғон халқига ҳам чинакам кулфат келтирди: 1,5 миллион жабрдийда ҳаётдан кўз юмди, 3 миллиондан ошиғи бошпанасиз, 5 миллионга яқини қочоққа айланди. Фалажланган миллий иқтисодиётнинг ягона тирикчилик манбаи – гиёҳфурушликка, ижтимоий турмуш тарзи ўзаро хунрезлик ва уюшган қуролли тўдачиликка айланди.

Шўро ҳукумати Афғонистонда кечган салкам 10 йиллик урушда (1979–1989) “Халқлар дўстлиги” қопқонидаги халқининг астрономик қийматдаги 200 млрд. совет пулини созуриб юборди. Бу биргина ўзбекнинг 70 йил давомида етиштирган пахта баҳосидан ҳам салмоқли эди. Тузумлар рақобати ва қуролланиш пойгасини елкасида зўрға кўтариб турган, дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган ҳайбатли шўро гавдасига бу харажат ортиқча юк бўлиб, унинг қаддини букди, сиёсий-иқтисодий таназзулини тезлаштирди.

Шўро-афғон коммунистлари олиб борган “Эълон қилинмаган уруш” ва “Апрель инқилобига беғараз ёрдам” сиёсати бунёд этган вайроналар ичра аламзада оқим – толиблар ҳаракати қанот ёзди. 1989 йил февралида шўро қўшинларининг мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши, 1991 йил августда шўро салтанатининг парчаланиши бу ҳаракатни руҳлантириб юборди. Кўп ўтмай Нажибулло ҳукумати қулади, мамлакатни Бурҳониддин Раббоний ва Гулбиддин Ҳикматёр бошчилигидаги мужоҳидлар эгаллади. Аммо улар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар марказий ҳукумат барқарорлигига путур етказди. Вазиятдан

¹ Журнал варианты.

толиблар фойдаланиб, собиқ президент Нажибуллони “қоракалтак” тарзида ўлдирди, Раббоний ҳукумати қувғин қилди. Мамлакатда диний мутаассиблик қонунлари жорий этилиб, давлат тузуми ақидапарастлар қўлига ўтди. Шимолда толибларга муҳолифат – ҳарбий иттифоқ бош кўтарди. Афғонистон амалда иккига бўлиниб қолди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда нуфузли давлатларнинг афғон жамиятида рўй бераётган зиддиятларга эътиборсизлиги хусусидаги Ўзбекистон қўнғироғига аҳли жаҳон кулоқ тутмади ҳисоб. Мудроқ олам террор ва ёвузлик учун узоғу яқин, кучли кучсиз мамлакат йўқ эканлигини англаб етмаган эди гўё.

Асл моҳияти ҳануз мунозараларга сабаб бўлаётган 11 сентябрь воқеаси рўй бергач, барчанинг кўзи очилди.

XXI аср бошига келиб дунё харитасида 652 минг кв. км майдонга эга халқаро гиёҳфурушлик ва терроризм марказига айланган Афғонистонга қарши бирлашган кучлар Шимолий Иттифоқ мададида Мулло Умар бошчилигидаги толиблар тузумини ағдардилар. Қотиб қолган афғон ҳаёти аста-секин изга туша бошлади, аммо ҳамон оғир эди юрт жароҳатлари... Бу ишда Ҳамид Карзай ҳукуматида Кўрагоний иродасию Лукмони ҳакимнинг матонатини тилаш мумкин, холос. Халқаро кучлар халқаро ҳамжамият ишончини оқлашлари керак эди. Афсуски...

Вақтлар ўтиб, дунё ўзгариб, шўро истилоси якунига 26 йил тўлган бўлса-да, афғон сабоқлари биздан ҳануз узоқлашгани йўқ. Нотинч оламнинг қайноқ нуқталари қаерда бўлмасин, Ироқ, Шимолий Кавказ, Яқин Шарқ дейсизми, афғон мактабини ўтамаган жангари йўқ, қолаверса, афғон фожиаларининг тирик шоҳидлари орамизда қанчадан-қанча. Демак, Афғонистон эскирмас ва кўздан қочириб бўлмас доимий мавзу, чунончи, биз ўзбекларга бу қўшни юрт, ўтмишию бугуни туташ, ташвишли мамлакат ҳам бўлиб қолаётир.

Ҳерируд фарёдлари!

Афғон жўғрофиясидан бироз беҳабар китобхон таажжубга тушади. Ҳерируд?! Бу нима дегани? “Ҳери” ёки “Ҳири” – Ҳиротнинг эски номи, “руд” – форсча дарёни англатади. Демак, “Ҳирот дарёси” маъносини билдирар экан. Фарёд эса маълум. Азим дарё оқиб ўтган заминда уруш туфайли инсонлар чеккан руҳий ва жисмоний заҳматлар ифодасидир.

Афғон воқелигини ўз ичига олган мавзунини қоралаш истаги менда илк бор қайта қуриш демократиясининг меваси бўлган СССР халқ ноибларининг қурултойи бу шармандали урушнинг сиёсий ва ахлоқий томонларини очиб ташлагандаёқ қалбимда қалққан эди. Ёзувчи Абдурашид Нурмуродовнинг “Қонли йўрақлар”даги ҳужжатли ҳикояларидан кўзларимга ёш келди. Яширмайман, ёзишга ва адабиётга бўлган қизиқишим ҳам мени қитиқлаган, албатта. Кундаликларни варақладим, хотираларга берилдим, даставвал журъатсизлик билан ёза бошладим, қиссани бирмунча узоқ вақт – саккиз йил (1991–1998) мобайнида ёздим, ҳафсаласизлик билан ташлаб қўйган пайтларим ҳам кўп бўлди, аммо қалбим ёзмаққа ундаб қўймас, оромимни ўғирлаган эди. Ниҳоят, “Фарғона” нашриёти қўлёзмамни 2001 йил оз нусха бўлса-да, босмадан чиқарди. Қайта ишлаб, тузатиш ва қўшимчалар билан эътиборингизга ҳавола этияпман.

Азизларим, шунини таъкидлашим жоизки, “Ҳерируд фарёди” мени адабиётга етаклаган, оддий ўзбек йигитининг ва даврнинг изтироблари битилган, юксак бадиийликка даъвогар бўлмаган, таржимаи ҳол услубида ёзилган, ўртамиёна қисса бўлса-да, лекин ушбу адолатсиз уруш оқибатлари барчамизга сабоқ бўлиб қолади, деган умиддаман.

Муаллиф

ҲИРОТ – ЎЛИМ, ДАҲШАТ ДЕМАК

Буйруқ янгради: “Бата-рея, саф-лан! Ўнг томонга тенг-лаш!”

Биз, Ашхобод ўқув қисмининг собиқ курсантлари ҳарбий машқлар ва кўриқлар ўтказиладиган асфальт майдончада сафга тизилдик. Ҳаммамиз энгакни кўтариб ғоз турган ҳолда қисм ва дивизиядан келган катта-кичик командирларни қаршиладик. Эгнимизда погонга кичик сержантлик сариқ тасмаси тикилган яп-янги форма, елкамизга эса куруқ паёк, бўлка нон ва дала формаси солинган рюкзакни, кулранг шинель ва ипли қора ботинка боғланган лаш-лушларни орқалаб олганмиз.

Спирт хиди анқиб, димоғимизга урилади. Зобити қурғурлар томоқларини бироз ҳўллаб олган кўринадилар. Улар бизни синчковлик билан текшириб бўлгач, ўрта бўйли, тўладан келган, славян чехрали, сепкилли сариқ юзи, бўйни ва қўллари жануб офтобида қорайган, елкасидаги белгиларидан танкчи полковник олдинга чиқиб, нутқ ирод қилди, яъни бизни оғир, лекин шарафли байналмилал бурч кутаётганини, ватан олдидаги бу бурчимизни ҳар қандай шароитда мардларча адо этишимиз ва дўст мамлакатда “апрель инкилоби” ғояларини душманлардан ҳимоя қилишимиз кераклигини, кўрқоқ ва журъатсизларни “уят” кутишини қайта-қайта таъкидлади. Сўнг дарахтлар соясига ўзимизни олиб, автомашиналарни кутиб туришимизни айтди. “Йигитлар, ой бориб омон қайтинг”. Охириги бу сўзлар томоғимизга суви қочган бўлка нондек тикилади. Қайсидир кўнгли бўш аскарнинг елкалари титрайди. Буйруқ берилди: “Тарқалинлар!” Тўп-тўп бўлиб дарахтлар панасига ўзимизни олдик, тамаки ва дардли суҳбат ягона овунчоғимиз бўлса ҳам ғаш тортган кўнглимизни ташвишли ўйлар кемирарди. Эй Худо, нималар кутмоқда бизни? “Афғонистон” сўзининг ўзи нақадар машъум! Бироздан кейин турнақатор бўлиб кузовига брезент ёпилган, кабинаси нос рангли “УРАЛ-375” русумидаги юк машиналари “писиллаб” тормоз бериб, бирин-кетин тўхтаб бошлади, уларнинг шовқинидан сергаклансақда, атрофга ҳафсаласизлик билан боқамиз. Машиналардан бирининг дарчасидан кавказ нусхали, қуюқ қора мўйловлари остидаги оппоқ тишлари ярқираган, оддий аскар поғонидаги ҳайдовчи бизга масҳараомуз боқиб турарди. Ерга “чирт” этиб тупуриб, сигаретим қолдиғини кирза этигим пошнаси билан эзгилаб ўчирдим. Комдив Бобровникнинг “Машиналарга!” деган буйруғидан аридек тўзидик.

Анча таниш бўлиб қолган Ашхобод кўчаларидан кетмоқдамиз. Ҳамма хомуш, ўйга толган. Шубҳасиз, кўпчиликнинг ўй-фикри қадрдон гўшада, шулар қатори менинг ҳам. Кўп эмас, бир ҳафтагина олдин уйдагилар билан телефонда гаплашган, Афғонистонга кетишим ўзимга маълум бўлса ҳам уларга айтмагандим, тўғриси, айтолмагандим, муштипарларим қалбини эзгим келмади. Кечирилар, қадрдонларим!

Ҳайдовчи гўё ўтин олиб кетаётгандек чорраҳа ва бурилишларда шундай қаттиқ тормоз бериб, кескин буриладики, ҳатто кузов охирида ўтирган малласоч аскар қаттиқ силкинишдан бортдан учиб кетай ҳам деди. Бироқ ҳеч ким “чурк” этмайди, ҳамма чуқур ўйга толган. Аэропортдаги текширув ва йўқламадан кейин “ИЛ-62” самолётига чиқдик, тезда иллюминатор ёнига жойлашдим, ҳадемай осмонга кўтарилдик, қир-текисликлар бирин-кетин булутлар остида ғойиб бўлди. Мудраб қолибман, кўзимни очсам, самолёт аста пасая бошлаган экан. Пастда кўз ўрганмаган манзара: ўтин ва сув бидонлари юкланган эшак аравасини етаклаган саллалилар, хароб ва вайрона уйлар, эгри-бугри тор кўчалар, бизнинг ҳаммомларга ўхшаш гумбаз

томли иморатлар устидан бизга озгин қўлларини силкиган жулдурвоқи болалар кўриниб, кўнгилга ғалати ҳис-туйғулар солади.

Самолётдан тушганимизда туш пайти бўлиб, ҳаво бироз иссик, дим, нохуш ва чанг шабада эсиб, бўйнимизни қичиштирарди. Аэропорт рўпарасидаги икки санитар чодир ёнида ҳарбий табиб ва фельдшерлар бизни юқумли касалликларга қарши эмлашди. Сўзларига қараганда, бу офатлар чириётган жасадга тушган қуртдек болалаган эмиш. Атрофимизни бир зумда шу ерда хизмат қилишаётган аскарлар ўраб олишди, улар асосан ўрта осиеликлар ва ўрислар бўлиб, соч-соқоллари ўсиб хурпайган, пахмоқ, кир-чир эди, кўпчилиги мўйлов қўйган, масҳараомуз овоз чиқаришар, кўзларини лўқ қилганча, ҳар хил бемаъни саволлар беришарди. Дастлаб рюкзагимиз ичидаги нарсалар билан қизиқишди; “Мабодо ароқ йўқми?” дея сўрашди, йўқлигини билгач, бурунларини жийиришди. “Қанақанги тўнка булар? Шундоқ Иттифоқдан ароқсиз...”

Баъзилари рюкзак-халтамызга боғланган ботинкаларимизни қўллари билан чамалаб кўра бошладилар, йўқдан кўра бор қилиб, балким... Аммо ниятларини сезган зобитлар уларни сўқиб, автомат билан туртиб ҳайдай бошладилар. Безбет тўда безовта шовкин кўтариб сал тисарилган бўлса-да, сал ўтмай яна одам кўрмагандек бизни ўраб олишаверди. Энсамиз қотиб, пешонамизни қашлаймиз. Нима, чор атрофда бошқа аскарлар камми? Қайда? Бисёр! Мисоли нон ушоғини излаган сариқ суваракдек тўзғиган улар, аммо “ғўра”ларни кўрмоқ, тўрва халтасини титмоқ машғулоти ва иштиёқини жиловлаш эса анчайин қийин.

Бизни талон-торож қилишга пайт пойлаган ва шаштидан қайтгиси йўқ мана бу сурбет ва исқирт, турқларидан қароқчисифат томошабинларгина эмас, сўзсиз бўлғуси тақдиримиз боғланаётган ўзга макон ва унинг табиати қизиқтирмоқда эди. Билсак, қадам қўйган заминимиз каттагина шўро дивизияси жойлашган, Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги унчалик катта бўлмаган Шиндонт шаҳри экан.

Бизни сафга тизишиб, қисмларга бўла бошлашди. Мен рўйхат бўйича Ҳирот мото-ўқчи қисмига тушдим. Новча зобит Ҳирот қисмига тушган аскарларни санаб чиқди-да, нарироқда турган БТР-60ларга чиқишимизни буюрди. Шу дамда биз билан савол-жавоб қилиб турган мўғилнусха йигитдан аста сўрадим:

– Ҳирот қандай, дўстим?

Саволимдан бадқовоқлари ичидан зўрға кўриниб турган қисик кўзларида мазах ўйнади.

– Ҳирот бу – ўлим, даҳшат демак! – деб жавоб қилди у русчалаб.

– Шиндонт-чи?

– Шиндонт... – елка қисди у ва: – Шиндонт худди Иттифоқдек, – деди.

БТРлар кўзгалди, ярим соатларча юрдик, бизни қаерга, қандай йўллардан олиб кетяптилар, бу ёғи қоронғи. Темир кути ичида тўрқовоқдаги касал беданадек шумшайиб ўтирибмиз, фақат мотор шовқинини эшитиб бормоқдамиз. Қизиқиб, бошимни чиқариб атрофга қарагим келади.

– Мумкин эмас! – ўшқирди бизни олиб кетаётган сержант. – Шошилма, хали томоша қилиб зерикасан...

БТР пулемёт курсисиди ўтирган мўғилбашара менга узоқ тикилди. “Қозоқмикан, бурятми, ёкутми? – дедим ичимда. – Нимамага қараяпти у? Шўрпешоналардан бири келаяпти, деб ўйлаяптимики?”

Гуриллаб кетаётган БТР бирдан секинлаб, тўхтаб бошлади. Нима гап ўзи?

– Тўхтадик! – деди кимдир амрона, – Қани, ғўралар, тез тушинглар-чи, модалар кўриги қиламиз!

Пастга тушиб, атрофга алангладим: оқишранг бетон йўл, бир томони кул ранг тоғлик, бир томони сарик текислик. Шу пайт кимдир мени чалиб йикитди, қарасам, мўғилбашара янги кирза этигимни ечмоқчи. Ие, бу нима қилиқ, тикилганининг сабаби бу ёқда экан-да, қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлиб, қўлларимни у томонга чўзаман.

– Қаршилиқ қилма, – деди у соф русча талаффузда, – “дембел”ман, уйга кетишим керак, кийиб кетгани янги этик ва мана бундай “парадний” форма йўқ.

– Йўқ бўлса менга нима? – дедим аччиқланиб.

– Гапни қисқа қил, кейин тушуниб оласан, ғўра. Ё муштни ишга солайми? Мушт одамнинг ақлини киргизади...

Ерда ётган фуражкамни олиб, чангини қоқдим, уни ҳам мўғилбашара қўлимдан юлиб олиб, кийиб кўрди. Митти бошида ўйнаб, пучук бурнига тушиб қолди.

– Ха-ха-ха, – кулди у. – Калланг катта экан, афсус, фуражканг ўзингга буюрсин, аммо этигинг, форманг менга тикилгандек. Қойилмисан? Хафа бўлма, этиксиз қолмайсан, ўзимникини бераман, кўрдингми, хром, зобитларникидан.

– Эски-ку!

– Вой, хумпар-ей, янги этик кийиб куёв бўлиб, ЗАГСга борасанми? Қани, энди, тез шимни еч! Вақт оз. Айтмоқчи, шинелни ҳам чўз! Ўрнига фуфайкамни бераман.

Ғазабимдан муштларимни тугдим. Юрагим гурсиллаб урарди. Шаштимни сезиб, хизматдошларидан бири ёқамдан силтади.

– Нима, қулоғингга гап кирмайдими дейман? – деди у сигаретасининг тутунини юзимга пуфлар экан. – “Борзий”¹ларданмисан? Учебка²да яхши ўқитишмаган кўринади.

Нафрат ва тутундан ижирғаниб, юзимни терс бурдим, лекин ночорлигимни, қўлимдан бўйсунушдан бошқа ҳеч нарса келмаслигини сезиб турардим. “Ғўра” шерикларимиздан бири нарироқда томошабин бўлиб турган, бизни рўйхатдан ўтказган новча зобитга шикоят қилиб кўрди. У ҳеч нарса билмайман, дегандек елкасини қисиб қўя қолди.

Рюкзакдаги дала формамазни кия бошладик. Ўзича мамнун мўғилбашарадан қизиқишданми ёки аламинин билдирмаслик учунми “қаерликсан, оғайни?” дея сўрадим.

– Шоғонар, Тува, – жавоб қайтарди у эснаб, сўнг яхши тушунмаганимни сезиб қайтарди, – Шо-ғо-нар, Енисей дарёси бўйида, Тувада, укдингми?! Шаҳар бу! Оббо, тўнка-эй.

Ниҳоят, найнов зобит олдимизга келиб: “Бир йўла тамадди қилиб олинглар, менинг йигитларим эса кашандалик қилиб туришар”, – деди лоқайд кайфиятда. Елкасидаги белгисидан у артиллерия капитани эканини билдик.

Дарҳақиқат, қорин ҳам очган экан. Рюкзаклардаги консерва банкаларни очиб, бўлка нонни синдириб, иштаҳа билан овқатлана бошладик. Бир зум олдирилган нарсаларимиз алами унутилгандек бўлди. “Модалар кўриги” қилган ҳамроҳларимиз эса бизни масхараомуз кузатиб туришар, оғизларидаги сигарета тутунини эринчоқлик билан чиқаришиб, ерга “чирт-чирт” этиб тупуришарди.

¹ Борзий (русча) – кўрс.

² Учебка (русча) – дастлабки ҳарбий тайёргарлик ўқуви.



Иштаҳа билан кавшанар эканман, айна дамда тоғ ҳавосидан энтикиб-энтикиб нафас олардим.

БТРлар гуриллаб кўзғалди. Очик турган люкдан самога, сузиб юрган қорамтир булутларга қарадим. Кеч ҳам тушиб бораётганди. Ҳирот мото-ўқчи қисмига келганимизда эса анча қоронғи тушиб қолди. Битта-битта бўлиб БТРдан тушиб сафландик, эгнимга анави талончидан йўлда орттирган эски фуфайкани кийиб олганман. Елкамда бўшаб қолган рюкзак, ичида размери катталиги учун харидори бўлмаган ипли ботинка, бошимда фуражка.

Қисм зобитлари қўлларидаги электр фонарларини ёритиб, бизни бир-бир кўздан кечиришди-да, ҳарбий ўқув қисмида қанақанги мутахассисликни битирганимизни суриштира бошлашди.

– Сен-чи? – сўради зобитлардан бири юзимга фонарини тутиб.

Фонарь ёруғидан кўзим қамашди ва шоша-пиша:

– Танкка қарши бошқариладиган реактив снаряд взводи ПТУРСдан!
– деб жавоб қилдим.

– ПТВга! – амр қилди у. – Фамилиянг? Исминг? Отангнинг исми?

“ПТВ” деганини дарров англадим, ўзбекчасига “танкка қарши взвод” дегани. Бизни батальон ва взводларга бўлгандан сўнг, бояги подполковник сўз олди.

– Бу қисм, – деди у, – 101-гвардиячи мотто-ўқчи Ҳирот ҳарбий қисмидир. Рақами – 51931. Биздан ўн икки километр нарида Ҳирот шаҳри жойлашган. У афғон контрреволюцион кучларининг марказларидан бири.

Сизларнинг ичларингиздан қаҳрамонлар чиқар, балким сотқинлар ҳам, кимлардир бир умр ногирон бўлиб қолар, кимлардир уйига қайтмас, хуллас, ўртоқ жангчилар, буни ҳаёт дейдилар. Энг муҳими, сиз ҳам биздек ўз байналмилал бурчингизни ўтагани ва мамлакатимиз жанубини ёт унсурлардан ҳимоя қилгани келдингиз. Қисм қўмондонлиги ишонадики, буни сизлар шараф билан бажарасизлар. Энди эса ҳозиргина рўйхатдан ўтган жойингизга тарқалинг. Сизларга омад тилайман. Хайр!

Елкалари тор, жигарранг кўз, бир рус лейтенанти келиб “ПТВ бу ёққа!” деб чақирди. Овози паст ва қатъиятсиз эди. Мен, яна уч нафар шеригим унга қараб интилдик. Фамилиямизни ўқиб, текширди, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, узун бармоқлари билан қиррадор бурнини ишқалади-да, “Орқамдан!” дея шағалли йўлакчага бизни бошлади.

Биз худди кўзи боғланган нотавондек унга эргашидик. Ёғочдан ясалган штаб биноси(модул)нинг орқасига ўтганимизда кўп сонли чодирлардан иборат бутун бошли лагер – дала қисм кўзга ташланиб турарди.

Зобитнинг орқасидан пилдираб боряпмиз. Қоронғиликда кимдир бошимдаги фуражкамни илиб кетди, ғудраниб ичимда сўкиниб, фиғоним чиққан бўлди, лекин фойдаси йўқ. Чодирлар олдида аскарлар ғуж-ғуж, аксарияти сигарета чеккан, баъзилари гармон ёки аккордеон чалган. Хира электр чироқ шуъласи тушиб турган, икки қаватли каравотлар, шалоғи чиққан стол-стуллар, жавончалар қўйилган чодирлардан бирига назар ташладим. Кимдир чўзилиб ётган, кимдир ўтириб бирон нарса тикиш ёки ёзиш билан овора, яна бири эса тортинмай бўкирганча, гитарасини чалиб кўшиқ айтмоқда эди.

*Оҳ, Афғон диёри, бешафқатсан бунчалар.
Кетди темир тобутда ўз юртига қанчалар...*

Чодирлардан бири олдида тўхтаб, лейтенант билан ичкарига суқилдик. Ичкари қоп-коронғи эди. Димокқа терлаган пайпоқ ва қўлтиқнинг бадбўй хиди уриларди. Лейтенант сўкиниб, ким борлигини сўради. Каравотлардан бири ғижирлаб, овоз эшитилди:

– Секинрок, ўртоқ лейтенант, нима гап ўзи, осмон узилиб ерга тушди-ми? – бузук талаффуздан рус эмаслиги сезилиб турарди. – Лампочкалар куйиб қолди, – деди сўзида давом этиб. У гугурт чақиб керосин лампани ёқар экан сўради: – Ўртоқ лейтенант, кимлар булар? Ғўраларми?

Фонарь ичкарини ёритди, лейтенант билан гаплашаётган мўйловли қозоқ йигити экан. Анави русчани яхши гапирган мўғилбашара Россиянинг Тува қозоғидан бўлса, бу Ўрта Осиё қозоғидан бўлса керак-да, дедим ичимда, ҳар қалай, мусулмон бандаси, қўнглим илиб хотиржам тортдим.

– Буларни қабул қилиб ол, – дея буйруқ қилди лейтенант унга. – Мен қайтаман, озроқ дам олишсин. Взводда ҳамма борми ўзи?

– Хавотир олманг, ўртоқ лейтенант, – тушунтира кетди қозоқ. – Ҳеч ким ҳеч қаёққа кетгани йўқ, ўзингиз биласиз, икки кундан бери қоровулмиз, шунинг учун эрта ётиб олдик. Буларга каравот ҳам йўқ, эртага кундузи кооптерка¹дан олиб чиқамиз, бу кеча шинель ва бушлатларини ерга ёзишиб, пастда ётиб туришади-да.

Лейтенант чиқиб кетар экан, кимдир эшитар-эшитмас қилиб, орқасидан мазхараомуз овозда “лейтуха, чмо”² деб қўйди. Взводамга хурмати баландга ўхшайди. Ўлгудай ҳориб-толганмиз ва ниҳоят, ерда ётиб бўлса ҳам дам оладиган бўлдик.

– Қанақа дам? – фикримизни уққандай каравотларнинг биридан қирғий бурун барзанги аскар тушиб келди. Хавотирда унга боқамиз. Ким бўлди экан бу?

– Кечкурун совуқ бўляпти, печкани ким ёқади? – деди у дўриллаб ва синчковлик билан ҳаммамизни ўрганиб чиқаркан. Қарашларида сохта манманлик ва очик зуғум бор. – Навбат билан тўрталанг ёқиб чиқасан, кўмир йўқ, чодирга кираверишда ўтин бор. Билиб қўйинглар, Худо ҳаққи, кечаси совқотиб қоладиган бўлсам, ҳаммангни ясайман, уқдингларми?

Тарбиячи олдида айб қилиб қўйган боғча боласидек шоша-пиша бош ирғаймиз. Барзанги қониқиш ҳосил қилиб, бурнини бир томонга беўхшов тортиб қўйди. Сўнг соатини чиқариб, наватчиликни белгилаб берди. Биринчи гал рус аскар – Носовники бўлди. Роса чарчаган эканман, бушлатим устига тезда ётиб, рюкзакни ёстиқ қилдим-да, дарҳол уйкуга кетдим. Навбатим келгунча бироз ухлаб олай...

БУ ЕРДА БИРОЗ ФЕЪЛИ БЎЛМАСАНГ...

Эрта тонгда дала қисм оркестри янгради. У Совет Иттифоқи мадҳиясини чаларди. Тонгги уйқу қанчалик ширин бўлмасин, шоша-пиша ўрнимиздан ирғиб турдик. Бунга Ашхободаёқ ўрганиб қолган эдик. Ўқув қисмидаги мис сурнай(аэрофон)нинг нохуш овози қулоғимизни қирқиб, юрагимизга наштардек ботар, юзимизга совуқ сув урган одамдек сесканиб сим каравотимиздан ирғиб турардик-да, кўтондан ҳайдалаётган гаранг қўйлар каби бадантарбия машқларига югурардик.

Ажабо, бу ерда эса барча ухлаётган аскарлар миқ этмай ётишар, баъзилари енгил хурракни ҳам қўйиб юборганди. Бироз ўтгач эса кеча бизни

¹ Кооптерка – рота(взвод) қаттиқ инвентар омбори.

² Чмо (русча, жаргон) – ўта исқирт ва галварс одам.

бу чодирга олиб келган лейтенант кирди. “Вой, уйкудаги қурбакалар-э, қани, ўрниларингдан турунлар-чи!” дея ясама дағдаға билан каравотларни бирма-бир қаттиқ силкита бошлади. Ётганлар тўнғиллашар ва: “Уфф-ф, ўртоқ лейтенант, қандай шафқатсизлик, биров ётгани ҳам қўймайсиз-а”, деганларича эринчоқлик билан иложсиз кўзғалишди.

Қаердан пайдо бўлди, қирғийбурун барзанги қўлимга декчани тутди-да, “сув” дея буйруқ қилди. Кўзим аланг-жаланг бўлган эди, у кўзини олайтириб чодир бурчагидаги бакни кўрсатди. Мен кеча кечкурун келган бўлсам, сувнинг қаердалиги биламанми? Тажангликни қаранг-а.

Барзангини энди яқиндан кўриб турибман, қошлари қуюқ, қалин, юзларига қорамтир чизиклар тортилган, ўзи ҳам занжидек қора, мўйловдор, осилган иякли йигит экан. Чечен-печен бўлса керак, деб фикрладим.

Сув қуйиб турдим, у пишиллаб, бурунларини қокқанча ҳузур қилиб ювинди. Баданидан аллақандай сассиқ бўй туйдим, кўнглим беҳузур тортиди. Афтим буришганини кузатиб турган экан:

– Ёқмаяптими сув қуйиш? – деб сўради.

– Йўғ-е, – жавоб қилдим мужмалланиб.

Сафландик. Кўпчилик эмас эканмиз, взводимиз бор-йўғи ўн уч кишидан иборат бўлиб, яна уч киши сариқ безгак билан оғриб ётибди экан. Каравот ва тўшакларини ўзлари билан олиб кетишган, айтишларича, санқисмда касал тўла, ҳатто йўлаклар тирбанд эмиш. Қўлда идишлар билан усти дўғасимон ялтироқ тунука томли ошхонага кириб бордик. Нонуштага узатилган қора буханка нон, паст навли қаҳва, сариёғ ва перловка бўтқани паққос туширдик. Тамадди сўнгида бояги қирғийбурун барзанги қўлини менга бигиз қилиб, “Идиш ювиш сеники, тушунарлими?” деб пўписа қилди. Мен бош ирғадим.

Барзангининг буйруғини бажариб, чодирга кирганимда ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Қозоқ аскар йигит мен билан келган шерикларимни олиб, кооптёркага каравот, тўшак, адёл, ёстиқ ва жилдларни олиб келиш учун кетибди. Нима қилишни билмай, чодирнинг мўъжазгина дарчаси ёнида осиглик турган суратга бокдим. Унда ёш, келишган рус зобити рафикаси ва ўғли билан бахтиёр қулиб турарди.

– Ким бу? – сўрадим ёнимда турган сепкилли йигитдан. У альбомидаги расмларни тартибга солаётган экан, бошини кўтарди, мовий кўзларини аввал расмга, сўнг менга тикди ва:

– Эски взводкомимиз, – деди у бошини сарак-сарак қилиб, –йигитмисан йигит эди-да, ўзиям. Фарроҳда ўлган. У ерда жуда қаттиқ отишма бўлган эди, оғир яраланди, кейин қисмга келиб ўлди.

– Фарроҳ деганинг қаерда, узоқми?

– Анча бор. Шиндонтдан кейин. Қандаҳорнинг йўлида. Балким сизлар у томонларни кўрмассизлар. Эҳ, ўшанда қуршовда қолган эдик. Агарда Худо қўллаб, ёрдам етиб келмаганда, ҳаммамиз тамом эдик. Взводкомни ўз қўлларим билан олиб келдим. Фарроҳ дегани ҳамма ёғи чанг-чунг ва жазирама жой, бечора ҳолсиз, йўлда сув сўрайди, алаҳсирайди, хотини, ўғлини чақиради. Шунақа, биродар, яхши тез ўлиб кетар экан. Юракдан дўст эди одамга, айб қилсак, “лов” этиб ёниб, қаттиқ уришар, сўнгра келиб, елкамиздан қоқиб: “Хафа бўлма, қизишиб кетаман баъзан”, дерди. Ўзимизга гап теккизмасликка уринардик, уни қаттиқ ҳурмат қилардик. Кўрсак, ўрнимиздан сакраб турардик. Генералбоп йигит эди. Умри қисқа экан, тирик қолса, вақти келиб, албатта, генерал бўларди. Ўлгандан сўнг “Қизил Юлдуз” беришди, шубҳасиз, бу шараф, лекин ўзинг йўқ

бўлгандан... Васютин, ҳозирги взводкомимизни айтаман, ғирт миждов ва латта. Ғафуркул бандасини тор-мор этгани учун комполк Неверов қахрамонликка тавсия этилган. Бўлғуси қахрамоннинг қисмини қаранг? Қисм эмас – бардак!

Шу ёшда ўлиш... Ҳаёт билан видолашиш... Қандай дахшат. Яна бегона жойларда, хазонмарг кетиш. Наҳот байналмилаллик мантиғи шу бўлса? Ёхуд зобитлик шарафи бу? Суратда у сира-сира ўлмаганга ўхшарди.

– Менга қара, анави мўйлов... – бурнига ишора қилиб, – қаерлик ўзи бу? – дея сўрадим сепкилли суҳбатдошимдан тўсатдан хаёлим унга кетиб.

– У сизлардан.

– Ўзбекистонликми?

– Йўқ. Душанбедан, тожик. Кези келганда, таржимонлик қилиб туради.

Кўп вақт мана шу ерда эшакка ўхшаб ағанаб ётади, Худо урган танбал, ғўраларни кийнашни яхши кўради.

– Барзанги қанча хизмат қилган?

– Чўмич у.

– Чўмич? Тушунарли!

Бу “бир йилдан ортиқ хизмат қилган” дегани эди. Бир ярим йилдан ошиқроғи “оқсоқол”, хизматни тугатаётганлар “дембел”, биздақанги олти ойликлар “ўспирин, ғўра”, янги келганлар “руҳ” деб аталади. Оқсоқол ва дембеллар ҳамма нарсадан тўйган, фақат ташвишлари уйга қайтиш. Рух ва ғўралар нафасларини ҳали чуқурроқ олаверсинлар. Хизматда энг тажовузкорлари – чўмичлар. Балки шунинг учун барзанги бизни букиб кўймоқчидир. Мана бу сепкил дембел экан, кетиш олдидан альбомини титиб, кийимининг мис тугмалари ва қайишининг беш қиррали юлдуз туширилган сариқ тўғасини артиб ялтиратиш билан овора.

Бироздан кейин лейтенантимиз келиб, бизни сафга тизди ва асосий майдон сари олиб кетди. У ер – плацда бутун қисм йиғила бошлади. Ким шинелда, ким бушлатда, аскарлар нимаики бўлса, илиб олишган. Кийим-бош муаммога ўхшайди. Қизик, Шиндонтда костюм-шимда юргандик, ҳаво иссиқ эди, нега бу ер совуқ?

Ўйларимни оркестр овози ва ҳарбий кичкириқлар пароканда қилди. Қисм бошлиғи, баланд бўйли, келишган, манглайи кенг подполковник биз билан саломлашгач, минбарга чиқиб, ҳарбий ахборотлар билан таништира бошлади. Сўзларига қараганда, ҳарбий вазият кескин, айниқса, сўнгги кунларда Ҳирот нотинч. Гап айланиб келиб қисмда одатий интизомнинг йўқлигига тақалди ва у шу бугундан бошлаб ҳаммани қатъий интизомга чақирди.

Штаб бошлиғи озғин подполковник бор кучи билан бақиради: “Қисм, тарқал!”

Йўлдаёқ барзанги билан айтишиб қолдим. Чодирга киришимиз биланоқ у ёқдан бўғиб иягимни кўтарди. Бурро тилимни таг-томири билан суғуриб олишини уқтирди. Кейин кўлимга панжали курак тутқазиб, чодир атрофидаги шағал йўлакни текислаб чиқишимни буюрди. Гап қайтармадим, бироқ сал фурсат ўтмай, у яна ёнимда пайдо бўлди. Ўдағайлаб, йўлакни яхши текисламаганимни, идишларни ҳам тоза ювмаганимни писанда қилди. Мен ҳам ловуллаб кетдим, қақшаганимча ўзбекчалаб, “Сен ҳам ўзимиздан экансан, кўшни юртдош эканмиз, намунча менга осилиб олдинг?” дедим.

– Тушунмадим, нима деб валдираяпсан?! – деди у русчалаб ва ҳе йўқ-бе йўқ шапалоқ тортиб юборди. Зарбаси тузуккина экан, кулоғим хуштак чалиб, ер осмон билан алмашди. Шукурки, отамнинг паловхонтўрасию

офтобда тобланган танам кучини кўрсатди, хушдан ажрамадим. Ўзимни ўнглаб ўрнимдан турдим-да, кўлимдаги панжали курак билан барзангининг қоқ белига устма-уст туширганимни биламан, аблах, бир зумда оёғим остида бели эзилган чаёндок букчайиб, майишиб қолди. Ҳа, қуламайсан-а! Қарасам, иш чатоқ, қочдим. Айбдорлик ва ўз-ўзимни ҳимоялаш ҳисси вужудимни эгаллаган. Ўзим билмаган ҳолда чодир ва танкка қарши хандақларни ёнлаб ўтиб, алоҳида ялангликда жойлашган атрофи тулука девор билан ўралган ҳовлидан чиқиб қолдим. Чор-атрофда дорга ёйилган кирлар, асосан ёстик, тўшак ва адел жилдлари, сочиқ ва дастурхонлар. Каттагина эски қирювгич кучаниб ишлар, унинг ёнида ўзимга ўхшаш ўрта осиелик бир йигит эринибгина қаққайиб турарди. Қаранг, ўзбек экан, бунинг устига водийдан. Аниқроғи, Фарғона вилоятидан, қисқаси, янги юртдош. Бу яқинлик унғаям, менғаям асқотиши тайин. Ахир аскарнинг ягона суячиғи ватандоши-да! Дилкаш йигит чиқиб қолди у. Воқеани эшитгач: “Парво қилма, ҳаммаси ўтади-кетади, бу ерда биров феъл-атворли бўлмасанг, елканга миниб олишади, тўғри қилибсан, ташвиш чекма”, деди таскин берган бўлиб.

У мени сенсирарди, тўғри-да, янгимисан – сенсирашади, таомил шу.

– Бир йил жонни гаровга қўйиб, тоғма-тоғ, қишлоқма-қишлоқ дайдиб, бу лаънати жойларда хизмат қилдим, – дил ёра бошлади у, афтидан, зерикиб турган бўлса керак. – Тош устида ухладим, ер билан ошна бўлдим, кесакка ялиндим, эҳ, нималарни кўрмадик дейсан.

У биров ўйланиб қолди ва яна гапида давом этди:

– Хизматнинг қолган ярмида кўроққ бўлиб қоларкан киши, сўнги кунларда онаизорим, уйимдагилар тез-тез ёдимга тушади. Бирга келганларнинг кўпи кетди, фақат уйларига эмас. Агар мен қайтмасам, биласанми, онам нақ ўлиб қолади, касалванд, кўтара олмайди. Шунинг учун кирхона бўлса ҳам, шу ерни гаплашиб олдим. Бу ердаги қорабоғлик йигит дембел бўлиб қолганди, келишдик, ўша кўндирди. У ҳозир кетишга ҳозирлик кўриб юрибди. Икки йил умрини шу кирхонада ўтказди. Уйига “Жанговар хизматлари учун” медали билан кетяпти. Ўқ овозини эшитмай, қўлига қурол ушламай медалли бўлди. Ҳаммасининг йўли бор, оғайни. Уялмай, яна ҳаммага мақтаниб юрганини-чи.

– Қисм штабида тузукроқ таниши бордир-да, – дедим мен гўё билагондек.

– Қайдам, бўлса бордир, балки тузукроқ узатгандир. Орден, медаллар сотилади. Менга эса у кетиб, бу ерга ўрнашиб қолганим яхши бўлди. Қандай ношукурман-а.

– Ишинг қийин эмасми?

– Мутлақо. Ёқасан, ўчирасан. Сув билан қуқунини алмаштириб турсанг, бўлди. Қолганини ротадагилар амаллашади – ўзлари ёйиб, қуриб, олиб кетишади. Менга нима, кун ўтса бўлгани. Ие, тушлик ҳам бўлиб қолибди, аппаратга қараб тур, мен ошхонага бориб келай.

Очиққанимни энди сездим, қорним ғамхўри топилганидан хурсанд бўлганча ишга киришдим. Вақт ўтказиши учун ҳам, эрмак топилгани ҳам зап иш бўлди-да!

Тушликни, кечки овқатни ҳам бирга қилдик. Кейин мен взводга қайтишимни билдирдим.

– Қайтмаганинг маъқул, кечаси қийнашлари мумкин, – деди кирчи ҳамдардлик билан.

– Излашиб, тревога кўтаришса-чи? – сўрадим хавотирланиб.

– Э-э, нима деяпсан, излашмайди. Биринчидан, лейтенант ўзига гап тегишини хохламайди. Иккинчидан, қаёққа ҳам йўқолардинг, бу ер ватанинг бўлса экан, уйингга қочиб кетсанг, барибир топиласан, топилмасанг ё душман томонга ўтиб кетган ёки “тинчиган” деб расмийлаштирилсан, тамом-вассалом!

– Нима, душман томонга ўтиб кетганлар ҳам бўлганми? – сўрадим бу гапдан аъзои-баданим музлагандай.

– Бўлиб туради... – гапга тушди кирчи, – Ротамизда бир индамас, ландовур ўрис бола бор эди, ғўра эди, оксоқоллар роса қийнашарди. Пайпоқдан тортиб иштониғача ювдиришарди, хор эди бечора. Бир куни рейдга чикқанимизда ўзидан-ўзи йўқолиб қолди, душманлар ўғирлаб ёки ўлдириб бирор тоғ оралиғига ташлаб кетишган, деб ўйладик. Боласи-да, онанинг кўнгли сезгандай кун ора ундан ташвишли хатлар келади, энди қорахат ёзамиз, деб турганимизда, хавфсизлик хизмати душман томонга ўтиб кетганидан хабар берди. Уйига, онасига нима деб хабар қилишни ҳеч ким билмай боши қотди. Охири командиримиз: “Ўғлинг сотқинлик қилди, бундай ўғилдан номус қилишинг керак”, мазмунида хат ёзди. Бечора она! “Менинг бундай нобакор ўғлим йўқ, агар иложим бўлганда эди, қўлимга қурол олиб хизмат қилган ва биринчи бўлиб иснодга қолдирган шу ярамас фарзандимни пешонасидан отган бўлар эдим,” деган афсус-надоматга тўла хат юборди. Аёлнинг ватанпарварлигига лол қолмай иложимиз йўқ. Болалиги Ленинград камалида ўтган экан.

Кўз олдимга қадди дол онаизор келди. Қандай мудҳиш иш. Кирчининг гапига қараганда, “нобакор” ҳозир афғонча кийим кийиб, сокол ўстириб, бизга қарата ўқ узиб юрган эмиш. Эътиқоди ҳам ўзгарган, суннат қилдириб, мусулмончиликни қабул қилганмиш. Ажабтовур экан-да, дунёнинг ишлари.

Кирчи тинмай гапирар, ора-сира менга насихат ҳам қилиб қўярди:

– Ҳайрон бўлмагин, ҳали кўп нарсани кўрасан бу ерларда, бошингни омон сақла...

– Хўш, нима қиламиз энди, ётишга жой борми ўзи бу ерда? – сўрадим сўзини бўлиб. Негадир унинг билағонлиги ва насихатгўйлиги ғашимга тега бошлаган эди.

– Бу кеча шу ерда қолавер, – деди у бироз ўйланиб, – эрталаб взводингга учрарсан, унғача барзанги ҳам совиб қолар. Юр, энди, шу ерда ётатур, мен ротада тунарман.

У мени чойшаблар уйилиб ётган, қайин ёғочли тўсин устидан шифер қоқилган айвонга олиб кирди.

– Мана, – кўрсатди у, – хоҳлаганинғача тагингга солиб, устингга ёпиниб ётаверасан. Кўркма, бу ерга душман-пушман келмайди, атроф тўла соқчи. Яхши ётиб тур, мен қайтдим. Эрталабгача хайр!

Қуриган оқ чойшаблар ичига шўнғидим. Кир совуннинг ҳиди анқийди. Антика янги гўшам муз-муз, лекин ечинмаганимгами танам аста-секин илиқ ҳарорат ҳис эътапти. Чарчаганимдан беихтиёр кўзим юмилди, лекин уйку қаёқда? Қисм чироқлари ҳам ёниқ, узук-юлуқ овозлар келиб турибди. Оббо, оғайничалиш-ей, бир кундаёқ иш кўрсатдингми? Излашмаётганмикан? Излашса, излаб ўлмайдими? Ўзимни хўрлашга йўл қўймайман. Ҳарбийлик тузини озми-кўпми Ашхободда тотган бўлсам, чучварани хом санабсан, барзанги ғўла, бурнимдан сим ўтказиб бўпсан, муносабатингни ўзгартирмасанг, шунақанги хунарларим борки, бугунгиси унинг олдида ҳолва бўлади. Қизик, бу ерда олти ой хизмат қилганларни ҳам “ғўра”

санайверишар экан. Курсантликни битирганман ахир, аммо бу доимий қисмда фарқи йўқ, шекилли. Аслида, сержантлигини ҳам бошимга урамидим, ўқув қисмини битиргандан кейин кичик сержантликни мажбурий беришаркан. Ашхободда олти ойлик сержантваччалар ҳам иззатда эди. Ҳиротда эса катта зобитдан ҳам биров қўрқмайди.

Сотқин хаёлимдан кетмади. Нега анави менга уни тинмай гапирди? Зуғум кучли бўлса, мен ҳам шундай қиламанми? Ўзимни унинг ўрнига қўяман. Асло! Бундай шармандалиқдан Худонинг ўзи асрасин. Хаёлимда отам гавдаланди, кейин бувим, юзлари тўла ажин бувим, бувижоним. Кўзларимни ғира-ширалик эгаллайди. Ҳа, аниқ у бувим. У пичирламоқда, товуши жуда паст, яхши эшитилмайди. Узум токи ёнидаги каравотда новвотли чойга нон ботириб емоқда, камшик оғзини очиб кулади. Айвон тоқчасидаги керосин примусда қайнатма шўрва пишмоқда. Бувим бечора шўрвани жуда суюди, қайнатмами, қовурмами – танламайди. Ичган шўрвасидан роҳатланиб илжаяди. Илжаяётган бувим қўққис ғазабнок афғон кийимидаги барзангига айланиб мени бўға бошлайди. Нафасим қисилади, эй, Худо, қайси гуноҳим учун? Барзанги эса борган сари қаттиқ бўғмоқда, жон талвасасида кўзларим олаймоқда... мана-мана ўпкамада ҳаво колмаяпти. Вой, до-д-д...

Уйғониб кетдим, юрагимнинг дукур-дукури чаккамда акс этмоқда. Атроф тун қоронғилигига чўккан. Хайрият-эй, тушим экан. Нега тушимга бувим кирди? Арвоҳи безовтами? Яхшиликка буюрсин. Барзанги, барзанги... Ундаги бу нафрат ва бадфеълликнинг тагида наҳот “чўмичлик” иззат-нафси ётган бўлса?

Анча вақт кўзимга уйқу илинмади. Чексамми, латта-путталар ғарами ичида-я, турсамми, яна илиқ жойимни совитиб-а, кимга зарур? Йўқ, ухлайман! Қоронғи тунни енгил учун ҳам ухлашим керак, унинг устига эртанги куним бугундан енгил бўлишига ақлим бовар қилмайди, аммо ўзимни пастга урмайман, сув ҳам қуйиб бермайман, идиш ҳам ювмайман, пешонамга тўппонча тираса ҳам бўйин эгмайман!

Танамга қуйилиб келаётган илҳомбахш кучдан уйқу аралаш қувониб кўйдим.

ГУРУР БОРМИ ЎЗИ БИЗДА?!

Сахарги муздек ҳаво юзимни қитиқлайди. Ўликдек қотиб ухлабман. Ўрнимдан сира тургим йўқ.

Лекин на илож... Изғириндан жунжикиб, пахтали эски фуфайкамга ўрандим, эрмакка, оч қоринга бўлса ҳам сигарет тутатдим, оғзимга ёқмайди, бироқ ташламайман, ахир, у аскарнинг овуноғи-ку.

* * *

Хўш, бу жойдан Ашхободдаги ўқув қисмимиз яхшимиди? Талончилик қилган мўғилбашаранинг шериги айтганидек, “борзий бўлиб, ўқув қисмида эркин, хуш-хандон хизматни ўтаганмизми? Қайда? Илк кунданок етакчи сержант “Насе” билан чиқиша олмай қолдим. Ўқувда сержантлар мисоли ҳукмдор, шоҳ, курсантлар – қул, робот, жонли тасқара, хоҳлаган кўйига солишади. Оёқ артадиган пол латтадан батгармиз, қисмга келган кунимизнинг биринчи кечасиёқ ухлатишмади. “Ёт!” деган буйруқ берилиши билан “Батарея, қўзғал!” деган буйруқ янграйди, шоша-пиша туриб, кийиниб, сафга терилишимиз билан “Ётилсин!” дейилади, ечиниб

ётишинг билан сим каравотларнинг ғижир-ғижери босилмасдан: “Кўзғал!” деган хитоб яна янграйди. Хуллас, маймун ўйини. Ҳаловатсиз кунларимиз бошланганди.

Бир сафар бу тентак ўйин бир неча соат тинимсиз давом этди... Бош ролларда – кайф қилиб олган “жаноб” сержантлар. Навбатдаги “ёт-тур” да кимираммай ётавердим. Сержант “Насе” сезиб қолди. Ётган каравотимни жаҳл билан силтаб: “Эй, олифта, энангнинг уйида ётибсанми? Ҳузур-халоватни кўрсатиб қўяман сенга. Тур, итвачча! –пишқирди.

– Ўртоқ сержант, – дедим ёлвориб. – Ортиқ чидай олмайман, қачонгача давом этади бу?

– Нима? – деди у кўзи олайиб. – Кимга ақл ўргатайпсан, ҳароми, сендан сўраб иш қиламизми? Қани, бу ёққа юр-чи?

У мени судраб хизматдошларим сафланиб турган йўлакка олиб чиқди. Сержантлар мени ўраб олишган, юзлари чарчоқдан ғижимланган шерикларимга нажот излаб қарадим. Уларнинг кўзларидан ачиниш, тақдиримга хавотирдан бошқа нарсани сезмай, иложсиз, илтижоли бўзариб, дарғазаб сержантларга боқдим.

– Ленин хонасига олиб кириб, ақлини киргизиш керак, – деди биттаси.

– Эрталабгача қўлига тиш чўткаси ва шампун бериб, казармани ювдириш лозим, – деди бошқаси.

– Навбатчи қилиб ҳожатхонага қўйсакмикан?

Атрофимда янграётган турли таклифлардан эсанкираб алангладим. Мушт-тепки ёмғир бўлиб ёғилди. “Керакмас, керакмас!” деб бақираман холос. Эй, Худойим, нима бўлаяпти ўзи, калтакка қолди-ку куним, раҳм-шафқат борми дунёда! Деярли беҳушман...

Деворларига жуғрофий хариталар ва сиёсий бюро¹ аъзоларининг портретлари ёпиштирилган хонада кўзимни очдим. Сап-сарик, новча, йўғон бир сержант Лениннинг суратини манқа товушда:

– Мана бу одамни танийсанми, у киши бизга Совет армияси қанақа бўлишини ўргатиб кетган. Командирларнинг гапини икки қилмасликни, армияда темир интизом бўлишини китобларида ёзиб қолдирган, тушундингми? Ҳаммамизнинг бобомиз бўлади у!

Кўзим “пир-пир” этиб, қўрқа-писа “ҳа” дедим. “Насе” менга бўриқараш қилганча тирноғини ғажишда давом этади. “Доно” сержант “бор, энди йўқол!” – деди.

“Насе” эса минғиллаб: “Филя, бунга яна бироз дарс берайлик, ақли кирсин”, дея эътироз билдирди.

– Қўйсанг-чи, Насе, – деди у кескин, – ҳозирча етарли бўлди.

Филяга тикилдим. У “Йўқол!” дея бўқирди. Кейин...

* * *

– Ҳа, биродар, намунча хаёл суриб қолибсан, уйингдагиларни ёки севган қизингни ўйлаяпсанми? – деган ўзбекча овоздан сергак тортдим. Рўпарамда кирчи дўстим, бир қўлида котелокда буғи чиқиб турган иссиқ чой, бир қўлида ярим буханка нон, гугуртнинг қутисидек сариеғ кўтариб, менга иржайганча қараб турарди.

– Нонушта қилиб олайлик, – деди у.

– Мен уйланганман, – дедим аста, нонга сариеғни суртар эканман. – Бундан ташқари институтни ҳам битирганман.

¹ Сиёсий бюро(русча Политбюро) – Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг олий даражадаги аъзолари йигини.

– Ие, бундан чикди, мендан катта экансиз... – хижолат тортди у.
 – Ҳечқиси йўқ, сенсирайверинг, – дедим мен ҳам сизлашга ўтиб. – Хизматда ёш эмас, муддат муҳим.
 У индамай нари кетди.

* * *

Кейин нима бўлганди? Ҳа, Ленин хонасидан чиқсам, шерикларимга дам олишга рухсат беришибди. Озгина шошмасам, калтакка қолмас эканман, балки мен баҳона маймун ўйинини тўхтатишгандир. Ўзимни каравотга отдим. Хўрликдан кўзимга ёш келгандай бўлди.

Эртасига биз курсантваччаларни кун бўйи ҳарбий ва жисмоний машқларни тинимсиз бажартириб ҳолдан тойдиришди. Кечга томон эса Насенинг илтифоти билан мен ва уч-тўрт ўзимдақа “қоровойлар” қисм ошхонасининг цемент полли мағзавага тўла, дим ва ёқимсиз ҳидли идиш-товоқ ювиш хонасида “ижод” да бўлдик. Қўллар ювғич латгадан безган, мис товоқлар саноксиз, эҳ, кўзлар уйқу соғинчида. Кечаси соат 12.00 да ишни тугаллаб, энди қайтамиз, деб турган ҳам эдикки, қайдандир “ишни қабул қилиб оламан”, деб сержант Насе пайдо бўлди. Кечаги воқеадан кейин орага совуқчилик тушган, кўнглим сезиб турибди, бир баҳона топиши аниқ. Насе ғаламис ювилган идишлар ичига бармоғини тикиб кўриб, “бошқатдан” деди.

– Ҳаромилар, кукунни кўпроқ солиб, ярақлатиб ювларинг! – дея бакирганича тахлаб қўйилган идишларни мағзавали полга тепиб юборди.

– Бошқатдан! – деб бўкирди у бурнини тириштириб. Унинг турки-таровати ғазабга минган шоқолга ўхшарди.

Яна ишлай бошладик. У бироз кузатиб турди-да, даф бўлди. Биз эса алам билан бир-биримизга қараймиз. Зўравонлик, мутелик, адолатсизлик, хўрлик вужудни кемиради. На илож? Тезроқ тугатиш керак. Инсонга дам ҳам керак-да, ахир ҳайвон ҳам дам олади-ю. Шу пайтда “Олтин берманг бизга, уйқу беринг, уйқу”, деб дод солгингиз келади.

Уч-тўрт соат ухлаб-ухламасдан мис сурнайнинг ёқимсиз овозидан сесканиб уйғонамиз. Ҳеч қимирлагим йўқ. Қани, турмай кўр-чи, биқинлар тепкидан “роҳат” қилар...

Казармадан отилиб чиқиб, икки километр масофага югуриб кетамиз. Сўнг взвод майдончасини ёғ тушса ялагудек тозалаш керак. Шикоятга ўрин йўқ!

Нонуштадан олдин уст-бош кўригига, плацга тўпландик. Худо кўрсатмасин, оёқдаги залворли ботинка ўзларининг ибораси билан айтганда, қора мушук мойгидек ялтиллаб мойланмаган, гимнастёркадаги оқ ёқа озгина кир бўлсин-чи, сафдан чиқарилиб, нонуштадан маҳрум қилиниш ҳеч гап эмас.

Катта сержант Филя, жўрттага қилдими, билмадим, мен томон юриб келди-да: “Ёқанг нотўғри тикилган”, дея юлиб ташлади ва сафдан чиқишни буюрди. Соябонли шапка-панамам ичидан игна-ипимни олиб, шоша-пиша бошқа ёқа қадар эканман, батареямиз қатор тизилиб нонуштага йўл олди. Аттанг, нонуштасиз қоладиган бўлдим. Нима қилдим энди? Магазинда егулик бор, аммо унга пул қани? Уйдан олиб келган пулни қисмга етиб келиб, ҳаммомга тушган чоғимиздаёқ, сержантлар ўмаришган, ўмаришган эмас, очиқдан-очиқ талашган, ҳатто қўлтиқларимиз, думба ораларимиз-гача титиб чиқишган-у, ҳеч вақо чиқмаганларга ютиб юборганмисан, ҳожатхонага одам қўйиб текширтираман”, дея пўписи қилишган. Ёқамни

тикиб, ошхонага чопдим. Навбатчи зобит ичкарига қўймади, ноилож ютиниб ортимга қайтдим. Жазоланганим шу!

* * *

Хизматда шундай нақл бор, “Аскар ухляпти – хизмат кетаяпти” ёки “Аскарнинг қорни тўйгани – бой бўлгани. Кирчи дўстим келтирган гургурт кутисидек сариеғни ярим буханка қора нонга суртиб, паккос туширяпман. Яхшиямки, ҳамюртим топилиб қолди, мендан хабардор бўлиб турибди. У бўлмаса нима қилардим? У ўзи тўйиб, қандай қилибки, менга ҳам орттириб келяпти, хайронман. Бу бировнинг ҳақи эмасмикан? Қизик гапни гапирасан, оғайничалиш, емак умумий қозонда бўлса. Менинг ҳам ҳақким бор-ку ўша қозонда, асли бўш аскар – ғирт текинхўр, лекин бу мардумхўрлик қиймати жони ҳисобидан тўланиши ҳам мумкин. Шундай бўлса-да хижолат тортиб, билгим келди.

– Ташвиш чекмасинлар, бунинг йўли бор, ошхонадагилар таниш, – деди у, сўнг хиринглаб қўшиб қўйди: – Уларниям усти кир бўлади.

– Ошна, агар малол келмаса, бир-икки кун шу ерда сизга қарашиб турсам, – дея унга юзландим. У “майли” дегандек елка қисди.

– Ё излаб қолишармикан?

– Сизга айтдим-ку, бу ердан ўликни излашади, тирикни эмас. Тирик бўлса, ўзи бир кун келади, дейишади.

Кўнглим жойига тушиб, ишга тутиндим, ҳар қалай, вақт ўтади. Бошқа нима ҳам қилардим, ҳозирча борар жойим бўлмаса. Вазодимда яраланган қоплондек қонимга ташна бўлиб, қирғийбурун барзанги кутаяпти.

ЗОБИТ ЧИҚАРГАН ҲУКМ

Навбатдаги тонг.

Субҳидам куёши юзимни ҳар галгидек қитиқлаб уйғотди. Кирхона агро-фида бадантарбия қилиб, енгил югурдим. Танам яйраб чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Нега мени излашмаяпти? Ёки бу ерда одамнинг аҳамияти йўқми? Дарвоқе, мен қаердаман? Афғонистондаман-ку! Мужоҳидлар томонга ўтиб кетмасам, барибир, вазодга бораман-да. Зўравон қирғийбурун барзанги сабаб жуфтақни ростлаган бўлсам ҳам, ор-номус талашиб қочдим-ку. Энди, қачонгача бу кирхонада боқиманда бўлиб ётаман? У ҳам безор бўлар, қолаверса, ошхонадаги таниши қачонгача мен учун овқат бериб туради? Бу ерда пусиб ётгандан кўра, вазодимга боришим, лейтенантга учрашишим керак. Бошқа ротага ўтказишини илтимос қиламан, ялинаман, ёлвораман.

Мана шунақа ўйлар билан чодиримиз томон йўл олдим. Аммо чодиримизни топа олмай тентирадим, ҳамма чодир бир-бирига ўхшаш: ёмғир, қор, ёз офтобидан унниқан, ранги ўчган. Дуч келган аскарнинг биридан “ПТВ қаерда?” деб сўрадим. У хайрон бўлиб: “Нечанчи ПТВ? – деди. – Қисмда ПТВлар кўп”. Хижолат бўлиб, бошимни қашлаб қўйдим.

Қўққис асосий майдонга элтадиган йўлакда шахдам кетаётган лейтенантни учратиб қолдим. Олдига чопиб бориб, бўлган воқеани тушунтирганча кечирим сўрай кетдим. У менга бефарқ боқди ва елкаларини қисди. Афтидан, ҳеч нарсадан унинг хабари йўққа ўхшарди. Ажабо, у ҳатто мени танимади. Чодирга кирдик, янги келган учта шеригим ўринларидан турган, қолганлар донг қотиб ухламоқда эди.

– Туринглар! – бақирди лейтенант. – Мана бу ғўрани ким хафа қилди?

Қирғийбурун ўрнидан турди, кўзларида ўт чакнаб:

– Хў-ў, – деди у киноя билан менга, – хунаринг кўпга ўхшайди, ахлат-пахлатнинг ичига тушиб кетмадингми?

Аламимни ичимга ютдим, аммо жим ҳам турмадим:

– Тўғрисини айтсам, биродар, хунарим кўп, насиб қилса кўрсатаман...

– Бас! – деди лейтенант ясама дўк билан. – Эрталабдан одамга ўхшаб турсаларинг бўлмайдими, чўчкага ўхшаб сасимасдан?!

У чодирни тарк этди. Тавба, у на вазиятнинг тагига етишга қизиқди, на айбдорни суриштирди. Сўзи ўтмас ландовур-э. Чикди-кетди.

– Лейтуха! – деди масхаралаб орқасидан козоқ йигит. – “Мақтанма ғоз, хунаринг оз”. Қани, ғўралар, серрайиб турмай, сув келтиринглар-чи! Мундоқ бир ювинайлик. Сен ошхонадан соколга иссиқ сув келтир, сен майдончани тозалашга кириш, сен пойабзални тозала, сен эса ўчоқни. Қани, бўлинглар, олға! Совет армиясига шон-шарафлар! Ха-ха, ха-ха-а...

Бундай топшириқлардан безиб, чодир ёнидаги омонат курсида бирга келган шеригим Носов қолдирган сигарет чаласини чекиб ўтирибман. Аэрофон овози нонуштага чорлайди, қорин пакқос очган. Бирдан тепамда ўқрайган қирғийбурун пайдо бўлди. Менга армиядаги темир интизомни кўрсатиб қўймоқчи эмиш, мен ҳам тарбиясига мухтож эмаслигимни билдирдим. У тишини ғижирлатиб, бармоғи билан билагимни оғритиб қисди. Мен ҳам бўш келмай, анчадан бери олинмай ўсиб қолган тирноғимни кўлига ботирдим. Нимагадир у шаштидан тушди. Мушт тортиб юбориш ўрнига нари кетди.

Нонуштадан кейин асосий майдон – плацга сафландик. Қисм кўмондони – дала формадаги подполковник аҳвол билан таништира бошлади. Нутқ мазмуни ҳар галгидек маълум: Ҳирот ва унинг атрофидаги аҳвол фавкулудда жиддий, ҳарбий автокарвонлар ўққа тугилаётган, таянч нуқталарга, батальон ва роталарга ҳужум кучайган. Бизнинг армияда эса тартибсизлик...

У сўзини яқунлар экан, ҳаммани интизомга, командир ва зобитларни кўл остидагиларга нисбатан қаттиқкўл бўлишга чақирди.

Кимдир елкадан туртиб: “Кўрдингми, катта командир ҳам қаттиқкўл бўл, деяпти”, деди. Овоз эгаси таниш – қирғийбурун.

– Унинг ҳақи бор, сеники-чи? – жавоб қилдим мен. – Сен кимсан, оддий аскарсан, холос.

У еб қўйгудек тикилди. Лекин чин сўзим: “Шу палид билан нима бўлсам бўламанки, аммо тиз чўкмайман, ҳа, оғайни, осмон қўлингда бўлса, ташлаб юборарсан!” – яшин тезлигида хаёл кетидан хаёл ўтарди.

– Қисм, тарқал! Ҳамма ўз жойига!

Чодир ташқарисида қолдик. Бироз ўтиб, остонадан димоғимга ўткир хид урилди, ичкарига мўраладим. Эски хизматдошлар чодир бурчагидаги каравотларга ғуж ўтиришиб олиб, козоқ бошчилигида наша чекишмоқда, бўғилиб йўталишяпти. Айтишларича, афғон марихуанаси – наша сақичи, тутуни ўткир хидли наркотик модда бўлиб, бу савил дунёда энг сифатли наркотиклардан бири ҳисобланаркан. Янги келганимда мен билан суҳбатлашган сепкилли йигит йўталдан бўғилиб ташқарига чикди. Кузатиб турибман, у гимнастёркаси тугмаларини ечиб, чуқур-чуқур нафас олди.

– Чеккани кўрқмайсанми? – сўрадим ундан.

– Йўқ, – бош ирғади у, – содда экансан, бу ерда ҳамма, ҳатто катта-конларимиз ҳам чекади. Нима биландир овуниш керак-ку. Ароқ бўлмаса, кўнгил очгани қизлар...

Боёқишнинг кўзларига тикилдим, у кайфдан ўзини билмас эди.

“Сепкил” қайрилиб чодир томон бурилди. Менинг ҳам уйга хат ёзишим ёдимга тушиб, ручка олиш учун ортидан чодирга кирдим. Ё Раб, рўпарамда нашадан қутурган “душманим” ўтирарди. Тўсатдан у мени ура кетди. Юз-кўзларимни қўлим билан беркитиб, ёрдам сўраб бақира бошладим, лекин кимдан? Жонимга оро кирадиган одамим борми ўзи?! Йўқ! Қани, мен нажот кутган қатъият?!

Қаттиқ тепкидан тўпдек учиб, қуроллар турган бурчакка урилдим. Шаҳд билан ўзим билмаган ҳолда автоматни қўлга олиб, затворини тортдим. Ўқ пистонга кирди, энди менга барибир! Жонингдан кечавер, аблах! Ғазаб ва қасосдан титрайман, кўрсаткич бармоғим менга бўйсунмаган ҳолда автомат тепкисини боса бошлади... Пешонамни совуқ тер босди.

Ҳамма қотиб қолди, назаримда аскарларнинг юзлари қийшайиб кетганга ўхшарди. Шу пайт кимнингдир: “Қуролни ташла, аскар!” деган амрона овози қулоғим остида жаранглади. Сергакландим. Аста-секин кўз олдим ёруғлашиб, қаршимда кўзларини менга тикканча қизил юзли, истарали капитан турганини кўрдим. Автоматни полга ташладим-да, кўзларимдан қуйилаётган ёшни қўлим билан яшириб, ташқарига отилдим. Эй, Худо, эсим жойидами ўзи, нима қилмоқчи эдим, одам ўлдирмоқчи эдимми? Одам? Нахотки, қўлимдан келса!

Ёнимга ўтириб, ҳамдардлик қилгандек кимдир бошимни силади. Қарасам, “ғўра”лардан бири.

– Ким у? – сўрадим капитанга ишора қилиб.

– Батальон замполити экан. Ҳозир анавилар билан қаттиқ гаплашяпти, наша ҳидини сезиб кирибди. Биласан-ку, армияда замполит кимлигини, сиёсий ишлар шуларнинг қўлида. Юр, сени чақиряпти.

Чодирга кирдик. Капитанга бўлган воқеани айтиб бердим.

– Қани, барча лаш-лушларингни йиғиштир! – буйруқ қилди у. – Штабга борамиз.

Штабда батальон командири, қисм қўмондонининг ўринбосари ҳозир бўлишди. Бечора “лейтухамиз” изза бўлиб, батальон командирининг ўшқириши ва даққисини еди. Ажаб бўлди-да! Нола-ю фиғонларимга бепарво бўлувди, яъни мени қирғийбурунга “нима қилсанг, қил дегандек” ташлаб кетувди, мана оқибати! Командирларни бу воқеа кўрқитиб юборганди. Ўзи шусиз ҳам интизомга чақирувчиларнинг кети узилмаётган бўлса.

Мени қисмнинг учинчи батальон ПТВсига ўтказишди.

Штаб навбатчи зобити – сийрак мўйловли катта лейтенант мени янги жойга олиб бориб, у ердагилар билан таништирар экан, мазахомуз:

– Бу билан ҳазиллашманглар. Бу қурол ўқталади, “псих”, – деб қўйди.

Янги сафдошларим мени ўраб олиб, саволга тута бошлашди. Толиқиб турганим учунми, сира гаплашгим келмади. Барибир, ҳоли-жонимга қўйишмади шоввозлар, охири дедим:

– Биттаси жонимга тегиб турганди, отиб ташламоқчи бўлдим.

– Қандай қилиб?

– Шундай. Кейин айтиб бераман, ҳозир ўлай деб турибман, яхшиси, каравотимни кўрсатинглар.

Янги ўрнимга ёнбошладим, хаёлим эса уйда. Нима бўлганда ҳам пайтава бўлмадим, ҳали қирғийбурун экан-у, аждаҳоси бўлмайдами. Энди, ўзим билман. Ҳайтовур бўлиб ўтган воқеа мени дадиллаштирди, қолаверса, анави зобит, мени “псих” дегани ҳам яхши бўлди. Энди, мен билан бу ПТВдагилар ўйлаброқ муомала қилишса, ажаб эмас. “Ғўра” мардикор ҳамма жойда керак-ку?!

Негадир, чарчаб эзилганимга қарамай, кўзимга уйку илинмади. Хаёл курғур Ашхободда.

* * *

...Анча хизматга мослашиб, “робот”га айланиб олган вақтларимиз, ишимизни сонияма-сония биламиз. Тушдан кейин қисм кинозалида сиёсий дарс кетмоқда. Озгин, заҳил юз майор гап маъқулламоқда, яъни “АҚШ ва НАТО ҳозирги душманларимиз, империалистик кучлар, ҳарбий базалар, социалистик лагер, Варшава шартномаси, капитализм ёвузлигининг қалқони, улар ўртасидаги кураш, рақобат, низолар коммунизм ғалабаси билан тугаши муқаррар”. Хуллас, ёд бўлиб кетган, сийқаси чиққан гаплар. Кузатаман, тингловчилар кўпи мудраган, зобитларнинг эса баъзилари мамлакатларни, ҳатто ҳарбий блокдагиларни ҳам харитадан кўрсатиб беролмайди, сиёсий билимни-ку, қўяверинг.

“Ленин хонаси”да дарс берувчиларга ўзимни бир кўрсатиб қўяй. Кўрсаткични олиб, билимдонлик қила бошлайман. Насе, Филя ҳайрон.

– Анча тузуксан, – деди Насе минғиллаб. – Лекин менга бунинг аҳамияти йўқ, ўласан десам ўласан, хожатхона тозала, десам тозалайсан. Уқдингми?

– Худди шундай, ўртоқ сержант, – дедим шошиб. Сўзини маъқулламангчи, бир зумда бурнингиз қонамай иложи йўқ.

– Эмаклаб билакни машқ қил! – дея қўққис буйруқ берди у бўкириб. Уддабурон ва уқувли сержант бўлиш учун ясама бўлса-да, бўкиришни қойиллатиш керак. Ҳеч бўлмаганда курсантларни кўркувга солиш учун.

– Хўп бўлади, ўртоқ сержант.

Қисмдаги аскарларнинг кўпи русийзабон ва ўрта осиеликлар, яна уч-тўрт чечен аскарлар бор. Қизиғи шундаки, улар ҳеч кимга, вақти келса зобитга ҳам сўз бермайди. Ўзларини мағрур “тоғлик халқ” деб атайдилар. Бош кўтармаслиги учун қисм маъмурияти уларни озиқ-овқат, кийим омбори, ошхона ва бошқа хўжалик ишларига боғлаб қўйган. Иззат-нафсига қилча гап теккизмайдилар. Бизларни-чи, зобитлару сержантлар кўшилишиб “баран”, “бабай”, “қорамўнди” десалар ҳам хўшшайиб тураверамиз.

“Тоғлик”лар аянчли аҳволимизга мийиғида қулиб қўйишларини кўп кузатганман. Не қилайликки, тарбиямиз шундай бўлган. Уйда ота-онамиз “қўй, ўғлим”, деб, мактабу боғчада “Яша, Шўро” деб ўстирган бизни. Лекин ҳар қандай алам ҳам учкун олганидек, қисмдаги адолатсизлик, миллатчилик ва таҳқирлашларга муносабат билдириладиган пайт келиши керак эди. Келди ҳам, во ажаб, қачон, наҳот!! Бу воқеа биз “қоравойлар” учун айни намуна эди.

Ҳарбий машқларнинг бирида бизни тиканли симлар остидан тинимсиз эмаклатдилар, умбалок оширдилар, қайта-қайта сакратиб, баланд ёғоч тўсиқларга тармаштирдилар. Хуллас, ҳолдан тойдирдилар. Мушаклар чарчоғига ошқозон дарди қўшилган, чунки нонушта чала бўлган, “тур-ўтир” ўйини тамадини расво қилган эди. Сержантлар эса лакиллашиб, шалок латифалар айтишиб ҳиринглашар, қайсидир ўзбекнинг ота-онаси аскар ўғлига илиниб юборган ёнғок, майиз, қурут, қанд-курсларни маза қилиб еб ўтиришарди. Биз эса кўнгилдаги алам билан бирга оғзимиздаги сўлагимизни ичимизга ютардик холос. Эҳ, шунчалик андишали халқимизми?!

Буйруқлар оқими тўхтамайди:

– Чап томонга ярим айлан!

- Қисқа қадам ташла! Бир-икки!
- Қуролни елкага ол!
- Ўннга бурил!
- Олға! Олдинга!
- Тўхта!
- Ўнг елкани олдинга чиқариб юр!
- Ёт! Тур!
- Кийим-бошингни тўғрила!

Ниҳоят, шу дамда хизматдошимиз – “Полвон” лақабли елкадор ўзбек йигитининг сабр косаси тўлди, машқ ва хўрликларга чидамади, четга ўтиб, дарахт соясига ўтирди. Сержантлардан бири уни пайкаб, югуриб келди-да, ура кетди. Бирдан хўрозлик қилаётган сержант Полвон зарбасидан қулади, ёрдамга ошиққан сержантлардан бошқаси ҳам ер тишлагач, тулки Насе қайгадир бир зумда гум бўлди. Сал ўтмай катта зобитлардан бири пайдо бўлиб, Полвоннинг биллагидан қайирганча орқасига тепиб-тепиб штабга олиб кетди. Зобитлар ҳам сержантларнинг обрўси бир пул бўлишини хохламайдилар. Бу ахир ўқув қисми бўлса?!

Воқеа кўзимизни очди. Бироз ўзимизни дадил ҳис қила бошладик. Сенинг ҳам қадинг ғоз бўладими, ўзбек аскарим?! Қўй мижозинг шерга айланадиган вақтлар келадими?

Орадан уч кун ўтиб, воқеа қаҳрамони батареямизда пайдо бўлди, суюниб белидан кучоқлаб оёғини ердан сал уздим-да, сўнг елкасига қўл урдим. Айтишича, қисм ошхонасида устидан қулфлашиб картошка ва пиёз тозалатишибди, қуруқ нон ва сув билан “сийлашибди”. Насе Полвонни кўриб, тилини чиқариб “басмач” деб қўйди.

Бу ишдан кейин, эртасигаёқ Полвон, мен, бир водийлик ва бир хо-размлик – тўртовлон қисмдан уч километрча наридаги қурол-аслаҳалар омборига равона бўлдик. Полигон нақ жаҳаннам, жазирама даштлик. Омбор хўжайини, тепса-тебранмас бир танбал прапоршик дарвоза ёнидаги вагон буткада сархуш бўлиб ётибди. Ўзига келса, биз билан шуғулланади, шуғулланиш ҳам, оғир снарядли яшиқларни у ёққа кўтар, бу ёққа кўтар, ўрнига келтир, тахла, буз, ол ва ҳоказолар буюриши тайин.

Аммо прапоршикнинг пичоғи мой устида, туркманлар тез-тез олдига келиб туришарди. Билсақ, мушакнинг бозори чакқон бўлиб, туркманлар мушаксиз тўй қилишмас экан. Хуллас, Ашхобод шунақанги жой, туркман оғалар шундай қизик халқки, ёзнинг жазирамасида ҳам қалпоқ ва телпакни ечмайдилар, “ҳиқ-ҳиқ”лаб айтган ашулаларига рус аскарлар масхаралаб қотади. Ашхободда ҳарбий кўп, унча катта бўлмаган бу шаҳарда уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Ерли аҳоли улардан зериккан, магазинга кириб қолсақ, тезда “Нима керак?” деб қувгандек бўлишади.

Армиядан қайтган танишларимнинг оддий аскарнинг обрўси ҳақида, кўчалардан этик ялтиратиб ўтишганда славян қизларнинг гул отишлари, маҳаллий аҳолининг нон-туз билан кутиб олиб, эхтиром кўрсатишлари ҳақида оғиз тўлдирганлари бу ерда сафсата эканлигига имон келтираман. Ёлғон нимага керак экан, хайронман.

Қайдам, балки шундай жойлар бордир, балки у жойларда ҳарбий қисм битта-яримтадир. Аскар қайнаган Ашхобод шундай шаҳарки, ҳарбий кийимдаги одамга дайди ит ҳам ўгирилмайди.

Бир ҳафтадирки, қурол-аслаҳа омборида нари-бери ишлаб юрибмиз. Прапоршик Виталий Орлович билан чиқишиб қолдик, мижозлар келиб туришибди, танбалвойнинг кайфу сафоси жойида. Сахийлиги тутганда

ёки “ўчиб қолганда” улушдан биз ҳам қуруқ қолмаймиз. Ахир, ким ҳам аскарликда ширакайфликдан қочади, харна вақт ўтади-ку.

Бир сафар прапоршик сочлари кизғиш, дароз бир ўрис хотинни бошлаб келди. Бундай жойларда хотин кишини учратиш – бахт. Прапоршик бир қўлида матрас, бир қўлида хотинни кучиб омборхонага кириб кетди, иккаласи ҳам ўлгудай маст эди...

Кечки овқатга яқин қисмимизга қайтиб келдик. Зобитлар батареямизни сафга тизиб, жазо машқларини қўллаётган эканлар.

- Шахдам қадамлаб юр!
- Тўхта! Турган жойда қадам бос!
- Нотекис қадам ташла!
- Тўхта! Қисқа қадам ташла! Бир-икки!

Казарма орқасидаги дарахтларга яшириндик. Мундоқ қарасам, панада бир нотаниш зобит қайт қилмоқда. У мени кўриб, қўли билан имлаб чақирди. Бордим. Бир қўлини бўйнимга ташлаганча, бироз тебраниб турди, сўнг олазарак кўзларини менга тикиб: “Ўзбек? Таджик? Қазах?” деб сўради. “Ўзбек”, дедим. У қўлини силтаб:

– Фарқи йўқ, – деди. – Ҳамманг бир гўрсан. Сенларни биз одам қилганмиз, бўлмаса юрардинг, ҳозир ҳам иштонингни кийиб, эшагингни миниб... Айтмоқчи... – қўшимча қилди у, – сен ҳам, ҳалиги... эшакни... Хи-хи-хи. Ҳа-ха, ҳа-а...

Қисм зобитларидан бундай тутуруқсиз сўзларни эшитавериб, кўникиб қолганим учунми, алам билан ишшайиб, қаршимдаги чўққасифат башарага безрайиб қараб туравердим. Шу дамда нима қилишимни билмайман, замона кўтарса-ю қани энди, бу маст тўнғизнинг башарасига бошлаб туширсам, лекин бу иш қўлимдан келмас, ҳокимият улар қўлида бўлиб, мен эса ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган, усти-боши шалвираган оддий аскар эдим.

Ўйга чўмганимни у хафа бўлганга йўйди чамаси, алжирай кетди:

– Майли, оғайни, хафа бўлма. Бу қуролли кучларга менинг ҳам ақлим етмайди. Ҳамма бир-бирини... – у мушт қилиб туккан ўнг кафтини чап қўлига “чап” этказиб урди, – ...тушундингми? Билмай зобитликка ўқиб қўйганман-да. Қанақа армия эдик-а, шавкатли, немис устидан ғалаба қозонган армия эдик. Эндиликда ич-ичдан чириб боряпмиз. Билиб қўй, бизда ҳамма нарса... – у оғзини “пуф” қилиб шиширди-да, қўлини “пуфак” қилиб кўрсатди, – ...тушунарлими? Бугун нега ичдик, биласанми? Намунали қисм сифатида “Фахрий ёрлик” олганимиз учун! Эътибор бер, намунали қисм эканмиз!.. Ҳа-ха-ха...

Мен “тушундим” дегандек бош ирғаб, кетишга ижозат сўрадим. Тезроқ бу хирапашшадан қутулишим керак.

У сармаст, кизарган кўзларини менга тикди-да:

– Йўқол! – деди бўкириб.

Матросча кўк йўл-йўл майка кийган бир ўзбек йигит оёғимдан туртиб тушликка имлади.

Янги сафдошларим билан тузи паст товук шўрваю картошка қовурмасини еб битирдик. Тузук йигитлар экан, шалдир-шулдур, ҳазилкаш. Тушлик қилиб бўлгач, кирчи оғайним олдига бордим. Бўлган воқеани унга тўлиб-тошиб гапириб бердим.

– Қойил, бардам бўлинг, биз ҳам одаммиз, – деди у мамнун. – Айтмоқчи, – деди у бирдан, – взводларингда “кузатувда” юрган самарқандлик “дем-бел” бор, жойи бўш бўлса, ўтиш керак!

– “Кузатув” дегани нимаси энди?

– Колоннани БТРда кузатиб бориш ва кузатиб келиш. Бир ёғи Ҳиротнинг ичи билан чегарагача, Торағундайгача, бу ёғи вақти келса Шиндонг, гоҳо Қандаҳоргача. Бизнинг асосий маршрут Ҳирот ва Торағундай. Хавфлироқ иш, албатта, бироқ эркинлик, қолаверса, пул ишлайсиз. Кўрмаган нарсаларингизни кўрасиз. Ҳиротдаги дўконларни бир кўрсангиз эди, оғзингиз очилади, бу ерларда асосий нарса пул. Пул бўлса, қисмда ҳам бошсан.

– Қисмда юраверсам-чи?

– Юраверасиз, рейдларга чиқасиз, оғир қуролларни кўтараб тоғма-тоғ ошасиз, кишлокма-кишлок санқийсиз гранатомётга елкангизни эздириб. Ҳар ҳолда бу ерга сим каравотда ётгани келмагандирсиз?

Самарқандликни топдим, боя тушликни бирга қилган қоп-қора кўзли, узунчоқ юзли йигит экан, тортиниб илтимосимни айтдим. У бироз ўйлангач, мени ёнилғи омборига олиб борди ва оддий аскар формасидаги ёшига нисбатан кўриниши қарироқ арман йигит билан учраштирди. Муддаога кўчдик. Аҳдга кўра, арман мени кузатув взводига жойлайдиган бўлди. Мен унинг “туя” қилган ёнилғиларини сотиб турадиган бўлдим.

– Гапимни яхшилаб эшитиб ол, – деди у охирида, – сени шу ерга олиб келган мана шу дўстим хурмати учун оляпман, синов шарти билан. Аммо билиб қўй, панд бермайсан, гапимдан чиқмайсан, шунда кам бўлмайсан. Сержантликни битирган экансан, вақт етиб БТР командири ҳам бўласан. Фақат мард бўл, эркак бўл, ҳали ошна бўлиб кетамиз. Энди бориб, дамнингни ол, эртага эрталаб кел, ишни ҳал қиламиз.

У елкамга дўстона қоқиб қўйди.

ИШИМ ЮРИШГАН КЎРИНАДИ...

Эрталабки нонуштадан кейин самарқандлик йигитга “кетдим” дея ишора қилдим. Руҳим тетиклигидан бемаза қаҳва билан ачқимтил қора буханка ҳам оғзимга мазали туюлиб кетди.

– Омад тилайман, – деди у қўлимни қисаркан, – менга минг йиллик кадрондай бўлиб қолдинг. “Ара”нинг олдига олиб борганимни эшитган танишларим: “Ҳамшаҳарингми?” деб сўрашяпти. Гапини қара, “Ҳамшаҳарингми?” эмиш, тавба, мусофир юртда бўлсак-у, шу ерда ҳам маҳаллийчилик қолмаса-я!

Сўзларидан тиниқ фикрли болалиги шундоқ кўриниб турибди. Жўралигим ошиб “албатта, бу – бемаънилиқ” дея елкасидан кучдим.

Ёнилғи омборига кирганимда ноз-неъматга тўла стол атрофида янги арман ошнам ва новча бир майор нонушта қилиб ўтиришарди. У мени ёнига чақирди ва “бизнинг хўжайин” деди майорни кўрсатиб. Майорга зимдан боқдим, кечаги бошоғриқданми, у мудраб ўтирарди.

– Нонушта қилдингми? – сўради Ара.

– Ҳа.

– Яхши, бўлмаса келишдик-а, эсли бола бўлсанг, гапимиздан чиқмасанг, бундай бўп кетасан, – у бош бармоғини кўрсатди. – Тушунарлими?

Мен бош ирғадим.

– Тушунарли бўлса, қани, кетдик.

У билан қисмни ортда қолдириб, катта бетон йўл бўйида ғуж жойлашган чодирлар олдига бордик. Чодирлардан сал нариги – йўл бўйидаги шлагбаум олдида уст-бошлари кир-чир аскарлар ўтган-кетган афғон машиналарини текширишяпти. Чор-атроф шалоғи чиққан БТР-60 ва унинг шиналарига

тўлиб-тошган. Сал нарирокда қанор қоп билан ўралган вақтинчалик хожатхона ҳам кўриниб турарди. Зерикарли ва хароб манзара.

Арман чодирларнинг бирига кириб кетди. Мен ташқарида қолдим. Бироз вақт ўтгач, сочлари қазғоқ қирғиз аскар қўли билан ниқтаб, мени ичкарига бошлади. Хавотир билан чодирга суқилдим. Қоронғиликда Ара дўстим нўғайнусха катта лейтенант билан уятсиз хангомаларни қилиб, хиринглашиб ўтирарди. Қўлни қўлга уриштиришларидан кайфиятлари жуда чоғ. Шалоқ латифа ҳарбийлар суҳбатининг қаймоғи доим. Катта лейтенант менга хафсаласиз разм солди ва сўроққа тутган бўлди: исмим, фамилиям, қаерданман, туғилган йилим, хизматга келган вақтим, техникага тушунаманми-йўқми... Мен бирма-бир жавоб бердим.

– Сенга бутун бошли БТРни топшираман, тушундингми? – у сармаст кўзларини менга тикди. – Ишончни оқлашинг керак, бўлмасам “фишт” бўласан! Қисмда аталангни ичиб юраверасан.

– Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант!

– Хўш, нега серрайиб турибсан, нима гапинг бор? Гапир!

– Ўртоқ катта лейтенант, – дедим хаяжонда. – Хужжатим бор-у, аммо БТР ҳайдамаганман, лекин ҳаракат қиламан! Ишончингизни оқлайман!

– Эҳ, каллаварам, сенга дарров БТР тушиб қолибдими?! Молдаван ҳайдайди, сен эса каллани ишлатасан, олий маълумотлисан-ку! Қолган гапларни Ара тушунтиради! Чик!

– Хўп бўлади!

Аранинг тушунтиришича, бир молдаван йигит ҳайдовчи бўлиб, мен БТР пулемёт бинокли олдида ўтирар эканман. Бундан ташқари, БТРни “заправка” қилгани борганимда, 200 литрли иккита бочкани ҳам тўлдириб, кузатувга чиққанимда пуллаб келишим керак экан. У мени пора билан жойлабди, мен хизматим билан қарзимни узишим керак экан.

Ноилож, “маъқул” дея бош ирғадим, фишт қолипдан кўчган, ахир “кузатув” деганларига одам қўйиб ўтпаман. Ундан ташқари, самарқандлик биродаримга панд бериш дуруст иш эмас. Сўнг ҳайдовчи билан танишдик. Юзини сепкил босган, юриш-туришидан кир-чир юраверадиган паст бўйли бола экан. У менга жигарранг кўзларини тикиб, индамай қараб турарди. Иккаламиз БТР-60 ичига тушдик.

– Ўқ ўтадимиз? – сўрадим мен. У кулди ва:

– Билмадим-у, аммо “семёрка”¹ дегани бор, Худо кўрсатмасин, нишонига тушиб қолсак, иккаламиз ҳам бунинг ичида нақ консерва бўламиз, – деди.

– Отишма бўлиб турадимиз?

– Албатта, аммо меникига ҳали тош ҳам теккани йўқ. Аравамнинг бахти бор.

– Айтганинг келсин. Кўпдан бери хизматдамисан?

– Чўмичман, ҳали хизмат олдинда.

– Вазифамиз нима?

– “Вазифам” дегин. Бу ерда шундоқ дейилади.

– Кузатувга чиққанимизда мен нима қиламан?

– Хўжайин бўлиб юраман, деясанми? БТРда мен хўжайин. Мана бу курсини кўрдингми, хавфли жойларда ўтирасан, пулемётники бу, дурбини ҳам бор, атрофни кузатасан, тугмасини боссанг, отилади. Ҳадеб савол бераверма, ёқтирмайман. Кўрасан, ўрганасан.

У билан шлагбаум олдига яқинлашдик. Роҳатнинг зўри шу ерда экан: хизматдошлар ғуж-ғуж бўлиб дам олишяпти, дастурхон тўкин: апельсин,

¹ Семёрка – РПГ 7 қўл гранатомёти.

мандарин, канд-курс, колбаса, паштетлар... Чет эл магнитофони ванғиллаб айтиб ётибди, турк нухса икки жағи ичига кирган аскар наша саситмоқда, сариқ соч, дароз сержант афғон ҳайдовчиси билан тортишиб ётибди. Хуллас, бу ердаги ҳаёт ўз маромида...

Шу пайт қисм ичкарасидан бир юк машинаси чиқиб, яқинимизга келиб тўхтади. Кабинасидан ўрта ёшли, юзлари тиришган, озгин ва хунук ўрис аёли тушиб келди-да, икки қўлини белига тираб:

– Қани, шоввозлар, – деди у кузовдаги аскарларга беписанд боқиб. – Тез-тез юкларни туширинглар-чи! Оббо, жипириклар-ей...

Шоввозлар салкам бир машина юк – жомадон, ўралган нарсалар, халталарни тушира кетдилар. Аёл эса биз билан бирга ўтирган аскарлардан бирига буюрди:

– Қани, чиройли йигит, шефингни бу ёққа чақир!

Старлей чодирдан чиқиб келаркан, аёлни кўриб, лабларини ялади ва тиржайиб гандираклаганча унинг қўлларини кафти орасига олди.

– Ким бу хотин? – дея ёнимдаги аскарга юзландим қизиқсиниб. – Каттакон офицер-пофицернинг хотиними?

– Бе, каерда?! Ойимча офицерлар ошхонасида ишлайди. Офицерларнинг бола-чақаси қисмда эмас. Бу ойимтилла қўлма-қўл, пулга, албатта. Бир йил олдин икки қўлини бурнига тиқиб келганди, мана, энди кетар чоғда, натижа бўлиб кетганини кўряпсан-у.

– Эртага, – деди старлейимиз тўсатдан овозини кўтариб, – Шиндонтга бугун автокарвон йўқ. Қайғурма, бир кун минг кун бўлармиди?! Бугун ўзим хурсанд қиламан, эртага эрталаб Шиндонтга ўзим жўнатиб юбораман, жонгинам, Ксеничка... Мушукчам.

У аёлни ичкарига торта бошлади.

– Жоним билан, лекин тушунгин, – деди ойимча ялинганнамо, – бугун Шиндонтга етиб боришим керак. Эрталаб Тошкентга самолёт учади, гаплашиб қўйганман, азизим, мени қийнама. Илтимос, йигитларингга айт, мени ташлаб қўйсин, хизмат ҳақини тўлайман, битта “КамАЗ” билан БТР берсанг бўлди, эски дўстлигимиз ҳурмати илтимосимни ерда қолдирма.

– Тушунгин ахир, бу хавфли.

– Сендан илтимос, кетишим керак, тушунгин, эртага эрталаб...

– Тушундим, аммо...

– Аммо-паммоси йўқ, феълимни биласан, қизил сўзлигим тутмасин, хафақонингни ошираман.

Охири бўлмади, шекилли, старлей шалвираган қўйи биз томон келди ва:

– Вагиф, – деди у кўзлари нашадан ўйноқлаган бояги турк нухсага, “КамАЗ”ингни юргиз, ҳожатини чиқарайлик ойимчанинг. Соққасини аямай оласан, ёнингга автоматчи ол. Сен, молдаван, кузатиб борасан, ҳалиги янги боланинг ҳам калласини шабадалатиб келасан. Қани, бўлинглар, у барибир кетади, унамайди. Командирга айтса, бепул хизмат қилишга тўғри келади, бўлақолинглар.

– Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант.

Йўлга тушдик, мен БТР ичидаги пулемёт курсисига, аёл ҳайдовчи ёнидаги ўриндикқа жойлашди. Орқамиздан визиллаб юк ортилган “КамАЗ-4310” келяпти. Мочағар тинмай вайсайди. Сўзларидан орзуси осмон: эсон-омон Иттифокқа ўтиб олса, Москва ёки Ленинграддан уй сотиб олмоқчи, гаражи билан сутдек оқ “Волга” ҳам. Сиртдан диплом учун ўқиб оларкан, тузукроқ зиёлироқ кишига турмушга чиқиш режаси ҳам йўқ эмас. Охирги сўзларини эшитиб, ичимда қулиб қўйдим. Кўзларимни пулемёт

дурбинига қадаб атрофни кузатиб кетяпман. Афғонни тоғ дейишарди, бу жойлар кип-қизил қир-адир-ку!

Аёл чарчадими, ҳар қалай, жағи тинди. Ҳайдовчи шеригим жиддий, кўзлари йўлда, оғзида сигарет, ноннинг ўрнига ҳам сигарет чайнайди бу. БТР елиб бормоқда, орқадан КамАЗ. Хаёлларим яна Ашхободга учди...

* * *

Ўқув машғулотилари анча сусайган, янги чақирилганлар – “руҳлар”ни кутяпмиз. Биз энди кичик сержант бўлишимиз керак. Олашовур гаплар юрибди, биз ўрта осиёликларни Германияга, русийзабонларни Туркистон ҳарбий округи қисмларига жўнатишар эмиш. Кўникиб қолганмиз бу гапларга, парво қилмаймиз. Афғон-павғон ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Аммо ичимиз тўла алам: кимлардандир қасдимизни олишимиз керак, ярамиз пишиб, ёрилай деб турибди.

Ўша шерикларим билан тўртовлон лимонад заводида ишлаяпмиз. Хизматимиз эвазига ҳар куни 3 литрли идишда шоколад таъмини берувчи “чёрт” беришади. Тозасидан. Биз уни икки қўллаб найнов командиримизга топширамыз.

Заводда иш жуда зерикарли. Кунда яшиқ ташиб, тахлаб, шишаларни унга жойлаш билан овора бўламыз. Хуллас, бир хил иш, жонга теккан. Пана-панада флягамизга қуйиб олган “чёрт”дан отиб оламыз. Кузнинг ўртаси бўлишига қарамай, Ашхободда ҳаво иссиқ, фақат кечқурунлари бироз салқин бўлади. Шериклардан бирининг туғилган кунини нишонладик, кайфимиз тарок. Командирга тегишли улушни топширдик, у хавотирланиб: “Агар бирор хунар кўрсатсанглар... деди муштини тугиб ва сўзида давом этди: – Ҳозир қисмга жуда катта партия янги болалар – ғўралар келишган, сизлар қурол-аслаҳалар омбори ёнига чодир тикиб кўчасизлар, чодирларинг тайёр бўляпти, ортиқча хатти-ҳаракат бўлмасин, эртага яна ишга...”

Қисмга кирганимизда, чиндан ҳам плац янги чақирилганлар – “руҳ”ларга тўла экан, тўғри ошхонага бордик. Овқат билан “шайтон”дан яна уриб олдик. Қурол-аслаҳалар омбори ёнига яқинлашганимизда оёғимизда зўрға турар эдик. Енгил қушмиз, “чёрт” дегани ҳам хушни об кўяркан, учишга шаймиз. Бир-биримизнинг елкамизга қўлларни ташлаб, аскарча рус қўшиғини қуйлаб боряпмиз:

*Йиғлама, ойимқиз, тинади ёмғир,
Аскар қайтади, сен уни кутгил...*

Бизга тенг келадиган куч йўқ гўё. Сержантлардан бири бизни кўзини олайтириб қаршилади, шу заҳоти у лунжига тушган муштдан гандираклади, аралашмоқчи бўлган шериги тепкидан букчайди. Борингики, шер бўлиб кетибмиз, тўғри келган, бизга етакчилик қилган-қилмаган сержант-ваччаларни савалай бошладик. Ҳаммаёқ тўполон, ҳамма аламини олиш билан овора. Қўллар, камарлар, оёқлар ишга тушган. Насе билан Филяни излаймиз, улар осмонга учдими, ерга кирдими дом-дарак йўқ. Юз бераётган воқеалар худди тушга ўхшарди.

Тўсатдан кучли шамол кўтарилди ва жўрттага, низога барҳам бермоқчидек чирок ҳам ўчди, дала қисм зимистонга айланди.

Тўполонни етказишган кўринади, биз томон липиллаб иккита чирок келяпти ва сал нарида бир эски “УАЗ-69 А” силкиниб тўхтади. Кимдир мени чодир ичига тортиб яширди. Ҳаммани сафга йиғиш ҳақида буйруқ

янгради. Сўнг шамолда имкон бўлмади чоғи, ҳаммага ўз ўрнига ётиш буюрилди. Ўраниб ётибман. Қўл фонаридан чодир ичи ёришиб, сал бош суккан икки кишининг ўзаро гап-сўзлари кулоққа чалинади.

– Кимлар эканини аниқладингми? – сўради зобит дўриллаб.

– Албатта, ўртоқ қисм навбатчиси, – Филянинг овози эшитилди. – Лидерлари – лимонад заводига ишга борганлар, улар ғирт маст аҳволда.

– Кайфини бурнидан булок қиламан ҳали, ҳаромиларнинг! Фамилияларини бер, итваччаларнинг. Улар қаерда бўлиши мумкин ҳозир?

– Бу уларнинг взводи эмас, ўртоқ қисм навбатчиси, – чийиллади Филя тилёғлама охангда, – қочиб яширинганми, билмадим.

– Нима? Қочишган?! Яширинишган?! Қаерга?! Қачон?! – зобит хавотирланиб ўдағайлади. – Нималар деяпсан, сержант, ҳозир кетингга...

– Йўғ-э, ўртоқ қисм навбатчиси, қаерга ҳам қочишарди, узоққа кетишмаган. Бу шамол-тўзонда, демоқчиманки, бирон-бир бурчакда каламушдек яшириниб ётишгандир. Кечаси билан ухламай вазиятни назорат қиламиз.

– Ухлаш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас, сержант. Сенларнинг ландовурликларинг туфайли шундай бўлди. Ҳе, онангни...

Уларнинг қолган гаплари кулоғимга кирмайди, тош қотдим.

Тонгда кўнглим ғаш бўлиб уйғондим. Юрагим қуяди. Сув! Кеча нима бўлди ўзи? Қарахтман, воқеаларни эслай олмайман, фақат сув ичиб ташналигимни қондиришни истайман, холос! Дала қисм ошхонасига кириб, бидондаги муздай сувга кружкамни ботирдим. О, обихаёт вужудимга чинакам ҳаёт бахш этмоқда-я. Шу пайт рўпарамга Филя келиб қолса бўладими? Сержантнинг негадир шашти паст эди.

– Қисм навбатчи зобитига учрашишинг керак, – деди у, – барча командант ўша ерда. Қани, марш!

– Ўртоқ сержант, кеча нима бўлди ўзи? – сўрадим ундан вазиятни англаш учун.

– “Нима бўлди ўзи” эмиш?! Гўлликни қаранг! Боплаб қўйдиларинг, билдингми!

Дала қисм ошхонасидан истар-истамас одимлаб, навбатчи зобит олдида бордим. У мени хилватда тутиб “эшак” ҳақида гапирган шалоқсўз, пиён зобит эди. Ўқрайиб қаради, сўзсиз у мени танимади. Менга ўхшаган нусхалар қисмда уясида тўзиган чумолидек кўп бўлса. Бошимизни эгамиз, айбдормиз. Унинг ахборотича, анча ишқал чиқариб қўйибмиз. Сержант Казимернинг қовурғаси синган, курсант Грушанинг жағи эзилган, кичик сержант Сытниковнинг юзи йиртилган ва ҳоказо. Шу тўполондан ҳам Насе ва Филя курук чиқишибди.

– Дизбатда¹ чирийсанлар, ҳаромилар, – бақирди у тутаклиб, – Ҳайвонлар, эшаклар! Беш йилдан олмасанг, пагонимни йиртаман, мана кўрасанлар, ифлослар! Сенларнинг жойинг, Худо ҳаққи, фақат дизбатда!

Қулоқларимизнинг таги шапалоқдан ловуллайди. Майли, ураверсин, дизбат бермаса бўлгани, унинг нималигини яхши биламиз. Кўз олдимга уйдагиларим келди. “Кечиринглар, яқинларим, ёмон иш қилиб қўйдим, нонтузингизни оқламадим, бебош десаларинг деяверинглар, фақат тушунсаларинг бас, бу бебошлик эмас, бу аламларимизнинг вулқони!”

Бироздан сўнг қисм командирлари етиб келишди ва навбатчи зобитдан вазиятни билишди. Олдимизга “найнов” капитанимиз яқинлашди.

– Эҳ, йигитлар нима қилиб қўйдинглар, огоҳлантирган эдим-ку, кулоқларингга олмадингларми, сенинг гапинг – менинг “таёғим” деддингларми?

¹ Дизбат – интизомий жазо батальони.

Унга хурматимиз баланд эди, беҳуда шовқин солмас, тумшайиб кўярди, холос. Ўзиям асли ҳарбийга эмас, кўпроқ ўз фойдасини кўзловчи хўжалик ходимига ўхшаб кетарди. Уялиб ерга қарадик. Ундан кейин дивизион командири келди. Кўлидаги хипчин билан савалай кетди-я, оғриқ зарбидан кўзларимиздан ўт чакнаса-да, “чурқ” этмаймиз, баданимиз оғриқ сезмас темирга айланганди, гўё.

– Бемазалар! – деди у бақириб. – Қани, камар билан бош кийимни топширинглар! Ҳайф сенларга “аскар” деган ном! Гаупвахтага¹ ташланглар, ит кунига солинглар, терговга беринг буларни! Германияни энди тушингда кўрасанлар, Сибирда ўрмон кесасанлар, ботқоқликни қуритасанлар!!!

Нонуштадан кейин дала қисм тўпланди, қисм комсорги акиллаган товушли, бурни кизил лейтенант умумий комсомол йиғилиши ўтказиб тўрталамизни шонли ВЛКСМ сафидан ўчириш ҳақида қарорни эълон қилди. Шундан сўнг бизни асосий қисмга олиб келиб, ошхона омборига қамаб қўйдилар.

Комсомолдан ўчиришди, демак, жиддий чора қўллашади, шекилли. Омборни тутган чирик пиёз ва картошка ҳидидан кўнгил ағдарилай дейди. Оғир ўйлардан кўнглимиз янада оғирлашди. Кечгача қуруқ нону сувдан бўлак ҳеч нарса беришмади, эртаси куни ҳам шу аҳвол. Ҳеч ким гапирмайди. Фақат кечга томон гуручи эзилиб пишган шавла беришди. Иштаҳа билан овқатни паққос туширамиз. Ҳамма ўз ўйи билан банд. Шу пайт хоразмлик шеригимиз пикиллаб йиғламоқда.

– Манинг айбим йўқ бунда, – деди у кутилмаганда “пик” этиб бурнини тортиб, – ман ҳеч кимни чертганим йўқ...

Ўзи шу етмай турувди. Кўзимга шунчалик ёмон кўриниб кетдики, ҳозир бўғиб ўлдиришга тайёр эдим. Бўйнидан қисиб, ўзимга қаратдим:

– Менга қара, оғайничалиш, кемага тушганнинг жони бир, дейдилар! Ўзингни кўлга ол, бола, кўз ёшларингга бу ерда ҳеч кимнинг раҳми келмайди. Бошга тушганини кўрамиз энди. Сабр қил, балки яхшилик бўлар...

Чиндан ҳам яхшилик бўлди, уч кун деганда омборхона эшиги очилиб, ичкарига ёруғлик тушди. Кўзларимиз қамашганидан қўлларимиз билан ёруғни тўсамиз. Гаупвахтага ё дизбатга олиб кетади энди, ўйлагандик. Йўқ, ёшгина ўспирин лейтенант бизни қисм командири олдига олиб борди. Шамоллаганми, йўл бўйи бурнини тортиб қўяди.

Қисм командири ўрта бўйли, чорпахил полковник ҳар биримизнинг олдимизга келиб, тарғил кўзлари билан ўкрайиб қаради. Ерга тикиламиз. Қарашларида барибир, қандайдир қатъият ва ўктамлик бор.

– Эссиз, – деди у ва ниҳоят. – Сизларни Германияга жўнатмоқчи эдик, қисмимизга доғ туширдинглар, цивилизацияни энди тушларингга кўрасизлар. Лекин ўзларингни оқлашларинг керак. Афғонга!!! Фақат афғонга! Тирик қайтмайдиган жойга жўнайсанлар, тушунарлими?!

Кўнглимиз кўтарилиб кетди, биз фақат ҳарбий қамоқни кутаётган эдик. Борамиз, жаҳаннамга бўлса ҳам майли, фақат дизбатга тушиб, номимизга доғ тушмаса бўлгани, цивилизациясини бошимизга урамизми? Шодликдан кўз ёши тўкиб, қаршисида тиз чўкишимизга оз қолди.

Афғонга жўнаб кетгунимизча анча-мунча жазо чораларини қўллаб туришди. Полковникнинг олдидан чиққанимиздан кейин яна бадбўй омборга қамалдик. Эртасига дивизион командири “ГАЗ-66” да олиб кетиб, дашт жойда хандақ кавлатди. Ер метиндек қаттиқ, урсанг курак соплари зинғиллайди, қўллар зириллайди. Командир эрталабдан

¹ Гаупвахта (нем.) – жазолаш камераси.

хар кунги нормамазни белгилаб кетади. Улгурмасак, машинасининг чироғида бўлса ҳам бажартирди. Эгнимиздаги формамазининг шўри чиқиб кетди, қўллар пўрсилдоқ боғлади. Шунча азоблардан кейин ва ниҳоят машаққатларимизнинг якуни келди. Камар билан бош кийимимиз кайтарилди, яп-янги дала формаси берилди.

Хизматдошларим бирин-кетин кўринмай қолаётган эдилар. Уларни қаёққадир жўнатишяпти, шивир-шивирлардан масаланинг учи кўрингандек бўлади. Шубҳа ва гумонга тўла бошқа гаплар ҳам йўқ эмас.

Қисм ҳовлисида тентираб зерикдим. Ҳовли янги келган “руҳ”ларга тўла. Бечоралар ҳали қанча синов, таҳқир, азоблар олдида турибдилар. Ҳамма ўзи билан овора, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу қандай озодлик бўлди? Рўпарамдан ашхободлик Сафарбек исмли оқ-сарикдан келган туркман йигит чиқиб қолди. У армияга биз билан бирга чақирилган бўлиб, взводдошим қисм маъмуриятида мирзалик қилиб кун ўтказди. Қазармадаги сим каравоти деярли бўш эди. Бир гал штаб биноси олдида фуқаро кийимида ҳам кўрганман. Қийинчилик кўрмади ҳам, хизмат ўз она шахрида, эғнида доим янги форма, бирор қўли узун тўранинг фарзанди эканлиги аниқ.

– Ие, ҳалиям шу ердамисан? – хайрон сўради у.

– Ҳа, осмонга учиб кетишим керакми? – дедим мен. – Тақдиримни кутиб ётибман, билсанг керак, айбдорларданман.

– Хабарим бор. Яхшиям, ишларингизни босди-босди қилишди.

– Нима учун, бизга раҳм қилишдими?

– Ташиб юрган ичимликларинг қутқариб қолди сенларни, иш очилиб кетиши мумкин эди-да. “Раҳм қилишдими” эмиш. Ўз погонини ўйлашди, бўлмаса сен, қоралар бир тийин буларга.

– Сен-чи, кимсан? – дедим ғазабим қайнаб. – Қоралардан бўлмай, оқларданмисан?

Шу тобда бошлаб бетига туширгим келди. Айни вақтда нима учун афв этилганимизни билиб лол эдим.

– Бизни ўзимизни оқлаш учун афғонга жўнатишяпти, шерикларим кетишди, мен ҳам кетсам керак.

– Албатта кетасан, бошқа жойни хаёллингга ҳам келтирма. Бизнинг қисмдан фақат Афғонистонга кетилади, бошқа гап сафсата. Тушундингми?

“Ҳамма гапдан хабардор, – дедим ичимда, – уйчасида хизмат ўтаётган оксуяк...”

* * *

БТРнинг силкиниб тўхташи хаёлимни бўлди. БТРдан тушдик. Аёл молдаванни бир четга тортиб, тортиша кетди. Афтидан, мегажин “иш битди, эшак лойдан ўтди” қабилида муттаҳамликни бошламоқчи, аммо молдаван ҳам анойига ўхшамайди. Келишилди чоғи, аёл бориб “КамАЗ” кабинасига чикди, аэропортга олиб бориб қўйишни буюрди. Ҳайдовчи билан аёлни аэропортга жўнатгач, молдаван менга яқинлашди.

– Кеч бўлиб қолди, бугун шу ерда қоламиз. Мен танишларимнинг олдига кетдим, – деди у, – сен БТРнинг ичида ёки диспетчерлик пунктида тунарсан, ҳов анави чодирда. Мана бу чекни ол, бирон нарса олиб ерсан, эрталабгача хайр.

Кўрсатган чодир томон йўл олдим. Чодир ичида аскарлар: бири хат ёзаётган, бири ётибди, уч-тўртгаси қарта ўйнаш билан овора. Ие, танишим ҳам шу ерда-ку! У билан Ашхободда бирга хизмат қилганмиз. Кучоқлашиб

кўришдик, фақат исми тилимга келмай турибди. У фикримни уққандай: “Адхамман, янгийўллик”. Пешонамни хижолат-ла тириштирдим. “Ҳа, бўлди, узр, дўстим”. Яхши, мана энди зерикмайман, танишимни топиб олдим. Унга чекни узатдим, у тортинган бўлди, бироқ олди. Магазиндан егулик, печенье, шарбат, қанд-курс, ошхонадан тариқли бўтқа билан нон келтирди, овқат устида анча валақлашдик. Ётиш маҳали бўлди, БТРга чиқишим керак, танишим кўнмади. “БТРга жин урмайди, жой бор, шу ерда ётамиз”, деди. Кўрсатган каравотига чўзилдим, кўзим энди уйқуга кетиб қолган экан, тепамдаги каравотнинг тинимсиз ғижирлашидан хушёр тортиб бошимни кўтардим. Кимнингдир чийилдоқ, норози оҳангда минғиллаши эшитилди. Адхамни туртдим, у битта кўзини очди.

– Ишинг бўлмасин, қўявер, – у аскарнинг номини айтиб шивирлади, – она сути оғзидан кетмаган, хизматга уйдан тўппа-тўғри бу ерга тушган дўндиккина аскар бор, ўзиям қизларга ўхшайди... кутурган, наша чеккан оксоқоллардан кун йўқ бечорага...

Э вох, бу яна қанақа азоб? Бир шўринг қурғур ота-онанинг азиз фарзанди... Бу қандай мудҳишлик? Чидамай, ташқарига отилдим. Муздек ҳаво танамга роҳат бағишлаб таскин бергандай бўлади. Бувамнинг кишлоғи, ота-онам, ёрим, ҳали муҳаббатдан исиб улгурмаган кўрпада ёлғиз қолган келинчак эсимга тушади. Хат ёзишим керак. Афғонистондаман деган хабарим уларни даҳшатга солиши аниқ. Нима қилсам экан? Бу ерда кўпчилик манзили кўрсатилмаган хат ёзаркан: “дала почтаси” – тамом. У ўлгандагина бу машъум сир ошкор бўларкан. Ҳаётда шундай ёзилмаган коидалар ҳам бўлар экан-да.

Ичкарига кириб тезроқ ухлаш учун бошимга адёлни тортдим.

Тонг отди, Шиндонт текисликлари аста-секин қуёш нурига чулғанмоқда. Қорамағиз юзида кулгичи бор танишим йигит билан нонушта қилиб, молдаванни кутиб ўтирибман. “КамАЗ”чи Вагиф автоматчи шериги билан кабинада қарта ўйнамоқда. Фақат тушдан кейин молдаван уч-тўрт шериклари билан пайдо бўлди.

– Бугун кетмаймиз, – деди у зўрға тили айланиб, – кечаси билан ухламай арча байрам қилиб чикдик. Йигитлар билан соғинишиб қолибмиз. Эртага жиламиз, анави шерикларга ҳам айтиб қўй, дўст бўл, ўртоқ бошлик.

“Киноянг тушунарли”, дедим ичимда. На илож? Чодирга кириб, Шура исмли ўрис аскардан комсомолча фидойилик тарғиб этилган “Пўлат қандай тобланди” китобини қўлга олдим. Ўқиганман, лекин вақтни ўтказиш учун эрмак-да буям. Тушлик қилгач, каравотга чўзилдик. Китоб билан юзимни ёпганча мизғиб қолибман. Танишим туртиб уйғотиб, госпиталдаги бир дўстини кўриб келишга таклиф этди. Мендан бекорчи одам йўқ, рози бўлиб у билан бирга йўлга тушдим. Унинг госпиталдаги дўсти – узун бўйли, қора қош, оқ юзига ҳуснбузардан тошиб кетган қувноқ йигит – Умрзоқ биз билан кўришар-кўришмас сўзга тушиб кетди:

– Кечаги ғаройиб ишларни кўрсаларинг эди, асирга тушган бизнинг харбийларни олиб келдилар, ишонсаларинг, барчасининг қулоқ ва бурни кесилган. Ўлдиришмабди-ю, шундай қилиб қўйиб юборишибди. Нега дейсизми? Юртларингга борганда сўрашса, бировнинг юртига бостириб кирганимиз учун шундай қилишди, дейсизлар, дейишибди.

Кутилмаган бу гапдан ҳангу манг бўлиб қолдим. Худойим, ўзинг асра. Уларнинг ўрнига ўзимни хаёлан қўйиб кўрдим. Аъзойи-баданам жимирлаб кетди.

– Улар энди, қайси юз билан боришар экан ота-онасининг олдига?

Одамлар нима дейди? Севган қизлари бордир? – сўрайман мен Умрзоқдан.

– Содда экансан, – деди у, – буларнинг бари Йттифокқа қайтади, деб ўйлайсанми? Ҳукуматнинг калласи бор, йўлини топади... қайтган ногиронлар ичида бирорга шунақасини учратганмисан?

– Қўйинглар шунақанги шум гапларни, юринглар, яхшиси, бир ош қилайлик, – гапга аралашди Адҳам, – карам шўрва шундай меъдага тегдики... – У кекирдагига кафтини қадади.

Госпитал ошхонасида сабзи йўқ, ўрнига картошка кертиб юмшоққина палов тайёрладик. Спиртдан дарров дилочарни ясадик. Тиббий майор ҳам зиёфатимизга қўшилди. Дилкаш зобит Лермонтовнинг ашаддий мухлиси экан, шеърларидан айтиб берди:

*Совгамни қабул қил, менинг Маликам!
Сен қалбимда пайдо бўлгандан бери,
Менинг севгим, менинг қалқоним
Ҳар қандай тухмату бўҳтондан нари
Бундай муҳаббатга ишонмоқ даркор
Нигоҳлар ҳеч нарсани тутмайди пинҳон
Ўттибозлик қилмоққа эмасман қодир
Чунки сен ҳаддан зиёд фариштасан, ишон!*

“О-о-о! – дея кайф шавкида чапак чалиб шеърхонликни олқишладик. – Беш сизга, ўртоқ майор!” Майор илҳомланиб давом этади: “Чиндан Михаил Юрьевич руснинг Байрони. Вужудида ортиқча мағрурлик ва нозик истеъдод уйғунлашган тантиқ шоир. Генерал Ермолов кўшини сафида кўлига курол олиб, Кавказ истилоларида қатнашган кичик зобит. Шеъриятида рус шовинизмини пайқамай иложингиз йўқ. Барибир Лермонтов ижодида юксак дид ва олижаноб туйғулар барқ урган гулшан бор. Кавказ илҳомларисиз Лермонтов шеърияти ғариб бўлиб қоларди. Қўмондонига келсак, генерал Алексей Ермолов рус шоҳига содиқ итдек хизмат қилди. Гарчи сиёсий қарашларида “декабрчилик” кайфияти сезилиб узоқ йиллик истеъфога чиқиб, у туб ҳаётий ҳақиқатни, яъни фармонбардорлар оёғидаги “эскирган калиш” ҳолига тушиш барча ҳамкасбларининг азалий қисмати эканлигини тушуниб етди ва шифтда чанг босиб ётган генераллик либосига хиралашган кўзлари билан ўксиниб боқар экан, Кавказда тўккан қонлари учун чўқиниб виждон азобида кўз юмди”.

Майори курғур зўр шарҳловчи ҳам экан-ку. Сўзларини тинглар эканман, дарахтзор ёнида мен билан суҳбат қилган алкаш зобитнинг ҳасратли сўзлари хаёлимдан бир-бир ўтади.

Суҳбат майга уланиб роҳатижон бўлди. Йўл-йўлакай кайфдан шиғил холда бир-биримизни кучоғлаганча, “Биринчи муҳаббатим” кўшиғини маънос куйлаб ётоққа қайтдик.

Чодир ёнида сигарет қолдиғини излаб, тимирскилаб юрган дўндик аскарни учратдим – ғирт гўдак-ку, бу шўрпешона. Бунақалар ҳатто қирк йилда ҳам эр бўлиб етишмаса кераг-ов... Топталган номуси монелик қилади. Яна ким билсин, шахсан мен бундай тақдирдан ўлимни афзал кўрардим. Унга дадил бўл, деб маслаҳат бергим келди, фикримдан қайтдим, фойдаси йўқ, унинг иродаси ва ғурурини синдириб бўлишган.

Каравотга чўзилар эканман: “Ҳирот даҳшат, ўзингни эҳтиёт қил, дўстим, – деган Адҳамнинг овози қулоғим остида жаранглади. – Минг йиллик танишдек кадрдон бўлиб қолдинг”.

ХУКМДОРКУШ ДАВЛАТМИ БУ?!

Эрта тонгданоқ кўшимча икки бочкани ёнилғига тўлдиряпман. Солярка ва бензин хидидан кўнглим ағдарилай дейди, устига-уштак тонги изгирин уни юз-кўзларимга пуркайди, кўзларим ачишиб ёшланади.

Ёнилғининг на тежамкор хўжайини, на эгаси бор, қаерни қараманг, ёғ тўкилиб-сочилиб ербурун бўлиб ётибди. Аранинг фикру хаёли биз ёнилғини пуллаб топиб келаётган маблағни ўз бошлиғининг кайфу сафосига сарфлаб, кўнглини овлаш билан банд. Бунақа уддабурунлар мўмайгинасини ўз чўнтагига тикишни яхши кўришади. Арманларда бир ҳазил гап бор: “хотин берма, ёғли жой бер”, деган. Бунақада Ара уйига камида иккита “Волга”ни пулини тўплаб боради, майор эса эски сочиқ солинган жомадонини судраб қолмаса гўрга.

Ўлиб-тирилиб бочка тўлдиряпман-у анави молдаваннинг парвойи палак, мудраб ўтирибди. Ёрдам сўрадинг дегунча, “Бу сенинг вазифанг, унутма”, дейди пиёниста, нашаванд.

Бугун байрам, Октябрь байрами. Қисмда турли тадбирлар ўтказилиб, ош-хона залида кинофильм кўйиларди, номи “XX аср қароқчилари”. Бизга эса бунинг дахли йўқ, биз кузатувдамиз. Тадбир ҳам, байрам ҳам йўлда, кўчада. Кузатув, яъни “кўча аскарлари”нинг имтиёзи, эркин-эминлик. Нимани хоҳласак, шуни қиламиз. Бугун байрам шарофати билан кабобхўрлик қилмоқчимиз, кўйлар меники эмас, деб ялиниб-ёлворишига қарамай, автомат кўндоғини ишга солиб, битта афғон чўпонини чув туширдик.

Молдаванни туртиб уйғотдим. Йўлга тушдик, манзилимиз аниқ: Ҳиротга етмасдан, Ҳерируд дарёси кўпригидан ўтибок биринчи дўконда махсулотни пуллаш керак.

Мана, кузатувга ўтганимга ҳам ўн кун бўлибди, орада икки марта Ҳиротда бўлдим. Ҳазрат Жомий, Навоий, Бойқаро, мусаввир Беҳзод вагани бўлмиш бу кўхна шаҳар вайронага айланган, бинолар илма-тешик, кўчалар изғиб юрган соқолли, қуролланган одамларга тўла. Нигоҳим йўл ёқаларида ётган ўликларга тушди. Кўнглим алланечук бўлиб, люк томон интилдим. “Ҳой, – дейди молдаван мени тўхташиб, – ўтир, миянган кўрғошин еб қолма тагин, улар тамгани уришади”.

Яна пулемёт дурбинига қадалдим. Худоба шукрки, ҳали бизнинг БТР бирор марта ўққа учрагани йўқ. Учрамасин, илоҳим, чунки мен бу урушда анча хомман, уруш эса доғи кетмас қасмоқдир.

БТР тўсатдан силкиниб тўхтади, хавотир-ла шеригимга қарадим: “Тинчликми?”

“Люкни оч!” деб буюрди молдаван. Люкни очдим, ичкарига мўйловли, қалин кош, қирра бурун, ўзимизнинг қоралардан бўлган аскар тушди. Таниб илжайдим, бу кўприкда соқчиликда турадиган тожик йигит, шалдир-шулдур, дилкаш қурмағур.

У мен билан бош ирғаб саломлашди-да, молдаван ёнидаги ўриндикка ўтирди.

– Яхши келдинглар, – деди у кўтаринки руҳда, афтидан, нимадандир ғурурланаётганга ўхшарди, – сизларни бир жойга олиб бораман, зиёфат менинг ҳисобимдан. Бугун байрам, ахир, ўх-хў, уйда қандай нишонлардиг-а бу байрамни.

– Савдолар зўр бўлдими, дейман? – китиклади уни туртиб молдаван.

– Ёмон эмас, ўзига яраша.

– Ҳалиям ўқ сотяпсанми? Қайнатиб сотиш эсингдан чиқмасин, – лўкма ташлади “ақлли” молдаван.

– Сотаман-да, ўк бисёр сочилиб ётгандан кейин, ҳисоб-китоби борми унинг. Ташвиш қилма, қайнатиб сотаяпман, лекин бир миси чиқиши борда, бу қилмишнинг. Баччағарлар жуда қасоскор. Бошқа нарсалар ҳам сотаяпман: адёл, симкаравот, шинел, фуфайка, ботинкалар – асқар йигитлар олиб келишяпти, қайнатилган ўкни ҳеч вако қолмаганда ўтказаман. Командирим, алкаш капитан танкани сотиб бўлса ҳам ароқ топ, деб тургандан кейин...

Мижоз дўконига етиб келдик. Қанақанги дўкон денг – уй-дўкон. Эшик халқасини коқдим. Сохта хушомадгўй, ранги захил, таниш, ғилай афғон чикди, русчани сувдек ичади, исми Муҳаммад Саид Ражаб... Муҳаммад исми уларда шундай кўп тарқалган, ҳар икки афғоннинг бири Муҳаммад. Ёнилғи тўла бочкаларни тушириб, бўшларини юкладик.

– Бу сафар нархини 200 афғонийга тушириб бер, – деди мижоз. Мен кўнмадим, у тортиша бошлади, мен ҳам оёғимни тираб туравердим, охири у пулни санади, барибир, юз афғоний кам берди. Ўзи ҳар бир бочкаси 800 афғонийдан, бизнинг совет пулимизнинг 180 сўмига тўғри келади. Майли, чўнтагимдан кетяптими, озгина фойда қолса бўлгани. Яна мана бу молдаван, бизнинг улушни ҳам бер, деб тўнғиллаб кўяди. Бу ҳақда “Ара”га айтганимда, “мана” дея бош бармоғини қисиб кўрсатган. Воқеани унга айтиб, “тушунарлими?” деб иштаҳасини пасайтирган эдим. Шундан бери икки кўзи пулда бўлса-да, “ғинг” демайди. Кабинага тушгач, жўрттага пулни қайта санаб, бурни тагида силкитиб кўйдим, у алам билан “қилт” этиб ютинди.

– Кетдик, қайтамиз энди, – дедим унга жойлашиб олиб.

– Қаёққа, бугун байрам бўлса? – ковоқ осди молдаван, – мана бу дўстимиз зиёфат қиламиз, деб турибди.

У БТРни шаҳарга ҳайдади.

Индамадим. Майли, шу тирранчанинг ҳам сазаси ўлмасин. Вақти келиб ақлини киргизишим аниқ, ўзиям зиёфат деса томдан ташлашга тайёр.

Кетаяпман-у, ўйлайман, майли, бугун чиндан ҳам байрам, анави тожик ҳамроҳимиз байрам қилиб бераман, деяпти. Аммо бирор корҳол юз бериб қолса-чи? У бизни қаерда меҳмон қилмоқчи? Ҳирот кўчаларида кетяпмиз. Э воҳ, улуғлар назари тушган кўҳна шаҳар, ҳозир эса қонга беланиб ётарди. Марказий бозорга бориб, қуролларимизни елкага осиб, пастга тушдик. Қатор дўкон расталарида одам жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Тор йўлакдан анчайин ҳашаматли бинога кирдик. Елкасига сочиқ ташлаб олган афғон кўлимизга сув тутди. Хонтахта кўйилган сўрига ўтирдик. Ёнимиздаги сўрида кўриниши зукко, кўлида тасбеҳ ўйнаган бир афғон мўйсафид мағрур ўтирарди. Беихтиёр кўлимни кўксимга кўйиб салом бердим, у бош ирғаб алик олди. Сертакаллуф афғон емакка турли таомлар келтирди. Молдован унга қараб томоғини чертди. Афғон эса “тушунарли”, дегандек табассум қилди-да, мусаллас келтирди. Кучли экан, дарҳол қиздирди, орқасидан чилим келди. Биз киноларда кўрган каттакон чилим идиш эмас, антиқа, бежиримгина, мундштукдан сал каттароқ, хузур қилиб навбатма-навбат тортдик. Тортганимизда сув қуйилган жажжи сархонаси вақирлайди, қийқириб кулаамиз.

“Тўхта!” дедим ўзимга ўзим, кулгига бало борми бу ерда. Миямиз айниб қолипти-ку, бизга нима бўлди ўзи? Ҳозир тап этиб босишиб, қулоқ-бурнимизни кесиб ташлашса-я?

Шошиб автомат кўндоғини ушлаб, атрофга хавотирли алангладим: ҳайтовур, тинчлик. Фақат кўшни сўридаги зукко мўйсафид бизга тикилиб

қараб турарди. Бу қарашларда не сир бор? Ёки адоват билан бизни кузатиб турибдими? Балки бино ичида бизни қўлга олиб, қўл-оёғимизни боғлашга жангарилар шай тургандир? Анави нусха бошлиқларидан биридир балки?

Шерикларимнинг кайфу сафоси авжида. “Кетдик!” дея хитоб қилиб юборишимга бир дақиқа қолган эдики, зукко мўйсафид кўкқис ўрнидан кўзғалди. Ундан сесканиб, кўзимни олиб қочдим. У калишларини кийиб, фаҳмлашимча, биз томон одимлади. Нигоҳлари қаттиқ. Ўзинг асра, Худойим. Ёнимизга келиб чўкди-да, қўлларини дуога очди, дуосида бироз бошқа талаффузда бандаларига Тангридан раҳмдиллик ва ўтганлар руҳига эса мағфират тилади. Унинг юз-кўзларига жиддий тикилдим: наҳот, шу беозор кўзлардан, дуога очилган ажиндор қўллардан қотиллик келса? Шерикларимга қарадим, тожик қўлини дуога очган, молдаван эса мўйсафидга мазах аралаш бокиб тиржайиб турибди. Ва ниҳоят, мўйсафид дуосини тугатди:

– Ичларида ўзбеги сенми? – дея менга юзланди.

Мен бош ирғадим. Ҳаяжондан тилим гунг эди. Миллатни юзидан ўқишга шунчалар устаси фарангми у?! Ўзаро суҳбатимиз рус тилида кетаётган эди-ю?

– Ўзбекнинг қайтидандурсан, иним?

Айтдим. У “ха” дея соқолини тарамлай бошлади, сўнг ғамгин товушда:

– Мен гарчи Маймана шаҳрида эсам-да, аждодларимиз Фарғона водийсининг Ўш шаҳридан дир. Ҳиротда ўзбек кам, Маймана билан Балхда кўп.

– Бу ерда қариндошингиз борми?

– Йўқ, иним. Юмуш билан келдим. Ҳозир Ҳирот нотинч. Маймана, Мозори Шарифлар нисбатан тинчроқ. Илм кўрганларданман. Эрон, Саудияда сабоқ олганман. Мактабларда табиий фанлардан дарс берганман. Энди кексайганимда юрт нотинч бўлиб қолди. Тирикчилик заруриятдир бандага. Не бўлганда ҳам юрт тинч, бош омон бўлсин экан.

Бошдан келишидан, ишқилиб, ўзи бошимизни кўзлаб турмаганмикан? Наҳот, шу зиёли одам кўлидан каллакесарлик келса? Уни сўрига таклиф этарканман, лўкма ташладим:

– Ота, бу уруш қачон тугайди?

– Сизлар шу ерда экансизлар, тугармиди? Халқ кўтарилган, босқинчини кўрарга кўзи йўқ...

– Биз босиб олишга эмас, ҳукуматингизнинг илтимосига кўра ёрдамга келганмиз, қолаверса, ўз жанубий чегараларимизни ҳимоя қилишимиз керак.

– Э, бу шўровий ҳукуматнинг гаплари, иним. Илтимос қилган ҳукумат бизникимиди, сизларники? Бабрак ҳукуматини айтаман, кўғирчоқ ҳукуматни. Мана, қизил Туркистон – кул, ўрислар энди Афғонистонни тобе қилмоқчи, қилолмайдилар! Инглизлар юз йил уриниб қилолмаган, афғонлар мағрур ва жангари халқ. Иншооллох, Худо мададкор бўлса, афғон ерлари – Самарқанд, Бухоро ва Помирни қизиллардан озод этурмиз...

Ё тавба, бу нима деб валдираяпти ўзидан-ўзи. Ёнаётган Афғонистон шундай Совет давлатига тенг келмоқчими? Қанақа афғон ерларини озод қилмоқчи у? Қизишиб тушунтира кетдим, бояги тахликамдан асар қолмаганди. Мўйсафид ҳам анча қайсар экан, гапларимни шўро мактабининг таҳсили, деди.

– Уруш сизга қанча тўлайди? – кўкқис сўради у.

Мен мутлақо пул учун эмас, Ватан олдидаги йигитлик бурчимизни адо этиш учун келганимизни тушунтира бошладим.

– Ана, энди ўзларига келдилар, боракалло, – деди мўйсафид сўзимни

бўлиб, – кул хизматига пул тўланмайди, қорнию усти бут қилинса, бас! Сизларнинг чегараларингиз Термиз ва Кушкада қолган, бу ерда нима қиялпсизлар?

Энди жаҳлим чиқа бошлади. Бу одамнинг мияси бунча заҳарланибди!

– Биз келмасак, Америка келарди, бурнимизнинг тагида базаларини куриб ташларди.

– Эҳ иним, Американинг демократик тузуми билан сизларнинг динсизлик, мустабидликка асосланган тузумларингиз ўртасида от билан туяча фарқ бор. Мактабингизнинг гапини гапирасиз сиз ҳам, каттангиз ҳам... Дунёни кўрмагансиз, тушунарли, тушунарли...

Ёқимсиз жимликдан сўнг мўйсафид яна гапида давом этди:

– Афғонистон узра қуёш тўсилганига анча бўлган... Подшоҳимиз Ҳабибуллохон ўлдирилганда, Оллоҳ уни раҳматига олгани рост бўлсин, навқирон йигит эдим, Эронда таҳсилда эдим. Хукмдорларимиз ҳам халқимиз сингари ўзаро низолардан азоб чекадилар: Ҳабибуллохон ўғли Омонулло ҳам ўн йил юрт сўраб, ўз жонини омон сақлаш учун чет элга қочди. Исёнчи, хунрез инглизлар малайи Бачаи Сакконинг хукмдорлиги бир неча ой давом этди, холос. Уни Нодиршоҳ подшо ўлдирди, унинг ўзини ҳам тахтда ўлим кутиб олди. Тахт гаштини узоқ йил унинг ўғли – Муҳаммад Зоҳиршоҳ сурди. Ул анчайин ўқимишли инсон эрди, бир неча чет тилларни биларди, ватанпарвар эди. Уни ҳам ўз амакиваччаси, катта амалдори бўлган Муҳаммад Довудхон ағдарди. Зоҳиршоҳ жон сақлаб Омонуллохондек хорижга қочди. Унинг қирқ йиллик меҳнатига лой чапландик, ўзи ва оиласини фуқароликдан маҳрум этдик, мол-мулкани мусодара қилдик, номини лаънатладик. Булар халқ манфаати учун қилинмади, фақат халқ номи билан амал талашилар, иззат-нафс жанглари бўлди. Хўш, ким азоб чекди, оқибати нима бўлди? Шу билан низолар, хиёнатлар тугадими? Асло. Қардошликни, меҳр-мурувватни билмаган Довудхонни социалист Тараққий ўлдирди, кўп ўтмай ўзи ҳам ўлдирилди. Ҳафизулло Амин жанобларини сизлар ўлдирдингиз, Бабракни қўйдингиз, уни не қисмат кутади, бу ёғи Оллоҳга аён. Хуллас, афғон узра қуёш тўсилган, юрт зулматга чўккан, одамларимиз ҳали-вери ёруғлик кўрмагай, тупроқларимизда экин унмагай. Афсус, бу ўта ёмон кўргилик...

Қараб турибман, молдаван зерикиб эснаяпти, “кетдик” дегандек калла қимирлатди. Чолнинг гаплари вужуд-вужудимга санчилмоқда. Ҳақиқатан, зукко чол экан, намунча жон қуйдирмаса? Унинг ватанпарварлиги бошқача туюлди менга, уни ҳурмат қила бошладим.

У ўрнидан қўзғалди, биз унинг ортидан кузатгани чикдик. Орқамиздан соҳиби мезбон сертакаллуф афғон пайдо бўлди, чамамда дастурхоннинг насия бўлишидан хавотирда эди. Тожик ҳисоб-китоб қилди ва йўлга тушдик.

– Мунча валақлашдинг у билан, қариндош-париндошинг чиқиб қолдим, искирт чол? – ғудранди молдаван.

– Рулингни бур, галварс, сен нимани тушунардинг? Сенинг қорнинг тўйса бас, – дея ғазабдан тушгандек бўлдим.

– Қўйинглар тортишувни, яхшиси, битта чарсхон ўрай, – аралашди тожик.

– Тўғри қиласан, аччиқни жиловлайлик, – маъқуллади молдаван. – Душманни ҳимоя қилганини қара.

– Овозингни ўчир нокас, устингни, афтингни кўрганмисан, ғирт чумосан-ку ўзинг, бировни искирт дейсан.

- Қалтак соғиниб қолибсан, оғайни...
- Тўхтат БТРингни, гаплашсам гаплашиб қўяй.

У эса алламбало деб сўкинди. Сўкиниш хизматда салом-аликдек гап, кўникканмиз, парво қилмаймиз.

Кўприкка етиб келгач, тожик тушди. Меҳмондорчилигинг учун раҳмат, туз берганни пайғамбарлар улуғлаган, бошинг тошдан бўлсин, илоҳим. Йўлда давом этиб, БТР олдинга интилди, мени эса хаёллар яна ўз оғушига олди. Дарҳақиқат, биз нима учун бу тупроққа келганмиз? Қайси ғоя учун курашяпмиз? Маркс, Ленин, Брежнев ғояларини Афғонистонда татбиқ қилса бўладими? “Такбир”, “калима” ва жойнамоз ўрнини қизил галстуклар, баландпарвоз гаплар, сиёсий ўқишлар эгаллайдими? Мудроқ босяпти, қаллам кўксимга тушиб кетмоқда... Ва ниҳоят қисмга етиб келдик, Ара билан ҳисоб-китоб бўлиб ўтди, орани очик қилиб юрсак, кўнгил хотиржам.

Узоқдан аскарлар тўпланиб турганини кўриб қизиқсиниб, молдавандан ўша ёққа ҳайдашни илтимос қилдим. У ҳам зўрға турган эканми, дарров ҳайдай қолди. Борсак, ўзбеклардан иборат икки катта гуруҳ бир-бирига хезланиб турибди. Пешоналарини тириштириб туришларидан, аччиқланган башараларидан муштлашишга шай. Бу қанақаси бўлди, ўзга юртда, бегона жойда маҳаллийчиликка бориб, “сен водийдан, мен фалондан” деган бемаъни гина қилиб, жанжаллашиш яхшими? Ўлим даҳшати бурнимизнинг шундоқ остида турган бу мусофир жойда нима бор бундай бемаъниликка? Отасидан қолган молни талашяптими булар?!

Ичган мусалласим мени анча қиздириб қўйган, миллатдошларимнинг бу қилиғидан ранжиб, бостириб сигарет тутатдим. Шаҳд билан БТРдан тушиб, уларга сўз айтишга улгурмадим. Ур-тўполон бошланиб кетди. Саросимада атрофга аланглаб, молдаванга кўзим тушди, бепул томошадан мириқиб, қўлларини бир-бирга уриштириб, тинмай ҳирингларди. Миямга қон қуйилгандек бўлди, ўтакетган шармандалик-ку бу! АК-74 автоматимнинг оғзини осмонга қаратиб сайратиб отдим.

– Бас қилинглар! – дедим бақириб, ғайритабиий амрона овозимдан ўзим ҳайратланиб. – Товуқмиялар, эсини еган чўчкалар! Тўхтанглар, деяпман, акс ҳолда... – шалоқ сўз билан сўқиндим.

Ҳар ҳолда ўқ овози ҳамда бақириб-чақиримдан ур-тўполон пасайгандек бўлди, дуч келганни автомат кўндоғи билан уриб юмалатяпман. Ўзимда куч пайдо бўлгандек, оломонни шарт ўртасидан ёриб бордим. Мана, ғазаб ва жисмоний жунбишдан ҳансираб, тўда ўртасидаман. Қуролимнинг ўқ чиқадиған қувури ногоҳ кўлимга тегиб кетиб, жизиллатиб куйдирди, бироқ парво қилмадим.

– Шармандалик-ку бу, йигитлар! – дедим ҳаяжондан овозим зўрға чиқиб. – Бу ерда ҳамманг мусофир бўлсанг, гўрингни талашяпсанларми?! Тўнғизлар! Маҳаллийчиликка бало борми?! Иттифоқ бўлишнинг ўрнига-я. Ким бошлаган бўлса, онасини... Тушундингларми? Энди тарқал! Гап тамом-вассалом!

Оломон сийрақлай бошлади. Иссиғида сезмаган эканман, оёқларим қалтираётганини ҳис қилдим. Чекиш бор бўлсин, аламимни ундан олиб бостириб тутатдим. Молдаван олдимга келиб, “балли” дегандек елкамдан кучди. Кабинага ўтирар эканман, у менга қараб: “Анча дадил йигит чиқиб қолдинг, битта миллатнинг бир-бирини ғажигишга нима бор, бизни қара, озчиликмиз, лекин иноқмиз, бир-биримизга жонимизни беришга тайёрмиз”, – деди.

Индамадим, чунки у ҳақ эди.

Кечга томон катта олов ёқилди. Сўйиб тозаланган бутун бошли қўй қўлбола ўрнатмада айлантириб пишириляпти, оқаётган ёғи “жизз” этиб чўғга томади, мазали ҳиди димоқларни қитиқлайди. Кайфиятим йўқ, оғзимга бурда гўшт солиб чайнай бошладим, узатилган қўлбола ичимлик – шакардан тайёрланган самогонни ичиш керак, ичаман...

Эртаси куни юқларни олиб, яна йўлга отландик. Кечаги воқеадан кейин молдаваннинг менга муносабати бироз ўзгарган. Молдаван, унутма, бемаъни қилиқларингни ташламасанг, вақти келиб, сенинг ҳам ақлингни киргизишимга тўғри келади.

* * *

Бугун қисмда мотам. Мағрур хилпираган алвонранг қизил байроқ туширилган. Плацда оркестр мотам маршини кун бўйи чалди. Ўйин-кулги, ханда йиғиштирилган, ҳамма қовоғини солиб хафалигини изҳор қилсин, чунки кеча 11 ноябрь куни Бош котиб Л.Брежневнинг вафоти эълон қилинди. Афғон урушига фармон берган бу ҳукмдор мамлакатни 18 йил бошқарган, комфирка таъбирича, халқаро коммунистик ҳаракат арбоби ҳам эди. Қалбимизда умид учкунлайди. Балким афғон урушига хотима бўлар? Қайда?! Таъзияга бош-қош Сиёсий бюродаги қариялар ўз сафларини янада жипслаштириб, мамлакат собиқ раҳбари сиёсатини давом эттиришга бел боғлаган эмиш. Хуллас, автоматинг қўндоғини қаттиқроқ ғижимлайвер, навқирон байналмилалчи курулдошим бу ёғи!

“Чарс”дан кайф қилиб олган старлей чодирда сиёсий билағонлик қилмоқда: “Ленин ўлганда бутун халқ йиғлаган. Сталин ўлганда ҳам бутун халқ йиғлаган. Хрушчёв ўлганини ҳеч ким билмади. Брежнев ўлганди, Сиёсий бюро йиғлади, кейинги Бош котиб ўлса, фақат оиласи йиғлайди. Шунақа, доҳийларга умумхалқ меҳри тобора йўқолиб бормоқда. Тс-с, мен айтмадим, сизлар эшитмадинглар, уқдингларми, анқовлар?!”

Молдаван эрта-индин БТРни ремонтга тўхтатмоқчи. Худога шукур, малайлик тўхтаб, дам оладиган бўлдик. Паст бўлмай ўлгур савдогарвачча мижоз Муҳаммад Саид Ражаб билан тортишавериб, жуда чарчадим, жон ҳовучлаб туришни айтмай қўя қолай. Албатта, чўнтак ҳам қуриб қолади бу ёғига. Начора...

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАЛЛАВАРАМ

Афғонистонда ҳам салкам бир ой юриб қўйибман. Уйга иккинчи мактубимни ҳам ёзиб юборганман, лекин ҳануз жавоб хати олганим йўқ. Биринчи мактубимдаёқ гапнинг тўғриси эйдим, яшириб нима ҳам қилардим, бир кун ҳаммаси аён бўлади-ку, ахир. Афғонистонда экан, деб онаизорим нима бўлаётган экан?

Постдаги шлагбаум олдида навбатчиликдаман, хохол аскар – Тарас билан икки кишимиз, йўловчи афғон машиналарни тўхтатамиз, титкилаймиз, ҳатто автобусларгача аяш йўқ, йўловчиларнинг жиғибийрони чиқади, аммо иложсиз, замоннинг зайли шу. Бир пайт рўпарамизга ГАЗ-53 юк машинасини эргаштириб танк Т-54 келиб тўхтади, люк очилиб, ундан кенг пешонаси устидаги оч сариқ сочларини бир томонга текис тараган, савлатли бир полковник, ёшгина хипчабел лейтенант аёл ҳамда сарандой¹ ҳарбий формасида мўйловли, қоп-қора афғон тушди. Полковник менга юзланиб ўктам овозда:

¹ Сарандой – афғон махфий полицияси.

– Бошлиғингни чақир бу ёққа! – дея буйрук берди.

Старлей олдиға чопдим. У хонасида ароқ ва нашадан ланж бўлиб чўзилиб ётарди.

– Аҳволимни кўриб турибсан-ку, мени йўқ де, – минғиллади у. – Ўринбосарман дегин, савол-жавоб қилавер. Қанақанги думбулсан? Сени кара-ю, олий маълумотли каллаварам.

Унинг айтганини қилдим. Ёлғондан дудуқланаман. Полковник кичкина одамми? Агар ростини билиб қолса...

– Фамилиянг? – дея ўшқирди у, ясама тутақиб.

Айтдим. Юрагим хаяжондан дук-дук уради.

– Қулоқ сол, кичик сержант, – овозини кескин пасайтирди у, – анави машинада иккита ўлик ётибди, менимча, сизларнинг қисмларингиздан бўлса керак. Мана бу афғон зобити топиб келди, у Афғонистон хавфсизлик хизматидан, мен Ҳирот ҳарбий маслаҳатчилар идорасиданман, тушундингми? Ўликларнинг шахсини аниқлашимиз, шаҳарга чиқиш сабабини билишимиз керак. Иккаласи ҳам оддий аскар, қисмингизда интизомнинг мазаси йўққа ўхшайди. Ҳозир сенинг вазифанг – қисм қўмондонлиги билан боғланиш.

– Ўртоқ полковник, мен янги келганларданман, ичимизда эскилар бор, балки улар танишар, – дея лейтенант аёлга кўз қиримни ташлаб қўйдим. Мовий кўзлари мисоли ложувард осмон. Шалоладек елкасига тўкилган буғдой ранг сочлари устига қўндирилган пилоткаси шунақанги ярашган. Кўрган кўзни фараҳ этмай иложи йўқ. Уруш, ўликлар қанчалик жирканч бўлмасин, гўзалликка барибир соя солмас экан.

– Танишса, яхши бўларди. Барибир, қисм билан боғланиб, аҳволни муҳокама қилишимиз керак. Тўғрими, Оленька? – деди у хурлиқога сук билан боқиб.

– Албатта, ўртоқ полковник, – маъқуллади у жилмайиб, дилбар табас-сумидан юпқа ва бежирим бурун катаклари керилиб, оличаранг дудоклар ёнига чўзилди.

– Қани, аскар, жўна қисмга! – ўшқирди полковник менинг анграйганимни сезиб.

– Хўп, ўртоқ полковник, рухсат этинг!

– Рухсат.

Навбатчи БТР билан қисмга жўнамоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, ёнимга қора мойга беланган молдаван келди ва “нима гап” дея суриштира бошлади. Ўликларни эшитди-ю, донг қотди.

– Шошма, уларни мен бир кўрай, – тўсатдан шошиб қолди у, – юрагим ғаш эди, икки ҳамюртим шаҳарга чиқиб кетганча кўринмай қолганди.

У юк машинаси томон ошиқди. Не кўз билан кўрайки, машина устида молдаван ўз тилида бақириб, уввос солиб йиғламоқда эди.

– Ҳамюртларингми? – сўрадим ундан.

У эса жавоб қилмай ўзини ҳар томонга урмоқда. Афғон зобитининг мийиғида кулиб қўйганини ногоҳ кўриб қолдим. Аблах, улар ҳам инсон-ку, куласан, а? Бир инсоннинг фарзандлари-ку.

– Иккаласини ҳам танидингми? – сўради полковник молдавандан.

– Ҳа, – деди у. – Менинг юртдошларим. Бугун-эрта уйга кетишлари керак эди, хизматлари тугаган, майда-чуйда, совға-салом оламиз, деб шаҳарга кетишганди... Уйдагиларга ўлиги борадими энди? Мен айбдор, мен БТРни тўхтатиб нотўғри қилдим, ўзим билан олиб боришим керак эди, – кўксига муштлаб гапирарди у.

Ана миллатдошига бўлган муҳаббат! Биз эса бир-биримизни ғажимоқчи бўлиб юрибмиз. Бирлиги йўқ миллатнинг – ҳурмати йўқ.

– Мана, кўрдингларми? – деди полковник атрофда тўпланганларга қараб. – Интизомсизлик, бошбошдоқлик нималарга олиб келади. Кўзингни оч, ҳамманг! Бу дарс бўлсин сенларга?! Ҳай, майли, начора, – сўнг у менга ўгирилиб: – Қани, тез бўл, БТРингни қўй, машинага ўтир, биратўла ўликларни қисм санчастига топшириб келасан. Штабни огоҳ эт, тушундингми? Сен эса туш, таниганинг яхши бўлди, – деб молдаванни туширди.

– Зўр нарса эканми? – деди Вагиф лейтенант кизни кўрсатиб.

– Чакки эмас.

– Битта ўпишига жонимни берардим.

– Сенинг жонинг унга керакми, аҳмоқ?

– Ҳа-я, бунақа жононлар биздақаларни тирноғига ҳам олмайди.

– Тирноғининг тагидаги кирига ҳам деявер.

– Ҳақсан, дўстим.

– Энди ўзингга келдинг, оғайначилиш, яхши қол, мен қисмга борай.

Қарахтман, машинанинг қисмга кириб бораётганини зўрға илғардим.

Штаб биносининг ичига кириб, тўлиб-тошиб қисм навбатчи зобитига воқеани баён этдим. Шу жасадлар билан урушнинг совуқ нафасини илк бор ҳис қилдим. У диққат билан эшитгач, “Яхши, бу ҳақда командирга хабар қиламан, сен мурдаларни санқисмга ташлаб, хизмат жойингга кетавер”, деди.

–Хўп бўлади, ўртоқ капитан.

ГАЗ-53 машинамиз атрофи бўз мато билан ўралган, тунука томли санқисм ўликхонаси олдида тўхтади. Шарақлатиб тахта кузовнинг орқасини очдик.

Мана, бахтиқароларнинг жасадларини машина кузовидан судраб туширишди. У томонга қарашга юрагим бетламади, аммо фельдшерлардан бирининг “иккисиниям нақ юрагидан отишибди-я!” дегани қулоғимга чалинди.

Ортга қайтйпмиз. Қисмнинг асосий майдонига тўпланган бахтли аскарларга кўзим тушди. Улар уйларига қайтгани тўпланишган, орден-медалларини тақишган, этиклари ялтираб, тугма ва камар тўғалари ярақлайди, ичимда тилак билдираман: “Омон-эсон етиб олишсин!” Улар ичида анави бахтиқаролар энди абадий йўқ. Улар темир тобутларда уйларига равона бўладилар.

Машина ванғиллаб илгарилайди, қисм ортда қолмоқда, атроф тўла қазилган ҳандақлар, сунъий барглар ёпиштирилган тўрли кичик истехкомлар. Қўққис, кўзим ҳандақларнинг бирида шинелга ўралиб ётган кимсага тушди. Машинани илтимос қилиб тўхтатиб, ҳандақга яқинлашдим. Кимдир типратикандек бошини шинел ичига тикиб, ўраниб ётарди. Аста туртдим, соч-соқоли ўсган, девонасифат аскар чўчиб қаради, башарасидан танидим, ўзимиздан.

– Ўзбекмисан?

– Ҳа.

– Нима қиялсан бу ерда? Ё чекиб-нетиб олганмисан?

– Мен умуман чекмайман, хизматни тугатганман, лекин уйга қайтолмайман, мени штабга олиб борма, жон оғайни, – ҳорғин ва маъюс овозда хириллади у илтижо билан.

– Нега кета олмайсан? – сўрадим хайрон бўлиб.

– Қандай кетай, шу куруқ қўллар билан, – қўлларини ёзади у, –

жулдурвоки, шу эски устим билан кетаманми? Плацга чиққани ҳам уяламан, ҳамма ялт-юлт уст-бошда, мен эса... “Чумо” дейишмайдами, масхаралашмайдами? Эпчил бўла олмадим, зўравонлик қила олмадим, пул топа олмадим...

Хаёлимга бундан бир ой мукаддам талончилик билан менинг уст-бошимни тортиб олган мўғилбашара тушди. Чўнтагимни кавлаб, сотувдан тежаб ўзимга йиғиб қўйган пулни олиб унга тутдим.

– Нотавон, – дедим ғазабланиб, – нега дийдиё қиласан, эркак киши бўла туриб? Ма, бир ярим минг. Етадими? Эплайсан! Жўна, ҳозирок та-раддудингни қил!

Унинг қўй кўзларига ёш қалқди, шоша-пиша пулларни чўнтагига жой-ларкан, қўлларимни миннатдор қисди.

– Менга уй манзилингни бер, дўстим. Бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман, бермасанг, пулингни қайтиб ол. Ўғил болача гап.

Ҳар ҳолда одам экан, қувониб, уй манзилимни бердим. Хайрлашдик. Аммо исмини сўрамабман, шошилинчда хаёлимга келмабди ҳам. Хай, майли, бунинг аҳамияти йўқ, бу ерда ҳаммамизнинг исмимиз битта – аскар, уст-бошимиз ҳам бир хил – тамакиранг либос, худди инкубатордан чиққан жўжалардай.

Машина кабинасига ўтирар эканман, тунд хайдовчи йигит тўнғиллади:

– Нима, сенинг хизмат машинангми бу?

Жоним чиқиб, ёқасидан ғижимлаб бақириб бердим:

– Тўлғоқ тутяптими сени ё иштонингни булғаб қўяй деяпсанми? Шундай бўлса, чуқурлардан бирига туш, ортиқча гап қилгандан кўра!

У индамади, лекин аччиқ қилиб машинани силкитди-да, елдек учуриб кетди.

Пунктга келсак, катта-кичик зобитлар тўпланиб улгуришган, овозларидан асабий йиғин кетмоқда эди, аммо бизнинг катта лейтенантимиз кўринмади. Уни излаб хонасига кирдим: у – йўқ. У ёқ-бу ёқни қарадим. “Ие, жаноб зобит каравотнинг тагига яшириниб олибдилар-у?”

– Ўртоқ катта лейтенант, – дедим шивирлаб.

У зўрға кўзини очди. “Нима дейсан?”

– Ҳамма шу ерда.

– Биламан, – дея инқиллади у, – паразит, кучлисидан уриб қўйибман шекилли, ҳеч бошимни кўтаролмаяпман. Ара, ит, кучлисини ўраган экан. Ҳой, Шиндонтга кетган, дегин? Қутқариб тур... Қанақанги тўнкасан, олий маълумотли калла...

У ортиқ гапиролмай шалпайди. Тушунарли? Полковник келиб-кетадиган одам, старлей билан эса ҳали...

Кечқурун интизом масаласида қисмда катта мажлис ўтказилди. Тун бўйи икки молдаван мурда менга тинчлик бермади, уларнинг ота-онасини ўзимча тасаввур қилдим, аянчли аҳволи кўз ўнгимдан кетмасди.

Эрталаб нохуш кайфиятда уйғондим, кечаси билан ёмон тушлар кўриб чиқибман. Ювиниб нонушта қилгач, шлагбаум олдида бордим, катта лейтенантимиз уймалашиб юрар, юзлари салқиган, рангпар, кўзларининг ости шишиб териси осилиб қолган, ўзи эса оёғида омонат турганга ўхшарди.

– Раҳмат сенга, аскар, – деди у менга қўл узатиб кўришаркан, – сендан хурсандман.

Қўл соатини ечиб менга узатди.

– Нима қиляпсиз, ўртоқ катта лейтенант? – унинг қўлини қайтардим. – Қўйинг-е, керак эмас, уят бўлади, ўртоқ ка-а-ат...

– Бу сенга эсдалик учун, – мажбурлади у эътирозимни бўлиб. – Олақол! Иложсиз олдим. Командирнинг гапини икки қилиб бўладими? Секин қараб қўяман. Ойнаси ичида катта юлдузи бор – “командирский” соат. Аскарлар бу соатни ҳавас қилишади, анча-мунчага ойнаси синмайди, бузилмайди, ичига сув кирмайди, хуллас, “золотой” соат. Начора, раҳмат айтишдан ўзга гапим йўқ. Омон бўлинг, ўртоқ катта лейтенант.

Тушга яқин навбатчиликни топширдим, чодирга кириб, транзисторни қўйганча ёнбошлаб ётган эдим, кимдир елкамдан туртди, қарасам пешонасини уқалаб катта лейтенант турарди. Нима бало, боши оғриб, яқин олиб улфатчиликка келдим, деб турсам, у:

– Рацияда хабар беришди, кўприкда бир аскар болани отиб кетишибди. Ҳамма банд, “КамАЗ”га ўтириб, уни олиб кел, қисмга топшириш керак, – деди. – Бўл тез!

Старлей овозида зардани сездим. Зобит зотининг меҳрибонлиги ха-зонрезги барг сингари бандида бунчалар беқарор бўлмаса.

Навбатдаги ўлик, бу ким бўлди экан? Э, Худо, ўзинг асра. Ёмон тушлар кўрганим бежиз эмас кўринади. Буйруққа итоат этиб, “КамАЗ”га ўтирдим. Ҳайдовчи – жингалак соч озар йигит моторни ўт олдириб ҳайдай кетди. Кабина ойнасини тушириб, автоматнинг учини чиқариб олганман, йўл бўйи игна баргли дарахтлар бирин-кетин лип-лип ўтади. Юрагимга қил сиғмайди. Ҳаво бўғиқ, эрталабдан буён йилт этган қуёш кўринмайди. Тупроқ қорамтир, мотамсаро. Кўприкка етиб келиб масъул зобитга учрадим. Икки аскар йигит оқ чойшабга ўралган, оёғида янги-гина этиги осилиб турган жасадни машинага ортди. Кўриниб турибди, бошидан ўқ еган. Ияги билан бутун қолган бурнига кўзим тушди-ю, аъзойи баданим музлаб, чумоли ўрмалагандай эгим жимирлаб кетди. Бу – бизни Ҳирот емакхонасида сийлаган тожик йигит эди. Қайнатилган ўқ сотиб олиб алданган мижоз навбатдаги олди-сотдида шартта отиб кетибди. Пастда Ҳерируд сассиз оқади, бундай кўргиликларга ўрганиб кетган бўлса керак-да у.

Хаёлимни хром этикнинг гурс-гурс овози бузди, қайрилиб қарадим, қаршимда мастликдан кўзлари қизариб кетган, узун бўйли, елкадор капитан турарди. Бу ўша, “Танкни сотиб бўлса ҳам, ароқ топиб кел”, дейдиган капитан, тожик дўстимнинг хўжайини. “Сўзсиз бу фожиага сен ҳам айбдорсан, чўчка”, дедим ичимда.

– Ҳали ҳам жўнамадингларми, хой итлар! – деди у тишини ғижирлатиб, – фу, ўликни кўришга тоқатим йўқ, иштаҳам бўғилади, кечки овқатимни харом қилмоқчимисанлар, мағзавалар, йўқол бу ердан! – бўқирди у.

Нималар деб пўписа қилмоқда бу аблаҳ. Виждони қийналаётгани учун тезроқ кетинглар деяптими? Йўқ, бу капитанда виждон деган нарсанинг ўзи йўқ. Бўлмаса иштаҳаю кечки овқатдан гапиришнинг мавридими ҳозир? Эҳ нокас, номард! Унга ғазаб билан боқдим. У қизарган, андишасиз кўзларини гўё юзимдаги қаҳрни уққандек олиб қочди.

Ҳайдовчи йигит узоқ сукунатни бузиб:

– Ғалати бўлиб қолдинг, ҳамшаҳарингмиди? – дея сўз қотди.

– Йўқ, сал-пал танирдим, аммо қотилни биламан, – дедим.

– Қандок? Отган афғонними? – ҳайрон бўлди у.

– Йўқ, капитанни. Фақат буни исбот қилиш қийин, чунки ўликлар гапирмайдилар.

Ҳайдовчи менга ханг-манг бўлиб тикилиб қолди.

Кузатув пунктига ўтиб келдик, зум ўтмай аскарлардан бири машина-

дан ўликнинг этигини ечиб тушяпти, ғазабим қайнаб ўкрайган эдим, у қисиниб илжайди:

– Бу энди унга керак эмас, барибир, қисмда ёки ўликхонада ечиб олишади.

Индамай, унинг оғзи очилай деб қолган этигига боқдим. Ростданам у ҳақ, у олмаса, бошқаси олади. Бу ерда тириклар эҳтиёжманд. Жасадни эса тезроқ қисм санчастига олиб бориб ташлаш керак. Ғазабимни ичимга ютдим.

Кечга томон олдимга қисмдан ҳамюртларим келишди, байрам кунги воқеадан сўнг иноқлигимиз ортган. Аммо бугун мен дўстлар билан ҳам ёзилишиб ўтирадиган кайфиятда эмас эдим, сезишдими, кўп ўтирмай кетишди. Қоп-қора осмонда юлдузлар чакнаб жилоланади.

Афғонистондаги ҳаётимнинг одатий бир куни сўнмоқда эди.

БИЗГА ГУВОҲ КЕРАК ЭМАС

БТР тузалди, молдаваннинг таъбири билан айтганда, соатдек ишламоқда. У тўхтагандан бери Аранинг ҳам тоқати тоқ бўлиб сўқинар, молдаванни “ахлатни ичидаги тошбақа” деб ҳақорат қилар, бошқа БТР топиб олган бўлса ҳам, ортиқчаси зарар қилмас эди-да, мана энди юриб қолдик. Ўзимизнинг чўнтакларда ҳам шамол юриб қолган, хуллас, унга эҳтиёжимиз катта. Нафсимиз ҳақалак отмоқда эди. Аскар табиати шундай! Аскар ва маҳбуснинг моддий қарамлиги бир хил, катакдаги товуқ каби дон берувчининг кўлига қараган. Аскар ва маҳбус мана буни ейман деб эркатойлик қилолмайди, берганига қаноат қилади. Кузатувдагиларнинг қисмдагилардан битта устунлиги – танлаш имкониятининг борлигида, албатта, чўнтакка қараб.

Навбатдаги автокарвонни Ҳирот орқали ўтказиб, шаҳардан 5-6 километр нарида жойлашган 1-таянч нуқтага олиб бордик. Таянч нуқтада бизни қурилиш материаллари ортган автобатальон кутиб турарди. Вазифамиз уни Ҳиротдан ўтказиш, қисм кузатув пунктига олиб келиш ва Шиндонт ҳарбий қисм кузатувидаги БТРларга топшириш эди. Улар эса автобатальонни белгиланган жойга кузатиб қўйишлари керак.

Қурилиш автобатальонлари... Уларнинг ҳайдовчилари ҳаммаси арокфурушлар экан. Чунки Иттифоққа тез-тез бориб-келиб турувчи энг омадли ҳарбий ҳайдовчилар шулар бўлиб, бу қулай вазиятдан бойир эканлар. Афғонистонда арок харидоргир ва қиммат, иттифоқдаги нархидан ўн баробар ортиқ, мўмай даромад манбаи. Бу учун ҳарбий тижоратчилар мол айирбошлашар, жумладан, иттифоқда камёб матолар, радиотоварлар, жинси шим, куртка, турли ялтир-юлтур буюмлар, хуллас, русчасига “шмотка” деб аталувчи моллар олиб ўтишар, иттифоқ эса “шмотка”га ўч эди. “Моллар”нинг ичида энг даромадлиси гиёҳванд моддалар бўлиб, уларни турли йўллар билан уddaбуронлар Кушкагача етказишиб, ўрнига шиша ичидаги шайтонларни олишар экан. Шоввозлар Кушкада уй-жой ҳам қилиб қўйишган, турли тоифадаги мижозлар интизорлик билан йўл қарар эканлар. Афғонистонда арок истеъмол қилиш, уни сотиш тақиқланган, аммо наркотик моддаларга қаршилик йўқ, турмуш тарзи шундай. Шунинг учун арок такчил ва қиммат. Арокхўрлар ўзимизнинг ҳарбийлар, кейинчалик унга ишқибозлар афғонлар ичида ҳам сезиларли кўпайган. Айтишларича, улар асосан “апрелчи, тарақуйчи” инқилобчилардир. Хуллас, Афғонистонга бизнинг кўшинлар киргандан кейин арок у ерда ҳам

хурмат топган. Автобатальонлар сал кеч қолиб, номинг ўчгур узилгудек бўлса, айниқса, бизнинг қўшинларда арининг уйи бузилди, деяверинг. Ичкиликсиз ҳарбий маъмурият ва қўмондонликнинг тегирмони айланмайди. Зобитларнинг ўзлари автобатлар олдига чиқиб, “ароқ беринглар, ароқ”, деб ялиниб-ёлворадилар.

Наша чекишни эса ҳарбий қисмдаги катта-кичик касб қилиб олган. Шу боис бўлса керак, афғонлар уларни кўпроқ қуруғига ўргатиш керак. Бизда нима кўп, гиёҳ кўп, у ҳар қандай қуролдан кучли, ўз ишини қилади, дер эканлар. Наркотиклар шахсий таркибни жисмонангина эмас, маънан ҳам емирмоқда эди, қўшин ичида интизом бузилиб, бир чеким наша учун наркоман аскар ёхуд зобит кайф хуморида қўлидаги қуролини сотишга ҳам тайёр эди.

Бугун илк бор уйдан мактуб олдим. Муҳим воқеа сифатида кундалигимга санасини битаман: 1982 йил 30 ноябрь. Энтикиб мактубни ўқий бошладим. Ғам-ғусса, ваҳима ва кўз ёшга тўла сўзлар, ҳар икки-уч жумладан кейин “ўғлим, ўзингни эҳтиёт қил, эҳтиёт” деган ўтинч. Онажон! Энди нима бўлса ҳам шу қирғинбарот юртга келдим. Дийдор насиб этса, албатта, қайтаман. Лекин сўзингиз ҳақ, ўзимни эҳтиёт қилмоғим зарур. Ватан учун шаҳид бўлмоқ муқаддас бурч ва албатта, юксак сўз ҳам. Ватан, моддий олам шаҳидларни кўп кўрган, лекин унга тириклар зарурроқдир. Чунки тириклик бунёдкорлик демакдир. Ҳар қандай ғам, шодлик, фидоийлик, жасорат, ғалаба, мағлубият ўз сониясида аҳамиятли бўлиб, асли ўткинчидир ва у кундалиқ турмушнинг икир-чикирларига қўмилиб кетаверади. Моддий олам ушбу тафсилотлар шоҳиди бўлиб, бепарво қараб тураверади. Бевафо дунё деганлари, шу бўлса керак!

Декабрь келиб, анча совуқ тушган, эт жунжикади, изғирин шамол эсгани-эсган. Эрталаб фуфайкамга ўраниб турган эдим, пунктга кўзлари қора боғлагич билан боғланган афғон жангариларини олиб келишди. Хавфсизлик хизмати уларни Бадхис вилоятининг маркази, Қалъаи Нов шаҳри ёнидаги овлоқ, асосан, шўро қуроллари – автомат, гранатомёт ва миномётларга тўла махфий қурол-яроғ сақланадиган жойдан тутиб келтирибди.

Кейинги пайтларда Қалъаи Новда ҳам вазият чигаллашган, бу ҳолат шўро ҳарбий маъмурларини, шунингдек, Ҳирот мото-ўқчи қисмини ҳам ташвишга солаётганди. Чунки Бадхис қўшни вилоят, унинг маркази эса Ҳиротга яқин, деярли Шиндонтча келарди.

Тутилган жангариларнинг қўллари орқасига боғланган. Улардан бири бизнинг қисм ётоқхоналарида тутиладиган адёлни ўртаси ва ёнларини тешиб калла ва қўлларини ўтказиб кийиб олганди. Яшасин савдогарлар! Савдонинг қудрати кучли-да. Ҳиротга борсангиз, айниқса, шу совуқ кунларда, маҳаллий аҳолининг юлдузи олиб ташланган оч кўкиш телпакларимизни, шинел ва бушлатларимизни маза қилиб кийиб юрганини, ўз аскарларимизни телпаксиз, совуқдан қулоқлари қизарган ҳолда кўрасиз. Пештахталарга териб ташланган шўро маҳсулоти – балиқ консервалари, матрац, ёстиқ, мис товоқ ҳамда сим қаравотларни-ку асти қўяверинг, қисмдаги тадбиркорликнинг натижаси бу.

Асирларнинг калиш илиб олган пайпоқсиз оёқларига қарадим, ўрик танасидек ғадир-будур қўлларига ҳам кўзим тушди.

Ўйлайверасанми, эй, оғайничалиш? Яхшиси, чодирга кириб онажонингга хат битсанг-чи, дедим ўзимга-ўзим. Мактуб ёзишга тушдим. Аллаким елкамга туртди, ўгирилиб қарасам, олмаоталик турк аскар – Вагиф

“КамАЗ”чи, машинаси бузилганидан бери ғирт бекорчи. “Кетдик, юр, дўст, ханка урамиз”, деди.

– Йўқ, раҳмат, дўстим, биласан-у, менинг бундай нарсаларга хушим йўқрок, – раъйини қайтардим унинг. Ёмон гиёҳвандда ўзиям бу Вагиф таскара. Бангилигидан сўнгаги чиқиб, бурни қийшайиб кетган. Ўзининг айтишича, дембелга чиқмаса, уйига кетмаса. Туғилган шахрида “ханка”, “наша” анқонинг уруғи. Қозоқ милицияси эса жуда шафқатсиз, мурасага кўнмайдиган қизил шапкалар.

“Ханка” дегани кўриниши қора сақичга ўхшаган, “қорадори” шираси, автоматнинг шовунини қиздириб босса тутайди, қоғоздан найча ясаб тутунини тортишади, сўнг оғиздан чиқармай туриб, иссиқ ширин чой ичиб хузур қилганча уфлашади. Бу савил, айниқса, оқсоқолларнинг эрмаги.

Кеч тушиб яна дўстлар йиғилдик, тобора сафимиз кенгайиб бормоқда, иттифоқлигимиз ошмоқда. Улар билан суҳбат айна мароқли, ҳамма нарсадан огоҳ бўласан киши. Гапларига қараганда, қисмимизнинг ярмидан кўпи ўзбек йигитлари экан-у пароканда бўлиб юрарканмиз. Улар қизишиб муҳокамага тушишади: русийзабонлар 30 фоиз, қолганлар – тожик, қирғиз, қозоқ, туркман оғаларимиз 10 фоиз, (қардошларимиз бизга қарши турмайдилар) энг хавфли куч бу – кавказликлар – осетин, доғистонлик, грузин, чечен, арман, озарбойжонлар, – ёғли жойлар уларнинг қўли остида. Бирок уюшсак, мавқеимиз албатта, баланд бўлиши турган гап.

– Ўрисларга тегмаслик керак, – деди кимдир.

– Тўғри, – тасдиқлади бошқаси, – зобитлар – улардан, қаттиқ жазоланиб қолишимиз мумкин. Кавказликларни эгишимиз керак.

– Ҳақ гап, – деди учинчиси қизишиб, – унда зобитлар ҳам бизни қўллашади, улардан зерикишган.

– Тезроқ уюшишимиз ва ўзимизни кўрсатишимиз керак.

– Ишга киришсак бўлди, вассалом.

– Ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўямиз.

– Йигитлар, – дедим мен, – рост, менга ҳам кўп алам ўтган. Уюшишимиз, бирлашишимиз яхши, бироқ бурун қонатишга келсак, бу билан нимага эришамиз? Хўп, бу ердагисини урдик ҳам дейлик, шу билан уларнинг иродаси синиб қоладими? Гап – халқда, унинг қонида, дунёқарашада эмасми? Аввало, идрокимизни уйғотиб олайлик. Бу ерга ўзи, уруш учун келган бўлсак. Камига яна ўз-ўзимизни қирпичоқ қилсак, унда ким омон қайтади? Кавказ ҳам, ўрис ҳам, бошқаси ҳам Худонинг бандаси-ку. Нима қилмоқчи бўляпсизлар? Зўрлик билан қадр топиб, мавқега эришишми ниятингиз? Менимча, пуч режа – бу! Ундан кўра эсон-омон уйга, умидвор кутаётган ота-онамиз бағрига қайтайлик, болаларимизни баркамол қилиб тарбиялайлик, онгини ўстирайлик...

Олий маълумотлилиқ иззат-нафсим кўзгаб, доно ва баландпарвоз гаплар қилиб юбордимми, ҳафсаласиз, бепарво чехраларга кўзим тушди. Ақли фикр ва таклиф ур-йиқит майдонида ҳарбий хизматда қадрланмаган.

– Албатта дўстлар, – дедим сўзимни ўнглаб, – уюшсак, дадиллик қилсак, мингта чечен-печен, ара-пара бўлмайдами, албатта, бўйнини эгамиз.

Сўзларимдан бироз жонланишни сездим. Мурасага чорловчи гаплар ёқармиди ҳозир, ҳамманинг алами ичида бўлса.

– Раҳмат, етакчи, – деди кимдир самимий.

Ажабо, келганимга энди бир ойдан ошди-ю дарров етакчига айландимми? Аста қулиб қўйдим. Етакчи. Қандай қулгили! Ўзим “Ара”га малайлик, ёнилғифурушлиқ қилиб юрибман-у қанақанги етакчиман? Дадилликка

даъват этапман-у ўзим шу кавказликка бўйсуниб хизматини қиялман. Йўқ, бу ерда юраксизлик қилганим йўқ, фақат “аҳду шарт – пулдан афзал” коидасига амал қиялман. У билан ҳам орани очиб оламан ҳам. Хўш, қисмда пусиб, мусулмон қардошимнинг идишини ювиб, калтагини еб юришим керакмиди?

Эҳ, ундан ҳам ўч олишим шубҳасиз! Қамчининг иккинчи учи бор деганларидек... Аммо қалбим бу ниятни инкор этиб келади, ахир хизматда дили сиёҳ бўлмаган, куни расво ўтмаган одам борми?

Шу тобда ғалаба нашидасини сурган саркардадек ҳис қилдим ўзимни.

Мағрурланиб каравотимга чўзилар эканман: “Балки бошни балога суқиб ҳаракат қилиш керак эмасдир, айниқса, чеченлар ҳазил халқми, ўлса ҳам қайтмайди улар” деган фикр хаёлимдан ўтди.

* * *

Декабрь яримлаб қолди. Ҳаво жуда совуқ, тинмай изғирин эсади. Вазифамиз Тўрағундай-Кушка билан чегарадош пункт орқали келган юк қарвонини кузатиш. Оқшом йўлда тунашга тўғри келди. Туни билан ухламай чиқдим, аскарлар ўт ёқиб иситадиган бараклар совуқ, ўт ёқиш ўрнига бурканиб ухлайдилар, ташқаридаги қўриқчилар ухламаётган бўлса, бас. Тонгни зўрға оттириб, оғилхонага ўхшаш ошхонада сигарет тутатиб ўтирибман, молдаван келиб, “кетдик”, деди. БТР люкидан пастга тушарканман, оёғим нимагадир тегиб кетди, ичкарига тушгач, шошиб атрофга алангладим. “Кечирасиз, ўртоқ катта лейтенант, сизнинг ўтирганингиз сира хаёлимда йўқ, доимо жой бўшлигига ўрганиб қолибман”, дедим хижолат тортиб. Бечоранинг юзига этигимнинг изи тушиб қолибди, артаётиб бўралаб сўкиниб берди. Жойимга ўтирдим, автокарвон йўлга тушди.

Эсимда йўқ, катта лейтенант бизга шаҳарда ҳамроҳ бўлиб бор пулига аёлига нарсалар сотиб олмоқчи. Яқинда лаш-лушларини кўтариб таътилга жўнайди. Айтишича, хотинини шундай соғинганки, ҳижронининг таърифи йўқ. Аммо рафиқаси Тамара уйига қуруқ қўядиганлардан эмас, суғуриб олади. Нўғой старлей шуларни ўйлабми, тинмай тутатиб кетмоқда, бунга ҳам қоникмадими, папиросга “дори” ўқлади. БТР ичини наша ҳиди қоплади. Рудда эканига қарамай, молдаван ҳам тортди, менинг эса ташвишим ортиб, пулемёт дарчасидан атрофни кузатиб кетялман. Иккала томони ҳам тоғлик йўлдан боряпмиз, қирлик, жарлик ҳам аҳён-аҳён учраб турибди, паст-баланд, ўйдим-чуқур йўллар.

Тўсатдан БТР қаттиқ силкинди ва ёнбош томон чайқалди, қарсиллаган овоз эшитилди. Нима бало, пистирмага дуч келдикми? Юрак шув этиб кетди.

– Нима қилиб қўйдинг?! – бақирди катта лейтенант.

Люкни кўтариб, ташқарига чиқдик. Автоматни елкага илиб олганман. Бадбахт молдаван кайф устида “Тойота” маркали таксини уриб юборибди, унинг бир ёни мажақ. Ичкарида ўтирган икки йўловчидан бирининг юзи таниб бўлмас даражада қонга беланган, боши осилиб қолган, иккинчиси ҳам типирчилаб жон талашяпти. Зарба улар ўтирган томонга бўлган. Ҳайдовчининг эшиги ланг очик, таксидан бир-икки қадам нарида у оёққа туришга уринаяпти, яхшики, у соғ-омон. Ортимиздаги автокарвон пишиллаб тўхтаб бошлади. Катта лейтенант таксичини чақирди, у зўрға ўрнидан турди ва яқин келиб ўз тилида алланималарни тушунтира кетди. У чўлоқлар, энкайиб кетар, қандайдир жилди титилган араб имлосида ёзилган ҳужжатни кўрсатарди. Катта лейтенант унга ҳар гапида “душман”

деб мурожаат этар, афғоннинг бу сўзни тушунганидан капалаги учарди. Автоматни елкамдан бўшатиб, қувурини унга тўғриладим – эҳтиёт бўлган яхши. Буларни билиб бўладими?

Шу пайт катта лейтенант менга ўгирилиб, “От, отиб ташла уни!” дея буйруқ қилди. “Ўртоқ катта лейтенант”, дедим тилим калимага келмай.

– Буйруқни бажар, аскар!

Нахот бу буйруқни... Кулоқларимга ишонгим келмайди, аммо уни бажариш шартидан автомат тепкисида турган бармоғимнинг учигача музлаб кетди. Йўқ, отолмайман, ўзи унинг бошига не кулфат солиб қўйдик, энди ўлдириш керакми? Тепкидаги қўлларим шол. Отишмада майли бўлса, майли, отай, мен отмасам, у отиши тайин, аммо бегуноҳ, қуролсиз бир бандани... Йўқ, асло! Икки йўловчи ҳозиргина ҳаёт билан видолашди. Бечоралар, ўлгани йўлга чиққанмиди?

– От деяпман, аблах! Ландовур! Лапашанг! – ўшқирди катта лейтенант. – Ҳозироқ от, бизга гувоҳ керак эмас! От! Буюраман, от! Сарандой билса, ортикча ғалва бўлади, от деяпман, от!

Ғазаб ва кайфдан лейтенантнинг кўзлари олайиб кетган, қимир этишга мажоли йўқ. У автоматни қўлимдан тортиб олиб афғонга тўғрилади, ўз фожиасини сезган муштипар қўлларини кўтарганча илтижо билан тиз чўкди...

Инсоннинг сўнги дақиқаларда юзида қотиб қолган даҳшатни илк бор кўрдим... Устма-уст ўқ узилди. Бир инсон йўқ... У жон талвасасида тўлғанди, оғзидан қора қон сизди, фарёдга тўлган кўзлари аста-секин олая бошлади. Сўнги бор хириллаб, чуқур нафас чиқарди: “Пуф”.

– Менга эркак керак, сенга ўхшаган “баба” эмас, – ўшқирди катта лейтенант ва молдаванни чақирди. Икковлон таксичи жасадини машинага тикишди-да, БТР билан суриб, жарликка юмалатиб юборишди.

Мен тирик сурат бўлиб воқеани кузатиб турардим, холос. Гувоҳнинг, изни йўқотиш шунақа бўлар эканми? Жабрдийданинг баданидаги ўқдан бахтсиз ҳодиса – йўл фалокати қурбони эмаслигини аниқлаб олишлари ҳеч гап эмас-ку?! Катта лейтенантнинг наша кайфида калласи яхши ишламай қолди чоғи.

Ҳозир қатнов деярли йўқ, чор атрофда зоғ кўринмайди. Яна ким билсин... Атрофга, қорамтир осмонга, хира тоғларга хавотир-ла қараб қўйдим.

Нималарни қасд қиляпман ўзи? Қотилликними? Ҳар қалай, ақл билан иш тутилса бўлади-ку. Мен нашаванд зобитни эмас, ўзим ҳам бир зарраси бўлган армияни ўйлаяпман. Ортикча нафрат уйғотишга зарурият бормикан?

Тўсатдан анави ярамаслар мени ташлаб, автокарвонни силжитишди. Охирги машинага зўрға улгуриб қолдим. Кабинага жойлашарканман, ҳеч нарсадан хабари йўқ ҳайдовчи:

– Нима, отишма бўлдими, ўқ овози эшитилди? – дея сўради.

– Старлей қуён кўриб қолиб отди, теккиза олмади, шунга тўхтадик, – жавоб қилдим мен ҳам қувлик билан.

(Охири келгуси сонда)

Бранислав НУШИЧ

УНВОН КЕРАКДИР ЙИГИТГА¹

(Фалсафа доктори)

Тўрт пардали комедия

*Рус тилидан
Муҳсин ҚОДИРОВ таржимаси*

УЧИНЧИ ПАРДА

1

(Милорад оёқларини стулга қўйиб, кушеткада ётибди. Асабий бир ҳолатда, чекмоқда.)

М а р и ц а *(киради).* Жаноб Милорад!

М и л о р а д *(ирғиб туриб, бақиради).* Нима?.. Айтдим-ку, ҳеч ким менинг тинчимни бузмасин деб!

М а р и ц а. Мен...

М и л о р а д. *(унга ёстиқларни отади).* Йўқол!.. Йўқол!..

(Марица чап томонга қочади.)

2

(Милорад олдингидай ётиб, чека бошлайди. Чап томондаги хонадан Славка, унинг кетидан яшириниб Марица чиқади.)

М и л о р а д *(ирғиб туриб, яна ёстиқ отмоқчи бўлади).* Мен нима дедим?..

С л а в к а *(унга яқин келиб).* Ўтинаман, тинчлан! *(Шу пайт Марица ташқарига чиқиб қочади.)* Бугун сенга нима бўлди?..

М и л о р а д. Нима?.. Қутуришимга оз қолди...

С л а в к а. Нега ахир?

М и л о р а д. Сўраганинг нимаси? Ўз кўзинг билан кўрмадингми, маърузада шарманда бўлганимни?

С л а в к а. Қандай қилиб ўзингни бу даража йўқотиб қўйдинг-а?.. Албатта, халойиқ кула бошлаганда, ўзимизни қаерга қўйишни билмай қолдик. Иложи бўлганда, қочиб қолардим.

М и л о р а д. Қандай қилиб йўқотмай? Мана ўқиб кўргин-а, нима деб ёзган ўша файласуф қарға! Бир эшитиб кўр. *(Ёнидан қўлёмзани чиқариб, ўқийди.)* “Логоцентрик ва биоцентрик проблемаларнинг контемплятив интуицион – виталистик баёнида биз климактерик маданиятларнинг деризорли профана-

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

цияларига дуч келдик”. Қани, бир қайтариб кўр-чи! Шу сўзларга келганимда, миямга қон қуйилди, қалтирай бошладим, бамисоли одам юрмас, ёввойи хайвонлар ўкирадиган чангалзорга кириб қолгандай чалкашдим, адашдим. Шунақа сўздан яна бир жуфти бўлгандами, арслондай ўкирардим!.. Сен яна сўраб ўтирибсан!..

С л а в к а. Нега бўлмаса шу маърузани ўқишга розилик бердинг?

М и л о р а д. Нега?.. Қандай йўл билан бўлмасин, ўн минг динор топишим керак эди-да.

С л а в к а. Яна бирон қарз берган одам учундир?

М и л о р а д. Йўқ, бу сафар чиройли аёл учун.

С л а в к а. Биргина аёл учун-а?

М и л о р а д. Бўлмасам-чи! Қарз берган одам унча хавфли бўлмайди, олдин огоҳлантиради, кейин судга беради, суддан ижро қоғози келади, аёл эса бир нафасда ё у ёқлик-ё бу ёқлик килади қўяди.

3

М а р и ц а (*эшикдан бошини суқиб*). Таксир, сизни қандайдир бир хоним сўрапти...

М и л о р а д (*бақриб*). Қанақа хоним?

М а р и ц а. Болалик аёл.

М и л о р а д. Бу – ўша. (Сочилган ёстиқ ва бошқа буюмларни йиғади.) Ҳозир у хаммасига жавоб беради!

С л а в к а. Ким?

М и л о р а д. Етимхонадан бўлса керак. Кеча болалар билан бориб ташаккур билдириб келаман, деганди.

С л а в к а. Нима бўлгандаям, кўполлик қилиш ярамайди.

М и л о р а д. Йўқ, азизим! Бошига бир тушираман. Бу етимхона мени шармандаи шармисор қилди. (*Марицага.*) Айт, кирсин.

С л а в к а (*ўз хонасига кираётиб*). Ўзингни тут, ўтинаман!

4

(*Марица четлашиб, тўрт яшар бола етаклаган Кларани ичкарига киритади. Милорад унга ёстиқ отмоқчи бўлади.*)

К л а р а (*бунақа мулозиматдан ажабланиб, орқага тисланади*). Пардон! (*Милорад бу етимхона вакили эмас, балки чиройли ва истараси иссиқ аёл эканини кўриб, секин-аста қўлини туширади.*) Кечирасиз, мен жаноб Милорад Цвийовични қидириб келган эдим.

М и л о р а д. Бу – мен.

К л а р а. Йўғ-ей, нима деяпсиз, таксир, мен ўз эримни айтаяпман.

М и л о р а д. Ҳа, мен ўшаман.

К л а р а. Вой, таксир, мен эримни ҳар ҳолда яхши билсам керак.

М и л о р а д. Ҳар ҳолда, бекам, эрингиз мен бўламан.

К л а р а. Балки, сизнинг тилингизда тўғри гапиролмаётгандирман?

М и л о р а д. Мутлақо ундаймас, Клара хоним, сиз яхши гапирар экансиз. Мени лол қилдингиз. Пепик, эҳтимол, тилимизни билмаса керак?

К л а р а. Сиз унинг исмини қаердан биласиз?

М и л о р а д. Ўз боламнинг исмини нега билмас эканман. Кел, тойчоқ, кел менга, кўрқма! Қизик, мутлақо менга ўхшамайди.

К л а р а. Аммо, таксир... ким билан танишиш шарафига муяссар бўлдим?..

М и л о р а д. Мен ўзимни таништирдим, бекам.
 К л а р а. Манзилни алмаштириб қўймадиммикин? Бироқ сиз бизнинг исмимизни биласиз. Бу ерда иккита Цвийович яшамасмикин?
 М и л о р а д. Доктор Милорад Цвийович менман – мендан бошқа эрингиз ҳам йўқ.
 К л а р а. Яхши, бироқ қандай қилиб...
 М и л о р а д. Ишонмайсизми? Сизга қандай қилиб исботласам экан?
 К л а р а. Онангиз шу ердадилар?
 М и л о р а д. Ҳа. (*Кўнгироқ чалади.*) Ойим сизга тушунтиради.

5

М а р и ц а (*кириб*). Нима керак!
 М и л о р а д. Ойимни чакириб қўйинг, Клара хоним билан Пепик келишибди, денг.
 М а р и ц а. Хўп, бўлади. (*Чиқади.*)

6

К л а р а. Ажаб! Онангиз мени кутаяптими?
 М и л о р а д. Менга хат ёздингиз-ку?
 К л а р а. Ҳа, бироқ мен ўз эримга ёзган эдим... Бунақа ўзгариш бўлиши мумкин эмас. Сиз эримга сира ўхшамайсиз.
 М и л о р а д. Эрингизга ўхшашимнинг хожати йўқ, бироқ ишонтириб айтаманки, мен қуйиб қўйгандай доктор Милорад Цвийовичнинг ўзгинасиман.
 К л а р а. Билмадим, эҳтимол...
 М и л о р а д. Мана ойим, сўзларимни тасдиқлайди.

7

К л а р а. (*Марага пешвоз чиқиб, унинг қўлини ўпади*). Ойи, ойижон, мен сизни кўрганимдан ғоят бахтлиман!
 М а р а. (*довдираб*). Мен... ростданми, Клара?
 К л а р а. (*болани қўлига олиб*). Пепик, херцхен, кюсс ди ханд дер гросс-мама! Дас ист дайне гроссмама.
 М а р а. (*баттарроқ доводираб*). Ҳа, бу Пепикми?.. Энди нима қилай? Милорад, ўғлим, нима қиламиз?
 М и л о р а д. Нима қилардинг? Кучоқла неварачани!
 М а р а. Ҳа, тўғри... болада нима айб. (*Пепикни ўпади; Кларага.*) демак, келибсизлар-да? Поезд қачон келди?
 К л а р а. Ярим соат бўлди.
 М а р а. Ўзларингми? Эрингиз кутиб олмадимми?
 К л а р а. Йўқ! Мен келиш вақтини аниқ кўрсатмаган эдим. (*Марани қучоқлаб.*) Ойи... шунақаям меҳрибонсизки! Милорад менга айтган, сиз дунёдаги энг яхши аёлсиз.
 М а р а (*Милорадни қучоқлайди ва эркалайди*). Оналарнинг ҳаммаси ҳам шунақа. Ўғлим бироз шўхрок.
 К л а р а. Йўқ, бу эмас...
 М а р а. Ким бўлмаса?
 К л а р а. Менга ўзимнинг эрим айтган.
 М а р а. Унинг онасини танимайман ҳам.

К л а р а (*ажабланиб*). Қанақасига? Ўтинаман, хоним афанди, менинг эрим Милорад... Менинг Милорадим бошқа... бу эмас...

М а р а. Бошқа бўлса кошки эди, бошқа эмас-да.

М и л о р а д. Бу – мен, бошқа Милорад йўқ.

К л а р а. Доктор Милорад Цвийович-а?..

М и л о р а д. Мен.

К л а р а. Тушунтириб беринг, балки мен янглишаётгандирман?

М а р а. Қандай қилиб тушунтираман?.. Ох, болагинам, менинг ўзим ҳам худди туш қўраётгандайман, билмайман...

К л а р а (*Милорадни кўрсатиб*). Бу жаноб эрингман, дейди. Буни қандай тушунса бўлади?

М а р а (*Милорадга*). Айтдингми? Отанг хафа бўлади. (*Кларага*.) Чинданам бу сизнинг эрингиз, бироқ бу ҳақда оғиз оча кўрманг, ҳеч ким билмаслиги керак.

К л а р а. Вой, Худойим... даҳшат. Сиз менинг устимдан кулаяпсиз. Бу қандай кўргилик! Эй, Худо! (*Йиғлайди*.)

М а р а (*унинг олдига келиб, овутади*). Йиғламанг, жонгинам, буни шундай қолдирмаймиз, никоҳни бузишга ҳаракат қиламиз!

К л а р а (*бошини кўтариб*). Никоҳни бузиш? Нимага?

М а р а. “Нимага?”. Ўзим ҳам билмайман, нимага?.. Милорад, азизим, бунга сен тушунтир...

М и л о р а д. Дадам тушунтира қолсин. (*Кларага*.) Гроссдада ҳаммасини тушунтириб беради. Ойи, Клара хоним йўлдан чарчаб келган, Пепик ҳам оч қолгандир.

М а р а. Вой ўлмасам, рост! Марҳамат қилинг, эримни кутамиз. Марҳамат!

М и л о р а д. Қани, бекам, марҳамат қилсинлар, ўз уйингиздасиз. (*Чап томондаги эшикни кўрсатади*.) Ойи, қалай, сенга ёқдимиз?! (*Мара қўли билан жим бўл шиорасини қилади ва Кларани олиб чиқади. У ҳам секин улар ортидан боради, ўзича*.) Етти ухлаб тушимга кирмаган эди, қаранг, шундай чиройли хотиним бор экан-а!..

8

Ж и в о т а. (*Благое билан уришаётган овози эшитилади. Бироздан кейин киради*). Менга фириб бердинг, ҳеч бўлмаганда мени саксон тингловчига туширдинг!

Б л а г о е. Ким туширди? Менинг нима алоқам бор? Нега мен?

Ж и в о т а. Сен, албатта!.. Мен сенга юзта билетни сотиб олиб, ишончли одамларга бўлиб бергин, деб пул бердим. Хўш, қани ўша қарсакчилар? Ўнтача одам қарсак чалди, холос. Қолгани сувга чўкибди-да.

Б л а г о е. Ўтирувди, биродар, қарсак ҳам бўлди, бироқ...

Ж и в о т а. Нима бироқ? Бир неча кишигина шунчаки йўлига кафтини кашлаб қўйди, Милорад довдираб, ўзини йўқотгач, сенинг юз билетингнинг ҳаммаси қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади, гўё бепул билет уларга кулиш учун берилгандай.

Б л а г о е. Йўқ, ундаймас, тақсирим, кулганлар ўз пулига билет олиб кирган. Тақиқлай олмайсан, улар ўз пулгинасига кулишди.

Ж и в о т а. Нимага кулишади?

Б л а г о е. Чунки...

Ж и в о т а. Чунки ҳеч нимага ақли етмайди: хорижий сўзларсиз фалсафа фалсафами.

Б л а г о е (*бўғинлаб*). Ан-ти-ци-па-тив ди-на-ми-ка. Буни ёдладим. Бирок ўлай агар маъносини билсам, сен биласанми?

Ж и в о т а. Билмайман!

Б л а г о е. Ҳеч ким билмайди.

Ж и в о т а. Ҳамма билганда, фалсафа бўлармиди. Фалсафа дегани нима ўзи? Фалсафа шуки, мен гапирганда сен тушунмайсан, сен гапирганда мен тушунмайман. Сен қилган иш, масалан, нақ фалсафанинг ўзгинаси. Мен сенга юзта билетга пул бердим, сен бўлсанг атиги йигирмата сотиб олгансан.

Б л а г о е. Яна бошладингми?

9

М а р а (*Пепик билан бирга киради*). Живота...

Ж и в о т а (*Пепикни кўриб, унга ажабланиб термулади ва тўсатдан тили тугилади*). Мара... Бу ўшами?..

М а р а. Ҳа!

Ж и в о т а. Пепик-а?

М а р а. Ҳа.

Ж и в о т а. Пепик?!.. Эй, Худо, эй, Худойим! (*Қаттиқ ҳаяжонланади, йиғлай бошлайди ва кўзини ишқалайди.*)

М а р а. Ҳой, энди нимага йиғлайсан?

Ж и в о т а. Вой, Худойим-ей, менинг неварагинам!

Б л а г о е. Нега неварагинанг бўларкан!

Ж и в о т а. (*чўчиб, афти ўзгаради*). Ҳа-я... Қандай қилиб у менга неварра бўлсин. Қарибман, шекилли... бировнинг боласига йиғлаб ўтирибман-а!

Б л а г о е. Мен ҳам ҳайрон бўлдим, нимага...

Ж и в о т а. “Нимага, нимага?”. Агар билсанг, расман чинданам у менинг неварам.

М а р а. Яхши бола, мўмингина, шўхликни билмайди.

Ж и в о т а. Шўхликни билмайди, албатта, Швейцарияда туғилган, у ерда бошқача, бизда эса туғилганидан то бандаликни бажо келтиргунча ўқиришади. Сен унга бошимизга қандай балолар ёғдирганини тушунтирмадингми?

М а р а. Кимга?

Ж и в о т а. Пепикка.

М а р а. Нима деяпсан, Живота, ахир у гўдак-ку!

Ж и в о т а. Гўдакликка гўдак, бирок билиб қўйсин... Менга қара, Пепик, болагинам, сўзларимга кулоқ сол... (*Берилиб кетади, Пепик унинг сўзларига тушунаётгандай, жиддий оҳангда гапира бошлайди.*) Гапларимни эслаб қол, бир кулоғингдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетмасин тағин! Хўп, майли, сен туғилдинг дейлик, бу сенинг шахсий ишинг, бунга аралашшишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бирок сенинг ҳам бошқаларнинг шахсий ишларига аралашшишга ҳақкинг йўқ. Сен эса, биродар, ёруғ дунёга келган заҳотиёқ менинг режаларим ва ҳисоб-китобларимга суқилиб кирдинг-у, шундай чигаллаштириб юбордингки, уни ечишга бандасининг кучи етмайди. Далил келтиришим мумкин. Мана масалан, қоринчангга ярим килограмм гилос сиғмасаям, 470 километр трансбалкон темир йўлини, тўртта кўприк, еттита тоннелни ғинг демасдан ютиб юбординг! Нима қилиб қўйганингни билдингми энди?

Б л а г о е. (*Пепикка*). Ферштейст ду?

Ж и в о т а. (*Благоега*). Ферштепт – мерштетингни билмайман, менга ба-рибир, фақат бу менинг гапларимни эшитсин. (*Пепикка.*) Хўш, ўғилчам, сен улғаясан, айтайлик, мактабни тугатолмайсан, ўқишнинг ўрнида фирибгарлик қилиб, сохта векселлар, чеклар, тилхатлар ясайсан. Катта бўлганигда бу

тушунарли, бироқ сен, ўғилчам, сохта бўлиб туғилдинг!.. Қани энди ўзинг айт-чи, яхшими шу? Ахир туғилгандан кўзбўямачилик билан шуғулланган бўлсанг, охири нима бўлади? Қани айт-чи, азизим, нега келиб-келиб менинг номимни ўзлаштириб олдинг, шириллашиб қўл қўявераман дебсанда-а, векселларга?! Эҳ, Пепик, кечир мени, мен сенга раҳм қилолмайман! Мерос дейсанми? Кутишга тўғри келади!

М а р а. Ё тавба, Живота, сен шундай гапиряпсанки, гўё бола ҳаммасини тушунаётгандай.

Ж и в о т а. Мен бунга ҳамма гапни айтаман, балки бироз енгил тортарман.

М а р а. Гапларингни отасига айт.

Ж и в о т а. Менга қара... Пепик бир ўзи келдимми?

М а р а. Онасиям шу ерда.

Ж и в о т а. Клара-я?

М а р а. Ҳа.

Ж и в о т а. Хўш, у нима дейди?

М а р а. Ҳеч нима, хаяжонда, ўзига келмаяпти, йиғлагани йиғлаган. Славка билан Милорад унинг ёнида, юпатишяпти.

Ж и в о т а. Милорадга айтиб қўй, жудаям юпатавермасин, эшитдингми? У унга эр эмас! Велимир келмадимми?

М а р а. Йўқ. Айтиб келишга одам юбордим. Биласанми, у қўлингни ўпмоқчи.

Ж и в о т а. Нима қилади қўлимни ўпиб?

М а р а. Ўзинг биласан. Рад этиш яхшимас, ҳар қалай. Чақирайми уни?

Ж и в о т а. Нима дейишимни ҳам билмай қолдим! Благое, сен нима дейсан?

Б л а г о е. Қўлни бериш мумкин-у, лекин совуқроқ, сен бўлсанг мана Пепикни кўриб йиғлаб юрибсан.

Ж и в о т а. Аламимдан йиғладим... Сен, Мара, боравер, мен ҳозир бораман, Благое билан қиладиган баъзи ишларим бор.

М а р а. Бўпти. *(Пепикка.)* Юр, Пе... Ух, Худо урсин, ҳеч отини айтолмайман. Қани юр, ўғилгинам! *(Пепик билан чиқади.)*

10

Ж и в о т а. Эҳ, Благое, нимадан бошлашни билмайман. Бир қарорга келиш керак. Профессор креслосида ўтиргансан, бирон бир профессорча маслаҳат берсанг-чи!

Б л а г о е. Маслаҳат берганман: Кларани хиёнатини фош қилиб, ажралиш ҳақида масала чиқарамиз. Бошқа йўл йўқ.

Ж и в о т а. Хиёнатсиз бўлмасмикин?

Б л а г о е. Бўлади! Агар сен тан олсанг, нима учун...

Ж и в о т а. Яна шу гап. Бирон янгироқ гап топсанг-чи.

Б л а г о е. Янгироқ гап? Характерлари тўғри келмади, десакмикин...

Ж и в о т а. Қўйсанг-чи, Милорад қайда-ю, характер қайда...

Б л а г о е. Мен ҳам шуни ўйладим. Энг яхши йўл – хиёнат.

Ж и в о т а. Бу ишни қандай эплайсан?

Б л а г о е. Сенга айтгандим... Клара билан Велимир учрашади. Эр-хотин, бир йил кўришмаган – учрашган заҳоти кучоқлашишади. Мана шу топда гувоҳлар ҳозир бўлади – иш тамом, вассалом.

Ж и в о т а. Яхши, қани гувоҳларинг?

Б л а г о е *(соатига қараб)*. Мен уларга соат ўн бирда келасиз дегандим. Шошма, кўрамиз! *(Кўнгироқ чалади.)*

11

М а р и ц а (*кириб*). Лаббай!
 Б л а г о е. Бир жаноб билан бир хоним келишмадимми?
 М а р и ц а. Шу топда келиб туришган эди.
 Б л а г о е. Ўшалар. Кирсин!
 (*Марица Сойка билан унинг эри Симани бошлаб кириб, сўнг ўзи чиқади.*)

12

Б л а г о е (*Животага таништиради*). Мана бу Сойка хоним, униси унинг эри.

Ж и в о т а. Хурсандман!

С о й к а. Бизни жаноб Благое таклиф қилди.

Ж и в о т а. Ҳа, сиз тўғрингизда айтган эди. Айтишларича, бунақа ишларда устаси фаранг эмишсизлар.

С о й к а. Бўлмасам-чи, хизматингизга тайёрмиз. Мен ва жаноб Сима бу иш билан кўп йиллардан буён шуғулланамиз.

Ж и в о т а. Жаноб Сима деганингиз ким?

С о й к а. Эрим.

Ж и в о т а. Нега уни жаноб Сима деб атайсиз?

С о й к а. Сизга нима десам-а?.. У менга ҳам эр, ҳам эр эмас. Биз бир том остида яшасак-да, беш йил бўлди, ажрашганмиз.

Ж и в о т а. Нега ажрашдингиз?

С о й к а. Касбимиз шуни тақозо қилди. Агар биз эр ва хотин сифатида гувоҳлик қилсак, фойда оз, келишиб олишган дейишлари мумкин. Ҳозир биз ҳар хил гувоҳлармиз: У – Сима Ячменич, Мен – Сойка Пуричман. Шунинг учун ҳам мен уни “жаноб Сима” деб, у мени “Сойка хоним” деб атайди.

Ж и в о т а. Гувоҳлик бериш – бу сизнинг касбингизми?

С о й к а. Ҳа, лекин фақат ажрашиш ишлари бўйича.

Ж и в о т а. Кўпми бунақа ишлар?

С о й к а. Ҳа, шикоят қилмаймиз. Ҳозир сиёсат, футбол ва ажрашиш мода бўлган. Жамиятимиз шу билан банд. Никоҳдан ўтиб, бир-икки ой яшайдилар-у, бир-бирларидан тўйиб ажрашиш ташвишига тушиб қоладилар. Гувоҳсиз ажрашиб бўлармиди?

Ж и в о т а. Даромад тузукми, ишқилиб?

С о й к а. Худога шукур, топиб турибмиз. Ҳаммаси ишга боғлиқ. “Уни, буни эшитдик” дейдиган бўлсак, бир такса, “уни, буни кўрдик” десак бошқа такса, учинчиси...

Ж и в о т а. Уни, буни.

С о й к а. Йўқ, учинчиси уни, буни эмас, ундок, бундоқ қилиб тургани устидан чиқиб қолдик.

Ж и в о т а. Ундок, бундоқ? Буниси энг қиммат турса керак-а?

С о й к а. Йўқ, энг қиммати сохта қасам ичиш.

Ж и в о т а. Қасам ҳам ичасизми?

С о й к а. Керак бўлганда.

Ж и в о т а. Ахир бу гуноҳ-ку!

С о й к а. Бошқа ишларда гуноҳ, ажрашишда эмас. Бунда сохта қасам ичсанг томонлардан бирининг олдида гуноҳқорсан, иккинчисига эса яхшилик қиласан.

Ж и в о т а. Ҳой, Благое, мана буни иш деса бўлади!..

С о й к а. Баъзан бирон бир бойвачча топилиб, ҳамёнини каттароқ очиб қолади, денг, ўшанда биз мўъжиза кўрсатамиз!

Ж и в о т а. Қандай?

С о й к а. Ғийбат ва иғво тўқиш керак бўлганда, масалан. Бир эр, айтайлик, хотинидан кутилмоқчи, бироқ ажрашиш учун асос йўқ. У келиб биздан беш юз ёки етти юз динорга иғво тўқишни илтимос қилади.

Ж и в о т а. Мен ғийбат ва иғволар бепул тўкилади деб ўйлардим.

С о й к а. Тўғри, лекин сиз айтган ғийбатлар кулоқларга шивирлаб айтилади, ажрашиш учун эса ҳаммага эшиттириб ошкора айтиш керак. Шу сабабли у ҳақ талаб қилади.

Ж и в о т а. Кўриниб турибди, ўз касбингизни пухта эгалласиз. Хўш, менинг ишимни қандай бажарасиз?

С о й к а. Қандай истасангиз, шундай қилиб. Хизматингизга тайёрмиз.

Ж и в о т а. Благое, режамни тушунтир.

Б л а г о е. Масала шундай: жаноб Животанинг келини, айтайлик, эрига хиёнат қилади.

С о й к а. Биргина савол. У, бироз ҳалигидай эмасми?

Б л а г о е. Ким билади? Аёл!

С о й к а. Ҳа, шўхликка келганда, аёлларга Худо берган. А келин қаерларда бўлади, дугонаси ёки бирон таниши борми?

Б л а г о е. У яқинда келган ва ҳеч қаерга чиққанича йўқ. Ҳозир бир йигит келади, у келган заҳотиёқ келинимиз унинг бағрига отилади.

С о й к а. Шунга ишонасизми?

Б л а г о е. Албатта кучоқлашишади. Шу топда икки гувоҳ уларни кўради-ю, иш тамом, вассалом!

С о й к а. Дарвоқе... бу бир мунча шубҳали, бироқ биз кўрмасак ҳам гувоҳликка ўтаверамиз.

Ж и в о т а. Йўқ, мен кўришларингни иштайман.

С о й к а. Э, иташга иштайсиз-а, бироқ бундан ҳеч нима чиқмайди – ахир биз турганда улар қандай қилиб ўпиша олади?

Ж и в о т а. Нега энди? Ўпишаверади!..

Б л а г о е. Яхшиси, сиз бошқа хонада яшириниб турасиз, улар кучоқлашиб турганда тўсатдан кириб борасиз.

С о й к а (*ўйлаб*). Бўлади, бўлади!.. Фақат қачон кириб боришни қаердан биламиз?

Ж и в о т а. Эшик тиркишидан қараб турасиз-да.

С о й к а. Йўқ, яхшиси биров сигнал берсин.

Ж и в о т а. Благое бажаради бу ишни.

Б л а г о е. Қандай сигнал?

С о й к а. Энг енгил – бирон нарсани тушириб юборасиз. (*Атрофига қараб*.) Мана, шу патнисни тушириб юборсангиз ҳам бўлади. (*Столдан патнисни олиб, ерга ташлайди*.) Яхши эшитилади.

Ж и в о т а. Сен нима дейсан, Благое?

Б л а г о е. Яхши.

Ж и в о т а. Жаноб Сима нима дейдилар?

С и м а. Кечирасиз, бегона одамларнинг олдида фақат хотиним гапиради.

С о й к а. Ҳа, шундай қилишга тўғри келади. Ўлгудай маҳмадона, нукул ишни бузади. Гувоҳлик бериш учун айтадиган гапини ҳам мен ёзиб бераман, ёдлаб олмагунича мен уни судга олиб бормайман!

Ж и в о т а. Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин. Ҳозир шошилмоқ керак, ҳалиги йигит ҳар дақиқада келиб қолиши мумкин.

Б л а г о е. Анали хонага кириб турунлар, марҳамат!..
(Ўнз томондаги хонага олиб киради, уларни қолдириб, ўзи тез қайтиб чиқади.)

13

Ж и в о т а. Шунақаям сергап аёл бўладими!..
Б л а г о е. Касби шунақа-да.
Ж и в о т а. Қанча олмоқчи бу иш учун?
Б л а г о е. Прейскурант бўйича.
Ж и в о т а. Бу ишни битирганимиздан кейин, мен адвокатнинг олдига бориб, ундан шикоят ёздириб олман.
Б л а г о е. Милорад шикоятга имзо чекармикин?
Ж и в о т а. У ҳам прејскурант бўйича олади. Бир маъруза учун ўн минг динор; шикоятга имзо чекиш учун кўрамиз... қанча оларкин.

14

М а р а (эшик олдида пайдо бўлиб). Келасанми, Живота, ёки у бу ерга келсинми?

Ж и в о т а. Ҳозир, ҳозир бораман! (Мара кетади. Живота кетмоқчи бўлади-ю, бироқ тўхтади.) У билан учрашганда ўзимни қандай тутишни билмайман.

Б л а г о е. Иложи борича ўзингни совуқроқ тут.

Ж и в о т а (кетаётди, бурилади). Патнис масаласи эсингдан чиқмасин! (Чиқади.)

(Благое келиб патнисни қулайроқ жойга олиб қўяди.)

Д р а г а (кириб). Салом.

Б л а г о е. О, куда, салом!

Д р а г а. Сизни топганим яхши бўлди. Мен сиздан баъзи нарсаларни сўраб билмоқчи эдим.

Б л а г о е. Нимани?

Д р а г а. Ёш докторимизга нима бўлди, маърузада роса довдиради-ей.

Б л а г о е. Довдиради деб айтолмайман-у, аммо...

Д р а г а. “Аммо”га бало борми? Кулгидан одамларнинг ичаги узилай деди-ю.

Б л а г о е. Одамлар! Улар кулиш ёки йиғлаш учун яратилган-да. Профессорлар, олимлар билан алоқам яхши, уларнинг фикрича, маъруза юқори илмий савияда ўтди, ҳамма қойил қолди.

Д р а г а. Фанга тил теккизмоччи эмасман-у, лекин бу ерда фаннинг нима дахли бор, биродар! Қанчалик довдираганини, чалкашганини, сўзларни алғов-далғов қилиб юборганини ҳамма кўрди-ку.

Б л а г о е. Бунда биз айбдоримиз, у эмас.

Д р а г а. Нега биз бўларканмиз-а, биродар?

Б л а г о е. Биз айбдоримиз, айниқса сен! Нимага унга темир йўл министрининг қизи бўлади деб айтдинг? Маърузада барча министрларнинг қизи қатнашуви ҳам мумкин, дерсан. Бу шундайку-я, бироқ министрнинг хотини, қизи олдинги қаторда ўтириб олиб, унга қадалиб қолишди-да. Йигит яхши гапириб турувди, кўзи бирдан министрнинг қизига тушиб қолди, ниманидир хис этди-ю, юраги уриб...

Д р а г а. Министрнинг қизи ёқибдими?

Б л а г о е. Ёққанда қандай! Уни кўрди-ю ўзини йўқотди қўйди. Кўз ўнги

хиралашиб, байрамдаги қизлардай қоғоздаги ҳарфлар рақсга тушиб қолди...
Бунақада университет ректори ҳам янглишади.

Д р а г а. Эҳтимол, эҳтимол, лекин мен бундан ҳам ёмонроқ гап эшитдим.

Б л а г о е. Нимани?

Д р а г а. Фақат тўғриси айтасиз.

Б л а г о е. Ёлғоннинг бети курсин...

Д р а г а. Одамлар орасида миш-миш гап.

Б л а г о е. Миш-миш?

Д р а г а. Миш-миш. Гўё ёш доктор Цвийовичнинг хотини бор эмиш.

Б л а г о е. Буни қаранг-а! Тўқиб чиқаришган!

Д р а г а. Мен ҳам айтаяпман-ку миш-миш деб.

Б л а г о е. Агар бу гап чин бўлганда, очик айтишарди, миш-мишга нима хожат? Ошиқ-мошиқликни пинҳон тутиб бўлмайди-ю, бу уйланиш-ку.

Д р а г а. Миш-миш қаердан чиққан бўлмаса?

Б л а г о е. Иғво-да бу, нима бўларди!.. Министрнинг қизи ўрта яшардан сал нарироқ эканини эшитишган-у, халакит бериш учун...

Д р а г а. Хой, Благое, агар уйлангани рост бўлса борми, мени министр уйдан қувибгина қолмай, озодликдан ҳам махрум этишади-я.

Б л а г о е. Қўйсангиз-чи, уйланганга қаллик кидирармидик?

Д р а г а. Ким иғво қилган бўлмаса?

Б л а г о е. Ҳар хил ғийбатчилар! Куёв бола чиройли, яхши тарбия кўрган, катта олим, рамкага солинган докторлик дипломи бор, келажаги порлоқ, миллионер ўғли. Бундай одамни қайдан топишади. Ҳар хил совчилардан Животанинг боши чиқмай қолди, совчилар қувади, Живота қочади. Животанинг уларга айтадиган гапи битта: “Ё темир йўл министрининг қизи, ё ҳеч ким! Молия министриям, ички ишлар министриям ўтаверсин”.

Д р а г а. Бўлмасам-чи, бошқаларда километрлар йўқ-да.

Б л а г о е. Ана ўша совчилар алаmidан фалончининг ўғли уйланганмиш деб гап тарқатишган.

Д р а г а. Миш-мишлар ёлғон деб чин сўз бера оласизми?

Б л а г о е. Истасангиз, Инжилни ўпиб қасамёд қилишим мумкин.

15

В е л и м и р (*ташқаридан кириб*). Салом! Клара келгани ростми?

Б л а г о е. Рост.

В е л и м и р. Боласи биланми?

Б л а г о е. Ҳа.

В е л и м и р (*чапдаги эшик томон юради*). Қани у?

Б л а г о е. Шу ерда тур, хозир чақириб чиқаман. (*Юради, лекин довдираб тўхтайдди; Драгага.*) Сиз кетасизми?

Д р а г а. Қандай қилиб кетаман, жаноб Живота билан гаплашмасдан-а?

Б л а г о е. Ҳожати йўқ. Мен ўзим ҳаммасини айтиб бераман...

Д р а г а. Эҳтимол, лекин шахсан гаплашганга нима етсин.

Б л а г о е. Мен бунга қарши эмасман, аммо...

В е л и м и р (*тоқатсизланиб*). Илтимос қиламан, жаноб Благое...

Б л а г о е (*чўчиб*). А, ха... (*Чиқади.*)

16

Д р а г а. Сиз жуда бетоқат экансиз, тақсир.

В е л и м и р. Тоқат қолибдими, бу бўлса вайсашдан бўшамайди... (*Шу*

дам эшикда Благое билан Кларани кўради.) Клара!

К л а р а. Милорад!..

(Иккиси югуриб келиб, бир-бирини қучади. Благое югуриб келиб, стол устидаги патнисни олиб, полга ташлайди.)

17

С о й к а. (яшириниб турган хонадан югуриб чиқади, орқасидан эри). Ҳай! Ҳай! Ҳай!

С и м а. Вой! Вой! Вой! Вой!

С о й к а. Куппа кундузи бировнинг хотинини ўпиш!

С и м а. Шарманда!

В е л и м и р (улар пайдо бўлиши билан орқага чекинади). Қанақа одамсизлар?

С о й к а. Менимча, ўзимизни таништиришга фурсат келиб қолар.

В е л и м и р. Жаноб Благое?..

Б л а г о е. Мен буларни танимайман!

В е л и м и р. Ким сизлар?

С о й к а. Ҳозирча биз гувоҳмизки, сиз бировнинг хотинини, тагин ҳамманинг олдида, ўпиб ўтирибсиз. (Драга хонимга.) Хоним афанди, сиз ҳам кўрдингизми?

Д р а г а. Нега кўрмас эканман?

С о й к а (Благоега). Сиз ҳамми, тақсир?

Б л а г о е. Э, ҳа, кўрдим, кўрмадим дея олмайман.

С о й к а. Тўртта гувоҳ етарли, ҳатто керагиданам ортик.

В е л и м и р (ҳаяжонланиб). Хоним афанди, сиз ҳаддан ташқари сурбетсиз!

С о й к а. Ҳали шундайми? Жаноб Сима, буниям ёзиб қўйинг!

В е л и м и р (ниҳоятда асабий). Ёзинг, яна шуни ҳам ёзингки, бировнинг уйида бетамизлик қиляпсиз! Жаноб Благое, рухсат этинг, буларни кўчага улоқтирай!

С о й к а. Оҳо!

С и м а. Ўхў!

Б л а г о е (довдираб). Мен бу ерда хўжайин эмасман.

В е л и м и р (эшикка бориб чақиради). Жаноб Живота, жаноб Живота!

18

(Живота, Славка, Мара, Милорад, Пепик кирадилар)

Ҳ а м м а с и. Нима гап? Нима бўлди?

Ж и в о т а. Ким бақирди?

С о й к а. Бу жаноб бизни сизнинг уйингиздан кўчага улоқтирмоқчи!

В е л и м и р (Пепикни кўриб, эгилиб уни қучоқлайди). Пепик?

(Клара Славка ёнига келиб, унга ниманидир тушунтиради.)

Ж и в о т а. Кимни улоқтиради, нима учун улоқтиради?

С о й к а. Биз Пуанкаре кўчасидаги сотиладиган уй тўғрисида гаплашгани келган эдик. Сиз банд экансиз, нариги хонада кутиб туринглар, дедингиз. Келмадингизми деб бундай эшикнинг тирқишидан шунчаки қараган эдик, шарманда бир воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдик. (Кларани кўрсатиб.) Бу сизнинг келинингиз-а, тўғрими?

Ж и в о т а (хижолатда). Ҳа, шундай десаям бўлади!

Д р а г а (хонанинг тўрида турган бўлади, Живота уни кўрмайди, чўчиб). Қандай? (Яқинлашади.)

С о й к а. Э... шу келинингизни мана бу жаноб кучоқлаб турганини кўриб қолдик...

Ж и в о т а. Вой, қандай даҳшат, қандай бузуклик! Хонадонимга, номимга катта иснод бу! Иснод! Менинг келиним бегона бир киши билан ўпишиб турса-я! Илтимос қиламан, гувоҳ бўлинглар!

С о й к а. О, жонимиз билан!

В е л и м и р (*таажжубда, Мара ва бошқаларга*). Бу қанақаси бўлди?

Д р а г а (*Живота ёнига келиб*). Ушбу манзарани мен ҳам кўрдим. Мени ҳам гувоҳ деб санашингиз мумкин.

Ж и в о т а (*уни кўриб, саросимага тушиб қолади*). Сиз... бу ерда нима килиб юрибсиз?

Д р а г а. Ўз кўзим билан кўрай дедим! Қандай шармандалик! Демак, ўғлингиз чинданам уйланган экан-да?

Ж и в о т а (*ҳижолатда*). Йўқ, у уйланмаган!

Д р а г а. Сиз ҳам, жаноб Благое, Инжилни ўпиб қасам ичишга тайёр эдингиз!

Б л а г о е. Қайдан билай...

Д р а г а. Бу нима деган гап, жаноб Живота?

Ж и в о т а. Ҳеч нима эмас, кўрасиз, ҳеч нимамас.

Д р а г а. Уят!.. Бизни масхара қилмоқчи бўлибсизда-а? Яхши! Аммо менга ва министрға қилган бу ҳазилингиз учун ҳали пушаймон бўласиз!

Ж и в о т а. Қўйсангиз-чи, шошманг ахир, сал оғирроқ бўлинг! Благое, сен тушунтирсанг-чи!

В е л и м и р. Мен сизга тушунтираман, хоним афанди!

Ж и в о т а. Сен индамасанг ҳам бўлади! Хонадонимга иснод келтирдинг, бахтли никоҳни буздинг, энди тушунтиришингга бало борми!

М а р а. Шошма, Живота!

Ж и в о т а. Ўчир овозингни!

Д р а г а. Ўғлингиз, алданган эр бўла туриб бу жанжалга хотиржам қараб турибди-я, қойил!

М и л о р а д (*қулади, елкасини қисиб*). Бу хангома мени қизиқтирмаса нима қилай?

Ж и в о т а. Бу мени қизиқтиради! (*Сойкага*.) Хоним афанди, гувоҳликка ўтишингизни сўрайман. (*Драгага*.) Сиз эса бориб-бориб ўғлимнинг бўйдоқ эканига амин бўласиз.

С о й к а. Нега энди бўйдоқ бўларкан?

Ж и в о т а. Уйланган дедим-ку! Чалғитманглар мени: сизга у уйланган, бу хонимга – бўйдоқ.

Д р а г а. Қандай қилиб? Буни қаранглар-а! Ажаб савдолар.

К л а р а (*хуноби ошиб, Славкага*). Ўтиниб сўрайман, нима гап бўлаяпти ўзи?

С л а в к а. Кўрамиз, тинчланинг!

Д р а г а. Жаноб министрға нима дейман энди?

В е л и м и р. Тушунтириб беринг менга, ўтинаман, нима содир бўлди бу ерда?

С о й к а. Менга ҳам...

Ж и в о т а (*паршон, довдираган, вазиятдан қандай қутилишини билмайди*). Шошманглар ахир! Ҳар томондан таламанглар мени! Ҳаммангиздан ўтинаман... секинроқ! Ҳозир тушунтираман. Гап шундаки... (*Благоега*.) Сен нега менга бақрайиб қараб қолдинг, оғзингни очиб бирон нима дея олмайсанми?

Б л а г о е. Мен нима дейман?

Ж и в о т а. Айтадиган гапинг бўлмаса, нега ҳадеб гапга аралашсан? Ўзим ҳаммасини тушунтириб бераман, сен жим тур, аралашма! Мен нима демокчи эдим?.. Ҳа... *(Сойкага.)* Сизлар Пуанкаре кўчасидаги уй тўғрисида келгансиз. Хўш, яхши уй, айвонли, паркет ётқизилган уч хона, тош печка, хизматкорлар хонаси, ошхона, кирхона ва ҳоказо.

В е л и м и р. Қўйинг бу гапни, сиздан бошқа нарсани сўраяпмиз.

Ж и в о т а. Мендан сен сўрайсанми? Бу ботқоққа тортган ўзингсан-у, яна сўраганинг нимаси!

Д р а г а. Мен сиздан бошқа нарсани сўрадим...

Ж и в о т а. Сизга жавоб бераман. Министр қошига борганингизда, мендан салом айтинг ва шуни қўшиб қўйингки, мен уни беҳад кадрлайман ва хурмат қиламан.

Д р а г а. Буни сиздан ким сўраяпти? Сиз шуни айтинг-чи, мен унга нима деб жавоб қиламан-а?

Ж и в о т а. Сиз унга айтингки... унга айтингки... Благое унга нима десин?

19

(Протич ва Спасоевич хонимлар, икки ўғил бола, икки қиз бола ва бир муаллима кириб келишади. Қизчалардан бирининг қўлида гулдаста)

Ж и в о т а *(бошини ушлаб)*. Вой дод! 9- етимхона!.. Шу етмай турган эди!..

Х о н и м л а р. Биз болалар билан бирга бошқарма кенгаши номидан ва етимлар номидан жаноб доктор Цвийовичга етимхона фойдасига ўқилган маъруза учун ташаккур изҳор қилгани келдик.

Ж и в о т а. Ташаккур, ташаккур.

М и л о р а д *(ёстиқни олади, Славка унинг қўлини ушлайди)*. Қўлимни кўй. Бир урай.

С л а в к а. Худо ҳаққи, бундай қилма!

М у а л л и м а *(гул кўтарган қизчани олдинга чиқариб)*. Бора қол, айт!..

Қ и з ч а *(художўй ҳолатига кириб, декломация бошлайди)*. Ҳазратим!!

Ж и в о т а. Ҳазратим? Бу сенга тегишли бўлса керак, Благое!

М и л о р а д *(Славкага)*. Қўйиб юбор, бир урмасам бўлмайди!

М у а л л и м а. Вой, кечирасиз, бола уялиб, дуо бошлаб қўйди. *(Қизчага.)* Унисини, жонгинам, бошқасини!

Г у л к ў т а р г а н қ и з ч а. Шарафли жаноб олим,

***Саховат, ҳиммат учун
Ташаккур белгиси деб
Қабул этинг гулдаста
Етимхона номидан...***

М у а л л и м а. Шеърни Протич хоним тўқиган.

П р о т и ч. Ҳа, мен.

М и л о р а д. Жуда яхши шеър экан.

М у а л л и м а *(қизчани Милорад томон туртиб)*. Гулдастани шу жанобга бер.

Д р а г а. Мана бу хонимга берилса яхши бўлмасмикин? *(Кларани кўрсатади.)* Жаноб доктор уйланган.

Х о н и м л а р. Уйланган?

Д р а г а. Ҳа, уйланган, шундай эмасми, жаноб Живота?

Ж и в о т а. Нега мени чалғитасиз, бу тўғрида гапиришнинг хожати йўқ.
Д р а г а. Айтишаяпти-ку, уйланган! (*Сойкага.*) Шундайми, хоним афанди?
С о й к а. Албатта, уйланган.

С п а с о е в и ч. Бу қандай бўлди, ахир биз маърузачи – бўйдоқ деб юзтадан ортик билет сотдик-ку.

П р о т и ч. Жаноб Цвийович, нима учун бизга ҳеч нима демадингиз?

Ж и в о т а. Керак бўлмаган жойга нега бошингизни суқасиз, бу ишлар билан егимхонангиз ўртасида қандай умумийлик бор?

М и л о р а д. (*Славкага.*) Шошма, бир туширай! (*Славка қўймайди.*)

Х о н и м л а р. (*Животага.*) Биз суқилганимиз йўғ-у, лекин аниқ бўлгани яхши-да...

Ж и в о т а. Ҳой, сиз, жим бўласизми, йўқми! Мени тинч қўйинг!

Х о н и м л а р. Таксир, биз аёллармиз!

Ж и в о т а. Аёлмисиз, жим ўтиринг! (*Сочларини гижимлаб.*) Эй Худо, жиннихонанинг ўзгинаси-ку бу уй! Нега қараб турибсанлар... Боғланглар мени... Боғланглар мени!.. Бошим ғовлаб кетди, гириллаб айланмоқда, гириллаб айланмоқда!

20

(*Марица ва Райсерни бошлаб киради.*)

Р а й с е р. Саломлар бўлсин!

Ж и в о т а. Марҳамат қилсинлар!..

Р а й с е р (*Благое қошига келиб*). Келишимдан мақсад, таксир, мен сизга шуни маълум қилмоқчи эдимки...

Ж и в о т а (*Райсерга*). Сиз, таксир, қачонгача Белградда тентираб юрасиз? Нега энди Афинага йўлга чиқмайсиз?..

Р а й с е р (*хафа бўлиб*). Битте...

М а р а. Живота!..

Ж и в о т а. Пепик, шўрпешона Пепик, менинг хонадонимни остин-устин қилиб юборганингни ўз кўзинг билан кўрдингми энди?

ПАРДА

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи пардадаги хона

1

(*Марица чап томондаги эшикдан чиқади, қўлидаги патнисда сут юқи қолган стакан ва ҳар хил идишлар.*)

В е л и м и р (*ўрта эшикдан кириб*). Марица, тепадан тушаяпсизми?

М а р и ц а. Ҳа, кичкинтойга сут олиб чиққандим.

В е л и м и р. Хотиним ўша ердами?

М а р и ц а. Жаноб Милораднинг хотинини айтаяпсизми?

В е л и м и р. Барибир. У ўша ердами?

М а р и ц а. Ўша ерда, Славка бекам билан. Мени кечирасизу, келган аёл кимнинг хотинилигига сира ақлим етмаяпти.

В е л и м и р. Славка хонимни чақириб қўйсангиз.

М а р и ц а. Бир ўзиними?
 В е л и м и р. Бир ўзини. Аммо мен чақираётганимни айтманг. Бир жаноб йўқлаяпти десангиз бўлади.
 М а р и ц а. Хўп бўлади! *(Патнисни столга қўйиб, чап томондаги эшикка киради.)*

2

М а р и ц а *(бироздан сўнг қайтиб киради ва патнисни олади)*. У ҳозир келади.

В е л и м и р. Раҳмат сизга, Марица! *(Марица тўрдаги эшикдан чиқиб кетади.)*

С л а в к а *(хонага киради, ҳайрон)*. Ҳали чақирган сизмидингиз?

В е л и м и р. Безовта қилганим учун мендан ўпкаламассиз?

С л а в к а. Йўғ-э, нима учун? Юқорига чиқасизми? У ерда Клара боласи билан.

В е л и м и р. Йўқ, аксинча, мен сиз билан ёлғиз гаплашмоқчиман.

С л а в к а. Сиз Клара билан учрашишдан қочаяпсиз, шекилли?

В е л и м и р. Шунча воқеадан кейин... Клара шу уйга қадам босганидан бошлаб даҳшатда. Воқеадан беҳабар. Ҳеч ким унга тушунтирмаса...

С л а в к а. Буни аввало сиз қилишингиз керак эди.

В е л и м и р. Рост айтасиз, бироқ мен нима деб тушунтиришни билмайман.

Ўзимниям айблашимга тўғри келади.

С л а в к а. Бунинг учун сизда журъат етишмайдими?

В е л и м и р. Ундаймас-у, лекин сиз менга ёрдам берсангиз яхши бўларди.

С л а в к а. Мен қандай ёрдам беришим мумкин?

В е л и м и р. Унга бор гапни айтинг, мени аяб ўтирманг.

С л а в к а. Нега ўзингиз айтолмайсиз?

В е л и м и р. Инсон ўзини ўзи айблар экан, ҳамиша хўрлангандек ҳис қилади, бошқа биров айбласа ҳар ҳолда енгилроқ бўлади.

С л а в к а. Мен сизни нимада айблай?

В е л и м и р. Нимада хоҳласангиз, аяб ўтирманг.

С л а в к а. Қўрқмайсизми, Кларанинг сиздан кўнгли қолиши мумкин?

В е л и м и р. Шундоқ ҳам қолиши тайин.

С л а в к а. Менга бу ноқулай, бироқ зарур экан... Бечора аёлга менинг раҳмим келади.

В е л и м и р. Ташаккур. Мен яхшиси бора қолай.

С л а в к а. Майли, лекин кейин кининг, у мендан қочиб юрибди деб ўйлаши мумкин.

В е л и м и р. Хўп, кейинроқ кираман. Яна бир бор раҳмат сизга! *(Кетади.)*

3

С л а в к а *(чапдаги эшикка)*. Клара, Клара хоним, марҳамат, бу ёққа келинг!

К л а р а *(кириб)*. Мени чақирдингизми?

С л а в к а. Ҳа, сиз билан гаплашмоқчиман. У ерда ойим билан Пепик бор, бу ерда ёлғиз ўзимиз. Ўтириб, бир гаплашайлик...

К л а р а *(уни қучоқлаб)*. Бошим оғрияпти. Эрим қаерда? Кечадан бери мендан ўзини олиб қочиб юрибди.

С л а в к а. Йўқ, у сизни кўришни истайди-ю, бироқ унинг ҳам аҳволи оғир-да.

К л а р а. Нега?

С л а в к а. Сўзларимга кулок беринг, ҳаммасини тушуниб оласиз. *(Пауза.)* Милорад Цвийович – бу уйда шундай деб фақат менинг акамни айтишади – оққўнгил йигит, лекин ўқишни ёқтирмайди. Дадам эса қандай бўлмасин ўғли олий маълумотли ва докторлик дипломига эга бўлишини истади. Бир амаллаб гимназияни тугатган Милорад университетда ўқий олармиди? Дадам шуни ўйлаб, Фрейбург шаҳрига акамнинг ҳужжатлари билан бошқа бир камбағал, бироқ қобилиятли йигитни ўқишга юборган. Энди тушундингизми?

К л а р а *(диққат билан эшитади, ҳақиқатни англагандек бўлади, ҳаяжонланиб ўрнидан туради, бироқ гапиришга мажзоли қолмайди, Славканинг кўзларига тикилади ва ниҳоят, шивирлай бошлайди).* Бу ахир...

С л а в к а. Ҳаяжонланманг, охиригача эшитинг мени.

К л а р а *(бақириб).* Яна нима, нима қолди яна! Эрим мен билан бировнинг номида никоҳдан ўтган экан-да? Мен унинг қонуний хотини эмасман! Нима бу? Мен алданибман! *(Диванга чўкиб, йиғлайди, кейин бошини кўтаради.)*

С л а в к а. Хоним афанди, ўтинаман, тинчланинг.

К л а р а. Мен шармандали алдов қурбониманми?

С л а в к а. Алдов эмас, хоним афанди!

К л а р а. Балки сизда шундайдир, аммо бизда, бутун дунёда бунинг оти – шармандалиқ, макр! Ва у жаноб – оти нима унинг?

С л а в к а. Велимир.

К л а р а. Ва жаноб Велимир – муттаҳам!

С л а в к а. Кечирасиз, у муттаҳам эмас!

К л а р а. Нима?

С л а в к а *(кескинроқ).* Йўқ, у муттаҳам эмас!

К л а р а. Сизнинг тилингизда бошқанинг номидан алдаб никоҳдан ўтган киши нима дейилади?

С л а в к а. Жаноб Велимир сизни алдагани йўқ. Қони кизиб, эсини йўқотиб қўйган бир онда гуноҳ иш қилиб қўйган... ва... сизнинг ор-номусингизни ўйлаган, енгилтаклик қилиб қўйиб таҳқирланиб юрманг деган. Бундай одамни алдоқчи деб бўлмайди!

К л а р а. Ҳамма воқеадан хабардор экансиз, сиз унинг яқин дўсти бўлсангиз керак!

С л а в к а. Биз болаликдан дўстмиз.

К л а р а. Аммо бу уни бунчалиқ ҳимоя қилишга асос бўла олмайди! У мени бир мартамас, икки марта алдаган, ўзини бойнинг ўғли қилиб кўрсатган.

С л а в к а. Унинг ота-онаси бойми, камбағалми – фарқи йўқ, менимча.

К л а р а. Мен бой ота-онанинг ўғлига теккан эдим!

С л а в к а. Тавба, мен сизни, хоним афанди, муҳаббат туфайли турмуш қургансиз, деб ўйлардим.

К л а р а. Муҳаббат ҳам бўлган, албатта. Фақат бизда муҳаббат, бу – тиркичилик, сизда эса – хаёлот, поэзия. Муҳаббат, бу – биринчи бўса эмас, муҳаббат – бир умрга бирга бўлиш, боғланиш демакдир.

С л а в к а. Хоним афанди, муҳаббат бизда қандай бўлса, сиздаям шундай.

К л а р а. Йўқ, камбағаллар ўртасидаги никоҳ – бахтсиз никоҳ. Унинг алдашга ҳаққи йўқ эди! Мен фирибгарга теккан эканман-да. *(Ларзага тушади.)* Никоҳдан ўтганим – фирибгар!

С л а в к а. Қўйинг-ей, хоним афанди!..

К л а р а. Эҳ, дайди! Қашшоқ! Ҳаммаси тамом!..

С л а в к а. Яхши эмас, хоним афанди, бу қадар қуйиб-пишиш ўринсиз. Велимир – камбағал, тўғри, бироқ у камбағалликни, барча қийинчиликларни сабр-тоқат, ақл-фаросат билан енгиб келади. У қарғишга эмас, хурмат-

эхтиромга лойиқ. Унинг қалби, билсангиз, гўдак қалбидай шундай пок, шундай бегуборки... (Славка сўнги сўзларни ҳарорат ва меҳр билан айтади.)

К л а р а (Славканинг сўнги сўзларидан унинг туйғусини сезиб қолиб, кўзларини катта очади). Сиз уни севасизми?

С л а в к а (чўчийди, гўё қўлга тушган хиёнаткордай). Бўлмаган гап.

К л а р а (қатъий, хулоса қилиб). Сиз уни севасиз! (Славка бошини қуйи солганича индамай қолади, фақат қўли билан йўқ ишорасини қилади.) Севасиз... Гапни шундан бошлаш керак эди. Жар ёқасида тургандайман. Отангизга халақит бераяпман, акангизнинг тинчини буздим, сизнинг бахтингизга тўғанокман!

С л а в к а (ийглаб). Мен бундай деганим йўқ! (Диваннинг бир томонига суяниб, ийглашида давом этади.)

К л а р а. Хўш, менинг ўғлим нима бўлади? Ўғлим нима бўлади?.. (Диваннинг иккинчи томонига суяниб, бошини ёстиққа қўйиб ийглай бошлайди.)

4

Ж и в о т а (киради, уларга ажабланиб қараб). Гаплашиб ўтирибсизларми дейман? (Славка ва Клара бошларини кўтаришмайди.) Славка, азизим, ўз хонангга бор, ўша ерда йиғларсан. Кларага айтадиган бир-икки оғиз гапим бор. (Славка ўрнидан туриб, рўмолча билан кўзларини яширганича чиқади.)

5

Ж и в о т а. Клара, мен сен билан гаплашмоқчиман!

К л а р а (ўрнидан туради, ўзини қўлга олиб). Қулоғим сизда!

Ж и в о т а. Биласанми, Клара, мен баъзи нарсаларни сенга тушунтириб беришим зарур. Ҳар қалай, кимнинг хотини эканингни билишинг керак. Сен, масалан, ўз эримнинг хотиниман деб ўйларсан, аслида эса бошқача.

К л а р а. Ҳаммасини биламан.

Ж и в о т а. Агар билсанг, унда иш қай даражада эканини фаҳмлаб тургандирсан, бинобарин, мен сени хиёнат қилди, деб нима учун судга бермоқчи бўлганимни тушунарсан.

К л а р а. Тушунаман ва агар лозим бўлса, сизга ёрдам бераман.

Ж и в о т а. Наҳотки? Раҳмат сенга! Хўш, қандай ёрдам беришинг мумкин?

К л а р а. Фрейбургда, эри кетгач, хуштор орттирган, дейишингиз мумкин.

Ж и в о т а. Оҳо! Зўр-ку, жуда соз! Оти нима эди?

К л а р а. Кимнинг оти?

Ж и в о т а. Ҳалиги хушторингнинг оти-да?

К л а р а. Менда ҳеч қанақа хуштор бўлмаган, лекин зарур бўлса, истаганингизни ёзаверинг. Битга хуштор, иккита, учта...

Ж и в о т а. Шундайликка шундайку-я, агар бўлганда, унинг исмини қандай аташлари мумкин эди?

К л а р а. Э... Барибир, Иоганн Вольфганг Гёте деб атасаям бўлаверади.

Ж и в о т а (ёзади). Жуда яхши, бирдан уч исмни айтганинг ҳам яхши бўлди: биттасини унутсанг иккитаси қолади, иккитасини унутсанг ҳам, биттаси қолади-ку... Сени айблашим учун яна бирон нима айта олмайсанми? Муҳимроқ бир нарса.

К л а р а. Агар керак бўлса, ёзинг, Фрейбургдан Белградга бир бой билан бирга келдим, ўша йўл харажатларимни кўтарди.

Ж и в о т а (завқ билан). Ажойиб! Уни қандай атасак экан?

К л а р а. Билмадим, менга барибир, сербми, руминми...

Ж и в о т а. Румин, дея қолайлик... Титулеску, руминларни яна нима деб аташарди-я... (*Ёзади.*) Кейин сен тониб ўтирмайсанми?

К л а р а. Йўқ, ҳаммасини тан оламан, фақат бу ердан тезроқ жўнасам бўлгани.

Ж и в о т а. Кетасанми?

К л а р а. Ҳа, сизни ортиқча юқдан халос қилиш учун. Кўриб турибманки, барчага халакит бераяпман.

Ж и в о т а. Жуда соз, жуда яхши қиласан. Швейцарияликлар тарбияси менга ҳаммиша хуш ёққан. Сенда ҳам айнан шу тарбияни кўраяпман.

К л а р а. Илтимос қиламан, тақсир, фақат менинг ахволимни тўғри тушунинг: камбағалман, кетишга пулим йўқ. Мен сизга ишонсам бўладими?

Ж и в о т а. Агар истасанг, мен сенга поезддан энг яхши жойни олиб бераман, фақат кетаман десанг бўлгани.

К л а р а. Раҳмат, кетаман.

Ж и в о т а (*ўйланиб*). Кетасан... Кейин нима қиласан у ерда?

К л а р а. Билмадим... Излаб, бирон-бир иш-пиш топиб оларман ўзимга.

Ж и в о т а. Топишга-ку топасан-а, топгунга қадар-чи?

К л а р а. Билмадим...

Ж и в о т а (*ўйланиб*). Менга қара, мен ҳам швейцар тарбиясини олганимни исбот қиламан. Мен ҳалол одамман, шу сабабли сени бир чақага ҳам куйдирмайман. Хатингни олгандаёқ, сенга 20 минг динор бериб, изингга қайтаришга тайёр эдим. Ҳозир ҳам қанча ваъда қилган бўлсам, шунча бераман.

К л а р а. Миннатдорман, мен сиздан фақат йўл харажатига пул сўрадим холос, ўз бахтимни ва боламнинг тақдирини сотмайман. Мен сизни мажбур қилаётганим йўқ!

Ж и в о т а. Худо сақласин-а, мен бундай деганим йўқ. Сен пул сўраяпсан, мен эса бераяпман – шу холос.

К л а р а. Миннатдорман.

Ж и в о т а. Гап бундай бўпти-да. Энди мен адвокатга бориб, шикоят ёзаверсам бўладими?

К л а р а. Бўлади.

Ж и в о т а. Мана бу яхши бўлди, мен кетдим. Агар биров сўраб қолса, тезда қайтади деб айт. (*Чиқади.*)

6

(*Протич хоним билан Спасоевич хоним кириб келади. Клара ҳўнграб йиғлайди.*)

Х о н и м л а р (*бироз сукутдан сўнг, бараварига*). Салом. Кечирасиз, биз хўжайин билан учрашмоқчи эдик.

К л а р а. Ёши биланми?

Х о н и м л а р. Йўқ, қариси билан.

К л а р а. У хозиргина кетди, бироқ тезда қайтади.

Х о н и м л а р. Ундай бўлса биз кутиб турамыз.

С п а с о е в и ч. Кеча бу ерда бўлиб ўтган можаро жамиятимизнинг фавкуллода мажлисида муҳокама қилинди...

П р о т и ч. Жамиятимиз тавба-тазарру қилдиришни бизга топширди.

С п а с о е в и ч. Акс ҳолда биз бошқа воситаларни қўллашга мажбур бўламыз.

П р о т и ч. Чунки бизни ҳақорат қилиш...

С п а с о е в и ч. ...бутун жамиятимизни, 9-етимхонани ҳақорат қилиш демакдир.

П р о т и ч. Умид қиламизки, хоним афанди, сиз бизни тушунарсиз...

К л а р а (*ўзини ҳимоя қилиб*). Мен ҳеч нима билмайман, ҳеч нима тушунмайман.

С п а с о е в и ч. Ахир сиз воқеа рўй берганда шу ерда эдингиз.

К л а р а. Ҳа, шу ерда эдим, бироқ ҳеч нимани англай олмадим. Цвийович билан гаплашаверинглар.

Х о н и м л а р. Ҳа, албатта, биз уни қутамиз.

К л а р а. Марҳамат, мана бу хонага ўтинглар.

Х о н и м л а р. Ташаккур. (*Вайсаганча чиқишади.*) Биз буни фош қилмасак бўлмайди... уни қаранг-а...

7

В е л и м и р (*киради ва Кларани кўриб сесканади*). Клара? Сен шу ердამисан?

К л а р а (*совуқ ва бефарқ*). Демак, сен мени бу ерда учратаман деб ўйламаган экансан-да?

В е л и м и р. Нега бунча дағал? (*Клара жавоб бермайди. Қисқа паузадан сўнг.*) Мен кутмаган эдим, бу тўғри, лекин сени кўрганимдан хурсандман. Сен ва мен қандай вазиятга тушиб қолганимизни тушунтириб беришим лозим.

К л а р а. Бирон ёқимлироқ гап бўлса керак! Фақат бу тушунтирувларни тўрт йил бурун қилганингизда яхшироқ бўларди.

В е л и м и р. Унда бунинг иложи йўқ эди.

К л а р а. Энди эса ортиқча. Мен аллақачон ҳаммасини биламан.

В е л и м и р. Ғоят пушаймонман, ўзим истамаганим ҳолда, сени оғир аҳволга солиб қўйдим... Аммо шуниси аниқки, Клара, сен ҳам, мен ҳам – иккимиз ушбу можаролар қурбони бўлиб ўтирибмиз.

К л а р а. Ҳа, алдов қурбонимиз, алдов муаллифи эса ўзлари.

В е л и м и р (*аччиқланади, қизишади ва сўз оҳангини ўзгартиради*). Йўқ, мен сизни эмас, ўзимни алдаганман.

К л а р а. Ўзингизни оқламанг. Мен сизни бойнинг ўғли эканлигингизга ишонганман.

В е л и м и р. Бойнинг ўғли эмаслигимни билгач, муҳаббатингиздан хафсалангиз пир бўлдими?

К л а р а. Мен ҳеч қачон сизни севмаганман.

В е л и м и р. Очиқ айтганингиз учун ташаккур.

К л а р а. Сизни севмаганман, энди бўлса сиздан нафратланаман. Ора очиқ.

В е л и м и р. Клара, қарорингизни яхшилаб ўйлаб кўрдингизми?

К л а р а. Қарорим қатъий ва сизга ёқади, деб ўйлайман. Болалиқдан бирга ўсган дўстингиз Славка томонидан бу зўр хурсандчилик билан қарши олинади.

В е л и м и р (*тоқатсизланиб*). Клара, жаҳлингиз чиқиб, ўйламасдан гапираяпсиз. Яхшиси, бу гапни кейинга қолдирайлик.

К л а р а. Бу охириги гапим. Бошқаси менга керакмас.

В е л и м и р (*туриб*). Дуруст, яхши қолинг! (*Тез чиқади.*)

8

(*Клара чуқур ўйга чўмиб қолади. Благое киради.*)

Б л а г о е. Салом. Гроссдада уйдаими?

К л а р а. Ҳозиргина адвокатга менинг устимдан шикоят ёздиришга кетди.
Б л а г о е. На илож, шундай қилиш керак! Айбдорлигингни ўзинг ҳам биласан. Очиқчасига бегона эркак билан ўпишганингдан кейин...

К л а р а (*асабий*). У боланинг отаси.

Б л а г о е. У боланга ота бўлса-да, барибир бола бировники. Ҳозирги оталар кўпинча мутлақо бегона одам бўлиб чикмоқда.

К л а р а. Агар мен гуноҳимга иқрор бўлсам сизга кифоями?

Б л а г о е. Кифоя!

К л а р а. У ҳолда мен иқрорман.

Б л а г о е. Животага айтдингми?

К л а р а. Ҳа, айтдим.

Б л а г о е. Жуда соз, энди ҳаммаси жойида бўлади. Сен ташвишланма. Мен сенга ўз қизимдай ҳамма нарсани тахт қиламан, фақат тезроқ сендан кутулсак бўлгани.

К л а р а. Ҳа, шундай қилинг, барака топкур. Энди эса ижозатингиз билан мен борай. Жуда чарчадим, дам олишим керак.

Б л а г о е. Бор, борақол, дамингни ол!

(*Клара чап томонга, ўз хонасига кетади.*)

9

(*Сойка, Сима кирадилар.*)

С о й к а. Салом, жаноб Благое!

Б л а г о е. О, салом, Сойка хоним!

С о й к а. Биз аниқлагани келдик: гувоҳлик кўрсатмаларимизни қуруқроқ қилсакмикан ёки жиндай хўлласакмикан?

Б л а г о е. Қуруғи қандоғ, хўли қандоғ?

С о й к а. Терговда фақат кўрган, эшитганини айтишса – бу қуруқ кўрсатма бўлади. Хўли – бошқача! У ҳолда судда улар кучоқлашди дейиш билан чекланмай, унга унча-мунча кўшамиз. Чунончи, эркак: “Оҳ, жонгинам, мен ортик сенсиз туролмайман!” деган эди, аёл чуқур оҳ ургандай бўлиб: “Оҳ, мен сени шундай зориқиб кутдимки!” – деб жавоб берди, деймиз.

Б л а г о е. Жуда соз! Худди қиссага ўхшайди-я. Бунақа нарсаларни ўзларинг тўқийсизларми?

С о й к а. Ҳа, буюртма берсангиз, бас.

Б л а г о е. Э, ундай бўлса Животани кутайлик, ўзи буюртма берақолсин.

С о й к а. Бўпти, уни кутамиз.

Б л а г о е. Бошқа хонага ўтиб турунглар, тагин Живота билан тил бирик-тираётганингизни кимдир кўриб қолмасин.

С о й к а (*эрига*). Кетдик, жаноб Сима! (*Чиқишади.*)

10

С л а в к а (*чап томондаги эшикдан чиқиб*). Салом, Благое тоға!

Б л а г о е. Салом, жонгинам. Мара ўша ердами? Бир ўзими? Унда гапим бор эди.

С л а в к а. Бир ўзи. Клара нарсаларини йиғиштираяпти! Нима бўлганидан хабарингиз йўқми?

Б л а г о е. Мен қаердан билай? Ҳаммасини отанг билади. (*Чандаги эшикка киради.*)

11

(Славка қўнғироқ чалади. Марица киради.)

М а р и ц а. Лаббай!

С л а в к а. Марица, жаноб Велимир бу ерга келдимиз?

М а р и ц а. Ҳа, у сиз билан гаплашди-ку!

С л а в к а. Ундан кейин-чи?

М а р и ц а. Кейин яна келди.

С л а в к а. Клара хоним билан гаплашдимиз?

М а р и ц а. Ҳа. Улар шу ерда эдилар.

С л а в к а. Шунин билмоқчи эдим. Раҳмат. (Чиқади.)

М а р и ц а. Хизматингизга тайёрман!

12

Д р а г а (кириб). Жаноб Живота уйдаими?

М а р и ц а. Йўқ, чиқиб кетган, бироқ тезда қайтаман деган.

Д р а г а. Уй бекаси-чи?

М а р и ц а. Уйда.

Д р а г а. Драга хоним сиз билан гаплашмоқчи денг.

М а р и ц а (кетмоқчи бўлади). Хўп бўлади!

Д р а г а (ўйлаб). Қўя қолинг, ҳожати йўқ. Яхшиси, жаноб Животанинг ўзини кута қолай. Ёш хўжайин уйдаими?

М а р и ц а. Уям йўқ.

Д р а г а. Унинг хотини-чи?

М а р и ц а. Қанақа хотини?

Д р а г а. Қанақа бўларди, ҳалиги чет элдан келган ёш жувон-чи.

М а р и ц а. Ўша ёш хўжайиннинг хотиними?

Д р а г а. Нима бўлган сизга, наҳотки билмасангиз?

М а р и ц а. Тушунмадим: гоҳ хотини дейишади, гоҳ хотини эмас!

Д р а г а. Қандай қилиб, шу уйда бўлатуриб, нималар бўлаётганини билмасангиз?

М а р и ц а. Билмайман, хоним афанди.

Д р а г а. Ҳеч нимага қулоқ солмадингизми?

М а р и ц а. Йўқ, хоним афанди.

Д р а г а. Эшик тирқишидан ҳам мўраламадингизми?

М а р и ц а. Йўқ, хоним афанди.

Д р а г а. Қанақа оқсочсиз? Хўжайинни шу ерда кутайми?

М а р и ц а. Яхшиси, меҳмонхонада.

Д р а г а. Яхши, қачон келса менга айтинг. (Бошқалар йиғилган хонага киради.)

М а р и ц а. Марҳамат!

13

М и л о р а д (кўчадан кириб). Марица, дадам уйдаими?

М а р и ц а. Йўқ, чиқиб кетган, бироқ тезда қайтаман, деди.

М и л о р а д. Бўпти, боравер.

М а р и ц а. Клара хоним сизни сўраётган эди...

М и л о р а д. Клара хоним? Яхши, унга менинг шу ердалигимни айт.

М а р и ц а. Хўп бўлади. (Кетади.)

14

Р а й с е р (*кириб*). Саломлар бўлсин!
 М и л о р а д. Оҳо, жаноб профессор!
 Р а й с е р. Кечирасиз, мен хайрлашгани келдим. Бугун кечкурун Афинага
 жўнаб кетаман.
 М и л о р а д. Сиз, балки менинг дадамни кўрмоқчидирсиз?
 Р а й с е р. Биласизми, ким кимнинг отаси-ю, ким кимнинг ўғли – тушу-
 нолмай қолдим...
 М и л о р а д. Ҳа, шундай... Ҳозир у уйда эмас.
 Р а й с е р. Мен уни кутиб турсам бўладими?
 М и л о р а д. Марҳамат, анави хонага ўтинг. У ер тинчроқ. Қачон келса,
 мен сизга айтаман.
 Р а й с е р. Барака топинг. (*Меҳмонхонага киради.*)

15

К л а р а (*кириб*). Кечирасиз, мен сиз билан гаплашмоқчи эдим.
 М и л о р а д. Марҳамат, мен сизнинг ихтиёрингиздаман.
 К л а р а. Ташаккур. Қандай вазиятга тушиб қолганимни менга
 тушунтиришди...
 М и л о р а д. Энди сиз, гарчи эрингиз бўлсам ҳам, айбдор эмаслигимни
 биласиз.
 К л а р а. Йўқ, йўқ, мен сизни асло айблаётганим йўқ. Аммо даҳшатли
 аҳволдаман, хорижликман, бегоналар орасида танҳо ўзим, мени ҳимоя
 қиладиган биронта ҳам зот йўқ.
 М и л о р а д. Мен сизнинг томонингиздаман, Клара, агар бу сизга бирон
 таскин беролса.
 К л а р а. Менга таскин беринг, деб учрашганим йўқ. Мен истардимки...
 менга сизнинг маслаҳатингиз керак.
 М и л о р а д. Менинг маслаҳатим? Сиз мендан маслаҳат сўраётган биринчи
 жонзотсиз. (*Ўтиради.*)
 К л а р а. Мен Швейцарияга қайтиб кетишга қарор қилдим. Сизга хиёнатим
 ҳақида ажрашиш учун судда кўрсатма бериш учунгина тўхтаб турибман.
 М и л о р а д. Кейин кетасизми? Хўш, у ерда нима иш қиласиз? Тирикчи-
 лигингиз қандай ўтади?
 К л а р а. Стенографияни, дактилографияни биламан, сизнинг тилингизда
 сўзлаша оламан, балки элчихонангиздан бирон иш топилиб қолар.
 М и л о р а д. Бунинг иложи йўқ. Элчихонада? У ерда министрларнинг
 қариндош-уруғлари-ю дўстларигина хизмат қилишади. Бунақалар бизда
 ачиб-бижиб ётибди. Сизга навбат келиши амримаҳол!
 К л а р а. Отаңгиз олийжаноб одам, менга 20 минг динар ваъда қилди.
 М и л о р а д. Йигирма минг динар? Қизиқ. Бирон маъруза ўқиб беришин-
 гизни талаб қилмасдан-а? Шунақа талаб қўйса, асло рози бўлманг!
 К л а р а. Мен сиз билан бошқа нарса тўғрисида маслаҳатлашмоқчиман.
 Биз ажрашамиз. Ажрашгандан кейин мен ўзимнинг қизлик фамилиямга
 ўтаман, аммо... Пепик... у менинг фамилиямда бўла олмайди. Шу ишда
 маслаҳатингизга муҳтожман.
 М и л о р а д. Рухсатингиз билан аввало сизга бир савол берсам: ажралиш
 билан менинг фамилиямдан халос бўласиз, бироқ ҳақиқий эрингиз билан
 бўлган алоқалар ўз кучида қолаверади. У сизнинг кетишингизга кўнармикан?

К л а р а. Бизнинг алоқамиз мўрт эди, синди-қўйди.
М и л о р а д. Ахир, ҳар ҳолда, ёзувчилар муҳаббат деб атайдиган алоқа бордир?

К л а р а. Бир-биримизга ҳеч қачон севги изҳор қилмаганмиз.

М и л о р а д. Нима бўпти, мен ҳам шундай қиламан, аммо ҳар ҳолда...

К л а р а. Нима демокчи эканингизни биламан, бироқ ҳаммасини тушунтириб ўтиришга вақтим йўқ. Мен тамомила марҳум ойимнинг ихтиёрида бўлганман. У мени унга бойвачча деб эрга берди. Мен ҳам Белградда маликалардай яшайман деб ўйловдим, бироқ...

М и л о р а д (*ўйлаб*). Демак, сиз уни севмайсиз?

К л а р а. Ҳа, бу ҳақда унинг юзига айтдим.

М и л о р а д. Унга?

К л а р а. Ҳа, хозиргина.

16

С о й к а (*эшикни сал очиб, калласини чиқаради*). Кечирасиз мени, жаноб Живота келмадими?

М и л о р а д. Йўқ!

С о й к а. Барака топинг, келса, менга айтинг.

М и л о р а д. Бўлади!

(*Сойка эшикни бекитиб олади.*)

17

М и л о р а д. Демак, сиз ажрашиш учунгина турган экансиз-да?

К л а р а. Ҳа!

М и л о р а д. Ажрашишга рози бўлдингизми?

К л а р а. Сиз шуни истаганингиздан кейин...

М и л о р а д. Мен?

К л а р а. Ажрашиш ишини сиз қўзғагансиз. Отангиз судга шикоят аризаси ёздириб олиш учун адвокатнинг олдига кетди.

М и л о р а д. Мен аризага қўл қўйсамгина, уни судга бериш мумкин.

К л а р а. Қўл қўясиз.

М и л о р а д. Ким сизга айтди?

К л а р а (*хижолат*). Ахир кутулишингиз керак-ку.

М и л о р а д. Нимадан кутулишим керак?

К л а р а. Мендан.

М и л о р а д. Қойил-ей! Менга азоб берибсизмики, мен сиздан қутилсам! Қаердан биласиз, мен кутулмоқчиманми-йўқми?

К л а р а (*ажабланиб*). Тушунмадим.

М и л о р а д. Сиз мени жудаям ўйинчоқ қилиб юбордингиз: мендан сўрамасдан менга тегиб олдингиз, энди бўлса мендан бесўроқ ажрашмоқчисиз.

К л а р а. Сизнинг хоҳишингиз шу.

М и л о р а д. Мен сизга қачон шундай дедим?

К л а р а. Сиз айтмаган бўлсангиз ҳам, отангиз айтди.

М и л о р а д. Нима, дадамга эрга текканмисиз?

К л а р а. Йўқ, аммо...

М и л о р а д. Менга теккансиз, бинобарин, мен қачон хоҳласам, шунда ажрашаман.

К л а р а (*ҳайрон*). Бу нима деганингиз, тақсир, тушунмадим!

М и л о р а д. Бу деганим шуки, сиз менинг хотинимсиз, демак, дадамга эмас, менга итоат қилишингиз керак!

(Клара довдираган, ҳайратланган, ўзини йўқотган бир аҳволда.)

18

Д р а г а *(эшикни очиб, бошини чиқаради)*. Кечирасиз, жаноб Живота келмадимми?

М и л о р а д. Йўк!

Д р а г а. Барака топинг, келса, менга айтинг.

М и л о р а д. Яхши!

(Драга эшикни бекитиб олади.)

19

К л а р а *(ҳайрат, хижолат билан)*. Мени гангитиб қўйдингиз. Гапларингизга тушунолмаяпман.

М и л о р а д. Бўпти, соддароқ қилиб гапираман. Мен кетишингизга рухсат бермайман! Ҳар қалай, эрингизман. Қачон рухсат берсам, шунда марҳамат!

К л а р а. Яна бу нимаси?

М и л о р а д. Бу нимаси? Буни ўзимам билмайман, бироқ шундай бўлади!

К л а р а. Тушунтирсангиз-чи менга!

М и л о р а д. Тушунтиришим қийин. Сизни биринчи марта кўрганимда: “Оҳ, мана буни чиройли аёл деса бўлади”, – деб ўйладим. Лекин мен ҳар гал кўхликкина аёлни кўрсам шундай деб ўрганиб қолганман. Аммо бу сафар бошқачароқ бир нима рўй берди... бир, икки, уч аёлни учратсам-да, биронтаси ҳам ёқмаса бўладими... Менда шу маҳалгача бунақа бўлмасди... Сиз дўстимнинг хотини бўлганингиз учунгина ўзимни жиловлаб тургандим. Ҳозир ўзингиз уни севмайман дедингиз. Шундай экан...

К л а р а. Нималар деяпсиз, тақсир?

М и л о р а д. Мен севги изҳор қилишни билмайман. Негаки, ҳамиша туйғу билан иши йўк аёллар билан ошно бўлганман. Бироқ ҳозир нима деган бўлсам, ҳаммаси рост.

20

С п а с о е в и ч *(эшикдан бош суқиб)*. Кечирасиз... *(Милорадни кўриб қўрққанидан чинқиради ва эшикни ёпиб олади.)*

М и л о р а д. Сиз биринчи аёлсиз, яъни сиз ҳақингизда мана неча кундирки, ўзимга-ўзим “Оҳ, мана буни чиройли аёл деса бўлади!...” – деб такрорлайман. Дадам мени бошқага уйлантирмоқчи, яхшиямки, мен аллақачон уйланганман. Ўтиниб сўрайман сиздан, рози бўлсангиз, мени дадам топган алвасти балосидан кутқарасиз, университет доценти бўлиш даҳмазасидан ҳам омон қоламан.

К л а р а *(узоқ сукутга кетиб, бошини кўтаради)*. Менга қаранг, тақсир, сиз адашяпсиз. Сиз оққўнгиладимсиз, лекин менга сизнинг раҳм-шафқатингиз керак эмас. Аҳволим оғир, тўғри... Аммо менга ачинишларини истамайман.

М и л о р а д. Ачиниш нимаси! Аксинча, биз бир-биримизга кўмаклашамиз. Чинданам сиз менинг хотиним бўлишингизни хоҳлайман. Дарвоқе, хоҳлашнинг нима кераги бор, сиз шундаям менинг хотинимсиз.

К л а р а *(ўрнидан туриб)*. Кечирасиз, тақсирим, бундай қилиш одобдан эмас...

М и л о р а д. Нима учун?

К л а р а. Мен, қароқчи сингари, хонадонингизга кириб, йиллар давомида яратилган барча нарсани остин-устун қилиб юбораман.

М и л о р а д. Менинг ўзим ҳам остин-устун қилмоқчиман. Менга шунча дилсиёҳлик келтирган диплом асоратидан қутулишга қатъий қарор қилдим...

К л а р а. Йўқ, йўқ, тақсир. Қариндош-уруғларингиз мен тўғримда нима деб ўйлашади!

М и л о р а д. Бу ҳақда бош қотириш ўринсиз. Наҳотки сизни Благое тоғамнинг фикри кизиқтирса?

К л а р а. Аммо, тақсир, дафъатан бундай қилиш! Қўрқаман. Яна бир енгилтаклик бўлмасмикан. Шошма-шошарлик билан бир марта турмуш курганим етар, бу шундай тасодифки...

М и л о р а д. Мен учун ҳам тасодиф, аммо оқибати гўзал бўлади!

К л а р а. Йўқ, қўрқаман, чуқур ўйламай гапириб қўйган бўлманг тагин. Яхшиси, яна бир марта ўйлаб кўринг, илтимос. *(Тез чиқиб кетади.)*

21

(Милорад Кларанинг орқасидан узоқ қараб қолади, сўнг ўтиради ва сигарета чекади. Қўлида қоғоз билан Живота кириб келади.)

Ж и в о т а. Қандай яхши-я, шу ерда экансан. Мана ариза, унга қўлингни кўясан – шу билан бу иш ҳам тамом-вассалом.

М и л о р а д. Қанақа ариза?

Ж и в о т а. Ажрашиш ҳақида ариза, адвокат ёзиб берди.

М и л о р а д. Шундай дегин-а, мен ҳам сени кутиб турган эдим, бир иш бор, ундан сен ҳам, мен ҳам ўн минг динордан даромад қиламиз.

Ж и в о т а. Йўғ-ей! Қанақа иш?.. Сен ҳам ўн минг динор ютасанми? Мана энди ота ўғилга ўхшадинг. Албатта, пулни совуришнигина эмас, унча-мунча даромад қилишнинг билиш керак.

М и л о р а д. Шу кундан бошлаб мен даромад қила бошлайман. Мен топган иш юз фоиз фойда беради. Кларага агар у кетишга рози бўлса, йигирма минг ваъда қилгансан, шундайми?

Ж и в о т а. Ҳа, унга унча-мунча бериш керак, бир амаллаб елкадан оширсак бўлгани.

М и л о р а д. Мен ўйлаб топган ишдан сен ҳам, мен ҳам фойда кўрамиз.

Ж и в о т а. Қандай қилиб?

М и л о р а д. Мана бундай! Мен аризага қўл қўймасликка ва Кларани хотиним сифатида олиб қолишга аҳд қилдим. Шундай бўлгач, унга йигирма минг динор беришнинг ҳожати йўқ. Ўн мингини менга бериб, ўн мингини ўзингда қолдирасан. Ана шу тарзда иккаламиз ҳам фойда кўрамиз.

Ж и в о т а *(эсанкираб)*. Шошма-шошма! Алахсираяпсанми, эсинг жойидами ўзи?

М и л о р а д. Эшитдинг-ку, нима деганимни.

Ж и в о т а. Эшитганим йўқ, ҳеч нима эшитганим йўқ!

М и л о р а д. Яхши, тақрорлайман. *(Қаттиқроқ.)* Мен хотинимга мени ташлаб кетишига рухсат бермайман!

Ж и в о т а. Кимнинг хотинига, кўйсанг-чи!

М и л о р а д. Ўз хотинимга.

Ж и в о т а. Қачондан бери хотинли бўлиб қолдинг?

М и л о р а д. Никоҳдан ўтгандан бери.

Ж и в о т а. Хонангга бориб бироз хушингни йиғиб ол-да, жиддийроқ гап қил, агар сен билан гаплашишимни истасанг.

М и л о р а д. Мен жиддий гапираяпман.

Ж и в о т а. Қанақасига жиддий бўлсин, бегонанинг хотинини менинг хотиним деб жар солиб ўтирибсан-ку!

М и л о р а д. Шундай денг-а, демак, у менинг хотиним эмас?

Ж и в о т а. Йўқ, албатта!

М и л о р а д. Ким билан ажрашаман бўлмаса?

Ж и в о т а. Бу бошқа масала. Тентакликни йиғиштир!

М и л о р а д. Менга қара, дада: мен у билан никоҳдан ўтганманми, у менинг хотинимми, мен билан қолади – тамом-вассалом! Энди сенга тушунарлими?

Ж и в о т а. Йўқ, тушунарли эмас!

М и л о р а д. Нимаси тушунарли эмас?

Ж и в о т а. Менга тушунарли эмас, чунки ақлим хиралашди, ақл хиралашаркан, ҳеч нимани тушуниб бўлмайди! Хўш, бу қанақаси бўлди – мен топдим, жон куйдирдим, пул сарф қилдим, энди сен дабдурустан “менинг хотиним” деб ўтирибсан. Ҳой, бунақаси кетмайди, ҳа ўғилгинам, бунақаси кетмайди! Мен бунга рухсат бермайман, тушундингми, рухсат бермайман!

М и л о р а д. Рухсат бермасанг, у ҳолда Кларадан ўзинг ажрашавер, мен эса истамайман!

Ж и в о т а. Оқ қиламан-а сени, эшитаяпсанми, оқ қиламан! Ўйлаб топганингни қара – Клара-ю Пепик! Топганинг шу бўлса, бор ўшалар билан қўшмозор бўл. Ғамингни ҳам ўшалар тортаверсин.

М и л о р а д. Ота хоҳиши шундай экан, шундай бўлади!

Ж и в о т а. Мен сени Худо олдида, одамлар олдида оқ қиламан. Ҳамма бу ёққа келсин, бутун оила олдида сендан юз ўгираман. *(Эшикларни очиб.)* Мара, Мара, ҳаммаларинг бу ёққа келинглар!

22

(Мара, Славка, Благое кириб келишади.)

Ж и в о т а. Келинглар, келинглар, мана бунинг гапини эшитинглар! *(Милорадга.)* Гапир, ўзинг гапир, мен гапирсам, ҳеч ким ишонмайди.

М а р а. Вой Худойим-ей, нималар бўлаяпти бу ерда-а?

Ж и в о т а *(Милорадга)*. Айт уларга!

М и л о р а д. Айтиб бўлдим!

Ж и в о т а. Ўғлинг, Мара, ажрашиш тўғрисидаги аризага қўл кўймасмиш! Клара хотиним, уни олиб қоламан, ҳеч қаерга юбормайман, дейди.

Б л а г о е. Бу ёғи қандоқ бўлди?

М а р а. Шу гап ростми, ўғилгинам?

М и л о р а д. Тўғри. Бемаъни дипломдан кўра, бамаъни хотин менга кўпроқ ёқади, бунинг устига никоҳдан ўтганман, ажрашишимга ҳожат йўқ. Яхши хотиним...

Б л а г о е. Боланг бор...

М и л о р а д. Ҳа. Дадам яхшироқ ўйласа, мен бу билан унга кам деган-да юз минг динор пулни асраб қолаётганимни тушуниб олади. Кларага ваъда қилинган 20 минг динор, тўйга, чўқинтиришга кетадиган харажат ҳамёнда қолади...

Ж и в о т а. Бу ё ақлдан озган, ё бизни калака қиляпти.

М и л о р а д. Калака қиляётганим йўқ, ахир бундан ортиқ сизларга яна нима керак? Хотиним яхши, чиройли ва оққўнгил...

М а р а. Буям тўғри, Живота, Клара чинданам яхши ва камтар келин.

Ж и в о т а. Энди сен қолувдинг! Ўчир овозингни!

Б л а г о е. “Ўчир овозингни”, “жим бўл”дан бошқасини билмайсан, ахир жиддий ўйлаб қараганда, чинданам шуниси ҳар ҳолда яхши бўлиб чиқади-ку. Шундай ҳам роса чалкашиб қолдик.

Ж и в о т а. Сен чалкашаяпсан, миянг суюлган, нима деб валдираётганингни билмаяпсан, Мара ҳам шу – бекорга ака-сингил эмассизлар-да. Ақл-фаросатларинг ҳам бир хил! Сизларга нима бўлди ўзи, жиннимисиз ёки мастмисизлар? Қаерда кўргансизки, министрнинг қизига уйланаман деб турган одам қандайдир бир Кларага уйланса. Министрнинг қизи сеп қилиб кўприклар, тоннелларни олиб келарди, бунинг сепи-чи – Пепик!.. (Марага.) Сен, сен, фақат сен айбдорсан! Эркалаб ўстирдинг. Энди бўлса миясига Кларани Пепиги билан бирга жойлаб қўйибсан! Аммо шуни билиб қўй, у ҳам билиб қўйсин, мен тирик эканман – бунга йўл қўймайман! Тушундингларми? Йўл қўймайман! (Баттарроқ жаҳли чиқади.) Ҳаммангни жиннихонага жўнатаман: (Благоега) сени ҳам – миянг суюлгани, менга бош оғриқ режаларни тузиб берганинг учун, (Марага) сени ҳам – “яхши ва камтар келин” деган гапни тўқиб чиқарганинг учун, бировнинг хотинига эга чиқиб ўтирган одамни ҳам. Ҳаммангни жиннихонага тикаман!.. Тақиқлайман, тушундингларми, тақиқлайман!..

М а р а. Живота, Худо ҳаққи, тинчлан!

Ж и в о т а. Ўзларинг тинчланинглар. Мен ақлдан озсам, кейин тинчийман! Шундай бўлади ҳали, кўрасиз. Мана ҳозирдан бошимда нимадир гумбурляпти!

М а р а. Бор, нариги хонада бироз дамингни ол.

Ж и в о т а. Сизларнинг ёнларингда дам олиб бўладими? Йўқ, мана бу хонанинг калитини бер. (Ўнг томондаги барча келган кишилар йиғилган хонани кўрсатади.)

М а р а. Очиқ.

Ж и в о т а. Очиқлигини биламан, барибир калитни беравер. Ичкаридан бекитиб оламан, токи бирон кимса мени безовта қилмасин. Мени тинч қўйинглар, бўлмаса ақлдан озаман! (Марадан калитни олиб, ўнг томондаги хонага киради; унинг фигони ва меҳмонларнинг гала-зовури эшитилади; қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда у югуриб қайтиб чиқади ва эшикни бекитиб олади.) Ё Тангрим, бу нақ пистирманинг ўзи-ку! (Ўз яқинларига.) Нахотки дадангизга раҳмингиз келмаса? Ахир биласиз-ку, юрагим касал, мени ари уясига тиқишга қандай кўнглинги бўлди!

(Хонадан бақир-чақир эшитилади.)

М а р а. Вой Худойим-ей, Живота, нимага уларни камаб қўйдинг?

Ж и в о т а. Ҳаммаси ўша ерда, чиқса, мени тилка-пора қилади, мени кутқаринглар!..

(Яна тақиллатишади.)

М и л о р а д. Уларнинг устидан қулфлаб қўйиш мумкин эмас. Калитни менга бер!

Ж и в о т а. Ма, улар билан ўзинг гаплашавер, мен истамайман. (Калитни беради ва ҳолдан тойган ҳолда, креслога ўзини ташлайди.)

(Милорад эшикни очади, ҳамма отилиб ичкари киради.)

23

Д р а г а (*боиқалардек ғазаби қайнаган, Животанинг олдига келиб*). Бизни кулфлаб қўйишга нима ҳаққингиз бор! Бу ҳақда кейин гаплашамиз, ҳозир эса мен сизга шуни маълум қиламанки, километрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг!

(*Живота унга маъносиз қарайди, ҳеч нима демайди.*)

Х о н и м л а р (*бирваракайига*). Биз, тақсир, 9-етимхона бошқармаси кенгашининг фавкулудда мажлиси ваколоти билан кечаги воқеа учун сиздан тавба-газарру талаб қилиб келдик.

(*Живота уларга маъносиз тикилади.*)

С п а с о е в и ч. Ҳеч бўлмаганда, сиз биздан кечирим сўрашингиз керак.

П р о т и ч. Ёзма равишда кечирим сўрайсиз.

(*Живота уларга маъносиз тикилади.*)

С о й к а. Мен ва жаноб Сима келувдик, қарасак... ёлғиз ўзингиз билан гаплашиб олишимиз керак. Агар малол келмаса, бошқа хонага ўтсак.

(*Живота бунгаям маъносиз боқади.*)

Р а й с е р. Мен хайрлашгани келувдим, бугун кечкурун Афинага жўнамоқчиман.

(*Живота Райсерга ҳам маъносиз қарайди.*)

Ў н г х о н а д а г и л а р. Аммо, тақсир, сукут сақлаш билан...

Ж и в о т а (*ирғиб туради*). Мендан нима истайсизлар? Бас, ортиқ чидолмайман, мени тинч қўйинглар, ўзимнинг ташвишларим ҳам етиб ортади!

Х о н и м л а р. Бу – сизнинг шахсий ишингиз.

Ж и в о т а. Шахсий ишим? Келинг, сизларга ҳам ошкор бўлақолсин. Ҳаммага айтаман, бутун дунё эшитсин, майли, бу кенг жаҳон мен тортган азоб-укубатлар устидан, ўғлимнинг шармандалиги устидан кулсин, қаҳқаҳ уриб!

М и л о р а д. Дада!..

Ж и в о т а (*қаҳрланиб*). Бутун дунё эшитсин: менинг ўғлим авантюрист, энгилтабиат бир аёлга уйланмоқчи!

(*Умумий ҳайрат.*)

М и л о р а д. Дада, нима деяпсан?

Ж и в о т а. Мен буни исбот қиламан.

М и л о р а д. Исбот қил, айблаётган аёл олдида исбот қил! (*Чандаги эшикка бориб.*) Клара, Клара, келинг бу ёққа!

24

М и л о р а д (*Клара келгач, отасига*). Гапиринг!

Ж и в о т а. Гапираман ҳам! Бу жувондан сўраб кўр, ўзи айтсин, ким у (*чўнтагидаги аризани чиқариб қарайди*) Иоганн Вольфганг Гёте?!

Р а й с е р (*шу номни эшитган заҳоти бошини кўтариб, маъруза ўқигандай сўзлай бошлайди*). Иоганн Вольфганг Гёте – энг машхур немис шоири, беқиёс тасаввур ва чуқур ғоялар эгаси. У Франкфурт шаҳрида 1749 йилда туғилиб, 1832 йилда Веймарда вафот этган. Унинг отаси – кирол маслаҳатчиси Иоганн Каспар Гёте 1710 йилда туғилиб, 1782 йилда вафот этган; онаси – Катерина Элизабет Текстор 1731 йилда туғилиб, 1803 йилда вафот этган. Гёте ўз асарлари билан Веймар герцоги Карл Августонинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган...

Ж и в о т а (*сабр-бардоши тугаб*). Ё Парвардигор, қачон бу гумдон бўларкан! Ўзимнинг бошим ачиб ётибди-ю, бу бўлса менга маъруза ўқиб ўтирибди. Клара, очиғини айт, ўша Иоганни танийсанми, йўқми?

К л а р а. Қандай таний, у мен туғилмасимдан саксон йил бурун ўлган бўлса.

Ж и в о т а. Саксон йил бурун ўлган? Ахир ўзинг айтдинг-ку, Иоганн Вольфганг Гёте билан яқин алоқада бўлганман деб.

М и л о р а д. Менга шу аризага қўл қўй деб ўтирибсанми?

Ж и в о т а. Бўпти, ўлган ўлибди, жойи жаннатда бўлсин, гап тамом. Титулеску-чи? (*Милорадга.*) Ундан сўра-чи. Титулескуси ким экан?

М и л о р а д. Сўраб нима қиламан? Титулеску – руминларнинг ташқи ишлар министри.

Ж и в о т а. Ё Парвардигор, нима бўлди менга ўзи! Бошим айланяпти, кўз ўнгим коронгилашяпти, нафасим бўғилаяпти!

25

(*Велимир киради. Живота уни кўрар экан, йиртқичдай унга ташланиб, томоғидан бўғмоқчи бўлади.*)

Ж и в о т а. Сен, бу ишларга сен сабабчисан, қароқчи! (*Муштини кўтаради; бақир-чақир бошланади.*)

С л а в к а (*юзуриб чиқиб отасининг олдини тўсади ва Велимирни ҳимоя қилади*). Дада, у айбдор эмас!

Ж и в о т а. У айбдор, у! Ҳаммаси учун жавоб беради, шундай қилайки, бир умр эслаб юрсин! (*Велимирга.*) Қалбингни яралайман, билдингми, нақ қалбингни!.. Сен ўйлайсанки, бу сенинг хотининг-а? (*Кларани кўрсатиб.*) Йўқ, азизим, тушингни сувга айт! Бу ўғлимнинг хотини, менинг келиним! Шундай эмасми, Милорад?

(*Умумий тўлганиш.*)

М и л о р а д. Шундай!

Ж и в о т а. Шундай эмасми Клара?

К л а р а (*қаддини ростлаб, ҳаммага бир-бир қарайди ва унинг кўзлари Велимир кўзлари билан учрашгач, қатъий оҳангда*). Шундай! (*Мара билан Животанинг ёнига бориб, уларнинг қўлларини ўпади.*)

(*Умумий ҳайрат.*)

С л а в к а (*Велимирга*). Бардам бўлинг.

Ж и в о т а (*Велимирга*). Ҳа, таъзирингни едингми?

(*Велимир кулиб, елкасини қисади.*)

Б л а г о е. Шундай, яша, Живота! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ж и в о т а (*хўрсиниб*). Таслим бўлдим! Министрнинг ҳам падарига қусур, ҳаммаси тамом! Мен пулга сотилмайдиган нарса йўқ деб ўйлардим, энди кўрдимки, кўп нарсани сотиб олса бўларкан-у, бироқ ақл сотилмас экан!..

М а р а (*Пепикни қўлидан етаклаб олиб келади*). Жуда яхши бўлди, мен айниқса бола учун хурсандман. Нима қиларди, бечора, етти ёт мамлакатда? Кўраяпсанми, қандай ёқимтой, мўмин-қобил бола, кўзичокдай.

Ж и в о т а. Эй, Мара, кўнмай иложимиз йўқ! (*Пепикни қучиб.*) Биз сен билан, неварагинам, ҳали дўстлашиб кетамиз. Ҳамма нарсани сен алғов-далғов қилиб юбординг, эҳтимол, ўзинг тўғриларсан. Балки бобонгнинг сендан омади бордир. (*Уни эркалайди.*) Марица, дипломни йўқот, бирон жойга олиб бориб ташла...

М и л о р а д. Чордоққа!..

Ж и в о т а. Ҳа, чордоққа! Фақат, менга қара, рамкасини бузиб қўйма, яраб қолади! Бир кунмас-бир кун унга ҳақиқий диплом солиб қўямиз. Дипломда катта ҳарфлар билан шундай ёзилган бўлади: “Доктор Пепик Цвийович!”

ПАРДА



МОДЕРНИЗМ

*Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор*

Модернизм Ғарбий Европа адабиётида XIX аср охири ва XX аср бошларида сахнага чиқди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, модернизм – бу замонавий санъат ва адабиётдаги янги услубий таълимот бўлиб, “модерн” (modern) сўзининг ўзи ҳам “янги”, “замонавий” маъноларини англатади. Унинг адабиёт ва санъатда намоён бўлиши асло тасодифий эмасди. Таъкидлаш жоизки, XX аср боши фалсафасида пессимизм, иррационализм ва индивидуализм каби йўналишлар устунлик қила бошлади. Дунёга янгича қараш, ҳар доимгидек, файласуф ва ёзувчилар зиммасига тушди. Машҳур файласуф ва адиб, Нобель мукофоти лауреати (1927) Анри Бергсон (1859–1941) ўзининг психологик-фалсафий назариясида инсон ақлга эмас, балки ички ҳиссиётга таянган ҳолда мушоҳада қила олсагина, ҳодисалар табиатини тушуна олиши мумкинлигини асослаб берди. Яъни, кенг маънода дунёни билиш назариясини тушунишда ва тор маънода бадиий ижоднинг ўзига хос хусусиятларини англашда ақл-идрок эмас, балки ҳис-туйғу катта аҳамият касб этади, деган таълимотни илгари сурди.

XX асрнинг яна бир машҳур файласуфи Зигмунд Фрейд (1856–1939) эса инсонда ҳамма нарса ақл-идрокка бўйсунмайдиган, дея таъкидлаш билан у инсон психологияси – кенг маънода киши онгида объектив воқеаларнинг акс эттирилишидан ҳосил бўладиган руҳий кечинмалар мажмуи бўлса, тор маънода руҳий ҳолатнинг яширин жиҳатлари, кўпчилик билмайдиган кирраларини очиб берди; аниқроғи, кўнгилнинг ноёб сирларини психологик анализнинг универсал схемалари тилига ўтирди, дейиш мумкин. Унинг ҳамкасби ва сафдоши Карл Густав Юнг (1875–1961) бу йўлни давом эттириб, инсон психологиясига “жамоавий онгсизлик” (онг қаъридаги қатлам) тушунчасини киритди. Жамоавий онгсизликнинг ўзига хос хусусияти унинг универсаллиги, яъни ҳаммага бир хил тааллуқлилиги, ҳамма одамлар учун умумий бўлганлигидадир. Юнг фикрича, психика ниманингдир ёки кимнингдир ҳосиласи эмас, аксинча, у бирламчидир ва инсон борлигини аниқлаб берувчи асосий фан ҳисобланади. Жамоавий онгсизлик инсон онгининг бошланғич (дастлабки) ҳолати, унинг ўзига хос хусусияти, барчага баравар тааллуқлилиги, айнан ўхшашлиги ҳамдир. Яъни жамоавий психикани тушуниб етмоқ учун бутун тирик мавжудотнинг бир-бирига айнан ўхшашлик жиҳатларини ҳис қила билмоқ зарур. Шундай экан, дунёни ўрганаётган, тадқиқ қилаётган одам, авваламбор, тадқиқот объектига ўз онг-шуурини, ақл-идроқини, ҳис-туйғуларини кўшиши лозим. Таажжубланарли томони, аслида, илмий ходимлар эмас, балки адабиёт ва санъат аҳли янгича дунёқараш дастурларида туб ўзгаришларни илк бор пайқаб олдилар. Юнг фикрича, бошқаларга қараганда адабиёт ва санъат дарғалари жамоавий онгсизлик оқимидаги жузъий, аммо кўзга ташланавермайдиган

Ўзгаришларни зийраклик билан пайқадилар ва кейинчалик ўз ижодларида буни акс эттирдилар. Айнан ижод аҳлининг ушбу ижобий хислатлари туфайли XX асрнинг янги оқимлари, янги ғоя ва мавзулари, янги тафаккур ва ёндашишлари дастлаб адабиёт ва санъатда, кейинчалик эса илм-фан ва ижтимоий ҳаётда ўз аксини топди. Натижада адабиёт ва санъат аҳли ўз даври руҳини ифода этувчи воситага айланди.

XX аср адабиёти ва санъатидаги йўналишларнинг кўпчилигига, хусусан, экспрессионизм, сюрреализм, “янги роман”, “онг оқими”, “абсурд театри”га шахсдаги шизофрения, яъни ирода ва ихтиёрни намоён қилишнинг сусайиши, психика яхлитлигининг парчаланиб кетиши аломатлари, тушкунлик кайфияти, руҳий ва ҳиссий депрессия ҳолатлари восита объекти тарзида хизмат қилди.

Кўриб турганимиздек, жамоавий онгсизликнинг отилиб юзага чиқиши дастлаб адабиёт ва санъат соҳасида рўй берди. Бу базисда турли-туман ва ранг-баранг оқимлар мажмуи сифатида намоён бўлган модернизм ушбу оқимларнинг бадиий услуби тарзида мустаҳкам ўрин эгаллади. Модернизм адабиётда реал воқеликнинг кескин суръатда ўзгариши ёки ўзгартирилишига кенг йўл очиб берди, кези келганда объектив воқеликни бутунлай рад этди. Бунинг ўрнига у ақл-идроқка асосланмаган ҳолда яратилган дағал ва мантиқсиз, иррационал ва нореал сюжетларга сайқал бериш, уларга гўзаллик, нафосат ва бадиийлик бағишлаш тамойилларига асосланган янги реал воқеликни кашф қилди. Модернизм санъат асарларининг кадр-қимматини ҳаёт билан ҳеч қандай алоқаси йўқ тарзда, ҳаётдан ташқари деб эълон қиларкан: “Санъат санъат учун” шиори унинг байроғига айланди. Бундан ташқари, модернизм тарафдорлари, мазкур услуб ҳомийлари бошқа санъат асарларига, биринчи навбатда, анъанавий санъат асарларига ҳажвий ёки ҳазил тариқасида тақлид қилишга ўтдилар. Юқорида таъкидланганидек, жамоавий онгсизликка мурожаат қилиш, бутун диққат-эътиборни унга қаратиш модернизмнинг асл моҳиятини, туб мазмунини ташкил қилган эди. Демак, ўзига хос бадиий услуб, бутун бир адабий оқим сифатида намоён бўлган модернизм ўзининг майдонга келишида энг аввало декадансга (реал ҳаётдан юз ўгириш, объектив воқеликни рад қилиш, ижтимоий муаммоларни қабул қилмаслик ва ҳоказо), шунингдек, узоқ ва яқин ўтмиш мерос билан узил-кесил алоқасини узган, анъанавий санъатдан йироқ бўлган асарларни яратишга даъват этувчи авангардизмга сажда қилиши жоиздир. Ўз ўрнида авангардизм Ғарбий Европа эстетик назарияларига, яъни санъат ва адабиётдаги нафосат, гўзаллик ва бадиийлик тамойилларига асосланган дунёқарашлар негизида пайдо бўлган эди.

Декаданснинг юзага келиши эса, бутун Европа маданияти тарихида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. XX аср бошида жамият таназзулга юз тутган ҳолатлар, ижтимоий инқироз жараёнлари замонавийликни, айнан бугунги кунни тўғри идрок қилишни, тушуниш ва англашни шакллантирди, инсоний дунёқарашлар ҳамда ҳаётни ҳис этиш имкониятларини юзага чиқарди. Кишилар ақли ҳамда руҳиятида чуқур ва кескин ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар аввало Ғарб шеърлятида (Гийом Аполлинер, Эзра Паунд, Пол Элюар ва бошқалар) ўз аксини топди. Улар биринчи бўлиб нафис лирика тили орқали тобора яқинлашиб келаётган инқирозни, тушкунлик кайфиятини ифода этдилар, ўз онгида унинг аломатларини сездилар.

Декаданс таҳлилини XX аср бошида яратилган реализм руҳидаги проза асарларида ҳам кўриш мумкин эди. Томас Манн қаламига мансуб “Доктор Фаустус”, Максим Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти”, Ромен Роллан-

нинг “Жан-Кристоф” сингари романлари шулар сирасидан бўлиб, ўзларида яхлит ҳолдаги маънавий дунёқарашлар мажмуини мужассамлантирган бўлсалар-да, декаданс каби маънавий ва руҳий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни четда қолдирмасдан, реал тасвирлаб бердилар.

Хуллас, модернизм – умумий дунёқарашга эга бўлган бир қатор адабиёт ва санъат йўналишлари мажмуаси бўлиб, у ҳамма кўникиб қолган, анъанавий тус олган бадий образларнинг айрим ижобий ва салбий хислатларини алоҳида ажратиб таърифлаган ҳолда, қолган жиҳатларни қисмларга бўлиб ташлади. Масалан, санъаткорнинг бевосита образ мазмунига, унинг асл моҳиятига меъеридан ошиқ диққат-эътибор қаратганлиги натурализм номини олди; образнинг фавқулудда бўрттириб тасвирланган ҳолати абстракционизм қонуниятига асос бўлди, жўшқин ва ҳаяжонли ҳис-туйғулар билан тўйинтириб ифодаланганлиги эса экспрессионизмга айланди; ортикча мазмундорлик ва кўп маъноликнинг кашф қилиниши бевосита сюрреализмга тааллуқли бўлиб қолди. Модернизм тарафдорлари ўзлари яшаётган жамиятнинг ибтидоий бетартиблиги, бугунги куннинг чалқаш ва мазмунсизлиги, замонанинг ўта тартибсизлиги, кишилар онгидаги алғов-далғов фикр-хаёллар инсоннинг ёлғизлик ҳис-туйғуси кучайишига, кескинлашувига олиб келди деб ҳисобладилар. Сабаби, тажовузкорлик ва адоват руҳи билан суғорилган воқелик шахсни енгилмасликка, ҳаммавақт ёлиб чиқишга ундайди, ўзгалар унга бас кела олмаслиги, ундан устун бўла олмаслиги, унга кучи етмаслиги билан ожиз бўлиб қоладилар.

Биз ушбу мулоҳазаларимизни мазкур йўналишдаги ижоди билан жаҳон адабиётида муносиб из қолдирган адиба Виржиния Вульфнинг “Миссис Дэллоуэй” романи таҳлилида давом эттирамиз.

XX аср модернизм адабиётининг ёрқин намояндаси Виржиния Вульф (1882–1941) ижодини мунаққидлар уч босқичга ажратадилар. Биринчи босқичда (1915–1922) “Саёҳат” (*The Voyage Out*, 1919), “Тун ва кун” (*Night and Day*, 1919) романлари, “Душанба ва сешанба” (*Monday and Thursday*, 1921) тўпламига кирган ҳикоялар, кўп жиҳатдан адиба ижодининг илк босқичидаги изланишлар натижасига айланган ва импрессионизм руҳидаги услубнинг ўзига хос хусусиятларини синтезлаштирган, қолаверса, кейинги ривожланиш истиқболларини белгилаб берган “Жейкоб хонаси” (*Jacob’s Room*, 1922) романи яратилган. Иккинчи босқич 1920 йиллар ўрталарига тегишли бўлиб, унда Вульф ижодининг чўққиси бўлмиш “Миссис Дэллоуэй” (*Mrs. Dalloway*, 1925) ва “Маёққа” (*To the Lighthouse*, 1927) романлари ёзилган. Учинчи босқичда (1928–1941)да “Орландо” (*Orlando*, 1928), “Тўлқинлар” (*The Waves*, 1931), “Йиллар” (*The Years*, 1937) ва “Актлар орасида” (*Between the Acts*, 1941) романлари дунё юзини кўрган. Бундан ташқари Вульф адабиёт ва рангасвир саънатида бағишланган кўплаб мақолалар ҳам ёзган. Унинг “Оддий ўқувчи” (*The Common Reader*, 1925; 1932) тўплами, аёл ҳуқуқини ҳимоя қилувчи “Шахсий хона” (*A Room of One’s Own*, 1928) эссеси ўз вақтида юксак эътибор қозонган эди. Кейинги эссесида Вульф аёлнинг оила ва жамиятда, фарзандларни тарбиялашдаги роли, дунёни ҳис этиши билан боғлиқ масалалари, замонавий эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар каби муаммоларга эътибор қаратади.

Виржиния Вульф романлари негизида “хаётни”, яъни ҳикоя қилишнинг идеал бадий-эстетик шаклига мос келувчи ибтидони ахтариш ётади. Адиба фикрича, “хаёт” онг, ўлим ва вақт кўринишида намоён бўлади. Ҳар бир асарида муаллиф уларга у ёки бу даражада тўхталиб ўтади. Вульф романлари поэтикаси учун матн “фактура”си, яъни матннинг ассоциатив

алокалар, лирик чекинишлар билан тўйинтирилганлиги, бир неча сюжет чизикларини, импрессионизм руҳидаги турли-туман, кўпинча бир-бирига боғланмаган лавҳа ва парчаларни бир бутун яхлит ҳолга келтирувчи композиция муҳим аҳамият касб этади. Инглиз мунаққидларининг фикрича, ушбу элементлар, айниқса, “Миссис Деллоуэй” романида уйғун бирикма ҳосил қилади.

“Миссис Деллоуэй” романининг яратилишига адибанинг 1923 йил Нью-Йоркда чоп этилган “Миссис Деллоуэй Бонд-стрит кўчасида” ҳикояси сабаб бўлди. Вульф уни романга айлантиришга қарор қиларкан, дастлабки режа бугунги кунда “Миссис Деллоуэй” номи остида машҳур бўлган романга фақат қисман ўхшарди.

Биринчи вариантга кўра, романда ҳажвий оҳанг устунлик қилиши, воқеалар ривожини эса инглиз жамиятининг юқори доира (масалан, персонажлардан бири Буюк Британия бош вазири бўлган)ларида бўлиб ўтиши лозим эди. Иккинчи вариант бўйича, сюжет асосий персонаж, Кларисса Деллоуэйнинг ўзи уюштирган зиёфатда, суиқасд ёки бахтсиз воқеа натижасида унинг ўлими билан яқун топиши назарда тутилганди. Ҳикоя қилишнинг композицион яхлитлиги Лондондаги Биг-Бен соати бонг уриши билан мавзу мустақамланиши лозим эди. Шу сабаб романининг “Соат” деб номланган дастлабки варианты дунёга келади.

Энг сўнгги кўринишида роман “Улисс” поэтикаси таъсиридан далолат берувчи бадиий ифода шаклига эга бўлди. “Миссис Деллоуэй” романидаги воқеалар ривожини июнь ойидаги кунлардан бирида роппа-роса ўн етти соат ичида содир бўлади. Романининг бош қаҳрамони – Кларисса Деллоуэй – юқори табақага мансуб ўрта ёшдаги аёл, Британия парламенти аъзоларидан бирининг турмуш ўртоғи. У юқори мартабали меҳмонларни кутиб олишга тараддуд кўради. Қолган персонажлар зиёфатга таклиф этилган бўлиб, у ёки бу даражада ўз ташвишлари билан банд бўладилар. Биринчи жаҳон уруши ветерани Септимус Уоррен-Смит улардан мустасно. Бу персонаж орқали “ҳеч бир иш қилмаслик, ўта масъулиятсизлик” шиори хусусидаги романга зўравонлик, телбалик, ажал мавзулари сюжети киритилади. Кларисса ва Септимус ҳақидаги ҳикоялар бир чизик бўйлаб, ҳеч қаерда кесишмасдан, ёнма-ён ривожланади.

“Миссис Деллоуэй” романида ҳикоя қилиш, худди “Улисс” даги каби, алоҳида эпизодларга бўлиниб кетади. Уларнинг ҳар бири мустақил ва бир вақтнинг ўзида мураккаб полифоник (кўп овозли) яхлитликнинг ажралмас бир қисмидек намоён бўлади. Эпизодлар ўртасидаги мувозанат, бир-бирига мос келишини сюжет чизиги таъминлайди. Адиба, шунингдек, “онг оқими” ҳикоя қилиш услубидан кенг фойдаланади.

Шунга қарамадан, “Миссис Деллоуэй” романи “Улисс” поэтикаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ дейиш ҳам муайян тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин, негаки Вульф ва Жойс олдида ҳар хил вазифалар туради. Жойс ўз бадиий оламини тенг ҳуқуқлилиқ асосида турли нуқтаи назарларни қамраб олган ҳолатда, маънавий-ахлоқий жиҳатдан нейтрал кўринишда, умумбашарий қадриятлардан холи шаклда қурмоқчи бўлган, десак янглишмаган бўламиз. Вульф эса, аксинча, дунёни намунага айлантириши лозим бўлган шундай бир матнни яратади, яъни бадиий материални маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолашга, умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан “ўлчаш”га интилган. Қайсидир маънода, Вульфга Жойс ижодининг дастлабки босқичида ишлаб чиқилган “эпифания” (юнон. *epiphaneia* – кўриниш, ваҳий) назарияси таъсир кўрсатган. Адиба объектив

вокеликнинг оқувчанлиги, ўзгарувчанлиги, бемаънилигини енгиб ўтишга ҳаракат қиларкан, ижодий куч-шижоат, руҳий уйғоқлик билан унинг ҳақиқий, вақт оқимиға тобе бўлмаган образини яратади.

Зоҳиран, “Миссис Дэллоуэй” романида вокеалар ривожини ва интроспектив (ўз-ўзини кузатиш) сахналар мутаносиб жойлашган, мантикий алмашинади, бетакрор уйғунлик ҳосил қилади. Ёзувчи роман композициясини пухта ишлаб чиқади, ҳар бир қисмини таққослаб, ҳажман бараварлаштиради. Қолаверса ўқувчини айни пайтда қаердалиги, айнан “қайси вақтда ва қайси жойда” эканлиги ҳақида огоҳлантириб туради. Биг-Бен соатининг бонг уриб туришига қараб, ҳар қайси персонаж билан у ёки бу воқеа содир бўлишини чорак соатгача аниқлаш мумкин. Уларнинг “онг оқими” шахси ноаниқ гап доирасидан чиқиб кетмайди, чунки ровий томонидан назорат қилинади. Унинг ҳар бир эпизодда орқа планда туриши “Миссис Дэллоуэй” романи матнини тартибга солади.

Юқорида таъкидланганидек, роман Лондонда яшаётган зодагонлар ҳаётини тасвирловчи олти ёки етти бобдан иборат бўлиши, сюжет чизиқлари эса – миссис Дэллоуэй ўз уйида уюштирган зиёфатда бир нуқтада кесишиши тахмин қилинган эди. Шунингдек, сюжет неқбин руҳда бўлиши кўзда тутилганди. Сақланиб қолган хомаки режалар ва қўлёмалар шундан далолат беради. Лекин ҳикоя қилиш услубига, аниқроғи, аста-секин очилиб келаётган воқеалар баёнига ғамгин ва маъюс оҳанглар ҳам қўшилиб кетади. Муаллиф роман нашрига ёзган сўзбошида изоҳ беришича, бош қаҳрамон Кларисса Дэллоуэй зиёфат давомида ё ўз жонига қасд қилиши, ё ажали билан ўлиши керак эди. Тўғри, кейинчалик дастлабки ниятга қатор ўзгартиришлар киритилди, лекин ўлим васвасасига тушиш мавзуси романда шундайлигича қолди.

Юқорида айтилганидек, Виржиния Вульф романга тузатиш, қўшимчалар киритиб, унинг устида 1922 йилгача ишлайди. Дастлаб асарни “Соат” деб номлаб, “ташқи” ва “ички” вақт оқими ўртасидаги фарқни кўрсатишга уринади. Ғоя қанчалик жозибадор ва эътиборга молик бўлмасин, роман катта қийинчилик билан ёзиларди. Кундалик ва ёзув дафтарларидаги “Миссис Дэллоуэй” романи ҳақидаги қайдлар замонавий адабиёт учун энг муҳим романлардан бирининг яратилиш тарихини кўрсатади. У пухта ишланишига қарамадан, бир маромда ёзилган эмас. Ижодий илҳом, руҳий кўтаринкилик, юксалиш паллалари азоб-уқубатли кунлар, шубҳаланиш ва гумонсираш онлари билан алмашилиб турилган. Гоҳида Вульфга романи осон, тез, санъаткорона ёзаётгандек, гоҳида эса иш умуман силжимамай, бир жойда қотиб қолгандек туюларди. Бу адибани мушкул аҳволга солиб, ноумидлик гирдобига тортарди. Қаттиқ асабийлашишга олиб келган, тинкамадорини қуритган жараён икки йилга чўзилди. Адиба дил изҳорича: “... романи ёзиш иблис билан олишувга тенг бўлапти. Унинг режаси қўлдан чиқиб кетаяпти, лекин бу моҳирона қурилган истехком. Мен матнга содиқ, ёзганимга муносиб бўлишим учун, танамни ёриб чиқишга, ўлиб-тирилиб меҳнат қилишимга тўғри келмоқда”. Таъбир жоиз бўлса, ижодий юксалиш ва ижодий таназзул, фаоллик ва турғунлик алмашинуви яна бир йил, яъни 1924 йил октябригача давом этди. 1925 йилнинг март ойида роман босилиб чиққанида мунаққидларнинг аксарияти уни дурдона асар, дея кўқларга кўтаришди.

Виржиния Вульф ижоди хусусида фикр юритарканмиз, ундаги муҳим бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. “Онг оқими” услуби модернизм руҳидаги ушбу романнинг ўзига хос хусусиятидир. “Онг

окими” (stream of consciousness) атамаси ёзувчилар томонидан америкалик рухшунос олим Уильям Жеймс (1842–1910) нинг “Психология асослари” (1890) асаридан олиниб, ҳар томонлама ўрганилиб, бадий ижодда ҳам мужассамлаштирилди. Ушбу тушунча “янги роман” да, қолаверса, унинг ҳикоя қилиш структурасида инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракати, руҳиятини англаш учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу атама яхлит бадий тафаккур системасидек намоён бўлувчи модернизм учун мустаҳкам пойдевор бўлган XX аср фалсафаси ва психологияси соҳасидаги қатор ғоя, тушунча, фараз, парадокс ва феноменларни ўзида умумлаштирди.

Виржиния Вульф қаҳрамонларнинг фикр юритиш жараёнини, уларнинг ўткинчи ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларини француз адиби Марсель Пруст услубига хос бўлган “онг окими” йўналиши анъаналарини чуқурлаштирди ва кенгайтди. Дарҳақиқат, “Миссис Дэллоуэй” романи – бу Кларисса Дэллоуэй ва Септимус Уоррен-Смитларнинг “онг окими”, уларнинг Биг-Бен соати бонг уриши билан муайян парчаларга бўлинган ҳис-туйғу ва хотираларидир. Таъбир жоиз бўлса, бу роман – қалб овози, инсоннинг ўз-ўзи билан суҳбати, фикр ва туйғуларнинг оқимидир.

Қаҳрамонларнинг аниқ илғаб олинган, батафсил тасвирланган кечинмалари зоҳиран арзимаган бўлиб туюлса-да, руҳиятнинг айни пайтдаги ҳолати муфассал изоҳи (Вульф таъбирича, мавжудлик они) аста-секин нақшинкор кошинга айланади. Бу сержило кошин ўқувчи нигоҳидан сал бўлмаса четда қолаёзган ўзгарувчан тасаввур, фикр парчалари, тасодифий ассоциация, бир лаҳзали таассуротлардан “йиғилади” десак тўғри бўлар. Вульф учун кўз илғамас, яъни ҳис-туйғулардан бўлак ҳеч нима билан ифодалаб бўлмас нарса кадрлидир. Адиба, индивидуал мавжудликнинг иррационал қатламларини очиб бераркан, гўё “ярим йўлда ушлаб олинган” фикрларнинг оқимини тасвирлайди. Муаллиф нутқининг худди баённомага ўхшаш мухтасарлиги ва эҳтироссизлиги – ўқувчини ҳис-туйғу, фикр-мулоҳаза, мушоҳада ва кузатувларнинг шаклсиз дунёси тубигача шўнғиб кетиш таассуротини туғдирувчи роман негизига айланади.

Рус адабиётшуноси Е.Ю.Гениева фикрича, “ташқаридан караганда, сюжет ва фабула асосида ҳикоя қилишнинг йўли сақланиб қолгандек, ҳақиқатда эса – романга айнан воқеаларнинг анъанавий алмашинуви етишмайди. Тўғриси, бу ерда классик роман поэтикаси тушунчасидаги воқеаларнинг ўзи йўқ”.

Ҳикоя қилиш икки сатҳда олиб борилади. Биринчиси воқеа-ҳодисаларни аниқ ифодаламаса-да, зоҳирий, моддий ҳисобланади. Яъни, гуллар сотиб олинади, кўйлакнинг йиртиқ жойи чатилади, серсоя боғдаги хиёбонлар бўйлаб сайр қилинади, беморлар қабул қилинади, сиёсий масалалар муҳокама мазмунига айланади. Меҳмонлар йўлига жонсарак кўз тикилади, пировардида деразадан ташлаб ўз жонига қасд қилинади. Бу ерда серфайз ранглар, хушбўй ҳидлар, серзавк ҳис-туйғулар уйғунлигида Лондон гавдаланади, у кўз ўнгимизда куннинг турли пайтида, турли ёруғликда ажабланарли тарзда топографик аниқликда қад кўтаради. Бу ерда уй тонгги сукунатда “мудраб ётади”, кечкурунги ғала-ғовурга, шовқин-суронга “куч тўплайди”. Бу ерда Биг-Бен соати тўхтовсиз вақтни ўлчаркан, совуққонлик билан шафқатсизларча бонг уриб туради.

Дарҳақиқат, ўқувчи 1923 йил июнь ойининг узун бир кунини қаҳрамонлар билан бирга яшаб ўтади, аммо реал бир вақтда эмас. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг шоҳидига айланиб қолмасдан, ўқувчи, авваламбор, уларнинг қалби, хотираси, руҳияти, тушлари каби “муқаддас қадамжо”га кирган

“айғокчи”га айланади. Романда аксари жимжитлик ҳукмронлик суради; ҳақиқий суҳбат, монолог ва диалог, баҳс-мунозаралар сукунат пардаси ортида – хотирада, ҳаёлда олиб борилади. Бекарор хотира терс, инжиклик билан туткич бермайди, мантиқ қонунларига бўйсунмайди, кўпинча тартиб-қоида, хронологияга қарши “исён кўтаради”. Гарчи Биг-Бен соати милларининг циферблат бўйлаб ҳаракатланиши, мунтазам бонг уриб туриши вақт ўтишини бизга доим эслатиб турса-да, ушбу романда илми нуҷум вақти эмас, балки ички, ассоциатив вақт устун туради. Айнан иккинчи даражали, сюжетга бевосита боғлиқ бўлмаган воқеалар онгда кечиб ўтувчи ички ҳатти-ҳаракатлар учун замин бўлиб хизмат қилади. Реал ҳаётда эса вақт бир воқеани бошқа воқеадан атиги бир неча дақиқа ажратиб туради.

Мазкур романда бош қаҳрамонлар – Лондондаги ҳашаматли уйларнинг бирида яшовчи зодагон аёл, айна пайтда ҳаёлпараст Кларисса Дэллоуэй ва камтарин хизматчи, биринчи жаҳон урушида контузия бўлган Септимус Уоррен-Смит ҳаётидаги атиги бир кун тасвирланади.

Дарҳақиқат, реал вақтни максимал даражада тифизлаштириш – то оний таассуротгача қисқартириш, бир кунгача чегаралаш – модернистик роман учун хосдир. Бу усул реалистик романдаги вақт категорияси билан анъанавий тарзда фойдаланиш усулидан кескин фарқ қилади. Боиси, реализм йўналишида XX аср бошида машҳур инглиз адиби Жон Голсуорси (1867–1933) қаламига мансуб “Форсайтлар ҳақида сага” (The Forsyte Saga, 1906–1927) эпопеясига ўхшаган кўп жилдли “оилавий хроника” жанридаги романлар етакчилик қила бошлади. Реализм тамойилларига асосланган анъанавий ҳикоя услубида инсон вақт оқимиға тобе қиёфада намоён бўлади; модернизм тамойилларига асосланган ҳикоя қилиш услубида эса, аксинча, инсон руҳий кечинмаларини қисқа вақт оқимида тасвирлаш устунлик қилади, десак тўғри бўлади. Нуқтаи назар алмашинуви, кескин ўзгариши, мунтазам янгиланиб туриши – модернистик романда кўп қўлланиладиган услубдир. Онг оқими, битта инсон ҳаёти билан таққослаганда, анча кенг қирғоқлар бўйлаб оқади, у кўп инсонларни ўзи билан оқизиб кетади, индивидуал бетакрор таассуротдан дунёнинг анча объектив манзарасигача йўл очиб беради, кенг сахнада ижро этилаётган воқеалар ривожини бир нечта камералардан олиб бориладиган яхлит картина сифатида сурагга олади. Шу билан бирга муаллиф режиссёр каби сахна ортида қолишни афзал кўради.

Баъзи адабиётшунослар Вульфнинг мазкур романида “мавҳум уй бекаси”га махлиё бўлишни пайқаб олганлар. Уларнинг фикрича, бундай аёл фақат куюқ зиёфат уюштиришни эмас, балки уйдагилар ўртасида вужудга келган тушунмовчилик, совуқчилик, адоват каби салбий хислатлардан уларни фориг этиш, уй ичида соғлом муҳит ўрнатишни билгувчи доно аёл, айна пайтда жамиятда инсонлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш қобилияти эгаси ҳам бўлиши лозим.

Ушбу романнинг яна бир муҳим эстетик хусусияти – замонавий ҳаёт дунёни қанчалик таниб бўлмас даражада ўзгартирганлигини чуқур ҳис этишдир. Виржиния Вульф аристократларга хос яшаш тарзини батафсил тасвирлашга катта аҳамият берган; у “мустаҳкам ва ўзгармас” кадриятларни улуғлаган, унга снобизм ҳам бегона бўлмаган. Бироқ адиба, ўзи яратган эркак қаҳрамонларидан фарқли ўларок, бунга бошқача муносабатда бўлган. Вульф ушбу “қатъий низом-қоида, ўзгармас қонуният”ларда қандайдир бир “метафизик ғоя ва принципларга асосланган ҳамжамият”ни кашф этган. Бу, унинг сўзларига қараганда, аёл нуқтаи назаридан инкишоф этилган дунё эди. Ва, бу дунё, ўз ўрнида, Виржиния Вульф учун ҳам, Кларисса

Деллоуэй учун ҳам муайян эстетик яхлитликка, қолаверса, ўз гўзаллиги ва тароватига эга бўлган.

Айтишимиз мумкинки, бу романда қаҳрамонлар сиймоси онг оқида бир-бирига уланиб, кўшилиб кетади – ушбу услуб замонавий роман учун муҳим аҳамият касб эта бошлайди ва Виржиния Вульф ҳақли равишда уни кашф этган ёзувчилардан бири ҳисобланади. Мавзулар улкан шаҳар ҳаётини тасвирлаш ҳисобига чигаллашиб кетади, қаҳрамонларнинг йўллари тасодифан кесишиб ўтиши яхлит мураккаб нақшни ҳосил қилади.

Виржиния Вульфнинг ушбу романи замонавий ҳаётнинг беқарорлиги ва ўзгарувчанлигидан, олдинги кадриятлар заволи топганлигидан, уларнинг ўрнига ғайриинсоний ва ғайриахлоқий, сунъий ва сохта кадриятлар келганидан кўп азият чеккан “йўқотилган авлод”нинг орзуларини, азалий ва абадий интилишларини тушуниш йўлида бўлган яна бир ҳаракатдир.

Хуллас, импрессионизм руҳидаги “Миссис Деллоуэй” романи ўткинчи ҳис-туйғу, ички кечинмаларни тасвирлаш билан банд, оний таассурот ва ўзгарувчан руҳий ҳолатни батафсил ёритиш билан машғул бўлиб, хотиралар гирдобидан чиқиб кетолмайди. Бироқ онг оқидаги шўнғиб, роман ҳаёт оқидаги ғала-ғовурини, шовқин-суронини мужассам эта олган. Бу шиддатли оқим инсонни Ҳаётнинг муқаррар чегарасига элтиб қўяди. Азалу абад ҳақидаги ўй-фикр ҳаётнинг таассуротларнинг онийлигини аниқ-равшан кўришга, тушунишга замин яратади. Азалу абад Меъмори инсонга умрини ўлчаб берганини англаб етишга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Англия адабиётида модернист ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Виржиния Вульф машҳур ўтмишдошлари ва устозлари ҳисобланган Лоренс Стерн, Жейн Остин, Марсель Пруст, Жеймс Жойс каби ёзувчиларнинг бадиий-эстетик меросини, таъбир жоиз бўлса, ўнгитларини қайта англаб, тубдан ўзгартириб, қолаверса, бошқа бадиий шаклга ўтказиб, янги мазмун билан тўлдираркан, ўз ортидан эргашган ёзувчиларга бир қатор тасвирий-ифодавий воситалар, усул ва маҳорат йўллари қолдирди. Адибанинг ижодий лабораторияси ва услубий ўзига хослигини ўзбек китобхонларига янада яқинроқ таништириш учун унинг “Шоҳона боғ” ҳикояси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Виржиния ВУЛЬФ

ШОҲОНА БОҒ

Ҳикоя

*Рус тилидан
Эшқобил ВАЛИ
таржимаси*

Гул экилган узун уватдан юздан ортиқ гул поячалари – шундай ер юза-сида – юрак ёки тугилган тилчадек барг елпиғичсимон бўй чўзиб очилиб ётар ва гулкосалар куноқ рангдор доғлар билан қопланган алвон, мовий, сариқ барглари кўз-кўз қиларди; косаси тубидаги алвон, мовий, сариқ қоронғилиқдан қаттиқ, тилла ранг чангдан сал дағал ва учи тўмтоқ, тўппа-тўғри новда чўзилганди. Барглари енгил сабони сезиш даражасида анчайин йирик эди ва улар товланганида кўнғир тусдаги заминга ақл бовар қилмас

ёлкин сочиб алвон, мовий ва сарик учқунлар бир-бирларини маҳв этишарди. Бўёқлар гоҳ қайроқтошларнинг силлиқ елкачасига, гоҳ чиғаноқларнинг ўйноқи қирмизи айри қопқоқларига тушарди; ёки тўсатдан ёмғир томчиларига араллашиб, алвон, мовий ҳамда сарик рангнинг тошқинидай шунақа портлардики, гўё юпқа сув деворлари дош беролмайдиган ва парчаланиб кетадигандек туюларди. Бироқ бир лаҳзада томчи яна кумушсимон кул ранг тус олар, ранглар эса энди бўлиқ баргда ястаниб, чуқур бекинган томирларни кўз-кўз қиларди-да яна учиб бориб сояда юрак ёки тугилган тилча шаклида яшил кенгликларда нур таратарди. Сўнгра шамолнинг кучлироқ оқими учиб келгач, юқорилаётган рангли олов Қироллик ботаника боғи бўйлаб июлда сайр қилиб юрган аёл ва эркакнинг кўзларига жо бўларди.

Бу эркак ва аёлнинг таналари гул увати ёнида айлана бўйлаб қандайдир бетартиб ҳаракат қилар, худди ҳайратомуз қингир-қийшиқ парвоз қилиб кўлмақдан кўлмақчага учиб ўтаётган оқ-мовий капалакни ёдга соларди. Эркак сал олдинроқда бемалол, бепарво қадам ташларди; аёл аниқ ният билан қадам босар ва фақат баъзан болалар жуда ҳам ортда қолмаганлигини кузатиш учун бурилиб қарарди. Эркак, ўзи билмаган ҳолда, олдинда борарди: у тинчгина ўйлаб олишни мақсад қилганди. “Ўн беш йил олдин мен Лилини шу ерга олиб келгандим, – ўйларди у. – Биз қаердадир кўл бўйида ўтирардик ва мен ундан рафикам бўлишини ёлвориб сўрадим, ҳаво ҳам ниҳоятда иссиқ эди. Бошимиз устида тинимсиз бир ниначи айланарди, ўша ниначини ва яна тўртбурчак кумуш тўғнағич қадалган пойабзални жуда яхши эслайман. Мен ҳали гапирар эканман, нуқул ўша пойабзални кузатардим ва қимтиниб, кўзларини ердан узмасдан нима деб жавоб беришини билардим; гўё у бутун борлиғи билан пойабзалда мужассам эди. Менинг муҳаббатим, эҳтиросим эса ниначига айланганди; мен нимагадир агар ниначи ана у ерга, ҳов ўша кенг, ўртасида қизил гули бор баргга, фақат ўша баргга қўнса, Лили бирдан шундай жавоб беради деб ўйлардим: “Ҳа”. Бироқ ниначи айлангани айланган эди; у ҳеч ерга қўнмади ҳам – ҳа, албатта, шунисиға ҳам шуқур, бўлмасам мен ҳозир бу жойларда Элиноҳ ва болаларим билан айланиб юрган бўлармидим?”

– Айт-чи, Элиноҳ, сен ўтмиш тўғрисида ҳеч ўйлайсанми?

– Буни нега сўраб қолдинг, Саймон?

– Чунки мен ҳозир ўтмиш тўғрисида ўйлаб қолдим. Мен Лили ҳақда ўйлагандим... Нега жим бўлиб қолдинг? Менинг ўтмиш тўғрисидаги хаёлларим сени ранжитяптими?

– Мен нега ранжишим керак экан, Саймон? Ахир ҳар қандай одам ҳам боғда ўтмиш ҳақда ўйланиб қолмайдими? Ахир улар бизнинг ўтмишимиз эмасми, ҳаммаси эмас, ундан нималар қолган бўлса, бу эркак ва аёллар, дарахт тағидаги шу шарпалар... бизнинг бахтимиз, бизнинг ҳаётимиз эмасми?

– Мен учун бахт – кумуш тўғнағичли пойабзал ва ниначи эди.

– Мен учун эса – бўса. Тасаввур қилгин-а, олтита жажжи қизалоқ мольберт олдида турибди, йигирма йил бурун, кўл қирғоғи ва сув нилуфарларини чизишмоқда, мен ўшанда илк марта қизил сув нилуфарларини кўрганман. Ва шунда тўсатдан бўйнимнинг мана бу еридан, ортимдан биров бўса олди. Кейин кун бўйи кўлларим титради, мен чиза олмасдим. Мен соатни олиб бўса ҳақда ўйлашим учун вақт белгилардим, фақат беш дақиқа – у шунчалик бебаҳо эди, бурнида холи бор оқсоч қариянинг бўсаси, бутун ҳаётим давомида мен учун барча бўсалардан қадрли... Тезроқ, Кэролайн, тезроқ, Хьюберт.

Улар гулхонадан ўтишди ва йўлда давом этишди, энди тўрталаси бирга эди ва тезда дарахтлар орасида, соя билан навбат алмашиб, шошилмасдан

уларнинг елкаларидан сузиб ўтаётган улкан ва қалтироқ ёруғлик доғлари орасида, майдалашиб, ярим шарпага айланишди.

Чўзинчоқ гулхонада бир неча дақиқа аввал қопқоғи алвон, мовий ва сарик рангларга бўялган шилликкурт билинар-билинемас қопқоғида қимирлаб, кийинчилик билан идраган тупроқ бўлаклари узра ҳаракатга тушди, кесакчалар ажралиб пастга думалади. Унинг олдида, кўринишича, аниқ мақсад турарди, бу уни ажабтовур, йирик ва бурчаксимон яшил ҳашаротдан фарқларди; ҳашарот олдинга ҳаракат қилиб кўрди, кейин бир лахза худди ўйга толгандек мўйлабларини титратиб қотиб турди ва кутилмаганда яна жадал ва тушунарсиз тарзда ортга қайтди. Яшил кўлларнинг тубсиз чуқурликлари узра кўнғир қоялар, илдизларидан учларига қадар тебранган ханжар каби силлик дарахтлар, думалок кулранг харсанглар, нозик, шитирлайдиган матонинг улкан ғижим ўрами – барча-барчаси шилликкуртнинг бир поядан бошқа поягача бўлган қутлуғ орзуси йўлида зоҳир эди. У чодир бўлиб букилган қуруқ барғни айланиб ўтиш ёки забт этиш тўғрисида бир қарорга келиб улгурмасидан гулхона ёнида одамларнинг қадам товуши эшитилди.

Бу сафар иккаласи ҳам эркак эди. Ёшроғининг юзи ҳаддан зиёд хотиржам кўринарди; у ҳамроҳи гапирётганда олдинга жуда ишонч билан тик боқарди, аммо суҳбат тугаши билан яна кўзларини ерга қадар ва баъзан узок сукутдан сўнг жавоб бериб қолар, баъзида эса умуман сўз қотмасди. Катта ёшдагиси эса тушунарсиз кескин ва бетартиб қадам ташларди: у кўлларини олдинга пахса қилиб, худди арава тиркалган, остонада кутишдан зериккан тоқати йўк от каби бошини кескин силкитарди; фақат унинг бу ҳаракатлари ишончсиз ва мақсадсиз эди. У деярли тўхтовсиз гапирарди; ўзига ўзи жилмайиб сўзида давом этарди, гўё кулги сўзларига жавоб бўларди. У руҳлар – марҳумларнинг руҳлари ҳақида гапирарди, унинг гапига қараганда, ҳозир ҳам руҳлар унга жаннатдаги сирли ҳаёт тўғрисида сўзлаб беришаркан.

– Авваллари, Уильям, Фессалия жаннат ҳисобланган, эндиликда эса, урушдан сўнг, руҳоний бир модда яшин чақинидек тоғларда изғийди. – У тўхтаб нимагадир кулоқ солди, жилмайди, бош сикитгач, давом этди: – Кичкина электр батареясини ва симларини изоляциялаш учун озроқ резина оласан... симми... ўрамми... ҳай, майли, бу майда-чуйдалар, улар ҳақда гапиришдан нима фойда, биров тушунармиди, қисқаси, бу механизмни қулай тарзда тўшагининг бош тарафига қўясан, масалан, нафис локланган жавонга. Ишчилар қандай ўрнатишни ўзлари билишади, мен айтиб тураман ва шунда бева аёл қулоғига тутади ва келишилган тарзда белгилар билан руҳни чақиради. Аёллар! Бевалар! Қора кийган аёллар...

Шу ерда, сезилишича, у узокроқда соя туфайли кизил-қора кўринаётган аёллар кўйлагини кўриб қолди. У шляпасини ечиб, кўлини кўксига босди ва гўлдираб, кўлларини силкиганча хонимга қараб талпинди. Аммо Уильям уни енгларидан тутиб қолди ва ҳассасининг учи билан хаёлларини бўлиш учун гулни ниқтаб кўрсатди. Қандайдир серташвиш ҳолатда қария гулга тикилди ва энгашиб уни тинглаган бўлди, сўнгра эшитганларига жавоб бераётгандай ўзи юз йиллар илгари Европанинг энг дилбар аёли ҳамроҳлигида саёҳат қилган Уругвай ўрмонлари ҳақида ҳикоя қила бошлади. Унинг шам каби мулоим тропик атиргул барглари билан қопланган Уругвай ўрмонлари, булбуллар ва қумлоқ қирғоқлар, сув парилари ва сувга чўккан гўзаллар тўғрисида лакиллаши узок эшитилиб турди, қарияни узокларга бошлар экан, Уильям кўзларида сабр-бардош ва андух акс этарди.

Уларнинг ортида – шунчалик яқин эдики, ҳатто қариянинг кўл ҳаракатлари

ажабтовур туюлиши мумкин эди, – иккита кекса аёл борарди, кўринишдан улар бадавлат эмасди, бири тўлача ва оғиркарвон, иккинчиси серҳаракат ва қип-қизил. Мия чайқалганлигини англагувчи жиннилик аломатлари, айниқса, давлатмандларда кузатиладигани, бундайлар учун ниҳоятда қизик ва жозибадор эди; бироқ қария эркакнинг шунчаки жинни ёхуд бутунлай ақлдан озганлигини аниқлаш учун масофа узоқлик қилди, улар узоқлашиб бўлганди. Дикқат билан қариянинг елкаларига разм солишиб, кейин айё-рона кўз уриштириб, аёллар тушунарсиз сўзлардан ўзларининг мураккаб суҳбатларини ташкил этишди:

– Хел, Берт, Лот, Сесс, Фил, ота, у гапиряпти, мен гапиряпман, у эса, мен эса, мен эса...

– Менинг акам Берт эса, опа, Билл, бува, қария, шакар,

Шакар, ун, дудланган балиқ, кўкат,

Шакар, шакар, шакар.

Тўлача аёл айқаш-уйқаш сўз оқими орасидан совуқ ердан тўппа-тўғри ва мағрур кўтарилаётган гулларга боқар ва унинг қиёфасида хайрат зоҳир эди. Бу гуллар унинг кўзларига зўрға оғир уйқудан уйғонган одамга ёруғликни янгича, ғайритабиий тарзда акс эттираётган мис шамдон қандай кўринса, шундай кўринарди; инсон кўзини юмиб очади ва яна мис шамдонни кўради ва шунда тўлиқ уйғонади ҳамда шамдонга кўзларини юммасдан бор кучи билан тикилади. Вазмин аёл ҳам шу тарзда чўзинчоқ гулхона олдида тўхтаб, ҳатто ўзини тинглаётганга ҳам солиб ўтирмади. Сўзлар четлаб ўтар, аёл эса олдинга, орқага чайқалганча гулларга тикиларди. Кейин аёл қулай жой топиб чой ичишса яхши бўлишини таъкидлади.

Шиллиққурт қуруқ барғни айланиб ёки ошиб ўтмасдан мақсадга эришишининг барча йўллари йўлаб кўрди. Унинг устига чиқишни гапириб ўтирмаса ҳам бўларди, шиллиққурт шохи тегар-тегмас қисирлаб, хавфли тарзда пирпирайдиган юпқа қобиқ унинг вазнини кўтаришига шубҳа билан қарарди; ушбу фикрлар ниҳоят уни барг тагидан эмаклаб ўтишга ундади, чунки бир жойида барг шунчалик букилган эдики, қулай кириш йўли пайдо бўлганди. У бошини ичкари суқиб, баланд малла томни синчиклаб ўрганди, аста-секинлик билан оқшомнинг малла тусдаги совуғига кўникиш ҳосил қилди, худди шу пайт ташқаридаги ўтлоқдан икки киши ўтиб қолди. Бу сафарларнинг иккаласи ҳам ёш эди. Улар бахтли ўсмирликнинг нозик қирмизи ғунча таранг қобиғини ёриб чиқмаган, капалак қанотлари ўсиб чиққан бўлса-да, аммо қимирламасдан куёшда ярқирайдиган ёшда эдилар.

– Яхшиямки, бугун жума эмас, – эслатди йигит.

– Нега энди? Сен нима, иримчимисан?

– Жума кунлари кириш ҳақи ярим шиллинг бўлади.

– Хўш, нима бўпти? Ахир бу ярим шиллингга арзимайдими?

– “Бу” нима – нимани англатади “бу”?

– Хўш... ҳаммаси... умуман, сен тушунасан.

Бу ибораларнинг ҳар бири ортидан узоқ сукунат чўқарди; улар маънодан холи эди. Иккаласи гул уватнинг чеккасида тўхтаб, қизнинг ерга чуқур ботган соябонига таянишган эди. Уларнинг бундай туриши ва йигитнинг қўли киз қўллари сикиб туриши, хайратомуз тарзда уларнинг ҳис-туйғуларини ифодалайди ва ҳеч нарсани англамайдиган бу қиска ибораларда ҳам нималардир тажассумланган эди; бу сўзларнинг қанотлари калта эди – улар мазмуннинг оғир юқини узоққа олиб бориша олмасди ва шу сабабли улар яқин-атрофдаги ўрганиш бўлиб қолган буюмларга қалтис кўнишарди, бироқ

уларга илк бора, тажрибасизларча тегишлари қанчалик муҳим туюлади! Ва ким билади (ўйлашарди йигит ва қиз биргалиқда соябонни чангаллашиб), қандай тубсизликлар беркинган, эҳтимол, улар ортида, қандай музликлар бошқа тарафда, қуёшда ярқираб турибди? Ким билади? Ким уни кўрган? Ҳатто қиз Қироллик боғида чой қай тарзда берилишини сўраганида ҳам, йигит унинг сўзлари ортида туманда улкан ва сирли тасвирилар осифлигини ҳис қилди ва жуда секинлик билан туман тарқади ва кўзга ташланди – о, маъбудлар, бу қандай тасвир бўлди? – оппоқ-оппоқ столлар ва дастлаб қизга, кейин йигитга термилаётган официант қизлар; яна йигит асл икки шиллинглик танга билан тўлайдиган ҳисоб-китоб, бунинг барчаси ҳақиқат, барчаси чиндан содир бўлмоқда, деб ўзини ишонтирмоқчи бўлди йигит ва чўнтақларидан танга ахтара бошлади, бошқалар учун ростакамига, фақат иккаласи учун эмас; ҳатто йигитга ҳам бу ҳақиқат бўлиб туюла бошлади; кейин эса... бироқ йўқ, энди туравериш ва ўйлашнинг имконияти йўқ ва у соябонни ердан кескин юлқиб олди, у одамлар қатори тезроқ чой ичиладиган жойни излаб топишга интиқ эди.

– Кетдик, Трисси, чой пайти бўлди.

– Аммо чой ичадиган жой қаерда? – сўради қиз ҳаяжондан овози титраб, атрофга беписанд назар ташлаганча, яшил йўлак бўйлаб, соябон учларини ўтларга теккизганча, чойни унутиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа чоғланиб, орхидеяларни, гулзордаги турналарни ҳам, тожибор қизғиш қушчани ҳам эслаганча аланглаб, илгарилади, бироқ уни йигит бошлаб борарди.

Шу тарзда, мақсадсиз ва тартибсиз ягона ҳаракат измига бўйсуниб, жуфтлик ортидан жуфтлик гулхона олдидан ўтар ва аста-секин яшил-мовийсимон уфққа сингиб кетаверарди; уларнинг таналари дастлаб моддий, ёрқин буёқларда бўларди, аммо кейин рангсиз ва шарпасимон тус олар ва охирда бутунлай яшил-мовий тутунга сингиб кетарди. Жуда иссиқ эди! Шунчалик иссиқ эдики, ҳатто зағча гуллар соясида худди ўйинчоқ қушдай сакрарди, икки сакрагач, узоқ тўхтаб қоларди; оқ капалаклар гулхоналар ўртасида учмасдан, турган жойларида бир-бирларидан сакраб ўйнаб кўйишарди, натижада йирик гуллардан оппоқ сув ирмоғи ўйноқлаб тушиши синдириб ташланган мрамор устун парчаларига ўхшарди; лимонхонанинг ойнаванд томи гўё қуёш барқ уриб турган майдонда кўзни қамаштирадиган юзлаб яшил соябон очилгандек ярқиради; самолётнинг гулдираши худди ғазабнок ёз осмонининг қоқ юрагидан чиқаётганга ўхшарди. Аёл, эркак ва болаларнинг сариқ ва қора, қирмизи ва оппоқ қоматлари уфқда бир лаҳзага ярқ этиб кўриниб қолар, кейин, кўзни ўтлоққа тўкилаётган сариқ нур қамаштирганда, сесканиб дарахтлар соясига ўзларини уришарди, сув томчилари каби сариқ-яшил ҳавода парчаланиб, бироз қизил ва мовий рангдан кўшиб кўздан ғойиб бўларди. Маҳобатли ва оғир нарсаларнинг барчаси ерга ёпишиб қолган ва иссиқда қилт этмасдан ётгандек, аммо бу қотиб қолган таналардан нотекис овозлар йўғон шамнинг олов тилчасидек баланд-паст эшитиларди. Овозлар. Ҳа, овозлар. Сукунатни сўзсиз овозлар шундай бир ширин меҳрибонлик ёки эҳтирос билан қутилмаганда бузиб юборар, агар ёш болалар овози бўлса, янгроқ хайрат жимликни вайрон қиларди! Аммо бу сукунат йўқ; бу пайтда нукул ғилдираклар айланар, қизил автобусларнинг тезликлари улкан хитой кўғирчоғи мисол алмашар, тобланган пўлат шарлар айлангани айланган, улкан шаҳар гулдираб, ғўлдирайди; бу шовкин узра овозлар баланд янграйди ва сон-саноксиз гулбарглр ҳавога рангли учкунлар сочади.

НОРАСТА ҚАЛЬ ИЗТИРОБЛАРИ

Шоазим МИНОВАРОВ

Таниқли инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенснинг “Катта умидлар” илк маротаба 1860 йили Англияда чоп этилган эди. XIX аср инглиз реализмининг энг яхши анъаналари йўналишида, инглиз юмори ва сатирасидан унумли фойдаланилган ҳолда ва айна пайтда Европа сентиментализми руҳида яратилган бу асар ўз вақтида ҳам, кейинчалик ҳам кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлди.

Асар воқеалари марказида бош қаҳрамон, қишлоқ фарзанди Пипо-рази туради. Дастлаб у борлиқни ўзи яшайдиган уй, ҳадеганда қўли калтакка югурадиган опаси, бироз тўпори, лекин самимий ва меҳрибон поччаси – темирчи Жо, ўзи каби ночорликда кун кечираётган Бидди, кичкина қишлоқ ва унинг атрофидаги ботқоқлик, қабристон ҳамда черковдан иборат, деб биларди. Келажакка бўлган умидлари ҳам шунга мос: улғайгандан кейин Жога шогирд бўлиш, темирчилик касбини эгаллаш ва шунга ўхшаш ҳоказо эди...

Лекин тақдири бошқача бўлди. Фожиа туфайли тарки дунё қилган мисс Хевишем ҳамда унинг қарамоғидаги етим қиз Эстелла билан учрашув Пипнинг тасаввурлари ва қарашларини бутунлай ўзгартириб юборади. У яшаб турган уйининг мискинлигини ич-ичидан ҳис қилади, қўлларининг дағаллиги, кийим-бошининг беўхшовлиги, ўзининг тўпорилигидан изтироб чекади, биринчи марта муҳаббат аталмиш туйғу билан юзма-юз келади.

Пипнинг Эстеллага бўлган жавобсиз севгиси, унга етишиш учун жентльмен тарбияси ва таълимини олиш, бадавлат инсонга айланиб, жамиятда катта мавқега эга бўлишбош қаҳрамоннинг катта умидларига айланади. Романдаги воқеалар ана шу катта умидлар теварагида ривожланадилар.

Таъкидлаш жоизки, Эстелла (“юлдуз” маъносини англатади) рамзий исм бўлиб, унинг соҳибжамол соҳибаси порлоқ, лекин қўл етмас ва совуқ юлдузларга қиёс қилинади. Мисс Хевишемнинг эътирофича, Эстелланинг қалби “бир бўлак муз”га айланиб қолган. Бу ҳолат Пипни қанчалар изтиробга солмасин, қанчалар ноумид қилмасин, у Эстеллани шунчалар садоқат ҳамда самимият билан севади, унга етишиш учун кўп машаққатлар чекади.

Пипнинг атрофини Жо, Герберт ва Биддига ўхшаган фариштасифат, саховатли, садоқатли, олийжаноб ва одамий инсонлар билан бир қаторда Орлик, Памблчук, Компесонга ўхшаган манфур кимсалар ўраб туради. Одамий ва олийжаноб фазилатлар эгалари атрофдагиларга ҳам жуда катта

ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Пип, ҳаёт йўлида содир этган айрим хатолари учун, бир умр олийжанобликда ва саховатда тенги йўқ Жо ҳамда Биддиларнинг олдида мулзам ҳолатда юради ва ўзини нонкўр деб ҳисоблайди. Айни пайтда ўзи ҳам, ҳали деярли норасталигидаёқ қочкин маҳбусга, кейинчалик дўсти Гербертга жуда катта олийжаноблик кўрсатади, “Катта умидлар”ининг барбод бўлишига беихтиёр сабабчи бўлган маҳбус Абель Мэгвичнинг сўнги кунларигача унга ҳамроҳлик қилади.

Романни мутолаа қилаётган ўқувчи воқеаларнинг ривожланиши жараёнида Пипга бўлган муносабатини бир неча марта ўзгартириши мумкин. Танкидчиларнинг фикрларича, Ч.Диккенснинг ўзи ҳам қаҳрамонига муносабатини бир неча марта ўзгартирган. Асарнинг якуний қисми муаллиф томонидан ўзгартирилган – дастлаб у Пипни ўзининг умидларидан буткул маҳрум бўлган ҳолатда тасвирлаган, лекин кейинчалик Пипга умидвор бўлиш имконияти қайта яратиб берилган. Эътиборли жиҳати, ҳозирги айрим руҳшуносларнинг фикрларидан фарқли ўлароқ, ота-онадан барвақт етим қолган, жоҳил опанинг калтақларини ва миннатли ош-нонини еб катта бўлган Пип тошбағир ва ёвуз бўлиб қолмайди, жиноят кўчасига кириб кетмайди, кези келганда шафқатсиз опага ҳам ич-ичидан ачинади. Бунда унга саводсиз, лекин самимий қалб эгаси темирчи Жо, шунингдек, Пипнинг ўзи каби етимлик нима эканини яхши билган соддадил қишлоқ қизи Бидди жуда катта таъсир кўрсатадилар.

Пипнинг тақдирида илмга чанқоқлик ва албатта Эстеллага бўлган чексиз муҳаббат катта роль ўйнайди. Айни пайтда муаллиф инсоний фазилатлар маҳбус Абель Мэгвич, иш бошқарувчи Жеггерс, унинг ёрдамчиси Уэммик, ҳатто қамоқхона нозирига ҳам ёт эмаслигини таъкидлайди.

Романдаги Компесон, Орлик, Бентли Драмл каби салбий персонажлар кибр, ёвузлик, муттаҳамлик, фирибгарлик, ёлғончилик каби энг катта қусурларга эга бўла туриб, атрофдагиларга фақат кулфат ва зарар келтирадилар, пировардида ўзлари ҳам ҳалокатга юз тутадилар. Мисс Хевишем ва Абель Мэгвич ана шундай манфур инсонларнинг ёвуз фитнаси қурбонига айланади, Пип эса, катта умидларидан жудо бўлади.

Романда кўнгилсиз воқеалар қанчалар кўп учрамасин, моҳиятан асар Эътикод, Муҳаббат, Илму Маърифат, Меҳнат ва Инсонийликни шарафлайди, келажакка ҳамиша умид билан қарашга ўргатади. Шу жиҳатдан асарда илгари сурилган умуминсоний мавзулар долзарблигини ҳамон йўқотгани йўқ. Келажакка умид, биринчи муҳаббат қувончу изтироблари, яхшилардан завқланиш, ёмонлардан нафратланиш туйғулари ҳеч кимга ёт эмас. Инсонни чинакамига бахтли қиладиган омиллар меҳнат, ижод ва атрофимизни ўраб турадиган яхши инсонлардир. Умримиз давомида орттирадиган, йўқолиб кетмайдиган, қадрсизланмайдиган бойлик эса – хотираларимиздир.

Роман бир неча марта экран тилига кўчирилди ва камина “Катта умидлар” романи асосида ишланган фильмни илк маротаба 1967 йилда кўриб, қаттиқ ларзага тушгандим. Миллий университетда хориж тиллари ва адабиётини ўрганиб юрган кезларим эса, вақти келиб, ушбу асарни албатта, она тилимизга таржима қиламан, деган ният пайдо бўлди. Негаки, ҳар бир инсон ҳаётида турли шарт-шароитга дуч келади, ҳар хил инсонларга йўлдош бўлади. Бошқа барча буюк асарларнинг қаҳрамонлари

қаторида, Пип образи ҳам ёшларимизга илмга чанқоқлик, тиришқоқлик, қийинчиликлардан қўрқмаслик, яхшиларга яқин, ёмонлардан узоқ юриш, олийжаноб, сахий, содиқ бўлишни ўргатади, деб ўйлаганман ва шунга умид қилганман, Пипни ўзимга ғойибона дўст, деб билганман.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, илм-маърифат, ёшлар тарбияси ва камолотига алоҳида эътибор берила бошланди. Хориж адабиёти ва маданиятининг энг сара дурдоналари она тилимизга таржима қилиниб, чоп этилмоқда, ижодкорларимизнинг асарларидан эса хорижликлар баҳраманд бўлишмоқда. “Ипак йўли ривоятлари”, Шарль Перро эртаклари, Нобель мукофотининг совриндорлари Франсуа Мориак ва Ле Клезие асарларини ўзбек тилига, Имом ал-Бухорий, Амир Темур ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги тарихчиларимизнинг асарларини, шунингдек, таниқли адибимиз Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи ҳамда ҳикояларини француз тилига ўгириш шарафига муяссар бўлдим. Ва ниҳоят “Қатта умидлар” романи ҳам “Жаҳон адабиёти” журнали орқали ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этилди.

Албатта, таржима – ўта мураккаб ижодий жараён. Мумтоз адабиёт муаллифларини таржима қилиш қатта масъулият, атрофлича билим ва тажриба талаб қилади. Таржима жараёнида ҳар икки тилни билишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки ҳар икки халқни, уларнинг тарихи, одатлари, миллий ўзига хослигини ўрганиш, қолаверса, техникадан тортиб, доришуносликка қадар кенг кўламдаги билимлар ва тушунчалардан хабардор бўлиш, уларни ўз ўрнида қўллаш билиш шарт қилиб қўйилади. Ҳар қандай таржимонда бўлгани каби, менда ҳам инглиз тилидан ўзбек тилига Диккенс фойдаланган тил ва услубни тўлалигича англаш ва тўғри еткази олиш борасида шубҳа-ҳадиклар етарли бўлгани учун, таржима жараёнида рус тилига ўгирилган матндан ҳам фойдаланилди. Шу ўринда муҳтарам ўқувчини русча матнда ҳам айрим нуқсонлар учраганидан хабардор қилиб қўймоқчиман. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, она тилимизнинг ҳақиқатан ҳам бой, нафис ва гўзал экани таржима жараёнида айниқса ёрқин намоён бўлади. Она тилимизнинг имкониятлари воситасида биз барча тилларда яратилаётган асарлар мазмунини халқимизга муваффақият билан етказиб бера оламиз.

Муҳтарам ўқувчилар романни мутолаа қилиб, қатта маънавий қониқиш ҳосил қилдилар ва янги қаҳрамонлар билан учрашувлари хайрли бўлди, деб умид қиламан.



АДАБИЙ ҚАҲРАМОН ҚАДРИ

*Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди*

Адабий қаҳрамон ҳар доим адабиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Чунки адабиётнинг “қиёфа”си, унда Одам ва олам манзаралари тасвири аввало адабий қаҳрамонларда акс этади. Адабий қаҳрамон образи ҳар бир даврда миллий адабиёт инсон дунёсини англаш, тушунишда қандай даражага эришганини кўрсатади. Негаки қаҳрамон дунёқарashiда, унинг феъл-атвори, кечинмаларида муайян тарихий даврнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий манзараси, кишиларнинг турмуш тарзи намоён бўлади. Шу боисдан ҳар бир давр адабиётининг барча муаммолари, ижодкорлар фаолияти аввало адабий қаҳрамонлар образининг бадиий гавдалаштирилиши асосида таҳлил қилинади. Адабиётшуносликка доир барча масалалар бевосита адабий қаҳрамон билан боғлангани боис ушбу илмнинг илмий-назарий муаммолари марказида ҳам бевосита адабий қаҳрамон масаласи туради.

Адабий асарлар уларда қўлланган ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий санъатлар ёки кўтарилган масала-муаммолари туфайли эмас, аввало, адабий қаҳрамонлари орқали ижтимоий-сиёсий таъсир кучига эга бўлади. Достон, роман, қисса, хикоялардаги бадиий санъатлар, сюжет воқеалари, асар композицияси таркибидаги пейзаж, портрет каби қисмлар адабий қаҳрамонлар оламини таъсирчан кўрсатиш воситаси саналади. Асарда баён этилган турли воқеа-ҳодисалар, эътибор қаратилган ҳар хил муаммолар, ижтимоий-сиёсий масалалар эса адабий қаҳрамон тимсолида муайян давр кишиларининг дарди, ташвишларини акс эттириш омили ҳисобланади. Шу боисдан Фирдавсий тўғрисида сўз кетганда Рустам, Сухроб; Навоий ҳақида гапирилганда Фарҳод, Ширин; Фёдор Достоевский хусусида мулоҳаза юритилганда князь Мишкин, Раскольников ёки Лев Толстой деганда Анна Каренина, Андрей Болконский каби адабий қаҳрамонлар беихтиёр тилга олинади. Умуман, барча ижодкорлар номи улар яратган адабий қаҳрамонлар туфайли эътибор топади. Фольклор асарлари тўғрисидаги сўз ҳам аввало улардаги қаҳрамонлар хусусидаги мулоҳазадан бошланади. Чунки уларда ҳам айнан ҳаётнинг муайян ҳақиқатлари қаҳрамонлар воситасида гавдалантирилади.

Бадиий асарда ҳаёт воқелиги, одамлар турмуши адабий қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, ўй-фикрларини ифодалаш орқали акс эттирилади. Ижодкорнинг дунёқарashi, мақсади, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёси тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари ҳам айнан адабий қаҳрамонлар образида ифодаланади. Ёзувчи, шоир, драматург таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти тўғрисидаги мулоҳазалар шу боис бевосита адабий қаҳрамонлар билан боғланади. “Достоевский тўғрисидаги жуда кўп адабиётлар билан

танишаётиб, – дейди М.Бахтин, – гўё сўз роман ва қиссалар ёзган ижодкор-адиб тўғрисида эмас, балки Раскольников, Мишкин, Ставрогин, Иван Карамазов, Буюк Инквизитор ва бошқа бир қатор муаллиф-донишмандларнинг яхлит бир фалсафий мушоҳадалари тўғрисида кетаётгандай таассурот пайдо бўлади. Адабий-танкидий тафаккур Достоевский ижоди асосида унинг қаҳрамонларини ҳимоя қилувчи бир неча мустақил ва бир-бирига қарама-қарши фалсафий қарашларга бўлинади. Бу қарашларнинг барчасида ҳам асосий эътибор муаллифнинг фалсафий мушоҳадаларига қаратилмайди. Баъзи тадқиқотчилар Достоевскийнинг овози у яратган у ёки бу қаҳрамон билан қўшилиб кетади дейишса, айримлар бу овозни барча ғоявий овозларнинг ўзига хос умумлашмаси, деб қарашади. Яна баъзи бирлари эса қаҳрамонлар овози орасида муаллифнинг овози умуман эшитилмайди, дейишади. Достоевский Гётенинг Прометейга ўхшаш овозсиз қуллар (Зевс каби)ни эмас, балки ўзларини яратган ижодкор билан бир сафда тура оладиган, у билан келиша олмайдиган ва ҳатто, унга қарши чиқадиган озод одамларни яратади... Достоевскийнинг бош қаҳрамонлари аслида ҳам санъаткорнинг ижтимоий тафаккурига кўра муаллиф сўзи учун объект эмас, айна чоғда, улар ҳақиқий маънода ўзига хос мустақил субъектлардир... Қаҳрамоннинг ўзи ва дунё тўғрисидаги мулоҳазалари муаллифнинг одатдаги сўзлари билан тенгма-тенг, баравар келади; унинг мулоҳазалари қаҳрамоннинг зарур хусусиятларидан бири бўлган объектдаги образига бўйсунмайди, аммо у муаллиф мулоҳазаларини етказиб берувчи карнай вазифасини ҳам бажармайди. У асар тизимида мустақил, ўзига хос ўрин тутади, қаҳрамон мулоҳазалари гўё муаллиф сўзлари билан ёнма-ён тарзда эшитилади ва муаллиф сўзлари, шунингдек, бошқа қаҳрамонларнинг тўлақонли мулоҳазалари билан уйғунлашади”¹, дейди.

Ҳаётнинг барча муаммолари марказида турадиган инсон образи дастлаб санъат ва адабиёт асарларида илоҳий кучлар билан боғланиб кўрсатилган. Эртак, дostonларда мушкул вазиятга тушган қаҳрамонларга маъбудлар, фаришталар ёрдам бергани нақл қилинган. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас” каби дostonлар қаҳрамонлари шу боис фавқулodда куч-қудратга эришган. Уларнинг беқиёс куч-қудрати, мардлиги, жасорати туфайли кишилар машаққат, укубат, зулмлардан халос бўлган. Эртак, дostonлардаги бу қаҳрамонлар асрлар давомида кишилар учун ҳаётни, унинг муаммоларини тушуниш, идрок этишда ўзига хос восита вазифасини бажарган. Кишилар бу қаҳрамонлар фаолиятини ҳаёлан тасаввур қилиб, эзгулик ва ёвузликни таққослаб, таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришган. Эртак, дostonлардаги, афсона, ривоят, қисса, романлардаги адабий қаҳрамонлар кишиларнинг дунёқарашига, албатта, самарали таъсир кўрсатган. Адабий қаҳрамонларни бу жиҳатдан бошқа бирор нарсага чоғиштириб, қиёслаб бўлмайди. Адабий қаҳрамонлар барча замонларда кишилар онги, тафаккурига китоблар, фильмлар, тасвирий санъат асарлари воситасида, яна бошқа шаклларда кириб борган. Яъни одамлар адабий қаҳрамонлардан беихтиёр таъсирланишган. Инсоният эзгулик учун мардона кураш олиб борган Прометей, Рустам, Алпомиш, Манас, Фарҳод қабиларга ҳавас қилса, уларнинг душманлари, рақиблари, қотилларидан нафратланган. Шу тариқа кишилар ўзлари сезмаган, англамаган ҳолда адабий қаҳрамонларнинг айрим хусусият, фазилатларини беихтиёр ўзларига “кўчиришган” ва “қабул қилган”ларини айрим пайтларда амалда қўллашган. Бу эса уларда ички

¹ Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. Изд. 4-е. – М.: «Советская Россия», 1979. – 320 с. – с. 5-7.

кониқиш ҳосил қилган. Адабий қаҳрамонларнинг ижобий хусусиятларидан ўрнак, ибрат олишга интилиш инсониятни маданий-маърифий жиҳатдан ҳозирги даражага кўтарган.

Адабий қаҳрамонлар кишиларга теварак-атрофдаги ҳодисаларни, ўзини ва бошқаларни тушуниш, ҳис қилишга яқиндан кўмаклашади. Албатта, адабий қаҳрамонлар ҳеч кимга бевосита ёрдам бермайди. Яъни ҳеч кимнинг ёнига келиб: “Бу ишни қил-у, бунисини қилма!” деб кўлидан етаклаб юрмайди. Адабий қаҳрамонларнинг “кўмаги” яхшиликнинг самаралари, ёмонликнинг хунук оқибатлари тўғрисида ўйлантриши, мушоҳадага ундашида кўринади. Одамзод кечаги кунидан бугуни, бугунидан эртаси яхшироқ бўлишини истагани боис адабиёт асарларида азалдан эзгулик учун интилувчилар билан ёвуз ниятда курашувчилар ўртасидаги қарама-қаршилик, зиддият асосий мавзу бўлиб келади. Адабий қаҳрамонлар мана шу зиддиятни ифодалайди.

Адабий қаҳрамонларнинг исми уларнинг дастлабки ўзига хос белгисидир. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳар бир инсоннинг исми осмондан тушиши илоҳий китобда баён этилганини таъкидлаб, Фарҳод туғилганида унинг исми ҳам маълум бўлди. Бу сўзда унинг тақдир-қисматига ишора бор эди, дейди. Бадий асарлардаги қаҳрамонлар исми кўпинча уларнинг феъл-атвори, дунёқарашига мувофиқ келади. Албатта, ҳаётда исми Абдуллатиф бўлатуриб, падаркушлик қилганлар ҳамма замонда топилганидек, адабий асарларда ҳам исми феъл-атвори, хатти-ҳаракатига номувофиқ қаҳрамонлар учрайди.

Адабий қаҳрамонларни аниқ тасаввур қилишга имкон берадиган иккинчи бир хусусият уларнинг портретидир. Чунки ташқи кўриниш ҳар бир одамнинг ўзига хос асосий белгиси. Бадий асарларда ҳам ана шу белгини гавдалантиришга алоҳида аҳамият берилади. Аксарият эртак, достон, роман, қисса, ҳикояларда персонажларнинг портрети шундай тасвирланадики, улардаги сифат, хусусият, белгилар кўпинча шу адабий қаҳрамонларнинг феъл-атвори, характери, дунёқарашига муайян тасаввур ҳосил қилади. Эртак, достонларда қаҳрамонлар портрети кўпинча фантастик-хаёлий сифатлар билан таърифланади. “Алпомиш” достонида қалмоқ паҳлавонлари портрети “Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган, Ичида сичқонлар болалаб ётган, Изидан тушган пишак олти ойда етган”; “Одам тушмас бунинг айтган тилига, Беш юз қулоч арқон етмас белига”; “Оҳ урса оламни бузар довуши, Тўқсон молнинг терисидан ковуши”; “Қаҳрланса тошни ёрар қаҳри, Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори”; “Олтмиш қарич олачадан қалпоғи, Тўқсон кўйнинг терисидан телпағи”¹ деб таърифланади. “Ўткан кунлар” романида эса қаҳрамонлар портрети худди одамларнинг қиёфаси, кўриниши каби: “Оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит” (Отабек); “Олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзли, дўнгроқ пешонали, сариққа мойил тўгарак қора кўзли, оппоқ узун соқолли” (Ҳасанали); “Тавдага кичик, юзга тўла, озроққина соқол, муртли, йигирма беш ёшлар чамалик бир йигит” (Раҳмат); “Узун бўйли, қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши”² (Ҳомид) деб тасвирланади.

Қаҳрамонларнинг қиёфа, кўринишидаги бундай сифат, хусусиятлар уларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. “Шомур-

¹ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: “Фан”, 1999. – 832 б. – 202-203-бетлар.

² Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 400 б. – 7-8-бетлар.

ти шохалаб ҳар ёққа кетган” кўркинчли қаҳрамонлар адолат тарафдори Алпомишга душманлик қилишади. “Кўримсиз бир киши” – Ҳомид покиза муҳаббат соҳиблари Отабек ва Кумушнинг турмушини бузиш мақсадида турли жиноятларга қўл уради. Адабий қаҳрамонларнинг қиёфасини бу хилда тасвирлаш орқали уларнинг феъл-атворига ишора қилиш барча халқлар оғзаки ва ёзма адабиётида кузатилади.

Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида ҳам кўркем, чиройли, бақувват қаҳрамонлар ватанпарвар, мард, жасур; кўриниши кўпол, хунуклар эса ёвуз, қабих эканлиги воқеалар давомида очиб берилади. “Манас”, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”, “Кўркут ота китоби” каби асарларда ҳам қаҳрамонлар қиёфаси уларнинг табиати, хатти-ҳаракатларига уйғун ҳолда кўрсатилади. Бундан эса инсон дунёсини акс эттиришдаги фольклорга хос кўпгина жиҳатлар ёзма адабиётга ҳам “кўчган”и аниқ кўринади. Роман, қисса, ҳикояларда ҳам кўпинча худди эртақ, дostonлардаги каби қаҳрамонлар қиёфаси уларнинг феъл-атворига мутаносиб ҳолда тасвирланади. “Ўткан кунлар” романида Отабек ва Кумушга душманлик қилганлардан бири Жаннатнинг қиёфаси “ердан бичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан баравар, деярли теп-текис, кўзи қоққан қозик ўрнидек чўп-чуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сап-сарик қирқ беш ёш чамасида бир хотин”¹ деб тасвирланади. Отабекни ўлдиришга қасд қилган унинг ўғли Содиқнинг кўриниши ҳам: “сарик танли, уккининг кўзидек чакчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчинлангандек пучуқ бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси, вақтсизроқ яратилиб қолган бир махлук”² деб тавсифланади.

Фёдор Достоевский асарларида портрет моҳир рассом томонидан чизилгандай ёркин тасвирланиб, уларнинг ҳар бир вазиятдаги ҳолат, кечинмаси кенг, батафсил, ички дунёси билан боғлиқ ҳолда очиб берилади. “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар” романида князь Валковскийнинг бир ҳолати кўйидагича тасвирланади: “У бизга диққат билан кўз югуртирди. Бу қарашдан у бу ерга дўст бўлиб келдими, душман бўлиб келдими, аниқлаб бўлмасди... У қирқ бешдан ошмаган, хушбичим ва ниҳоятда чиройли бир одам эди, юзининг ифодаси шароитга қараб ўзгариб турарди; ўзгарганда ҳам жуда кескин ўзгарар, гўёки қандайдир бир пружинасини бехосдан босиб юборганларидек кўз очиб-юмгунча энг ёқимли ифода бирдан ўзгариб, қайғу ёки норозилик ифодаси пайдо бўларди. Чиройли, хушбичим, юзи қорачадан келган, тишлари бутун, юпқа лаблари келишган. Тўғри, бир з узунроқ бурни, битта ҳам ажин тушмаган кенг пешонаси, катта-катта кўй кўзлари бирга қўшилиб, уни чиройли кўрсатар, лекин шунга қарамай, бу чирой совуқ, кишида ёқимли таассурот қолдирмасди. Юзидаги ифода гўёки ўзиники эмасдек, ҳамиша сохта, ясама, бировдан ўрганиб олингандек кўринардик, бу кишининг нафратини кўзғатарди ва сизда юзининг асли ифодасини ҳеч қачон кўриб бўлмайди, деган ишонч уйғотарди. Зеҳн солиб қараган сарингиз бу доимий ниқоб остида қандайдир ёвузлик, қувлик ва ўтакетган худбинлик яшириниб ётганга ўхшаб кўринарди. Айниқса, ажойиб тиниқ кўй кўзлари диққатингизни жалб этарди. Фақат кўзларигина унинг ихтиёрига бўйсунмайдигандек эди. Балки у одамларга меҳр-муҳаббат билан қарашни истарди, бироқ қарашида илиқ бир ифода билан бирга, қандайдир бир хунуклик ва совуқлик асари ҳам бор эди... У анча

¹ Ўша манба. – 171-бет.

² Ўша манба. – 177-бет.

новчадан келган, қомаги келишган, қотмароқ ва ўз ёшига нисбатан анча ёш кўринади. Тўқ сариқ, майин сочларига ҳали битта ҳам оқ тушмаган. Қулоқлари, қўллари, оёқлари ниҳоятда келишган. Хуллас, бу наслий бир гўзаллик эди. У дид билан нафис ва ниҳоятда озода кийинган, бироқ ёшига нисбатан кийиниши бачканароқ кўринса ҳам, шунга қарамай, ўзига жуда ярашган эди. У Алёшанинг катта акасидек кўринади. Ҳар қалай, уни шу кап-катта йигитнинг отаси деб бўлмасди”¹. Қаҳрамон портретининг бундай тасвирланиши ижодкорнинг инсон дунёсини жуда теран тушунишини намоён этади. Бундан аён бўладики, ижодкорнинг бадиий маҳоратини унинг адабий қаҳрамон портретини тасвирлашига қараб ҳам белгиласа бўлади. Шундай экан, миллий адабиётларнинг, ҳар бир ижодкорнинг инсон дунёси ва ҳаёт ҳодисаларини бадиий акс эттиришда қандай даражага эришганлигини белгилашда портрет тасвири ҳам ўзига хос мезон бўла олади.

Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бўлади. Бадиий асарларда ана шу муаммолар адабий қаҳрамонлар ҳаёти орқали акс эттирилади. Халқлар ўртасида урушлар рўй берган пайтларда буюк баҳодир, паҳлавонларнинг ватанпарварлиги, жасоратини мадҳ этувчи “Илиада”, “Одиссея” каби асарлар яратилгани ҳам шундан далолат беради. Юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлиб ўтган уруш тўғрисидаги ривоятлар асос қилиб олинган “Илиада” достонида Ахиллиснинг куч-қудрати, душманга қаҳру ғазаби, дўстига садоқати, мардлиги мадҳ этилади. “Одиссея”да эса Троя жангидан қайтаётган жасур, мард Одиссейнинг саргузаштлари нақл қилинади. Бу дostonларнинг қаҳрамонлари деҳқон ёки чўпон эмас. Ахилл Фессалия подшоҳи Пелей ва денгиз маъбудаси Фетиданинг ўғли бўлса, Одиссей – Итака подшоҳи. Ахиллга ҳеч бир паҳлавон тенглаша олмайди. У ўзининг куч-қудрати билан трояликлар лашкарини шу даражада кўрқитиб қўйганки, ҳеч ким шаҳар дарвозасини очиб ташқарига чиқмайди. Одиссей ҳам шу даражада кучли, қудратли, жасурки, у денгиз маъбудди Посейдондан устун келади. “Алпомиш” достони қаҳрамони Алпомиш ҳам, “Манас” қаҳрамони Манас ҳам, “Рамаёна”, “Махобҳорат”, “Кўрқут ота китоби” қаҳрамонлари ҳам ҳукмдорларнинг фарзандлари. Уларни маъбудлар, чилтонлар тарбия қилади, мушкул вазиятга тушганида ёрдамга келишади.

Ҳаётда зулм ва адолатсизлик мавжудлиги, кишиларнинг оғир қисмати, уларнинг мавжуд турмуш тартибини ўзгартириш йўлидаги интилишлари, курашлари замонлар ўтиши билан адабиётда оддий одамлар ҳаётини ҳам бош мавзуга айлантирган. Оддий одамлар узоқ замонлардан сўнг шоҳ, султон, амалдорлар сингари асарларнинг асосий адабий қаҳрамони сифатида кўрсатилган. Умуман, инсон дунёсини, ҳаёт ҳодисаларини кўрсатишда барча халқлар адабиёти бу жиҳатдан бир-бирига ўхшаш тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Яъни барча халқлар адабиётида дастлаб маъбудлар, ҳукмдорлар, кейинчалик эса оддий одамлар асосий адабий қаҳрамон сифатида кўрсатилган. Жумладан, “Шоҳнома”, “Хамса”ларда ҳам асосан ҳукмдорлар – султонлар, шахзодалар, маликалар, вазирлар ҳаёти ҳақида сўз юритилган. Фирдавсий ҳам, Низомий ҳам, Хусрав Дехлавий ҳам шоҳлар, шахзодалар, маликаларни асосий қаҳрамон қилиб кўрсатган. Навоий қаҳрамонлари Фарҳод ҳам, Баҳром ҳам, Искандар ҳам – шоҳ. Мажнун, Лайлилар ҳам оддий фуқаро эмас. Улар қабила бошлиқларининг фарзандлари – ҳукмдорлар табақасидан.

Барча халқлар мумтоз адабиёти намуналарида зулм, зўрликнинг барҳам

¹ Достоевский Ф. М. Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар. Тўрт қисмдан иборат роман. Ҳабиба Зиёхонова тарж. –Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 400-б. – 110-111-бетлар.

топиши, кишиларнинг хур, эркин, фаровон ҳаёт кечириши аввало шоҳлар, ҳукмдорларнинг “тузалиши”, ҳар жиҳатдан комил бўлишига боғлиқ, деб кўрсатилган. Шунинг учун қадимги юнон шоирлари ҳам, француз, немис адиблари ҳам аслзода киборлар ҳаёти, уларнинг маиший турмушини асарларига асосий мавзу қилиб олишган. Жумладан, “Илоҳий комедия” (Данте), “Фауст” (Гёте), “Евгений Онегин” (Пушкин) каби жаҳон адабиёти мумтоз намуналарида аслзодалар ҳаёти, уларнинг маънавий-ахлоқий дунёси гавдалантирилган. Уларда киборлар дунёқароши, ахлоқидаги иллатлар кескин танкид қилиниб, оддий одамлар феъл-атворидаги ижобий жиҳатлар ибрат қилиб кўрсатилган. Ушбу асарларда шоирларнинг ўзи айрим ўринларида асосий қаҳрамон сифатида ёвузликни қоралаб, эзгуликка даъват қилган.

Рус адабиёти инсон дунёсини бадиий гавдалантиришда И.Тургенев, Л.Толстой Ф.Достоевский каби ёзувчилар асарлари орқали янги босқичга эришган. Рус ижодкорлари Европа, айниқса, француз адабиётининг ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёсини бадиий акс эттиришдаги энг илғор жиҳатларини ижодий ўзлаштиришган ҳамда хўрланган, ҳақоратланган оддий одамларни асарларининг асосий қаҳрамони қилиб кўрсатишган. “Уйқу истаги” (Чехов), “Муму” (Тургенев) асарларидаги оддий одамлар образи ҳар қандай давр кишиси қалбини ҳаяжонга солади, ачинтиради. Оддий одамларнинг алам, изтиробларини кўрсатишда, айниқса, Фёдор Достоевский бетакрор ва ибратли асарлар яратди. Бу рус адибининг адабий қаҳрамонлари нафақат оддий одамлар дунёсини гавдалантириши, балки инсон қалбидаги мураккаб жараёнлар тўғрисидаги тасаввурларни теранлаштириши жиҳатидан ҳам жаҳон адабиётидаги ўзига хос ҳодиса бўлди. Ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёси мураккабликларини бадиий акс эттириш борасида Фёдор Достоевский асарлари Шарқ ва Ғарб адабиёти учун ибратга айланди. XIX–XX асрда бу улуғ рус адиби асарлари ижодкорлар бадиий маҳоратини баҳолашнинг ўзига хос мезони бўлиб қолди. Чунки унинг “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар”, “Телба”, “Жиноят ва жазо”, “Ака-ука Карамазовлар”, “Маъсума”, “Қиморбоз” каби асарларида адабий қаҳрамонлар руҳияти, портрети, хатти-ҳаракатлари ёрқин бадиий акс эттирилиб, инсон дунёси ва ҳаёт ҳодисалари мураккабликлари ғоят таъсирчан кўрсатилган.

Санъатнинг ҳеч бир тури инсон дунёсини тўла-тўқис гавдалантиролмайди. Ҳар бир санъат тури бу сирли хилқатнинг маълум бир қиррасинигина акс эттиради. Адабий жанрларда ҳам бу оламнинг муайян жиҳати кўрсатилади. Ғазал, рубоий туюқ, сонетда инсоннинг лаҳзалар ичидаги кечинма, ҳиссиётлари ифодаланса, роман, дostonда инсон дунёси, уни қуршаб турган муҳит нисбатан кенгроқ гавдалантирилади. Шу боисдан миллий адабиётларнинг инсон дунёсини кўрсатишдаги тараққиёти даражаси асосан дostonлар ҳамда романларга қараб белгиланади. Роман эндиликда адабиётнинг етакчи жанри саналади. Инсон дунёсини адабий қаҳрамонлар тимсолида акс эттиришда роман жанрининг янги имкониятлари намоён бўлмоқда. Бу сирли оламни бадиий таҳлил қилишда Достоевский романларининг самарали таъсири натижасида Европа, Америка адабиётида, хусусан, Жойс, Кафка, Камю, Борхес, Маркес, Айтматов каби адиблар асарларида таъсирчан адабий қаҳрамонлар образлари яратилди.

ВОКЕАЛАР ТИЗИМИ ТОМОШАНИНГ АСОСИДИР

*Маъмур УМАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент*

Ҳаёт ва сахна қонунларини яхши билган драматург асари ғоясини очиш учун танлаб олган ва онгли равишда куриб чиққан воқеалар тизимида характерлар ўз мақсадига эришишга интилади. Асардаги рухий кечинмаларни сахнавий томошага айлантириш учун ўйлаб топилган бадиий сахна ечими – режиссёрлик талқини пайдо бўлиш жараёнида ғоя ва уни ифодалаган воқеалар тизими таянч вазифасини ўтайди. Драматург режасини, режиссёр талқинини англаган актёр сахнада содир бўлаётган воқеада иштирок этиб, ўз муносабатини билдирса, персонажларнинг характери намоён бўлади.

Сахнавий “...асарнинг таҳлили ва талқини тўғрисида ҳали “алифбе” яратилгани йўқ”, дейди Станиславский. Лекин ҳар қандай пьеса кулфи учун тушадиган ва унинг сирини очадиган калитни ҳамон кидиряпмиз ва у хатти-ҳаракат таҳлили деб аталмоқда. Таҳлил амалиётда қуйидаги тартибда амалга ошириляпти:

- воқеалар тизимини аниқлаб, ҳар бирининг асар ғоясини очишдаги моҳиятини ва сюжетли боғлиқлигини англаш;

- ўз ғояси учун курашаётган томонларнинг сахнада содир бўлаётган воқеага муносабатини белгилаш;

- ҳар бир воқеа ўз муҳитига, яъни шарт-шароитига эга бўлади. Сахнада шу муҳитни яратиш учун зарур бўлган ифода воситаларини, яъни рухий, жисмоний ва жиҳозий далилларни топиш;

- воқеаларни ривожлантирадиган, курашни кескинлаштирадиган “олий мақсад”ни ва “етакчи хатти-ҳаракат”ни аниқлаб олиш;

- кескин кураш жараёнида характерлар – ҳаётдаги инсонлар каби комилликка эришганини ёки тубанликка қулаётганини намойиш қилиш;

- томоша якунида ҳар бир персонажни образ даражасига кўтарилган бадиий яхлит характерга айлантиришга ҳаракат қилиш.

Бу изланишлар адабиётшунослар таҳлилидан фарқ қилишини ва сахнавий талқин масаласи эканлигини аввало драматурглар, сўнгра театр билан боғлиқ ижодкорлар билиб қўйишини хоҳлаймиз, дейди ХХ аср бошида Станиславский.

Демак, хатти-ҳаракат таҳлили, аввало, асар ғоясини очиш учун драматург томонидан танлаб олинган муҳим ва бир-бирига боғлиқ равишда куриб чиқилган воқеалар тизимини аниқлашдан бошланар экан. “Мен ҳаёт қонунларига асосланиб, сахна қоидаларига аниқлик киритдим ва уни система – тартибга келтирилган тизим, деб атадим”, дейди Станиславский. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда зарурият туфайли у ёки бу воқеа содир бўлади.

Сахнадаги воқеа ҳам зарурият туфайли, яъни драматург ёки режиссёр ўз ғоясини очиш учун териб олган сюжетли тизимдан – бошланиш, тугун, ривожланиш, авж ва якунга эга яхлитликдан иборат. Бу яхлитликни ҳар

бир персонажнинг олий мақсади ва етакчи хатти-ҳаракати, воқеаларнинг мантиқан ҳамда изчил боғланиши юзага келтиради. Воқеа муҳим ва тугал бўлса, сахнадагиларнинг унга муносабати ҳам аниқ бўлади. Аксинча бўлса, аввало, ижрочилар ҳаракати мантиқсиздай туюлади. Ҳар бир воқеа ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, турли ғояларни очишга хизмат қилади. Драматург воқеаларни мантиқий боғлаб, изчил тизимга олиб келади. Бир воқеанинг турли шарт-шароитда содир бўлиши, ўз навбатида, диалог мантиғини бошқаради.

Демак, асар ғоясини ифодалашда териб олинган, мантиқан қуриб чиқилган воқеалар тизими ва уларнинг муҳити театр ижодкорлари, режиссёр, актёр, рассом, композитор, балетмейстер, чироқчи ва овозлаштирувчилар учун таянч вазифасини ўтайди. Содир бўлаётган воқеалар тизими ва ривож асосида аста-секин асарнинг ғояси ҳамда персонажларнинг характери очирилиб боради.

Владимир Блок “Станиславский системаси ва драматургия масалалари” китобида воқеани уч тоифага бўлади. Биринчиси, содир бўлган воқеа асар иштирокчиларининг барчаси учун аҳамиятли, уларнинг тақдири шу воқеанинг ечими билан боғлиқ. Масалан, “Шоҳ Эдип” да шаҳарга вабо келгани ва унинг ечими барчага тааллуқли. Иккинчиси, бош қаҳрамон тақдирида муҳим воқеа содир бўлади ва унинг дунёқараши ўзгаради. Бу ўзгариш юксалишга ёки тубанликка олиб келади. Масалан, “Темир хотин” да Қўчқор робот – Аломатга уйланади. Унинг таъсирида бош қаҳрамонда ҳаётга, турмушга ва оиласига нисбатан ижобий ўзгариш содир бўлади. “Ричард III” да эса, мажруҳнинг тахтга ўтириши қутилмаган воқеа эди. Бу воқеадан сўнг унда тубанлашув содир бўлади. Учинчиси, барча персонажларнинг тақдирида муҳим воқеа рўй беради ва уларда кескин бурилишлар ясайди. Томошабин содир бўлган воқеалар тўпламидан асар ғоясини англайди ва ўзига тегишли хулоса чиқаради. Бунга “Ҳамлет” трагедияси персонажларини мисол келтириш мумкин.

Станиславский: “Биз асар талқинини тўғри хал қилиш учун уни оддийдан мураккабга қараб таҳлил қилиб ўрганамиз. Улар орасида энг соддаси ва барчага дархол аён бўладигани асарнинг фабуласидир”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, ўқиб чиқилган асарнинг воқеалар тизимини қисқа ва лўнда қилиб айтиб бериш – фабулани сўзлашдир. Масалан, “Темир хотин” фабуласи шундай: ҳар куни ичиб келадиган Қўчқорнинг хотини жанжаллашиб кетиб қолади. У хотинига “кетсанг онаси ўпмаганига уйланиб оламан”, дейди. Уйига Олимтой робот – “Аломат I” ни олиб келади. “Бўйдоқ” Қўчқор уни никоҳлаб олади. Робот унинг дунёқарашини ўзгартириб юборади. Ўзбек аёли ҳар куни бажарадиган ишга дош беролмай робот ёниб кетади. Қўчқор сабрли, чидамли хотини билан ярашади. Биз нимани гапирдик? Ўзимиз сезмаган ҳолда драматург ўз ғоясини очиш учун териб олган воқеалар тизимини, мантиқли ва изчил қурилган ҳамда яхлитликка олиб келинган фабулани айтиб бердик. У ишонарли, ижрочилар учун тасаввур қилишга, баҳолашга ва мақсадли ҳаракат қилишга асос бор. Асар фабуласи – воқеалар тизимини аниқлашга ва унинг ғоясини англашга шароит яратади. Қизиқарли воқеалар тизими, аввало, асар ғоясини англайди.

Энди бу воқеаларда кимлар иштирок этапти, улар нима учун курашяпти, деган саволларга жавоб топсак, биз энг мураккаб жараён – персонажларнинг характерларини аниқлаш ва англашни бошлаймиз. Содир бўлган воқеани ўз персонажларига чуқур таҳлил қилдириш ва уларни баҳолаш эвазига А.Чехов драматургияда янги йўналиш ихтиро қилди. Персонажларнинг ўз тақдири таҳлилидан сўнг қутилмаган қарорга келиши ҳам ўзига хос янгилик эди. Айниқса, сахнадагилар бир-бирининг сўзига сўз билан эмас, аксинча, фикрга фикр билан жавоб қайтариши ҳам ўзига хос янгиликдир. Натижада, ташқи очик курашлар ички ёпиқ курашга, фикрлар тўқнашувига айланди. Бир-

бирини тўлдирувчи ёки инкор қилувчи тахлилий фикрлар томошабинни содир бўлаётган воқеага, ижтимоий муҳитга, персонажлар тақдирига яқинлаштириб, спектакль иштирокчисига айлантира олди.

А.Чехов персонажлари содир бўлаётган воқеа ичида бўла туриб, ундан ташқарига чиқди, яъни ўз тақдири ва жамиятдаги ўрни тўғрисида фикр юрита олди. Уларнинг бундай фикрга келишига воқеа туртки берди. Шекспир персонажлари эса воқеа ичида ўз мақсадлари учун курашадилар, Чехов қахрамонлари воқеа баҳона ўзлигини излайди. Бу янгиликдан кейин, драма назариясида “Шекспирона конфликт” ёки “Чеховга хос конфликт” атамалари пайдо бўлди.

Бу борада Станиславский шундай дейди: “Чехов сахнавий ҳаракат ички туйғулар асосида кураш содир бўлса, жуда таъсирчан кучга эга эканлигини барчадан яхшироқ тушунади. Ташқи ҳаракатлар асосига қурилган кураш – Шекспир асарларидаги каби кўримли, ёрқин, кўнгилочар, содда бўлади. Ички кураш асосидаги ҳаракатлар туйғуларимизга, руҳиятимизга таъсир қилиб, қалбимизни, вужудимизни ўз ихтиёрига олади. Албатта, ташқи ва ички ҳаракатлар уйғунлигидаги спектаклни кўриш жуда катта завқ беради, лекин ички курашга асосланганлари барчасидан устундир”.

Ҳамлет кўз олдида содир бўлган воқеадан таъсирланиб, уни баҳолаб, ўз муносабатини монологлар орқали томошабин билан биргаликда, очик, юзма-юз туриб таҳлил қилади. Чехов қахрамонлари содир бўлган воқеадан қанчалик таъсирланганини эмас, балки ўзи учун, келажаги учун қанчалик аҳамиятли ёки зарарли эканлигини таҳлил қилади. Персонажларнинг монолог тарзидаги фикрлари “ёпиқ” – ички туйғулар бўлиб, гўё фақат, уларнинг ўзигагина тегишлидай кўринади. Уларнинг ички кечинмалари қандайдир сеҳр билан томошабинга ўз таъсирини ўтказди ва уларнинг тасаввурида жамланиб, тобора улғайиб бораётган туйғуларни кўтариб, сабр ва матонат билан олға интилаётган персонажлардан таралаётган “ирода нури” қахрамонга нисбатан хурмат уйғотади. Шунинг учун Чехов асарларини ўйнаб бўлмайди, вужудинг билан ҳис қилиб, борлигинг билан яшамасанг, унинг персонажлари сахнада жонланмайди, деган тушунча пайдо бўлди.

Чеховнинг воқеаларни танлаб олиш ва тизимли қуриб чиқишида ҳам ўзига хослик бор. Бош воқеанинг ёрқин очилишига қолган воқеалар хизмат қилади ва бадий яхлит, “муҳим ва тугал” воқеага айланади.

“Томошабин шу воқеага қандай муносабат билдиради?” деган саволга жавоб бериш Чехов – драматургнинг эсидан ҳеч чиқмайди. У “очик муносабатдан” ёпиқ шаъма (подтекст), сўз остига яширилган фикр – “коса тагидаги ним коса” каби диалоглар орқали ўзаро муносабатларни ёрқин ифодалайди. Бу услуб томошабинни узлуксиз равишда содир бўлаётган воқеада иштирок этишга ва унга ўз муносабатини билдириб боришга ундайди. Англинган муҳим ва тугал воқеа, персонажлар туйғулари, уларнинг тақдири, асар ғояси билан бирга томошабин қалбида, хотирасида яшайди.

Муҳим ва тугал воқеа томоша санъати турларининг асоси эканлигини Арасту 2350 йил аввал “Поэтика” асарида асослаб берган эди.

Асар шундай бошланади: “Биз умуман поэтик санъат тўғрисида, шунингдек, унинг алоҳида кўринишлари ва улардан ҳар бирининг имкониятлари, поэтик асарнинг яхши чиқиши учун фабула қандай тартибда тузилиши зарурлиги тўғрисида сўзлаймиз”. Адабиётшунослар алломанинг томоша санъати учун энг муҳим бўлган таянч – воқеалар тизими эканлиги тўғрисидаги фикрга кам тўхталдилар.

“Поэтика” – трагедиянинг барча томоша санъати турларидан устунлигини

исботлашга қаратилган асар. Арасту трагедияни томоша санъатининг бошқа турлари билан таққослаб, фақат угина ларзага солиш қудратига эга эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, ракс, мусиқа, пантомима, драма ва комедиянинг энг яхши намуналари томошабинни хайратлантириши мумкин. Хайратдан юқорирак бўлган туйғу – ларзага солиш фақат трагедияга тааллуқли. Арасту таъкидлаганидек, томоша санъати турларининг барчаси ва поэзия – ўхшатиш санъатидир. Уларнинг ҳаммаси характерларни, эхтиросларни ва воқеаларни қайта гавдалантиради.

Мавзу воқеа ҳақида бўлганлиги учун қайта гавдалантириш масаласига тўхталамиз. Воқеа қайта гавдалантирилганда уч хил тасвирлаш усули билан фаркланади. Биринчиси, муаллиф воқеаларга аралашмай ҳикоя қилади, яъни ташқаридан кузатади. Иккинчиси, муаллиф ўзи воқеа ичида иштирок этади ва ҳис қилганларини қайта гавдалантиради. Учинчиси, воқеада иштирок этаётган барча шахсларни қайта гавдалантиради. Булардан биринчи ва иккинчиси ёзувчи ва шоирларга хос, учинчиси эса драматургларга тегишлидир.

Комедияда ҳам ҳаракат қилувчи шахс акс эттирилади. Комедия – “комедзейн” – “базм қилмоқ”, “дарбадар кезиш”дан келиб чиққан, қасида ва мадҳия каби улуғвор кўшиқларни тўқиган жиддий шоирлар – эпик, ҳазил-мутойибага монанд ҳажвий кўшиқларни тўқиганлар – комик деб аталган. Сўнгилари учун ямб ўлчови – истехзоли вазн қулай бўлган. Комедия ижодкорлари масхаралашга эмас, кулгили нарсага драматик пардоз бериб, бу турнинг асосий шакллари бунёд қилдилар, дейди Арасту.

Трагедия ва комедиянинг илк шакли, эпик ва комик жиҳатлари намуна даражасига олиб чиқилганлигини Ҳомер асарларида кўриш мумкин, дейди Арасту. Унинг асарларида драмадаги кескин ўзгариш, тўсатдан билиб қолиш, характер каби унсурлар намуна даражасида эди.

Арасту хор, дифирамб ва фалл кўшиқларини бошлаб берувчиларни биринчи актёрлар деб ҳисоблайди. Трагедия кўп ўзгаришларни бошидан кечиргач, ўзига хос, такрорланмас хусусиятларга эга бўлди. Унинг ривожига Эсхил кашф қилган иккинчи актёр катта ҳисса қўшди. Натижада, икки актёр ўртасидаги диалог пайдо бўлди ва у биринчи ўринга чиқди, томошанинг хор қисми камайди. Софокл эса учинчи актёрни ва декорацияларни киритди. Трагедияда диалогнинг етакчилик қилиши эвазига – кичик афсоналар, сатирик томошалар йўлини босиб ўтиб, ўз камолотини таъминлаб, улуғвор босқичга кўтарилди.

Кичик афсоналар ва сатирик томошаларда диалоглар тузиш учун воқеа ва характерлар таянч эканлигини драматурглар англаб етди. Сабаби Ҳомер ижодининг хайратомузлиги ҳам айнан воқеалар тизими ва характерларда эди. Актёрнинг сахнадаги жонли сўзлашуви, яъни диалоглар учун ямб – истехзоли вазн қулай эканлиги маълум бўлди. Шундай қилиб трагедия ўзига зарур бўлган жиҳатларни бошқа томоша турларидан жамлаб, бадий уйғунликка эришди. Комедия ва трагедия муайян бадий шаклга эга бўлгач, уларнинг бир-биридан тубдан фарқ қиладиган жиҳатлари аниқланди.

Комедиядаги “хато” персонажларнинг хатти-ҳаракатида, “мажруҳлик” эса характерларидадир. Трагедияда эса “хато” дардли, изтиробли, характерлар пафосда, яъни эхтирослар жўш урганда зарарли, яъни ҳалокатли қилмишга олиб боради. Бош қахрамоннинг ҳалокати – ғоянинг ғалабаси билан яқунланади. Шундай қилиб, трагедия барча томоша турларидан ларзага солиш орқали поклаш – катарсис хусусияти билан етакчилик қила бошлади.

Юқоридаги изоҳлардан сўнг Арасту “Поэтика”нинг 6-бобида трагедияга таъриф беради ва унинг моҳиятини очади: “Трагедия муайян ҳажмли, турли қисмлари турлича сайқалланган, тил ёрдамида, баён воситасида эмас, балки

хагги-ҳаракат орқали кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир”. Демак, трагедиянинг таянчи бўлган “муҳим ва тугал воқеа” муайян ҳажмга эга бўлиши, яъни бир кунда томоша қилиб улгурадиган вақт доирасида жойлашиши зарур. Муҳим воқеалар ичидаги қилмишлар персонажлар томонидан амалга оширилади ва улар ўз характерига эга бўлади.

Трагедия кўрсатишга мўлжалланганлиги учун тасвирлаш воситалари, томошавийлик, мусиқийлик ва тил ёрдамида персонажларни ҳаракатга келтиради. Персонажлар баён, яъни изоҳлашлар ўрнига ҳаракат қилади. Улар ўз қилмишларини маълум мақсадга эришиш учун амалга ошириб, муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка учрайди. Демак, уларни муҳим ғоя, фикр етаклайди. Трагедия муҳим ғоя ва тугал воқеа ифодасига айланиши учун куйидаги олти унсурга амал қилиш лозим, дейди Арасту. Улар:

– фабула (мифос), яъни воқеалар оқими – бошланиш, ривожланиш, перипетия (кескин бурилиш) орқали ечимга эга бўлсагина тугал ҳисобланади;

– характер воқеада фаол иштирок этаётган персонажларнинг феъл-атворидир. Улар ўз феъллари оқибатида бахтли ёки бахтсиз бўладилар;

– тил (сўз) – воқеада иштирок этаётган характерли персонажларнинг сўз ёрдамида мулоҳаза юритиши, яъни воқеага хос ва характерга мос, ғояни очиш учун аҳамиятга эга бўлган сўзлар орқали ўз фикрини тушунтириши;

– фикр (ғоя) – воқеада иштирок этувчиларнинг муҳим нарсани бор ёки йўқлигини ҳимоя қилиши ва исботлаши;

– томошавийлик воқеалар оқимини ишонарли ва ижрога қулай бўлиши. Кимки характерларни, ибораларни, ажойиб ифода ва фикрларни қалаштириб ташлаб, воқеалар оқими ва ундаги перипетияларга аҳамият бермаса, трагедиянинг руҳни мафтун этувчи томошавийлигига путур еткази;

– мусиқийлик, безакларнинг асосийси ва гўзалидир. Ҳар бир воқеанинг муҳити, характерларнинг ўзига хос ритми ва эҳтироси, сўз – тилнинг вазн оҳанги уйғунликда томошанинг умумий мусиқийлигини таъминлайди. Томоша жараёнидаги мусиқалар юқоридагилар билан уйғунлашсагина трагедия ўз мақомига эришади.

Унсурларнинг икки қисми – тил ва мусиқа тасвирлаш воситаларига, томошавийлик – тасвирлаш усулига, қолганлари – фабула, характерлар ва ғоя тасвирлаш мазмунига киради, деб таъкидлайди Арасту.

Трагедиянинг олти унсури ичида энг муҳими – воқеалар оқими. Чунки унда кишиларнинг мақсадли ҳаракати бор. Мақсадли ҳаракат бахт келтиради. Қилмиш эса бахтсизликка етаклайди. Трагедияда кишиларни акс эттиришдан мақсад, уларнинг фазилатини эмас, балки муҳим ва тугал воқеани талқин этишдир. Фазилатли кишиларнинг бахтли ёки бахтсиз экани воқеалар оқимида намоён бўлади. Воқеада иштирок этаётган кишиларнинг хагги-ҳаракатида уларнинг характери кўрсатилади.

Воқеанинг муҳимлигини тушунтириб бўлган Арасту, унинг оқими қандай уйғунлашади ва тизимга келади, деган масалага тўхталади. Трагедия муайян ҳажмга эга фабуланинг яхлит тасвири экан, аввало, воқеалар оқимининг натижасида тугалликка эришиладиган мифос – ривоятга изоҳ берайлик. Масалан “Шоҳ Эдип”ни олайлик: – шоҳлар оиласида ўғил фарзанд туғилади, бу фарзанд отасини ўлдиради, ўз онасига уйланади ва шоҳ бўлади, шу гунохлари учун у яшаб турган юртга вабо келади... Вабо сабаби – бу юртда гунохкор борлиги ва уни аниқлашга интилган халқ – шоҳ Эдипдан ёрдам сўрайди. Натижа кутилмаган ечимга эга бўлади. Шоҳ Эдипнинг ўша фарзанд эканлиги исботланади ва у ўзига-ўзи ҳукм чиқариб, кўзини ўйиб олади. Бу халқнинг

кўзига қарашга, у дунёда отаси, онаси, ўзидан бўлган фарзандлари, “укалари” кўзига қарашга уялганлик рамзи бўлиб, ўз даврининг қахрамонлиги ҳисобланган. Кўзи кўр шоҳ Эдип халққа келган вабони сўраб олиш учун маъбудлар олдида кетади.

Арасту қиска ва лўнда бу изохни фабула деб атайди. Фабула воқеалар оқими орқали яхлитликка эришади. Биз гапириб берган изох эса, асар ғоясини очган воқеалар тизимидир. Шунинг учун “Шоҳ Эдип” трагедияси муҳим ғоя ва тугал воқеа тасвиридир.

Асар ғоясини очадиган воқеаларнинг қисмлари қандай яхлитликка эришади, деган саволга Арасту: “Яхлит нарса ибтидоси, ўртаси ва интихоси бўлган нарсадир”, деб жавоб беради. Шундай қилиб, илк бор композиция қонунига асос солинади. Бугун у драма назариясида – кириш, тугун, ривож, авж ва ечим деб изоҳланади.

Ибтидо, яъни бошланишни Арасту бошқа нарса кетидан келиши зарур бўлмаган, аксинча, табиат қонунларига кўра, орқасидан нимадир келувчи ёхуд содир бўлувчи нарсадир, дейди, яъни ўзидан аввал ҳеч нарса, ўзидан кейин шиддатли ривожланишга асос бўладиган жойни – нуқтани бошланиш деб қабул қиламиз. Бу театр санъати учун ғоят зарур бўлган атамдир. Чунки парда очилиши билан бошланадиган воқеа ўзидан кейин келадиган ва шиддат билан ривожланадиган тизимга асос бўлади. Бу изохдан сўнг хоҳлаган жойдан бошлаш эмас, энг кескин воқеадан пардани очиш театр санъати талабига айланади. Буни аллома куйидагича изоҳлайди:

Софокл яратган “Шоҳ Эдип” ўзигача бўлганлардан кескин фарқ қилди. Сабаби, драматург ўз асарини воқеанинг энг кескин жойидан бошлади ва шиддат билан ривожлантира олди. Масалан, Софоклгача бу ривоят фабуласи – туғилиш, ваҳий, ҳукм, хиёнат, фалокат, тўй, вабо, жазо, қахрамонлик каби воқеалар оқимидан иборат эди. Софоклнинг “Шоҳ Эдип”и энг кескин воқеа – шаҳарга вабо келишидан бошланади ва у шиддат билан ривожланади. Вабогача бўлган воқеалар оқими эса бошқа персонажлар тилидан тафсилот ва далил сифатида ёрдамчи воситага айланади. Натижада, “Шоҳ Эдип” тартибли воқеалар оқимига эга, муайян ҳажмли, мантикий ечимли бадиий шаклга, яъни бир кунда кўрса бўладиган томошага айланди.

Драматургнинг бу ижодидан Арасту “Қандай трагедия гўзал?” деган саволга жавоб топади ва муҳим бўлақлардан таркиб топган, тартибли ва муайян ҳажмга эга ҳар қандай нарса гўзалдир, деган хулосага келади. Гўзаллик ҳажм ва тартибдан келиб чиқади – хаддан ташқари кичик нарса сезиларсиз, каттасини эса нигоҳда қамраб олиш қийин бўлгани учун кўрувчилар нарсанинг яхлитлигини англамайдилар. Демак, гўзаллик бир қарашда қамраб ва сезиб олинадиган нарсалардир. Меъёр талабига кўра, муҳим ва тугал воқеа кўрувчилар томонидан ҳиссий идрок этишга қулай ҳажмли бўлмоғи лозим. Ҳажм нарсанинг моҳиятидан келиб чиқади. Шундай экан, тушунарли нарса ҳажман гўзал бўлади ва унда воқеалар ҳам, эҳтимоллик ҳам заруратга кўра тўхтовсиз давом этади ҳамда бахтсизликдан – бахтга ёки бахтдан – бахтсизлик томон ўзгариб турадиган оқимга айланади.

Арасту воқеа бирлиги масаласига ҳам тўхталиб, ривоят битта қахрамон атрофида айлансагина яхлит бўлавермайди, чунки бир шахс билан боғлиқ чексиз ҳодисалар юз бериши мумкин ва унинг хатти-ҳаракати ҳам кўп микдорлидир, дейди. Балки шунинг учун Ҳеракл ҳақида 4 та, Тесей ҳақида 3 та асар яратилган. Ҳеракл ягона шахс, у ҳақида битта асар яратилса бўлади, деб ўйлайдиганлар хато қилади.

Одиссей ҳақида навбатдаги асарни яратган Ҳомер аввалгилардан фарқли

ва юксак бўлган бадий яхлитликка эришди. Сабаби, у бош қахрамон бошидан кечирган барча воқеаларни кўрсатмади. Асар ғоясини очадиган воқеаларни саралаб, зарурати йўқларини бошқалар тилидан айтди. Сабабини Арасту шундай изоҳлайди: “Акс эттириш битта нарсага ўхшатишдир, шундай экан ривоят ҳам муҳим ва тугал воқеанинг тасвири бўлиши лозим. Бунинг учун воқеаларнинг қисмлари шундай жойлаштирилсинки, бирон воқеа олиб ташланса, яхлит нарса ўзгариб кетсин, мавжудлиги сезилмаган воқеа бутуннинг узвий қисми бўла олмайди”. Бу хулоса драматурглар учун ўз ёзганларини қайта ислоҳ қилиб, такомиллаштиришларига кўмаклашадиган, асар ғоясини ифодалашга ойдинлик киритадиган талабдир.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса маълум бўладики, драматургнинг вазифаси ҳақиқатдан бўлиб ўтган воқеани айнан ифодалаш эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган, бўлиши тахмин этилган ёки бўлиши зарур бўлган воқеани акс эттиришдир. Воқеанинг айнан ўзини, яъни қандай бўлса шундайлигича ифодалаш тарихчиларга хосдир.

Драматургияда персонажлар муаллиф хоҳишига кўра, асар ғоясини очишга бўлган интилиши туфайли, ундай ёки бундай ҳаракат қилади. Шунингдек, персонажларга исм қўйишда ҳам умумийликка интилади. Комедия ёзувчилар ҳам эҳтимоллик ва умумийлик асосида воқеалар оқимини тузиб, қахрамонларига зарурат туфайли исм қўядилар.

Трагедиядаги бош қахрамон исмлари ўтмишдан олинади. Чунки юз берган тарихий воқеа ишончлидир. Бир ёки икки персонаж тарихий шахс бўлиши мумкин, қолганларини драматург ўйлаб топади. Трагедиянинг қахрамони – маъбудлар, қироллар, шохлар, шахзодалар, маликалар ёки лоақал халқ қахрамони бўлиши талаб қилинади. Чунки улар билан содир бўлган воқеалар – ривоятлар шаклида халққа маълум ва ишончлидир.

Арасту бу борада ҳам янгилик яратиш мумкинлигини таъкидлайди. Яъни, драматург ўз маҳорати билан эл орасида машҳур бўлмаган ривоятни ҳам трагедияга айлантира олади. Бунга мисол қилиб, Арасту ўз даврида драматург Агафон “Гул” трагедиясини яратиб, исмларни ва ривоятларни тўқиб чиқариб ном қозонганини эслайди ва шундай хулосага келади: “Демак, драматург ривоятларни ижод қилиб, тасвир воситасида ҳаракатни – воқеалар оқимини гавдалантира олиши билан ном қозонади, чунки у ижодкордир”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар қандай томоша турига тааллуқли бўлган умумийликни англаймиз. Бу қоидаларни Арасту Эсхил, Софокл, Еврипид каби трагиклар ижоди, Аристофан каби комедия устаси асарлари билан танишиб ихтиро қилган. Уларга тегишли умумийлик: қахрамон тақдирида буюк хато содир бўлади; шу хато асосида мушкулотлар бошдан кечиради; тўсатдан англаш юз беради; перипетия – кескин бурилиш содир бўлади; пафос, яъни эҳтирослар очилиб кетади ва табиий ечимга эришилади. Демак, воқеалар оқими хатодан, яъни билмасдан қилинган хатти-ҳаракатдан бошланади ва юқоридаги умумий талабларни ўтаб, ечимга эга бўлади.

Саҳна асари таҳлили масаласини янада такомиллаштирган машҳур режиссёр, педагог, “Станиславский системаси” асосида ишлаб, уни ривожлантирган Г.Товстоногов ва педагог-режиссёр А.Кацман талқинида воқеага икки хил изоҳ берилади. Воқеа – макон ва замонда кечадиган ҳаёт тарзи бўлиб, у мақсадли ҳаракатни пайдо қиладиган шарт-шароитлар йиғиндисидир. Ёки мақсадли ҳаракатнинг макон ва вақт бирлигида амалга ошиши – воқеа. Агар воқеа шарт-шароитлар йиғиндиси деб қаралса, унинг таркибий қисмларини ҳам таҳлилий ўрганиш лозим. Уларни бошланғич шарт-шароит ва етакчи шарт-шароитдир, деб изоҳлайди юқоридаги ижодкорлар.

Бошланғич (исходное) шарт-шароит ўзгармас бўлиб, у асардаги барча қарама-қаршилик ва курашларнинг асоси ҳамда ҳал қилиниши керак бўлган муҳим масаладир.

Арасту изоҳига кўра, бу “қатта хато”, деб аталади ва у барча мушкулотларни келтириб чиқарадиган ҳамда ҳал қилиниши зарур бўлган масаладир. Ҳақиқатан ҳам, бу масала то ечими топилмагунча ўзгармасдир. Масалан: А.Қаҳхорнинг “Оғриқ тишлар” комедиясида мактаб ўқувчиси Насибанинг ёш турмушга чиқиши; Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”сида икки қабила ўртасидаги низо; Гоголнинг “Ревизор”ида шаҳардаги ўзбилармонлик асосидаги тартибсизликнинг авж олгани, асар ўз ечимига эга бўлмагунча ҳал қилиниши зарур бўлган, ўзгармас масаладир.

Етакчи (ведущее) шарт-шароит – бошланғич шарт-шароитга қарама-қарши бўлган ва энди нима бўлар экан деган муаммони пайдо қиладиган ҳамда воқеалар оқимини мантикий равишда муаммо ечимига олиб борадиган тизимдир. Бу оқим томошабинлар кўз олдида содир бўлади ва кўрувчиларни томоша иштирокчисига айлантиради. Масалан: “Оғриқ тишлар”да мактаб ўқувчиси Насибага ноқонуний ҳужжат тўғрилаб берилиши; “Ромео ва Жульетта”да низолашган оилалар фарзандларининг бир-бирини севиб қолиши; “Ревизор”да қонунбузарларнинг ревизорни кутиб олиш учун бирлашиши етакчи шарт-шароитдир. У бошланғич шарт-шароитга қарши чиқиб, “энди нима бўлар экан?” деган муаммони пайдо қилади.

Муаммо ўз мантикий ечимига эга бўлгунга қадар, етакчи шарт-шароит пайдо қилган воқеалар оқими барчани ҳаракатга келтирадиган асосга айланади. Мана шу асосни Станиславский “етакчи ҳатти-ҳаракат”, деб атайди. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, спектакль – бошланғич воқеа (исходное событие), асосий воқеа (основное событие), марказий воқеа (центральное событие), якуний воқеа (финальное событие) ва ҳал қилувчи воқеа (главное событие) тизимидир.

Бошланғич воқеа томошани бошлаб беради ва ўзидан кейин келадиган воқеаларга асос бўлиб, парда очилишидан анча аввал содир бўлади. У энг кескинлашган жойидан бошлаб саҳнага кўчади ва бошланғич воқеа сифатида шу ерда яқун топади. Бу яқун ўзидан кейинги воқеалар тизимига асос бўлиб қолади. Бошланғич воқеа актёрларга “шлейф дня” – анча аввал содир бўлган воқеа юқини саҳнага олиб чиқишга ва уни парда очилгандан сўнг кескинлаштириб, яқунлашига асос бўлади. Масалан: “Темир хотин”да Қўчқорнинг мунтазам ичиб келишидан безиган Қумри саккиз боласи билан тонг отгунча маст эри билан курашиши – “жанжал” воқеасидан парда очилади. Бу воқеа актёрлар учун парда очилгунча жамланган мушкулотлар юқини саҳнага олиб чиқишга асос бўлади. “Жанжал” воқеасидаги кураш кескинлашиб, Қумрининг аразлаб кетиши билан барҳам топади. Бу қилмиш Қўчқорни “Кетсанг, онаси ўпмаганига уйланаман”, деган қарорга олиб келади. Бу “жанжал” араз ва қарор сабабли пайдо бўладиган “асосий воқеа”ни келтириб чиқаради.

Асосий воқеа бош қахрамоннинг етакчи ҳатти-ҳаракатини бошлаб беради ва пайдо бўлган янги шароит билан кураш юзага келади. Қўчқорнинг уйига Олимтой қутида “онаси ўпмаган қиз – робот Аломат”ни олиб келади. Бу воқеа “ганишув” бўлиб, у никоҳ билан яқунланади. Қўчқорнинг роботга уйланиб олиши томошанинг “марказий воқеа”си.

Марказий воқеа кураш кескинлашиб, қутилмаган бурилишнинг содир бўлишига шароит яратади. Арасту перипетия, яъни кескин бурилишгача бўлган воқеаларни “тугун”, ундан кейингиларини “ечим”, деб атайман деганда, юқоридаги изоҳларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Арасту ва Ста-

ниславский изоҳларини англаб етган Товстоногов ва Кацман воқеалар тизими таҳлилини ўзига хос тарзда изоҳлаб, “хатти-ҳаракат таҳлили” тушунчасини янада бойитдилар.

“Темир хотин”даги марказий воқеа – Аломатга “қизил диск” қўйилишидан бошланиб, кураш ўта кескинлашиб, Қўчқорни “гипноз” қилиш воқеасидан сўнг, унинг дунёқарашада қутилмаган бурилиш шаклланади. Робот туйғусиз, хотини эса меҳрибон, сезгир, итоаткор эканлигини англаш бошланади. Бу англаш “яқуний воқеа”га асос бўлади ва Қўчқор ўз туйғулари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Яқуний воқеа – бош қаҳрамоннинг етакчи хатти-ҳаракати тугаши, курашнинг барҳам топиши ва мантиқий ечимга шароит яратилиши. Масалан, ўзбек аёли ҳар куни қиладиган ишнинг ўн фоизини бажаришга кучи етмай Аломатнинг ёниб кетиши “фожа” – воқеани пайдо қилади. Бу воқеа Қўчқорнинг етакчи хатти-ҳаракатига барҳам беради. Олимтойнинг айбловларига қарши чиқиб, Қумрининг Аломатдан ҳар томонлама устунлигини, ҳис-туйғули инсонлигини исботлай олади. Кураш тўхтайтиди. Арасту асарнинг ёки томошанинг бу қисмини – “пафос – эҳтиросларнинг очилиб кетиши”, деб изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, яқуний воқеада эҳтирослар жўш уради. Ҳал қилиниши зарур бўлган масала – эҳтиросли муҳокамага айланади. Бу воқеа, яъни “фожа” ҳал қилувчи саҳнага – “ечим”га асос бўлади.

Ҳал қилувчи воқеа – “ярашиш” спектакль ғоясини очадиган, ижодий жамоанинг олий мақсадини намоён қиладиган, ҳал қилиниши зарур бўлган масалани таъкидлайдиган, танланган мавзунинг долзарблигини асослайдиган сўнгги саҳна. Ҳал қилувчи сўнгги саҳнада муҳим ва тугал воқеа яқунланади. Томошабин учун мавҳум бўлган масалалар ўз ечимини топади. Масалан, Қумрининг қайтиб келиши, эр-хотиннинг бир-бирини тан олиши, оиланинг тикланиши, уни сақлаб турадиган ўзбек аёлининг улуғ эканлиги томошабинга аниқ бўлади.

Таниқли режиссёр-педагог Шухрат Аббосов шогирдларига “ҳал қилувчи воқеа”ни – “тарсаки” кучига тенг ечимни топсанг, спектаклнинг композицияси ойдинлашади, тополмасанг, тасаввуринг турли томонга олиб қочаверади, дейди.

Педагог-режиссёр Анатолий Қобулов шогирдларини – “пардани қайси кескин воқеа билан очасан? Қутилмаган бурилиш қачон содир бўлади? Парда қайси муҳим воқеа билан ёпилади? Шуларни тўғри аниқлаб кел”, деб асарни қайта таҳлил қилишга ундарди.

Юқоридаги фикрлар Арасту таъкидлаган “муҳим ва тугал воқеа” томоша санъати турларининг, шунингдек, драматургиянинг, режиссуранинг ҳамда актёрлик санъатининг таянчи эканлигини исботлайди. Саҳна асарининг воқеалар тизимини тўғри аниқлаш ижодкор режиссёр учун спектаклнинг олий мақсадини англашга асос бўлса, актёрлар учун етакчи хатти-ҳаракатни аниқлашга ва муҳитни ҳис қилишга таянчдир. Шунинг учун воқеаларни тўғри номлаш муҳим ва масъулиятли ижодий жараёндир.

Хулоса қилиб айтганда, саҳна асари таҳлилида ҳаёт ва саҳналаштириш талабларига амал қилиб воқеалар тизимини қисқа ва лўнда, аниқ номлай олсак, спектаклнинг олий мақсади ва етакчи хатти-ҳаракати ижодкорларга ҳамда томошабинларга тушунарли бўлади. Арасту таъбири билан айтганда, воқеалар тизими томоша санъати турларининг қалби ва таянчи эканлиги ҳақида айтилганлар етарлидир.




АРГЕНТИНА РЕСПУБЛИКАСИ



Мустақиллик санаси –
1816 йил 9 июль
(25 май Ватан куни)


Пойтахти – Буэнос-Айрес
Майдони – 2 766 890 км²
Аҳолиси – 42 610 981 киши
Давлат тили – испан тили



Истило ва мустамлака зулмини бошидан кечирган жафокаш Аргентина бугун дунёнинг ҳар жабҳада эътиборга сазовор мамлакатларидан саналади. Қадим замонларда бу ерларда яшаган кўп сонли ҳинду қабилалари: диэгитлар, чарруа, керанди ва бошқалар XVI асрдан сўнг истилочилар таъкиби остида секин-аста ўз ўрнини европаликларга бўшатиб берди. Илк истилочиларнинг авлодлари – креоллар 1810–16 йилларда испанларнинг кейинги мустамлакачиларига қарши қуролли кураш олиб бордилар. **Кураш бошланган 25 май куни аргентин халқининг миллий байрами бўлиб қолди.**

“Аргентина” истилоҳи лотин тилидан ўгирганда “қумуш” маъносини англатади. Мажозан олганда, дарҳақиқат, замонавий Аргентина илм-фанда ҳам, адабиётда ҳам, спорту санъатда ҳам дунёнинг барча халқлари орасида қумушдай товланиб туради. Зотан, сўз санъати мухлислари Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Адольфо Биой Касарес, Эрнесто Сабато, Мануэль Пуиг, Освальдо Сориано, Андахазо Федерико сингари ёзувчи-шоирлар номларини ардоқласа, муסיқа шинавандалари Астор Пьяццолла, Эваристо Каррьего, Луис Энрикес Бакалов, Карлос Гардель каби композиторлар санъатидан баҳра олади. “Энг яхши” сифати билан таърифланадиган Лионель Месси фаолиятини эса етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган футбол ишқибозлари ипидан игнасигача яхши билади... Мухтасар сўз шуки, журнализмнинг мазкур сони дунё адабиётини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитган аргентин адабиётига бағишланди. Бу халқнинг бой маданияти сиз, мухтарам журналхонларнинг тасаввурини янада кенгайтиришига шубҳа йўқ.

Адабиёт



Аргентина адабиёти Лотин Америкаси адабиётининг кўпоҳангли, сержило, сермахсул қисмидир. Бу ҳудудда яшаган қадим қабилаларнинг фольклор матнлари етиб келмаган. Аммо халқ шеъриятидаги ўзига хослик кейинги даврларда ўзлаштирилган адабий оҳанглар, образлар, услублар билан қоришиқ ҳолатда яшашда давом этди ва миллий адабиётни юзага келтирди. Аргентина адабиёти бир неча даврий босқичларни ўтаган бўлиб, улар ўзаро узвий боғланишга эга.

Мустамлакачилик даври адабиёти

XIV–XIX асрларда адабиёт испан маданияти таъсирида бўлди ва испан тилида яратила бошланди. Даврнинг илк ёзувчи ва шоирлари Луис Пардо, Матео Рохас де Окендо ва Берналь Диас дель Кастильо бўлишган. Ульрих Шмидл бўлса “Испания ҳамда Ҳиндистонга сафар ва йўл” номли тарихан даврлаштирилган илк тадқиқотнинг муаллифи эди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида маърифатпарварлик ғоялари кенг ёйилди, шу мазмундаги М. де Лаварден, Д. де Асуэнага асарлари пайдо бўлди.

Мустақиллик даври адабиёти

1810–1826 йилларда Испанияга қарши олиб борилган уруш ҳаракатлари натижасида Б. де Монтеагудо, В. Лопес-и-Планес, Х. Крувес Варела ижодида ватанпарварлик руҳидаги классицизм йўналиши етакчилик қилди. Аргентинанинг ўзига хос адабиёти ва унинг илк куртаклари 1812 йилдаги Аргентина мустақиллигидан сўнг, креол ҳамда гаучо маданияти заминида тараққий эта бошлади. Бу адабиёт ташқи душманларга қарши туриш, шунингдек, гаучо ҳаёти ҳамда янги ерларни кашф этиш ғояларини ифода этар эди. Манбаларда айнан мана шу давр адабиёти замонавий Аргентина адабиётининг асоси дея қаралади.

Миллий адабиёт Э. Эчеверриа, Х. М. Гутьеррес, Д. Ф. Сармьенто шеърлари, драмалари, насрий ва публицистик асарлари билан қад тиклай бошлади.

XIX асрнинг ўрталарида тараққий этган гаучо маданияти айни шу даврдан заминдорлар кириб келиши билан сўниш даврини бошлаб юборди. Бу адабиёт яратган образлар ҳаётини заминдан узилиб поэтик заминга ўтишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида пампа фольклори кайфиятидаги “гаучо адабиёти” асосий адабий йўналишга айланди.

Бартоломе Идальго (1788–1822) биринчилардан бўлиб фольклор ифода шаклларини тиклашга уринган. И. Аскасубининг сиёсий ва лирик шеърлари, “Сантос Вега” шеърини романи (1851), Х. Мармолнинг “Амалия” романи (дастлабки миллий роман, 1855), Х. Эрнандеснинг “Мартин Фьерро” қахрамонлик достони (1872) яратилди. Достонда гаучо Мартин Фьерронинг мардонавор ҳаёти куйланади, унинг интилишлари миллийлик даражасида қабул қилинади.

Аргентина романтизми Эстебан Эчеверриа ва унинг “Қушхона” ҳикоялар тўплами ҳамда “Асира” поэмаси билан боғлиқ.

1880 йиллардан Буэнос-Айресда адабий кўтарилиш кузатилди. Альма-

фуерте шеърляти, Х.М.Эстрада, Х.Гонсалес, П.Гоен, М.Кане, Э. Камбасерас, Х.Мартел насри айнан шу даврга алоқадор.

Маълум бўладики, XX асрга қадар кечган Аргентина адабиётининг асосини фольклор руҳидаги адабиёт ташкил қилган. Фольклор айнан тўлдиролмаган ўринлар, хусусан, миллий қахрамонлик дostonларини яратиш алоҳида муаллифлар зиммасига тушди. Аммо бу миллий адабиёт Ғарбий Европа халқлари маданиятидан холи бўлмаган, айтиш мумкинки, улар таъсирида вужудга келгандир. Аргентина юкори табақалари Парижни ўзларининг иккинчи ватани ҳисоблар, XIX аср Аргентина сиёсий ва фалсафий тафаккур тарзи французларга эргашган эди. Аргентина адабиётида Англия ва Италия таъсири ҳам катта бўлган. Бундай ясалган қоришиқ маданият заиф, аммо унутилмас гаучо маданияти изидан эргашди. Гаучо маданияти ҳам соф миллий ҳодиса эмас. Минтақага кириб келган Европа халқлари бойликларни ўзлаштириш учун маҳаллий халқлар билан яқинлашди, бу жараён натижасида пайдо бўлган қоришиқ ирк вакиллари гаучо маданиятини яратган эдилар.

XX аср адабиёти

XX асрда сиёсий ҳаётнинг меъёрга тушиши билан адабиётда янги давр бошланди. 1910–1920 йилларда Аргентина авангардчилари Европада кенг таҳлил қилинаётган инсон ва тараққиёт таназзули муаммосига берилди. Асрнинг 20-йиллари ижтимоий романлар даври бўлди. Бу давр ҳам гаучо маданиятини янги қиёфада тиклашга интилган. 1925 йилда Буэнос-Айресда ёш ёзувчи, шоирлар миллий адабиётни тиклаш учун бирлашадилар. Бу тамоман янги услуб, янги образларга эга, рамзларнинг чексиз оламига йўл очадиган танго руҳидек ёввойи, жозибали, поэзияни яратиш истаги билан алоқадор эди. Уларнинг “Мартин Фьерро” нашр идораси миллий сюжетлар қолипидаги авангард адабиёт намуналарини чоп эта бошлади. Р.Гуиральдес, Б.Линч романлари гаучо даврини романтик тарзда ифода этган. Шоир Леопольдо Лугонес миллий типлар ва сюжетларни изохловчи символик асарлар яратди. Э.М.Эстрада ўз эсселарида гаучо маданиятини тадқиқ этди. Драматург, шоир, тарихчи Рикардо Рохас (1882–1957); шоира Альфонсина Сторни (1892–1938); бастакор Эваристо Каррьего (1883–1912) танго руҳидаги поэтика ва мусикага эргашдилар, улар “Sur” (“Жануб”) адабий журналида узлуксиз чиқиш қилар эдилар.

Леопольдо Лугонес (1874–1938) Лотин Америкаси модернизмнинг етакчи вакилларида биридир. У замондош модернист-шоирлар билан ижодий ҳамкорликда бўлган, адабий оқимлардаги ҳар бир янгиликни кузатиб борган ва миллий адабиётга тадбиқ этишга уринган. Унинг биринчи шеърлар тўплами “Олтин тоғлар” (1897) номи билан чоп этилган. У ифодаларда Эдгар По, Шарл Бодлер ва Бразилия символисти Круз-э-Соузага ворислик қилган. Шу биргина тўпланиннг ўзи муаллифнинг қиёфасини етарлича кўрсатиб берди. Сатрларда юксак оҳанглар, образлар нафосати ва эстетизми, мистик тасаввурларга ишқибозлик намоён бўлар эди. Шоирнинг “Асрларга қасида” (1910) тўплами ҳам бутун Лотин Америкасида машҳур бўлиб кетди. Леопольдо Лугонес “Тасвирлар китоби” (1917), “Рио-Секо романслари” (1939) каби шеърый, “Ёт кучлар” (1906), “Ёзиқдаги хикоялар” (1926) насрий тўплалар муаллифи ҳамдир.

1930 йилнинг бошларида Аргентинада адабий анъаналарга содиқлик ва айна вақтда адабий тажрибалар шу қадар синкретик тарзда намоён бўлдики, бу жараён Х.Л.Борхес, Х.Кортасар ижоди мисолида ҳам кўринади. Бутунлай янги тажрибавий йўлдан борган Борхес адабий-эстетик билимларга тўйинган вақтида анъанавий вазнда шеърлар ёзди, сўнг яна тажрибалар

йўлига ўтиб борди. Фантастик, шеъррий ҳикоялар, бошқотирма детективлар яратиш кучайди. Хорхе Луис Борхес (1899–1986), Адольфо Бьой Касарес (1914–1999), Леопольдо Марегаль (1900–1970), Эдуардо Мальеа (1903–1982)



ижодида айнан шундай жанрлар етакчилик қилди.

60-йилларнинг бошларига келиб Лотин Америкаси адабиётида “сеҳрли реализм” номли янги адабий оқим юзага келди. Бу оқим вакиллари ўз индивидуал мифларини (реалликдан узилган, алоҳида хронотопга жойлаштирилган) яратишга уриндилар. Бу мифларда хинду, гаучо, испан, француз, инглиз, португал анъаналари қоришар ва янги наср, хусусан, янги роман уфқларини очар эди. Бу давр авлоди вакиллари орасида уч ёзувчи: Х.Л.Борхес, Эрнесто Сабато ва Хулио Кортасар дунё миқёсида танилдилар.

Хорхе Луис Борхес (1899–1986) носир, шоир, эссеист, публицист, таржимон ҳамдир. У фалсафий, хаёлий, тарихий тасаввурларни умумлаштириб, ўз услубини яратган ижодкор. Борхеснинг қонида баск, андалус, яҳудий, инглиз, португал, норман қони қандай қоришган бўлса, асарларида фалсафа, санъат, адабиёт, тарих шундай қоришиқ ва бир бутун тарзда намоён бўлади.

1914 йили оиласи билан Женевага кўчган Борхес Женева коллежида ўқиб, француз тилини ўрганади, шу тилда шеърлар ёза бошлайди. 1918 йили Испанияда бўлиб, шоирларнинг авангард гуруҳига яқинлашади. “Греция” испан журнали унинг илк шеърларини нашр этади.

У 1921 йили Буэнос-Айресга қайтди ва ўзининг “Ультраизм” сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Шу тариқа Аргентина адабий муҳитини испан авангардизми тамойиллари билан таништирди. Янги ифода шаклларини кўрсатиб бериш учун Буэнос-Айрес ҳақида эркин вазнда шеърлар яратди.

1923 йили 33 шеърдан иборат “Буэнос-Айрес жазираси” номли илк шеърлар тўплами, “Уйдирмалар” (1944), “Жимжималар” (1960) каби фантазияга тўйинган насрий асарлари чоп этилди. 1930 йиллардан Аргентина адабиёти, санъати, тарихи, киноси ҳақида кўламдор эсселар, адабий журналлар учун дунё адабиётининг сара асарлари ҳақида тақризлар ёзди. Виржиния Вульф асарларини таржима қилди. 1937 йилда Аргентина мумтоз адабиёти антологиясини нашр эттирди. 1950 йилнинг бошларида Борхес анъанавий ўлчовдаги маънос оҳангли шеърлар ёзди. 1955–1973 йилларда Аргентина Миллий кутубхонасида директор вазифасида ишлади. 1972 йилда АҚШ университетларида маърузалар ўқиди. Жуда кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар соҳиби Х.Л.Борхес 1986 йил Женевада вафот этди.

Хорхе Луис Борхес замонавий дунёга ўта метафорик ва фалсафий мубоҳасалар кўзи билан қараган, бу ёндашуви билан тарихга йўлланган янги йўлни очиб борган шоир-ёзувчидир. У оламни бир вақтнинг ўзида ҳам шоир, ҳам носирдек ўзлаштирди ва ифодалади. Борхес метафизика ва реаллик ўртасидаги шаффоф девор устида ўтириб фикрлайди, ёзади. Хаёлий ва сеҳрли тасвирларни – Борхес мифларини яратади, уларнинг борлигига ишонтиради.

“Шекспир хотираси” номли ҳикоясида бир кишига тегишли ўтмишни бошқа бир хотирага ўрнатади, бу хотира ўта сирли тарзда ўз эгаларини бирмабир алмаштириб туради, уларнинг ҳаётига дахл қилади. Олис ўтмишнинг ҳозир ва келажак бўлиб хотирада худди тирик жонзотдек ҳаракатланиши хайрат ва сирдошлик уйғотади. Реал макон ва замонда туғилган мангу хо-

тира йилларнинг шаффоф деворидан секин, сассиз ирреал ҳолатда сирғалиб чиқади-да, реал макон ва замонда ўзига сохиб излайди. Ҳикоянинг кўрқув уйғотувчи сеҳри шундаки, бу хотира орамиздаги кимдадир уйғониб қолиши, балки ҳикоя ўқиётган китобхонга ўрнашиб, уни шахсий хотирасидан махрум қилиши мумкин.

“Соҳилдаги учрашув” ҳикоясида бўлса, муаллифнинг кексалиги ва ёшлиги ўриндикда ёнма-ён ўтириб суҳбат қуради. Журналхонларимиз бу ҳикоя билан 3-сонимизда танишган. Энг муҳими, ижодкор ёшлик ва кексалик руҳиятини чизишда бир сўз, бир ҳаракатда ҳам адашмайди, ишонтиради. У яна замонлар ва маконлар ўртасига шаффоф ойна ўрнатиб, уларни томоша қилади.



Борхес ижоди, нафақат Лотин Америкаси, балки дунё адабиётида юксак баҳоланади. У замонлар билан ўйин тушишда Данте, Гётедан фарқли ўз йўлини тутди.

Эрнесто Сабато (1911–2011) – носир, эссеавис, рассом, мутахассислигига кўра физик олим. Ла-Плата коллежида ўқиб юрган вақтларидаёқ ёзувчиликка қизиққан. Ла-Плата Миллий университетида физика-математика факультетида таҳсил олган.

1934–1935 йиллари Парижда яшаб, “Сукунатга чўмган булок” романини қоғозга туширди. 1938 йилда Буэнос-Айресда физика бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва Париж Кюри институтида тажрибалар олиб бориш имтиёзига эга бўлди. Парижда ўтган бу йиллар давомида сюрреалист-ёзувчилар ижодий муҳитига яқинлашди.

1941 йилдан “Sur” журнали, шунингдек, Х.Борхес ва унинг ҳаммаслаклари билан ҳамкорлик қила бошлади. “Индивид ва коинот” эссеси (1945) Аргентина Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Буэнос-Айрес шахри бош мукофотига лойиқ кўрилди. 1948 йилда яратилган “Туннель” экзистенциал романи Аргентинада, хорижда катта қизиқиш билан ўқилди (Францияда А.Камю томонидан эътироф этилди), тўққиз тилга таржима қилинди, 1952, 1977, 1987 йилларда экранлаштирилди ва сахналаштирилди. Муаллифнинг “Қабрлар ва қахрамонлар” (1961) ҳамда “Аввадон-қирувчи” (1974) романлари унинг номини Лотин Америкаси забардаст романнавислари сафига олиб кирди.



Сабато 2000 йили “Clarín” газетаси сайтига “Қаршилик” ҳикоясини жойлаштирди ва унинг асарлари янада кенг ёйила бошлади. 2006 йилда Габриэл Гарсиа Маркес, Эдуардо Галеано, Пабло Миланес, Фрейем Бетто ва бошқа таниқли маданият арбоблари билан биргаликда Пуэрто-Рико озодлиги ҳаракатларида иштирок этди. Эрнесто Сабато кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар сохибидир. Нобель мукофоти билан тақдирланиш учун уч бора (охирги марта 2009 йилда) номзоди кўрсатилган.

Хулио Кортасар (1916–1984) адабий фаолиятини 1940 йилларда бошлаган. У “Ҳозирлик” номли илк шеърлар китоби (1938), “Бестиарий” ҳикоялар тўпламида (1951) Борхесга шогирдлик қилди. Унинг “Ишғол қилинган уй” номли илк ҳикояси (1946) ҳам Борхес томонидан ташкил этилган адабий журналда чоп этилган эди. Кортасар 1951 йили Франциянинг адабий йўналишдаги стипендиясини қўлга киритганлиги, шунингдек, Аргентинадаги сиёсий ҳаётдан норозилиги сабаб ватанини тарк этди. Париж адабий, маданий ҳаётига кириб

борди, ЮНЕСКО идорасида таржимонлик фаолияти билан шуғулланди. Умрининг сўнгига қадар Францияда яшади.

Муаллиф ижодидаги алоҳида бир жиҳат шундаки, унинг ўзи нашрга тайёрлаган айна ҳикоялар ҳар гал ҳар хил ҳолатда нашр бўлган. Улар доимий ишланган, бойитилган, сюжет қобиғида турли муносабат қаватлари пайдо бўла борган. Бу эса унинг асарлари ҳақидаги адабий қарашларнинг, таржималарнинг узлуксиз ўзгариб боришига олиб келади. Йиллар давомида эълон қилинган “Имтиҳон”, “Ютуқлар”, “Классиклар ўйини”, “62. Тўплам учун андоза” романларида, “Заҳар”, “Михлаб ташланган эшик”, “Сарик гул”, “Сирли қурол”, “Ҳамма оловлар – оловдир”, “Жанубий шоссе” ҳикояларида ўқиш ва яратиш бирдек давом этади. Ғоя ичида ғоя, сюжет ичида сюжет, образ ичида образ ва улар юзага келтираётган матн ичида матнлар ўқувчи шуурини домий банд қилиб туради, охири йўқ вокеларнинг якунини ўзи яратишга мажбур қилади. Қайта-қайта ўқиш, ҳар гал ўқилганда ҳар хил тушуниш, тушунишнинг ўқувчи дунёқарашига мос тарзда кенгайтириб ва торайтириб бориши асар ўқишдаги асосий жараёнга айланади. Бир қаҳрамонни турли қиёфада иккилантириш, учлантириш ва уларни ҳаракатнинг умумий оқимида учраштириш каби поэтиканинг янги ўйинлари ребусни ечгандаги хузурни беради, ўқувчиларда янги адабий эҳтиёжни туғдиради ва бу эҳтиёжни унинг ўзи қондиради.

“Ўйиннинг тугаши” ҳикоясида ички қиёфанинг ўйинда, ниқобда ташки оламда намоён бўлиши ифодаланган. Ташки олам касалманд қизнинг асл ҳолатини ёқтирмади ва у яшашнинг янги шаклида – ўйин ичида, ниқобда ҳаракатни бошлади. Символика, табиий психологизм, оддий сюжетнинг тифиз ва мураккаб қаватлари асарда “сеҳрли” куч яшириниб ётгандек тасаввур уйғотади.

Борхес, Сабато, Кортасар асарларида реализм, сеҳрли реализм, модернизм, постмодернизм белгилари қоришиқ ҳолатда намоён бўлади. Бу даврга келиб ҳам Аргентина адабиёти синкретик хоссасини сақлаб қолгани маълум бўлади.

Кейинги давр Аргентина романапислари Давид Виньяс (1920), Мануэль Пуиг (1932–1990), Рикардо Пилья (1941), Освальдо Сориано (1943–1997) бўлдилар.

Замонавий адабиёт

Иқтисодиётнинг тараққиёти ва маданиятнинг бироз сусайиши мана шу даврнинг хос белгисидир. Бу давр ижодкорлари анъанавий адабиёт доирасидан узоклашди. Фернандо Соррентинонинг сеҳрли реализми айнан шу давр маҳсули эди.

Аргентинада юз берган 2001 йилдаги инқироздан сўнг ёзувчиларнинг янги авлоди ўз асарларини интернет орқали нашр эта бошладилар.

Англиянинг “Grant” журнали 2010 йилда энг кўп ўқилган 35 ёшдан кичик бўлган 22 муаллифнинг саккизтаси аргентиналик испанзабон ижодкорлар эканлигини ўз рўйхатида кўрсатиб ўтади: Саманта Швоблин, Оливерико Коэльо, Федерико Фалько, Матиас Несполо, Андрес Неуман, Пола Олоихарас, Патрисио Прон, Лусия Пуэнсо.

Аргентина болалар адабиётида Мария Тереза Андруэтто асарлари етакчилик қилади. Муаллиф 2012 йилда Андерсен номидаги мукофот совриндори бўлган.

Мураккаб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтаётган Аргентина адабиёти дунё адабиётига дахлдор кўплаб муаллифларни улғайтирди.

*Шаҳноза НАЗАРОВА
тайёрлади*



Тасвирий санъат ва меъморчилик

Мустамлака йиллари Аргентинада тасвирий санъат асосан диний мазмунга эга бўлиб, rassomлар эркин ижод қилиши, янги услуб ва жанрларга интилиши, бир сўз билан айтганда, новаторлик қобилиятини намоён этиши учун деярли имконият бўлмаган. Истибдод нафақат мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, балки маънавий-маданий дунёсини ҳам исканжага олган, натижада кўплаб rassomлар тор доирада, ижодий биқиқликда қолиб, асосан зодагонлар турмушини акс эттирувчи якранг “портрет”лар чизиш урфга айланганди. 1816 йили Аргентина испанлар истилосидан халос бўлгач, маданий ҳаётнинг барча жабҳалари қатори тасвирий санъатда ҳам жонланиш ва янгила-ниш даври бошланди. Р.Монвуазеннинг романтик жанрдаги картина-лари, П.Пуэйрредоннинг гўзал манзараларни ифодаловчи пейзажлари, Э.Сиворининг реалистик асарлари ўзининг ёрқин табиати, қолип андозалардан холилиги, энг муҳими, янгиликка интилиши билан эъти-борли бўлди.

1821 йил Буэнос-Айрес университети қошида rassomлар билим ва маҳоратини оширишга йўналтирилган Тасвирий санъат мактаби ташкил этилади. Бу эса миллий тасвирий санъатнинг ўзига хос анъаналари, услуб ва йўналишларининг юзага чиқишига шароит яратди.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Аргентинада европалик моҳир rassomлар: К.Пелегрини, С.Бакль, И.Ругедас ва бошқалар ижод қилганлар. Аср ўрталарида тажрибали rassom Педро Прилидиано Пу-эйрредон портрет, пейзаж ва маиший жанрларда мусаввирлик мактабини шакллантиришга муваффақ бўлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида тасви-рий санъатда бадиий ифодаларга асосланган янги мактабни яратиш учун кураш кечади. Бу жараёнда реалист rassomлар: Э.Сивори, Э.Скьяффино, Э. Де ла Каркова ва бошқалар алоҳида жонбозлик кўрсатишади. Айнан уларнинг иштироки ва ташаббуси сабаб 1878 йили rassomлар уюшмаси, 1895 йили эса Миллий нафис санъат музейи ташкил топади.

XX аср бошларида яратилган асарлар шакл, мазмун ва ғоя жиҳатидан мутлақо ўзгариб, ноодатий сюжетлар, рамзий умумлашмалар, инсо-ний эҳтиросу кечинмаларга эрк берувчи оҳорли мавзулар мўйқалам соҳибларини кўпроқ қизиқтира бошлади. Бу даврда М.Мальярро, Ф.Фадер каби rassomлар ижоди билан импрессионизм оқими етакчи кучга айланди. Кейинчалик rassomлар Р.Сильва постимпрессионизм, Э.Кульен Аерса экспрессионизм оқимининг кенг тарқалишига сабаб-чи бўлдилар. 1920 йилларда rassom Р.Сольди Аргентина тасвирий санъатида авангард йўналишни бошлаб берди. Шундан сўнг модернизм оқимига хос кубизм (Э.Петторути), сюрреализм (Р.Форнер), абстрак-ционизм (А.Сибельино, П.Курателъя) йўналишларида қатор асарлар яратилди. Ушбу услублар билан бир вақтда замонавий реалистик санъат ривожланиб, янги босқичга кўтарилди. Унинг улкан намояндалари

Х.К.Кастанино, А.Берни, Л.Э.Спилиберго, Б.Кинкела Мартин, С.Б. де Кирос, А.Алисе, Д.Урручуа ўз асарларида бадиий ҳаққоният ва реалистик тасвир уйғунлигига эришдилар. 1930 йилларда эса графика жанрига бўлган қизиқиш кучайди. А.Р.Виго, В.Ребуффо каби рассомлар ижтимоий аҳамиятга молик мавзуларни тасвирлаган бўлса, кейинчалик Л.Л.Пелегрини, Х.Гнекко, Н.Онофрио, А.Бриес сингари ижодкорлар мавжуд анъаналарни давом эттирдилар.

1960–70 йилларда авангардизм янада қулоч ёзиб, “кинетик санъат” (Х. Ле Парк), “геометрик санъат” (Э. Мак-Интайр), “оммавий санъат” (А.Берни, М.Минухин) ва бошқа кўплаб номлар остида турфа оқимлар вужудга келди. Бундай янги услуб ва йўналишларнинг пайдо бўлиши ижодий ранг-баранглик ва жанр хилма-хиллигини таъминлаш билан бир қаторда, ўз дунёқараши ва салоҳиятга эга янги рассомларни кашф этди. Эндиликда инсон тасаввурининг энг юксак чўққилари билан бўйлашувчи, ички интуиция ва туйғулар орқали идрок этилувчи, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи ноёб картиналар дунёга келди.

Таъкидлаш лозимки, Аргентинада тасвирий санъат фақат маҳаллий рассомлар ва миллий андозалар негизида ривожланган эмас. Айни жараёнга Европа ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидан ташриф буюрган рассомлар ижоди ҳам сезиларли таъсир кўрсатганини қайд этиш жоиз. Хусусан, 1927–1950 йилларда Аргентинада таниқли рус ҳайкалтароши ва рассоми С.Д.Нефредов-Эрзя яшаб, ижод этган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижодий ишларини намойиш этган рассом 1927 йил Буэнос-Айресга шахсий кўргазмасини ўтказиш учун қисқа муддатли саёҳат ташкил этади. Бироқ тақдир тақозоси билан бу диёрда узок йиллар қолиб кетади. Эрзя янги шароитга тезда мослашиб, маҳаллий аҳоли билан яқиндан танишади, уларнинг урф-одатлари, анъаналарини ўрганади, натижада рассомлик билан бирга, тажрибали этнографга ҳам айланади. Вақти келиб, Россияга қайтгандан кейин ҳам С.Эрзянинг Аргентина тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги ривожига кўшган ҳиссаси эътироф этилади.

Замонавий Аргентина ранг-тасвири бугун тамомила янгича қиёфа касб этиб, мамлакат маданий ҳаётининг энг илғор жабҳаларидан бирига айланган. Д.Дайер, А.Роземберг, Э.Торазза, Х.Урлачер каби ижодкорлар турли услуб ва оқимларнинг қоришувидан ҳосил бўлган, дунё тасвирий санъатининг ноёб анъаналарини мужассам этган, шакл, мазмун, ғоя ва ифода воситасига кўра ўзгариб бораётган асарлари билан ижодий жараённинг қизғин ва самарали кечишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Аргентина меъморчилиги тасвирий санъатга нисбатан қадимийроқ тарихга эга бўлиб, мустамлака йиллари марказий майдонлар, черков бинолари, шаҳар бошқармаси, губернатор саройи ва бошқа муҳим иншоотлар диний ва дунёвий характерга мос услубда бунёд этилган. Амалдорлардан ташқари баъзи бадавлат инсонлар уйнинг ички қисмини безатишда патио услубидан кенг фойдаланганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, меъморчиликда барокко маданияти гуллаб-яшнади ва қурилаётган бинолар тарҳи тасвирий-декоратив элементлар билан бойитилди. Мустақилликдан сўнг мамлакатда ушбу санъатнинг ривожланишига Франция, Италия, Буюк Британия меъморчилик мактаблари салмоқли таъсир кўрсатди. XIX асрдан бошлаб, барокко маданияти қаторида классицизм йўналиши кенг тарқалади ва шаҳарларда кад ростлаётган иморату бинолар ноодатий ечимми, пухта конструкцияси,

эстетик жозибаси билан барчада қизиқиш уйғотади. XX асрнинг бошларида Буэнос-Айресда кўп қаватли уйлар, банклар, давлат муассасалари, конгресс биноси, “Колон” театри қурилиб, фойдаланишга топширилади. 1912 йили машҳур Дель Сантисимо Сакраменто ёдгорлик мажмуаси бунёд этилади. У мамлакатдаги таниқли оилалардан бирининг вакили, истиклол йўлида жон фидо қилган жасоратли аёл Мерседес Анхонера де Кастельянос хотираси учун қурилган эди. Бино француз неоклассицизм санъатининг гўзал анъаналарини мужассам этган бўлиб, ички қисми мрамор тошлар билан безатилган. Мазкур обидага қадам ранжида қилган сайёҳ бир дам ҳайрат уммонига ғарқ бўлиб, инсоннинг Яратган томонидан ато этилган истеъдоди ва қобилияти нақадар юксак эканига амин бўлиши шубҳасиз.

1919 йил итальян архитектори Марио Паланти лойиҳаси асосида Жанубий Америкадаги энг баланд бино – Паласио Баролони қуриш ишлари бошланади. Неоготика услубида барпо этилган бинонинг баландлиги 100 метр бўлиб, 22 қаватдан иборат. Паланти бино лойиҳасини тузишда улуғ итальян шоири Данте Алигъерининг “Илохий комедия” асаридан илҳом олгани қайд этилади. Бинода 9 та лифт бўлиб, ҳар бир қаватга кўтарилганда, шаҳар ва унга ёндош ҳудудлар манзарасини кузатиш мумкин. Бинонинг чўққисига маёқ ўрнатилган ва бу белги Аргентинага чегарадош мамлакатлар, хусусан, Уругвайдан туриб назар солинса ҳам бемалол кўриниб туради. Мухташам Паласио Бароло биноси 2009 йили қайта таъмирдан чикди. 1930–40 йиллар меъморчилигида қуруқ рационализм ва эклектикага берилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Мазкур йилларда яратилган эътирофга молик меъморий обида – Пуэрто-Мадеро ҳайкали ҳисобланади. 1936 йил маҳаллий архитектор Артуро Дреско ташаббуси билан қизил гранитдан бунёд этилган ушбу ёдгорлик Аргентина халқининг испанларга эътироми, икки миллат вакиллариининг қалбан муштараклигини ифодаловчи рамзий мажмуадир.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ижобий томонга ўзгаргач, меъморчиликда ҳам янги ғоя ва композициялар учун кенг йўл очилди. Кўплаб шаҳарларда француз неоклассицизм анъаналарини давом эттирувчи замонавий бинолар қад ростлади. Аргентина Миллий банки (архитектор – Алехандро Бустилло), Испан-Америка музейи (архитектор – Мартин Ноэль) бу давр меъморчилигининг гўзал намуналаридир. Шунингдек, миллат шаъни ва тинчлиги учун жон фидо қилган инсонлар, қаҳрамонлар, жаҳонгашта шахслар сиймосини халқ хотирасида абадий саклаш мақсадида қурилган Мая эҳроми, генерал Бельграно, Карлос Мария де Альвеару, Христофор Колумб, Педро де Мендосе ҳайкаллари улуғвор ва монументал табиати билан меъморчилик санъатининг нодир намуналари ҳисобланади. Кейинги йилларда юқори технологиялар воситасида қурилган Torre Le Parc (архитектор – Марио Альварес), Torre Fortabat (архитектор – Санчес Элия), Repsol-YPF tower (архитектор – Сезара Пелли) каби замонавий бинолар шаҳарлар кўркига ўзгача чирой ва тароват бахш этмоқда.

*Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ
тайёрлади*

Музыка



Аргентина музыка санъати ўзининг мураккаб ривожланиш жараёнини босиб ўтди. Ҳозирги Аргентина ҳудудида яшаган ҳинду қабилалари испан мустамлакасига қадар (XVI аср) ўзига хос ва ранг-баранг фольклорга эга бўлган. Аммо замонавий Аргентинанинг испан музыкаси асосида ривожланган музикаий фольклориди ҳиндулар музикаси катта ўрин эгалламайди. Аргентина музыка маданиятининг шаклланишига кўплаб европа давлатларининг музикаси таъсир кўрсатган. XIX асрда оммалашган съелито ва перикон каби аргентинача рақсларнинг келиби чиқиши инглизча контрдансга бориб тақалса, куандо – французча менуэт, ранчера эса полякча мазурка асосида пайдо бўлган. XIX аср бошида шаклланган Аргентина музикаий фольклори “гаучо музикаси” номи билан машҳур (дастлаб унинг тарғиботчилари чўпон ва чорвадорлар бўлганлар). Гаучолар орасида профессионал бадиҳагўй хонанда-шоирлар – пайядорлар ҳам бор эди. Улар куй басталаб, кўшиқларга шеърлар ёзганлар ва гитара жўрлигида яратган асарларини куйлаганлар. Аргентина халқ кўшиқ ва рақслари ранг-баранг. Улар испанча музикага мансуб бўлган ўзига хос мелодик давралар ва ритмик фигураларга эга. Аргентина кўшиқлари асосан бир овозли бўлиб, уларни яккагон ижрочи гитара ёки кичик халқ чолғулари ансамбли жўрлигида ижро этади. Айти пайтда икки овозли кўшиқлар ҳам учрайди. Уларнинг ижро услуби аксарият ҳолларда ёрқин эмоционаллик ва гўзалликка эга бўлиб, шеър матнлари шоирона образлар, муқоясалар ва муболағаларга бой. Бу кўшиқларда кўпинча ритмик узилишлар, суръатнинг контраст ўзгаришлари ҳам учрайди. Айрим кўшиқлар учун икки қисмли шакл хос: биринчи қисм вазмин, иккинчи қисм тезкор.

Аргентинанинг профессионал музикаси Испания музика маданияти билан узвий боғлиқ. Европа музикасининг илк фаол ташвиқотчиларидан бири Л.Бержер маҳаллий аҳолини гитара ва лютня (уд) чолғуларини чапишга ўргатади. XVII асрдаёқ иезуит ибодатхоналари қошида ҳиндуларда музика мактаблари мавжуд эди. Аргентинада итальян композитори ва органчиси Д.Зиполи ижодий фаолияти самарали бўлган. XVIII аср охириларида Аргентинанинг музикаий ҳаёти жонланади, бой амалдорларнинг саройларида концертлар намоиш этилса, итальян опера труппалари йирик шаҳарларга гастрол сафарлари уюштирганлар.

Аргентинанинг давлат мустақиллиги эълон қилингач, миллий музика маданиятининг ривожини учун қулай шароит яратила бошланди. Шундай бўлса-да, кейинги ўн йиллар давомида опера театри репертуарида итальян опералари устунлик қилган. XIX асрнинг 20-йиллари охиридан бошлаб Буэнос-Айрес театрлари сахнасида В.А.Моцарт, Й.Гайдн опералари ва испанча сарсуэлалар ижро этила бошланди. Аста-секин миллий музика театрининг юзага келаётган шакллари – музикали халқчил комедиялар,

театрлаштирилган кўшиқ сюиталари ҳам оммалашдики, бу томошаларда артистлар билан бир қаторда томошабинлар ҳам иштирок этганлар.

1821 йилда италиялик Х.А.Пикаццари Филармоник жамиятга асос солади. Бу ташкилот тез орада чолғу ва вокал мусиқаси концертларини ташкил эта бошлайди. Биринчи аргентиналик композиторлардан Б.Парера басталаган “Ватанпарварлик марши” асари 1813 йилдан буён мамлакат мадҳияси ҳисобланади.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган кўплаб композиторлар профессионал бўлмасалар-да, уларнинг ижоди ва жамиятдаги фаолияти миллий маданиятнинг тикланишига сабаб бўлди. Булар адабиётчи ва сиёсий арбоб Х.К.Лафинур, ҳуқуқшунос Х.Б.Альберди – биринчи мусиқий танқидчи, назариячи, миллий мусиқанинг дастлабки намуналари ношири бўлди. У ўзи ёзган асарларни 1837 йилда ташкил этган “La moda” журналида чоп эттирган. XIX асрнинг биринчи ярмига мансуб мусиқачилар орасида А.Алькотра – камер асарлар муаллифи, Х.П.Эснаола – пианиночи ва педагог, Аргентина симфоник мусиқасининг илк муаллифларидан бири, биринчи Мусиқа академиясининг асосчиси (1822) сифатида тарихга муҳрланди.

XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Аргентина мусиқасида янги миллий йўналиш юзага келди. Унинг намояндалари мамлакатнинг бой мусиқий фольклорини ўрганишга ва миллий ўзига хосликни европача мумтоз мусиқа тамойиллари билан мувофиқлаштирувчи асарлар яратишга интилдилар. Бу йўналишни таниқли мусиқачи, профессионал композиторлик мактаби асосчиси Альберто Вильямс бошқарди. 1893 йилда Вильямс ва бошқа илғор мусиқачилар ташаббуси билан Буэнос-Айресда консерватория, кейинчалик эса бир неча шаҳарларда мусиқа мактаблари ташкил этилади. Аргентина миллий операсининг асосчиси А.Берутти, фортепьяно мусиқасида миллий йўналишни ривожлантирган Х.Агирре ва Г.Трояни ижоди ҳам Аргентина мусиқа санъатининг тараққиётида муҳим аҳамият касб этган.

XX асрда ватанпарварлик мавзусида яратилган опералар кенг ривожланади, уларнинг сюжетларини миллат тарихи ва мустақиллик учун курашлар ғояси ташкил этади. К.Гайто ижоди ҳам мусиқий театр билан бевосита боғлиқ бўлиб, “Ольянтай”, “Гитаралар қони” опералари, “Ирупе гули” балети унинг қаламига мансуб. Композитор Ф.Боэро ҳам опера жанрида ижод қилиб, испан тилидаги опера либреттолари яратиш ташаббуси билан чиқади. Композитор ва дирижёр Э.Панис ижоди (унинг “Аврора” ва “Бизанцо” каби опералари машхур) веристча аънаналарни давом эттиради. Х.Хиларди, Ф.Угарте, О.Сиккарди, шунингдек, Р.Саммартино, Э.М.Казелла, Р.Эспоила сингари композиторлар ҳам аргентина мусиқа санъатига салмоқли ҳисса қўшдилар.

XX-асрнинг 20-йилларида Аргентина мусиқасига катта шухрат олиб келган композиторлар гуруҳи шаклланди. Улар орасида ака-ука Кастролар, А.Хинастера, К.Гуаставино, Х.К.Пас каби ижодкорлар алоҳида мавқега эга. Бу мусиқачилар “Янгиланиш гуруҳи” ижодий уюшмасига асос солдилар. Дастлаб уюшма ижодкорлари Аргентина мусиқасининг мазмуни ва ифода воситаларини янгилаш зарурлиги хусусидаги ягона дастур билан чиқадилар. Кейинчалик гуруҳдан Х.К.Пас бошчилигидаги бир қатор ижодкорлар ажралиб чиқиб, “Янги мусиқа концертлари” (сўнгра “Янги мусиқа ассоциацияси”) номли ташкилот туздилар. Миллий йўналиш намояндалари орасида – композиторлардан Л.Жаннео, Х.Персеваль, Э.Иглесиас Виллоуд, Э.Наполитано, А.Ласала, П.В.Коста, Р.Г.Морильо, К.Суфферн, Э.Дюблан

кабиларнинг ижодлари эътиборга лойик. XX асрнинг 50-йилларида Р.Арисаги, Р.Кааманьо, П.Сабастияни каби янги авлод композиторларининг ёрқин асарлари пайдо бўлди.

XX асрнинг ўрталарига келиб Аргентина мусикий ҳаётининг даражаси ва изчиллиги бўйича Жанубий Американинг етакчи мамлакатларидан бирига айланди. Мамлакатнинг мусика маркази – Буэнос-Айресда 1908 йили “Колон” номли профессионал йирик опера театри ишга тушади. Аввалига у ўз оркестри ва хорига эга бўлса-да, солистлар, дирижёрлар ва режиссёрлар бошқа мамлакатлардан таклиф этилган. 1940–50 йилларда аргентиналик биринчи опера артистлари қатта сахнага чиқдилар: Б.Бесалу, Х.Капелья, Л.Бертана, А.Камподонико, Э.Арисменди, Ф.Ботаро ва бошқалар илк миллий опера хонандалари ҳисобланади.

1925 йилда театр тасарруфида миллий балет труппаси ташкил этилди. Унда А.Хинастера, Р.Г.Морильо, К.Гуаставино ижодига мансуб мумтоз балетлар сахналаштирилган. Буэнос-Айресда “Камер опера театри” иш бошлади. Мумтоз ва миллий оперетталар шунингдек, Миллий комедия театрида ҳам ўйналади. 1950 йиллар бошида Ла-Плата номли Аргентина опера театри очилади.

Пойтахтнинг концерт мавсуми асосини Филармоник, Миллий симфоник, Миллий радио, “Колон” театри ва “Мусика биродарлари” ассоциацияси каби ташкилотлар оркестрларининг чиқишлари ташкил этган.

К.Л.Бучардо номидаги Миллий консерватория ва Буэнос-Айресдаги М. де Фальи номидаги Муниципал консерваторияда профессионал мусикачилар тайёрланади. Кордова, Ла-Плата, Мендос (Олий мусика мактаби), Росарио, Тукумане ва бошқа шаҳарларда мусика мактаблари фаолият юритади. Мусика санъати назарияси соҳасида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, К.Вега ва И.Арец каби мусикашунослар фольклорни ўрганиш бўйича аҳамиятли ишларни амалга оширдилар. 1965 йилда мусикий тадқиқотларнинг Лотин Америка маркази яратилди.


Аргентина мусикачилари, шунингдек, муаллиф ва композиторларнинг Аргентина жамияти ҳам профессионал ташкилотларга бирлашадилар (бу жамият 1915 йилда “Композиторларнинг миллий жамияти” номи остида иш бошлаган). Буэнос-Айресда “Buenos Aires Musical” (1957 йилдан), “Mundo musicale” (1938 йилдан) каби журналлар нашр этилади.

Замонавий мусикада кўплаб авангард оқимлар ривожланган. Аммо шундай бўлса-да, халқ томонидан севиб тингланадиган оммавий куй аргентиноча танго бўлиб, у миллий фольклорнинг бир қисмидир. Ҳукуматнинг махсус фармони билан ҳар йили махсус Танго кунининг (11 декабрь) нишонланиши анъанага айланган.

Аргентина тангоси – санъатнинг алоҳида шакли. У бир томондан мусика оламига мансуб бўлса, бошқа томондан рақс санъатининг ажралмас қисмидир. Ушбу икки унсурнинг бирлиги бадиҳа учун чексиз имкониятлар яратади.

Аргентина тангоси мусикасида турли хил мусикий чолғулар қўлланилади. Жаранг классикаси – тўртта асосий чолғу: фортепьяно (ёки рояль), контрабас, скрипка ва бандонеондан иборат. Бандонеон – гармон чолғусининг бир тури – бу энг асосий танго чолғуси, тангонинг қалби ва юраги. Аргентиналиклар: “Бандонеонсиз танго ҳам бўлмайди”, дейишади. Дастлаб бу чолғу улкан органнинг ўрнини босиш учун, Германия черковларидаги диний мусика ижроси учун яратилган эди. У олмон мусикачиси Генрих Банд томонидан ихтиро қилинган. Кейинчалик бу чолғу олмон

муҳожирлари орқали Аргентинага олиб борилган ва вақт ўтиб танго оркестрлари таркибига киритилган. Флейта камдан-кам, “декариан даври” деб номланган “тангонинг олтин асри”га қадар, асосан 1930 йиллар аудио-ёзувларида учрайди. Гитара флейта сингари 1930 йилларгача қўлланилган. “Тангонинг олтин асри” ниҳоясига етгач, 1950 йиллардан сўнг гитара яна танго мусиқасига қайтади. Бу чолғу машҳур композитор Астор Пьяццолла ижодида кенг қўлланилган.



Рақс

Аргентина тангоси

Аргентина тангоси кенг тарқалган машҳур рақс бўлиб, Лотин Американинг рақс маданиятини ўзида намоён қилади. У Аргентинада шунчалик машҳурки, агар футбол бўлмаганда, танго Аргентинанинг синоними бўлиши мумкин эди, дейди мутахассислар. Аргентина тангоси жуфтликлар рақси тоифасига мансуб бўлиб, ритмининг аниқлиги ва шиддатли характери билан ажралиб туради. Ушбу рақснинг номланиши баъзи маълумотларда “рақс” сўзининг креолча варианты дейилса, бошқа маълумотга кўра, у негизи билан Африка тилларига бориб тақалади. Бошқа манбаларда “танго” атамаси “барабан зарби остидаги рақс” маъносини билдириши айтилади.

Замонавий аргентинача рақснинг асосчиси композитор Анхель Виллольд хисобланади. Бугунги кунда Буэнос-Айрес, Росарио ва Аргентинанинг бошқа кўплаб йирик шаҳарларидаги рақс клублари Анхель номи билан аталади. Аргентинада танго яна бир таниқли композитор, хонанда ва актёр Карлос Гардель ижросида рақс мухлисларининг энг юқори баҳосига сазовор бўлган.

Европаликлар учун эса Астор Пьяццолла машҳур аргентинача рақснинг рамзи бўлиб қолган. А.Пьяццолла ўзининг танго усулидаги асарларини “бандонеон” деб номланувчи мусиқа чолғусида ижро этар эди.

Француз хореографи Камиль де Риналь мазкур рақсни французча бал рақслари анъаналарига мослаштиради. Шундан сўнг 1909 йилдан эътиборан Францияда, кейинчалик эса бутун дунё бўйлаб бу рақснинг ёйилиши кузатилади. 1911 йилда “Аргентина тангоси” деган ибора пайдо бўлади.

Танго рақси парвозлар даври билан бир қаторда инкирозларни ҳам бошдан кечирди. Жумладан, 1930 йилдаги ҳарбий ислохотлардан сўнг Аргентинада танго қонундан ташқари дея эълон қилинди. 1940 йиллардагина бу рақсга яна эркинлик берилди, 1955 йилларда эса у яна тақиқланади. Шу тариқа 1960 йилларга келиб рақс оммабоплик хусусиятини йўқота бошлади. 1970–1980 йиллардан бошлаб кутилмаганда Аргентина тангосига бутун дунёда катта кизиқиш уйғонди. Танго клуби ҳар жойда ташкил этила бошлади. Кўплаб мамлакатларда ҳозир ҳам рақс семинарлари уюштирилиб, буткул шу тангога бағишланган баллар ва танловлар ўтказилади. 1978 йилда Аргентина

хукуматининг фармони билан “Танго куни” деб номланган махсус байрам таъсис этилади ва у ҳар йили 11 декабрда нишонланади.

Асл аргентинача танго ёрқин ифодаланган марш ритмларига эга бўлган бал рақсларига ўхшамайди. Унда асосийси – куй. Унинг ривожланишига қараб ритм ўзгариши иккинчи планга ўтиши, ажойиб мусиқий мавзуга ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин. Аргентина тангосининг қадамлари европача тоифадош рақслардаги кескин ҳаракатлардан буткул фарқ қилади, аксинча, у ниҳоятда майин, сезгир, ром қилувчи услубни намоён этади. Аргентина тангосининг ижрочилари ички кечинмаларга диққат-эътибор бериб, томошабин учун эмас, балки ўзлари учун рақс тушадилар.

Дарвоқе, аргентинача танго ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилган.

Маламбо

Маламбо – жанубий америкалик ковбойлар рақси. Ушбу рақс услуби тахминан 1600 йилда юзага келган. Маламбо – эркаклар рақси. Маламбонинг энг яхши раққослари бутун мамлакатда катта ҳурмат қозонган, сабаби, бу рақс ўта мураккаб. Энг яхши маламбо раққоси бўлиш учун оёқларнинг виртуоз техникаси ва узундан-узоқ, тинимсиз меҳнат зарур. Маламбода вокал жўрлиги йўқ. Мусиқада ритм устунлик қилади. Маламбо якка тарзда ижро этилади. Аргентинада ҳар йили мунтазам равишда “Маламбо миллий байрами” ўтказилиб, унда бутун Аргентинанинг энг яхши маламбо раққослари тўпланадилар.

Саодат ОМОНМУРОДОВА
тайёрлади

Театр

Аргентина Лотин Америкасидаги театр санъати ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда драматургия санъатининг шаклланиши XVI аср охирида испан миссионерларининг кириб келиши билан белгиланади. Улар диний сюжетлар асосида рақс ва пантомим – мистерия кўринишидаги томошаларни уюштирганлар. Аргентинадаги илк театр 1757 йил ташкил этилган. 1789 йилда илк миллий пьеса – “Сирипо” трагедиясининг премьераси бўлиб ўтади. Аргентинада замонавий санъатга йўналтирилган мустақил театрлар 1930 йилдан шакллана бошлаган.

1850 йилларга келиб Аргентинада опера санъати ҳам ривожлана бошлади. Бу даврда 50 дан ортиқ опералар сахналаштирилди. Бундан ташқари 1856 йилда яна бир янги театр ташкил топиб, 1857 йил 27 апрелда эса Жузеппе Вердининг “Травиата” операси билан тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Янги театр тахминан икки ярим минг томошабини ўз бағрига олиб, аёллар учун махсус алоҳида бўлмага эга бўлган. Театр ташкил этилганидан



ўтгиз йил ўтиб, қулай ва замонавий бино кераклиги аён бўлади. Мавжуд театр жойи Аргентина миллий банкига сотиб юборилди. Ундан олинган маблағлар эвазига эса янги театр барпо этиш мақсад қилиб қўйилади.

1889 йил архитекторлар Франческо Тамбури ва Витторио Меоно лойиҳаси асосида Колон театри қурилиши бошланади. Бирок қурилиш ишлари жуда кийин кечади. Бу вақт орасида ҳар иккала меъмор вафот этади. Шу боис, 1908 йилда архитектор Хулио Дормал томонидан бирмунча ўзгартириш ва янги қўшимчалар киритилган ҳолда театр қурилиши ниҳоясига етади. Шу йилнинг 25 майида эса Аргентина миллий байрами – “Ваган куни”да Жузеппе Вердининг “Аида” операси билан театр очилиши бўлиб ўтади. Янги театр биноси ҳам аввалгидек икки ярим минг ўриндан иборат бўлиб, яна мингга яқин томошабин туриб қўриши мумкин эди. Театр интерьерлари қимматбаҳо жиҳозлар билан безатилган. Фойеларда Бетховен, Белини, Бизе, Вагнер, Верди, Гуно, Россини сингари таникли композиторларнинг бюстлари ўрнатилган.

1925 йили театрда балет труппаси ташкил этилади. Труппа илк фаолиятини ўша йилнинг 24 октябрида композитор Кайтано Троянининг “Болалар сахнаси” балети билан бошлайди. Вақт ўтиб театрни қайта таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлашга тўғри келди. Шу боис 2006 йил театр таъмирлаш учун ёпилади ва 2008 йил 25 май ойида театрнинг 100 йиллик юбелейи арафасида очилиши режалаштирилади. Бирок турли сабабларга кўра таъмирлаш ишлари кечиктирилади. Театр 2010 йил 25 май куни, Аргентина мустақиллигининг 200 йиллик байрами арафасида очилади.

Колон театри етти қаватдан иборат. Саҳна ости эса уч қаватдан иборат бўлиб, репетиция заллари, устахоналар ва либосхона мавжуд. У ерда 16 мингдан ортиқ либос ва 30 минг жуфт оёқ кийим сақланади. Ҳозирги кунда ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача театр бўйлаб экскурсия олиб борилади.

Аргентинада бундан бошқа театрлар ҳам фаолият юритади. Мисол учун, Ла-Платада жойлашган театр жанубий Америкадаги номдор театрлардан бири саналади. Эл Серкуло театри Росариода ташкил топган ғайриоддий театрлардан бири ҳисобланади. Дастлаб опера санъати учун мўлжалланган театр ҳозирда чинакам маданият ўчоғига айланган. Театр биносида музей ҳамда маданият уюшмалари фаолият юритади. Аргентина пойтахтида жойлашган Авенида театри, 100 йилдирки, эътиборли саҳна майдони сифатида фаолият юритиб келмоқда. Театрнинг бир йиллик репертуарини 100 та опера, 30 дан ортиқ балет ташкил этади.



Кино

Аргентинада илк кино намоиши 1896 йил 18 июлда “Одеон” театрида бўлиб ўтган. Бу ака-ука Люмерларнинг қисқа метражли фильмлари бўлиб, афсонавий “Ла-Сьото вокзалига поезднинг келиши” картинаси бўлган. Аргентина кинематографиясининг биринчи хужжатли фильми 1897 йил француз кинооператори Эжен Пи томонидан суратга олинган лавҳа ҳисобланади. Унда Буэнос-Айрес майдони узра ҳилпираб турган Аргентина байроғи кўрсатилган. 1909 йил Марио Гальо суратга олган

биринчи фильм “Май инкилоби” деб номланади. Кўп ўтмай Аргентина мустақиллик кунига бағишлаб “Доррегонинг отилиши” картинаси суратга олинади. 1907 йил Эжен Пи ва Макс Глюксманн фильмга овоз кўшишнинг содда усуллари қидириб, тасвир билан граммафонни уйғунлаштиришга интилади. Миллий бадий кинематография дастлаб мумтоз адабиётга таянган. 1914 йил Хосе Мармол романи асосида режиссёр Энрико Гарсия Вельосо томонидан Аргентинанинг биринчи бадий фильми – “Амалия” суратга олинди. Кейинги йил миллий кинематографияда муваффақиятли чиққан илк тижорат фильми “Гаучога миннатдорчилик” картинаси дунёга келди. Бундан ташқари, 1917 йил “Хаворий” номли биринчи анимацион фильм суратга олинди. Шу билан бирга 1919 йил ижтимоий танқид руҳидаги “Кийимсиз Хуан” номли картина яратилди.

Мунаққид ва тарихчилар 1930–1940 йилларни Аргентина киносининг “Олтин асри” деб аташган. Гарчи техник жиҳатдан анча илгарилаб кетган Голливуд билан тенглаша олмаса-да, илк овозли фильмларида режиссёрлар Аргентина томошабинлари ҳаётига яқин мавзуларга қўл уриб, эътибор қозонганлар. Сюжетлар комик пьесалар ва машҳур кўшиқлардан танланган. 1931 йили суратга олинган “Бандаргоҳ кўғирчоқлари” фильми “Витафон” (овозли ҳамоҳанглик фонограф учун алоҳида дискка ёзиб олинган) технологияси бўйича Аргентинада овозли кино даврини бошлаб берди. Анчайин мукамал технологик система саналган “Мувитон” (овоз бевосита плёнкаларга ёзиб олинган) 1933 йил “Танго” фильмида намоёниш этилди. Биринчи овозли фильмда Тита Мерельо ҳамда Либертад Ламарке сингари актрисалар суратга тушган. Ўша йилда суратга олинган “Рақслар” картинасида миллий кинематографиянинг бўлажак юлдузи Амели Бенс илк маротаба роль ўйнаган. Кейинги йили экранга чиққан “Уч оташин” фильми эса барча талаблар бўйича юқори натижаларга эришиб, Аргентина кино санъатини хорижий мамлакатларга ҳам муносиб намоёниш этди. Шунингдек, 1933 йилда яратилган “Дайди” картинаси ҳам катта эътирофларга сазовор бўлди. “Яшашга ёрдам бер” (1936) картинаси мусиқали фильмлар яратиш мезонларини белгилаб берди. Бу даврга келиб айниқса, режиссёр Марио Соффичининг ижоди гуллаб-яшнади. 1935 йили “Аккордеон қалби”, 1939 йилда эса “Ер маҳбуслари” фильмларини суратга олди. Ушбу картина Аргентина кинематографияси тарихидаги энг яхши фильм сифатида тилга олинади.

1940 йиллар бошида Аргентина кинематографияси инқирозга учрайди. Бу даврда кинотеатрлар репертуари АҚШ ва бошқа хорижий фильмлар билан тўлиб-тошганлиги ҳам бунга сабаб бўлди. Миллий кинематографчилар асосан маълум адабий асарларни экранлаштириш ёки тарихий-саргузашт фильмлар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолди. “Тун қиссаси” (режиссёр – Луис Саславский, 1942), “Маламбо” (режиссёр – Алберто де Завалия, 1942), “Гаучо жанги” (режиссёр – Лукас Демаре, 1942), “Дарё бўйидаги уч киши” режиссёр – Марио Соффичи) каби фильмлар шулар жумласидандир. Бу даврда турли ижодий жамоалар тузила бошлади. Хусусан, 1941 йил ташкил топган Аргентина артистлари уюшмаси, 1942 йил норасмий равишда тузилган Аргентина кино танқидчилари уюшмасининг миллий кино санъати ривожига аҳамияти катта бўлди (юридик мақоми 1957 йил 23 декабрда тасдиқланган). 1943 йил январида уюшма томонидан миллий фильмлар учун “Кумуш кондор” номли мукофот таъсис этилди. Илк совринларни “Гаучо жанги” фильми учун режиссёр

Лукас Демаре, “Маламбо”, “Учинчи бўса” (энг яхши актриса Мелия Бенос), “Болалар улғаймоқда” (энг яхши актёр Артуро Гарсия Бур) ҳамда “Қандай яшнар эди диёрим” АҚШ (энг яхши хорижий фильм) фильмлари қўлга киритди. Урушдан кейинги йилларда кинематография давлат назорати остига олинди. Кўплаб киностудиялар ёпилиб, айрим режиссёр ва актёрлар мамлакатни тарк этишди. Бу ўн йилликда эгизак опа-сингил актрисалар Мирта ва Сильвия Легранларнинг номи машҳур бўлди.

1940 йиллар охирига келиб кинотеатрлар яна жонлана бошлади. Кинотеатрларда намойиш этиладиган миллий ва хорижий фильмлар ўртасидаги мутаносибликни сақлашга риоя қилувчи қонун қабул қилинди. “Матоли копток” (режиссёр – Леопольдо Торре Нильссон, 1948), “Қизил туфлилар” (1952), “Уч мушкетёр” (1952) ва бошқа фильмлар бу даврнинг оммабоп фильмлари бўлиб қолди. 1940–1950 йилларда суратга олинган Даниэль Тинайренинг “Иснод” (1952), Карлос Уго Кристенсеннинг “Гар уйғонмасдан бурун ўлсам” (1952), Луис Саславскининг “Видалита” (1949) фильмлари ўша давр кинематографиясининг энг бақувват намуналари ҳисобланади. 1957 йили кино санъати билан боғлиқ барча масалалар яна давлат назорати остига олинади.

1958 йил Аргентина кино уюшмаси ташкил топади ва унинг ташаббуси билан 1959 йили Миллий кинематография институти таъсис этилади. У кўнгилочар муассасалар Бош бошқармаси ўрнини эгаллаб, кинематография соҳаси билан боғлиқ барча молиявий ишларни назорат қилади. Бу даврда ўзларини кўрсата олган режиссёрларни “Янги тўлқин” деб аташ расм бўлди. Ҳозирги даврда эса “1960 йиллар авлоди” атамаси ишлатилади. Леопольдо Торре Нильссон, Фернандо Айала, Давид Ҳосе Коон, Симон Фледьман ва Фернандо Соланас сингари ижодкорлар бу даврнинг энг илғор режиссёрлари сифатида эътироф топдилар. Бирок 1966 йил галдаги сиёсий беқарорлик сабаб, ҳокимият тепасига келган янги ҳукумат мазкур режиссёрлар учун маблағ ажратилишини тўхтатиб қўйди. Бу даврда кулгили мюзикллар ва классик сюжетларни экранлаштириш ҳаракатлари кучайди.

1969 йили бир гуруҳ режиссёрлар томонидан Cine Liberacion гуруҳи ташкил этилди. Ҳарбий ҳолат шароитида ҳамма муаллифлар гуруҳга бирлашиб фильмлар чиқаришган. Мазкур кинофильмлар титрида ижодкорлар ўз номларини ёзмаган, бу уларни таъқиб ва босим остида бўлишдан сақлаган. Бу даврда Соланас ва Хетина сингари ёш ижодкорлар “Аланга вақти” номли ҳужжатли кино триптихини чиқарадилар. Бу орқали “Курашувчан” санъат яратиш, сушт томошабинни фаол ҳолда сиёсий ҳаёт иштирокчисига айлантиришга интиладилар. Шу билан бирга, улар янги кино тилини яратиш борасида ҳам изланишлар олиб борадилар. Мазкур фильм 1968 йил Пезаро (Италия) фестивалида намойиш этилиб, биринчи ўринни қўлга киритади ва бу билан Европа интеллектуал доирасини хайратга солади. 1970 йиллар мамлакатда қалтис давр бўлди. Бир томондан, ижтимоий сиёсий фаоллик, иккинчи томондан, ҳарбий ўзгаришлар ва табиий офатлар юз берди. 1973 йилдаги қисқа осудалик “Суронли Патогония” (режиссёр – Эктор Оливера, 1974), “Кебрачо” (режиссёр – Рикардо Вуличер, 1974), “Назарено Куруз ва бўри” (режиссёр – Леонардо Фавио, 1975) каби фильмларни яратишга имкон берди.

1983 йилги сиёсий мўътадиллик цензуранинг йўқ бўлиши ва кино саноатининг давлат томонидан молиялаштирилишига олиб келди. Кўплаб ижодкорлар ватанига қайтдилар. 1984 йили Ҳосе Мартин Суареснинг

“Ой ва қуёшсиз тунлар”, Уго Сантьягонинг “Сатурн йўлкалари”, Бебе Каминнинг “Уруш болалари” фильмлари экранга чиқди. 1980 йиллар ўртасида миллий кинематографиядаги энг катта воқелик Луис Пуэнсонинг “Расмий фикр” (1986) драмасининг яратилиши бўлди. Аргентиналик ўртаҳол аёлнинг ижтимоий муваффақияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу картина энг яхши хорижий фильм сифатида “Оскар” ва “Олтин глобус” мукофотларини, шунингдек, “Кумуш кондор” соврини ва яна бир қатор мукофотларни қўлга критди.

1999 йил экранга чиққан Пабло Траперонинг биринчи тўлиқ метражли “Кранчи дунёси” фильми танқидчилар фикрига кўра, Аргентина режиссёрларининг янги авлод вакиллари етишиб келаётганидан дарак беради. Картина 17 та юксак кинематографик совринни қўлга киритган. Кейинчалик экран юзини кўрган Лукреси Мартелнинг “Ботқоқ” (2001), Даниэль Бурманнинг “Бағри хун” (2004), Ариэл Роттернинг “Бошқалар” (2007) фильмлари ҳам ижобий баҳоланди. Бу даврда катта ёшли режиссёрлар ҳам сифатли фильмлар чиқаришда давом этади. Фабиан Бьелинскининг “Тўққиз қирол” (2000), Хуан Хосе Кампанелланинг “Келиннинг ўғли” (2001), Карлос Сориннинг “Қисқа воқеалар” (2002) фильмлари шулар жумласидандир. 2005–2010 йиллардаги фильмларнинг аксарияти миллий ва халқаро даражадаги кўплаб совринларни қўлга киритган. Улар сирасига “XXV” (режиссёр – Лусия Пуэнсо, 2007, 20 та мукофот), “Антенна” (режиссёр – Эстебан Сапира, 2007, 7 та мукофот) ва бошқа фильмлар киради.

1999 йилдан бошлаб ҳар баҳорда ВАFICI – Буэнос-Айресдаги мустақил халқаро кино фестивали ўтказиб келинади. Ушбу фестиваль Аргентина ҳукумати томонидан молиялаштирилади. Совринлар тўлиқ метражли фильмлар қаторида хужжатли ва қисқа метражли кинофильмларга ҳам топширилади. Уларда инсон ҳуқуқлари масаласи кўтарилган бўлиши шарт. Бундан ташқари, 2006 йилдан бошлаб Аргентина кинематографияси санъати ва фани Академияси мукофоти таъсис этилган. Айни пайтда 20 та номинация бўйича мукофотлар топширилади.

Бугунги кунда Аргентинада 1600 дан ортик кинотеатр фаолият олиб бормокда.

*Жамолiddин ЧАҚҚОНОВ
тайёрлади*





Леопольдо ЛУГОНЕС

(1874–1938)

Рус тилидан
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
таржимаси

Таниқли шоир, ёзувчи ва олим. Ижодининг гуллаган даврида миллий мавзу ва халқона оҳангларга кўп мурожаат қилган. “Асрга қасидалар”(1910), “Манзаралар китоби”(1917), “Наслий шеърлар”(1928) каби ўзига хос шеърий тўпламлар муаллифи.

АНАКРЕОННИНГ¹ КЕКСАЛИГИ

Охирлади кундуз. Шафақ ол рангли
Шуъладан тожлар кийди илҳомли жамол.
Илоҳий уйғунликнинг булоғи камол,
Борлиқда лиммо-лимдир қуёш жаранги.
Анакреон шеърларин лаззати беҳад
Олисларда ёвқур бўлган ул пайдо:
Денгиз шоври, шохсиз буқа маъраши гўё,
Аппалон жанг аравасига қўшилган ҳар вақт.
Атиргуллар ёгган!.. Шоир қисматга сомеъ.
Унинг кабир қалби ёруғ бир жомеъ –
Баайни гўдак дилга қўйилган вулқон.
Ҳис қилар шивирин қўнғироқ гулларнинг,
Узатишар гулдасталар титраб қўллари,
Фақат қип-қизилмас, оппоқ, паришон.

ТАННОЗ

Тилла шаршарадек сочлар ўрами
Нафис ва нозик бошин кўрсатар ўктам.
Қўриқлар тиллақоши унинг оромин
Кунлик ташвишлару галвалардан ҳам.
Кўкраги очиқ-сочиқ. Бўйи қитиқлар қонни,
Бўйнидаги элас-элас томири нишон.
Лолазорда гўё нилуфар кони,
Устидан ташлаб қўйган оқ ҳарир қопқон.
Рангин ўйинига мос бир тарона
Хироми жуда қалтис, сохтадир нози.

¹ Анакреон – қадимги Юнонистонда яшаб ўтган лирик шоир.

Гўё марҳаматдай лаб буришлари
 Бўёғига бир жон қонидир ғоза.
 Карахт нигоҳида йўқдир ўй, орзу
 Айшига ботгани-чун кечалар бедор.
 Керилма оёқчаларин сахтиён сози
 Гулдор гиламларни тепкилар гаддор.
 Муҳиб шивирлайди. Бўш ва ҳавойи,
 Фижимлар елтигичин ойимтилла шаън.
 Сўнг силтар, уваланар бир зарра ишқи
 Юраги эврилганча чанга дафъатан.

ҚАРИ СЎҚҚАБОШ

Ҳузурсиз кечки лаҳза,
 Кўр тахмонда палахса,
 Кўзгунинг юзида ёш,
 Қўрқа-писа алаҳсиб
 Турар қартайган қуёш.
 Сафар халтаси яғир,
 Тўшаги сўнган гулхан,
 Чети бахмал чорчўнда
 Қорайиб кетган кўндан
 У сурат, эски гурбат.
 Илгичда қўриқчи тус,
 Осилган шумшиқ фрак,
 Таратар нафталин ис,
 Қадим руҳли сиёҳдон
 Тепасида мис Бальзак.
 Беарво қушлар, шамол
 Талтинар маконларга

Ғала-ғовур, гамгинхаёл
 Киприклар лаб босган кўз
 Четлари ўргимчак тўр.
 Унда қалдирғоч қатор,
 Ортидан ниначилар
 Шўнгишар булутларга
 Йўллашиб сирли калом
 Видога уйғун салом.
 Уйқули тахмон узра,
 Тўзғоқ курсига ботиб
 Оловли печ ёнида
 Ўзида йўқдир ҳуши
 Ўлтирган кекса киши.
 Термилар бўм-бўшлиққа,
 Жимликда тортиб чилим.
 Ҳислари тилсиз ғоят,
 Қўшиниси сўқир ўлим
 Деворда тинган соат!

АФСУН

Тош қотган кеч. Қанот қоқмас бирон парранда.
 Денгиз сатҳи – ёқут зангори.
 Кўкларда бир ҳаловат қойим,
 Мовий шуъла отганча ханда.
 Ўртик-ўртик шаффоф барханлар...
 Баҳс қилади мовийлик билан
 Тўлқинларда ёлғиз оқ елкан
 Қалққанича навраста қамар.
 Оҳ, қанчалик бахтимиз расо,
 Гоҳ ҳалқумга тикилгандек жон,
 Зор-зор йиглаб куйган-чун уммон
 Суви шўру, камаймас асло.

Эваристо КАРРИЕГО

(1883–1912)

Рус тилидан
Яхё ТОҒА
таржимаси

Аргентинадаги ўз даврининг етакчи шоирларидан бири. Буэнос-Айрес ҳаёти тараннум этилган кўплаб шеърлар муаллифи. “Бидъатчилар ибодати”(1908), “Гузаримнинг кўшиғи”(1911), “Дала ҳовлилар қалби”(1913) каби китоблар муаллифи.

УЙМИЗ ЙЎЛИ

Уйимиздаги
Бир азиз нарсамиз каби,
Йўлакка соя солган
Баланд дарахтларнинг
Кунгурадор гумбазлари мисол,
Болаларнинг иўху шодон фитналари,
Эски қадрдонларнинг
Қадрдон чехралари,
Тун бағридаги пинҳоний учрашувлар,
Сирли шивирлар сингари,
Эски шарманкадан таралиб –
Чарос кўзлари гамгин
Кўшни аёлни титроққа солгувчи
Сийқаси чиққан арзанда куйдай
Биз учун қадрли бўлдинг, йўл.
Биз сени азалу абад
Бошга кўтаргаймиз,
Биз сени севамиз,
Уйимиз йўли.
Бунда ҳамма нарса
Кўзгар хотиримизни.
Бундаги ҳар бир тош,
Ҳар бир гишт
Биз энди,
Эҳтимол,
Ҳеч қачон
Қайта эшитмайдиган
Қадрдон қадам товушларин
Сақлар бағрида.
Биз кўп бора,
Ҳа, жуда кўп бора
Ўпганим юз каби азиз бўлиб кетгансан,
Уйимиз йўли.
Билиб қўй,
Шунчалар қадрдонмиз!
Кўзимиз ўрганган,
Қарийб ўзгаришсиз,

Ҳар оқишомги
Одатий ҳолатлар бу аслида.
Мана,
Анави қиз,
Камтар ва сўзсиз,
Қайлигини кута-кута
Сўлиб бораётган,
Тобора қариб бораётган
Ўша сарвиноз.
Қутилмаган учрашувлар,
Қутилмаган нимарсалар ҳам
Рўй берар баъзан.
Соҳиби хонадонлар
Нотаниш чехралар,
Бегона кимсаларни
Бўсагадан қузатишар жим.
Қутилмаган айрилиқларга ҳам
Ўзинг гувоҳ бўласан баъзан,
Уйимиз йўли.
Кимдир
Номаълум томонларга йўл олар
Сен билан ҳам хўшлашмай, ҳатто.
Одамлар кетади...
Ҳамсоялар кетар.
Ҳамдардлар,
Ҳамнафаслар...
Қайтмас бўлиб кетарлар бари.
Тасаввур қилиш қийин.
Лекин,
Қанчалар даҳшатли бўлмасин,
Кун келиб
Қайгадир кетамиз биз ҳам жим.
Барча
Илгари кетганлар сингари,
Биз ҳам сени абадиян
Тарк этармиз,
Уйимиз йўли.

СИР

Бор дунёни унутибсан-ку...
 Аллақачон сенга бегона
 Фортепяно қанотларида –
 Қалбингининг бир парчасин гўё –
 Қолдириб кетибсан кундалигингни.
 Тортинчоқ, маъсума бир қизнинг
 Ички дунёси –
 Ҳар бегона кўздан асраган –
 Яширин сирларига
 Кўзим тушиб қолди дафъатан.
 Эҳтимол,
 Энг яқинларинг ҳам
 Қизиқиши билдирмас
 Бу дафтарчага.
 Лекин, мен барибир
 Бир сирни очмасман,

Яъни,
 Кундалиқнинг ҳар бетида
 Менинг исми
 Қайд этилганин
 Ҳеч кимга айтмасман,
 Ҳеч кимга.
 Осмонларда учиб юрибсанми,
 Хаёли
 Сочлари каби паришон санам?
 Тезроқ қайтгин.
 Кундалиқни қолдирдим мен
 Фортепяно қанотларида.
 Тайинли жой – шу!
 Ҳаҳ, гўзал қиз!
 Ваҳ, содда сулув!
 Бор дунёнгни унутибсан-ку...

Бальдомеро ФЕРНАНДЕС МОРЕНО

(1886–1950)

“Ҳабаш аёл ҳақида шеърлар”(1920), “Сонетлар”(1929), “Кўплик”(1949) каби йигирмага яқин шеърлий тўпламлар муаллифи. Б.Ф. Морено ўз ижодида кундалиқ ҳаётни ортиқча оҳанжамасиз, борича тасвирлашга интилади.

ҚИРҚ САККИЗ БАЛКОН

Бу уйнинг қирқ саккиз балкони бордир,
 Қирқ саккиз балконда бирорта гул йўқ.
 Уйнинг эгалари анча кибордир, –
 Нимага гул йўқ? – деб уролмасан дўқ.

Бу қандай одамлар, бу нечук қаср,
 Остона ошмаса бирор гул, майса?!
 Дераза ортида нечанчи аср,
 Наҳотки, инсонда инсоф камайса?!

Наҳотки, шоирлар куйламас бунда,
 Ишиқ ўтида ёнмас, наҳотки, ёшлар?!
 Наҳот, соғинмаса дафъатан тунда
 Ёрларин сиймтан ул қаламқошлар?!

Яллами, аллами айтса келинчак,
 Уйнинг деворига босганча багир –
 Ёсуман ё бошқа бирорта чечак
 Бўй таратиб турса, яхши-ку, ахир!

*Сизга на қуш ошна, на ёмгир ёрдир,
Туйгулар тумтароқ, лек, кўнглингиз тўқ...
Бу уйнинг қирқ саккиз балкони бордир,
Қирқ саккиз балконда бирорта гул йўқ.*

ЎРТАЯШАР БИР ХОНИМГА

*Йиллар билан олишмоққа дадил қадам қўярсиз,
Давлатингиз қуёш ҳамда тоза ҳаво – шу бори.
Мева, кўкат, сабзавотга – ибодатсиз – тўярсиз,
Гўшт емайсиз; шундан дилнинг ёзилмагай гўбори.
Сизга атаб либос тиксин, майли, чевар Рафаэль,
Кам-кўстингиз беркитсин, хўп, ипак, бахмал матолар.
Гул бадан ҳам энди қайта таранглашмас, билар эл,
Тавба қабул бўлар, бироқ, ўнганмагай хатолар.
Бўйингизга турфа мунчоқ осганингиз абасдир,
Ажсинларни ёна олмас қимматбаҳо зийнатлар.
Болаликка қайтмоқ энди орзуманд бир ҳавасдир,
Билиб қўйинг, шу ҳолда ҳам бор қандайдир ҳикматлар.
Бир санъат бор, яралгайдир ижодкорнинг теридан,
Фақат ўша сақлай олар таровату атрингиз.
Бу мусаввир мўйқалами, ёхуд шоир шеърдан
Сиз гўзаллик ҳақда топган тўртми, саккиз сатрингиз.
Мен бир камтар ижодкорман, иддаолар қилмасман,
Қарилкдан сақланмоқнинг бошқа йўли билмасман.
Бир шеър ила сизни гулдек асрагайман, хоним-эй,
Шунинг учун мени битта ўпиб қўйинг, жоним-эй-й...*

МАРСИЯ

Л. Лугонес хотирасига

*Баҳайбат эман ҳаққи,
Қушлар сайрар, эҳтимол?!
Тогдаги харсанг ҳаққи,
Жўшар сойлар, эҳтимол?!
Сийлаган черков хочин
Насимдирмиз, эҳтимол?!
Эшитмаганинг учун,
Биз жимдирмиз, эҳтимол?!*

Энрике БАНЧС

(1888–1968)

Шоир, таржимон ва журналист. Э.Банчс мумтоз ва замонавий услубдаги шеърларида шакл ва мазмун ўртасидаги маромни бекаму кўст сақлаб, жўшқин туйғулар экинини жиповлай олади. Адиб “Қайиқ”(1907), “Мадҳлар китоби”(1908), “Лочин кўнғироғи”(1909), “Қути”(1911) каби шеърлий тўпламлар билан танилган.

Жала мадҳи ёхуд Меҳр ҳақида баллада

Қадим қаср тоқида
Учта санам ўлтирар.
Гоҳ ийнага, гоҳида
Кашиасига мўлтирар.
Учта гўзал қаламқош
Кашига тикар, тортар чок.
Кенжатайи сал ғамнок,
Кенжатайи тўкар ёш.

– Бунча ғамгинсан нечун,
Недир оҳлар сабаби?..
Сўроққа тутар қизин,
Тошиб шоҳнинг газоби.
– Ипак ила бир шиор
Битгандим мен, бузруквор.
– Яна қанақа шиор? –
Сергак тортди шахриёр.

Имконсиз ва чорасиз
Зўрға тилга кирди қиз.
– “Биби Венера нечун
Мени айламиш тутқун?” –

Подшоҳ сал ўсал бўлди,
Сабр косаси тўлди.
– Воҳ, ношукур қизалоқ,
Сенинг жазоинг – қамоқ.
Сабоқ бўлсин нодонга,
Олиб боринг зиндонга.
Бир ҳафта захда ётсин,
Совуқ еб, мумдай қотсин.

Ҳукми подшо вожибдир,
Оширилар амалга.
Титраганича дир-дир,
Қиз олинар “қамал”га.

Уч-тўрт кун кўпми, озми,
Малика чанқаб кетди.
Кўкда кўриб бир гозни,
Кўзлари чақнаб кетди.
Бир мерган ўшал қушни,
Уриб туширди ерга.
– Кўрганим ўнғми, тушми,
Бир карам кўрсат, мерган.
Пичоқ суякка етди,
Жоним садага сенга.
Танглайим қуриб кетди,
Бир қултум сув бер менга.

– Шу ишни қилсам агар,
Айриламан бошимдан.
Кўллаёлмас дўст, дигар,
Наф бўлмас кўзёшимдан.
Таланаман битларга,
Ем бўламан итларга.
Кўйинг, мени этманг хор,
Маликам, узр минг бор.
Мерган аста чекинди,
Қир ортига бекинди.

Кимдир эшитса зора,
Ув тортар қиз бечора.
– Она, чанқаб кетдим-ув-в,
Опажонларим, сув, сув-в...

Бир юртнинг маликаси
Бир томчи сувга муштоқ.
На она, на опаси
Унга осарлар қулоқ.

Қутилмаганда шу дам
Жала қуйиб қолди-ку.

Сувга етишди олам,
Орти сувдир, олди сув.
Малика чўзар қўлин,
Мерган садогин тутар.
Сел очар ҳаёт йўлин,
Одамлар меҳр қутар.
Ҳеч ким қолиб қайғуда,
Ташина ва хор бўлмасин.
Кимса бир қултум сувга,
Меҳрга зор бўлмасин.

Альфонсина СТОРНИ

(1892–1938)

Асарларининг бош мавзуси – тақдир синовларига матонат билан дош берувчи инсон жасорати, унинг қувончу ҳасратга тўла кечинмалари. А.Сторнининг “Лаззатли оғриқ”(1918), “Тузалмас”(1919) каби қатор шеърий тўпламлари чоп этилган.

ОРЗУ

Қани эди тушолсанг илк кўйингга,
Гул баргига теккизолсанг бармогинг.
Чаман ичра етолмасанг ўйингга,
Бўза ичиб, синдирмасанг бордогинг.

ҒАМГИН СОҚЧИ

Мени кузатади тиз тутган соқчим,
Ўзимдан ҳокисор қари пойлоқчим.
Бу бемаъни азоб – уйқусиз кезмоқ,
Ҳар ишда калтабин ўзликни сезмоқ.
Далага сув эмас, шудринг оқармиш,
Шамол ила олов ерни ёқармиш.
Ўлим қондирармиш чанқогимизни,
Топибсиз-да роса аҳмогингизни.
Бу бемаъни азоб – кезмоқ уйқусиз,
Яшамоқ қайғусиз, ҳиссиз, туйғусиз.

Тилимни кессалар, ўйсалар кўзим,
Унчалар қайғуга тушмасман ўзим.
Қўрқмагайман энди ёв қийногидан,
Кишиларнинг оғир шалдирогидан.
Бу оч жониворлар, йиртқич ҳайвонлар
Қолдиrolмас мени унча ҳайронлар.
Қўлу оёғимни чопсалар ҳам мен,
Пашиша чаққанчалик чекмасман гам мен.

Мен гулларни суйдим, гарчи ўзим – гул,
 Сувларни суйдим мен, муз ила машгул.
 Мен осмонни суйиб, кирарман ерга,
 Бироқ, пойлоқчимни соларман шеърга.
 Чунки, ҳар кунги йўл, йўналиши тайин,
 Мен юравераман, соқчимга қийин.

МЕЛАНХОЛИЯ

Илож қанча?
 Мабодо ўлсам,
 Бўйларимга шу хона тўйсин.
 Изимдан ҳеч қолмаган “кўлкам”
 Манглаймдан бир ўпиб қўйсин.

Ўлим, сени чорляпман-у,
 Мен ҳаётни севаман ҳали.
 Таним қабул айларкан тобут,
 Бир ярқ этсин само машъали.

Муз танимдан сесканмасин тонг,
 Видолашсин баҳорий насим.
 Менга ҳар тонг жилмайган офтоб
 Ҳар саҳар сиз учун порласин.

КИЧКИНА ОДАМ

Кичкина одам, ҳой, кичкина одам,
 Қўйиб юбор энди сайроқ булбулни.
 Қушчаман, сенга ҳеч ҳамдам бўлолмам,
 Мен севгум чаманда очилган гулни.
 Ҳой кичкина одам, бу темир қафас
 На сенга ватандир, на менга ватан.
 Озодликда фақат оларман нафас,
 Мен учун ватандир боғу рог, чаман.
 Менга тузоқ қўйган, қафас тутгансан,
 Кичкина атадим сени шунинг-чун.
 Ҳой, кичкина одам, қонлар ютгансан,
 Англай оларсанми мени бирор кун?
 Ахир, мен ҳам сени англашим оғир,
 Бу дунёда қанча одам бор, қуш бор?!
 Сен ўз йўлингга, мен учмогим шартдир,
 Гулни суйдим, сени суймогим душвор.

Педро МИГЕЛЬ ОБЛИГАДО

(1892–1967)

Рус тилидан
Дилором АБДУРАҲМОН
таржимаси

Шоир, журналист ва олим. Адабиёт соҳасида Миллий мукофот совриндори. Облигадо мураккаб поэтик рамзлар воситасида кўнгилдаги нозик кечинмаларни изҳор этади. “Кўшиқлар ороли”(1931), “Маъюслик”(1943) каби шеърый тўпламлари машҳур.

ЁМҒИР ҲЕЧ НАРСА ДЕМАС

Тонг кўйнида беҳузур шаҳар.
Шитир-шитир,
ёмғир бошланар –
отаётган янги кун талвасада тўлғонар.
Намчил шаҳар ўз ҳолин билмай,
Туман ичра бағрин тиглайди.
Ёмғир эса ҳеч нарса демай
унсиз йиглайди.
Шалаббодан панага қочар одамлар,
Фалокатдан юз буриб гўё,
Ёпилади рўйхуш ойналар –
Бу ҳолни аллакимдир кузатмоқда бепарво...
Ўз-ўзидан ёмғир ҳам ҳориганга ўхшайди.
Тебранар ёввойиҳол атиргулнинг бутаси,
У ҳам бир сўз демайди,
яккаш унсиз йиглайди.
Дарёларнинг бағридан йўлланган мактуб –
Томчилар-ла инграйди
тоза бир ўпич ила дил муножоти
бизни меҳр йўғрилган дийдорларга чорлайди.
Аммо ундан одамлар йироқлашганин сезиб,
Кўчаларда саргардон, юрак-бағрин тиглайди,
Фарёд чекар, оқибат яна ҳеч нарса демай,
такрор унсиз йиглайди.
Гўё ақлдан озган, бир ўжар телба каби,
Зулмат кезган маконда ҳаловатин топмайди,
Ушал қадим кўшиқни инграниб ёдга олар,
Ҳар не бор азоб берар, сира кўниколмайди.
Тўйинган майсалар ҳам бир томчисин хоҳламас,
Ундан қочиб одамлар, яна пана истайди –
У эса бир сўз демас,
фақатгина йиглайди.
Одамларнинг андуҳин, кўриб туриб у балким,
Кўз ёш тўкаётгандир.
Ёки оқиомги нозик эрмаги ёдга тушиб –
Бизни овунтирмоқ-чун қўйиб ёгаётгандир?
Ё инсонлар бу қадар бепарволигин кўриб,

Ёки ўз тақдиридан афсус чекаётгандир?
 Хуллас, у ҳеч нарса демай
 унсиз йиғлаётибди.
 Рухсиз кун узра тиниқ
 тоза бир оҳанг
 қанот қоқар, ёмғир-ла
 таралади ҳамоҳанг.
 Жодуланган овозлар ичра кумуш ранг шаҳар
 сўқирдек тун бағрига сузиб бораётибди...
 Ёмғир эса ҳеч нарса демай
 унсиз йиғлаётибди.

Эзекиель МАРТИНЕС ЭСТРАДА

(1895–1970)

Таниқли шоир, ёзувчи. Адабиёт соҳасида Миллий мукофот ва “Каса де лас
 Америкас” мукофоти совриндори. “Тилла ва тош”(1918), “Аргентина”(1927),
 “Ҳажвия”(1929) каби китоблари кўп тилларга ўгирилган.

ЎЗ ЁРИНГНИ ИЗЛА, ТОП, ҲАЁТИН НУРАФШОН ҚИЛ...

Ўз ёрингни изла, топ, ҳаётин нурафшон қил
 Майли, насибасини сенинг-ла кўрсин баҳам.
 Қурашлар майдонида чекилгач дарду алам –
 Ғалабадан ҳеч ўзга малҳам топилмайди, бил.

Сен қалбингга қўйиб бер, йўл бошлар муҳаббатга,
 Ишқ сирин ундан бўлак, билмайди ахир ҳеч ким.
 Дилдан ўзга англамас, тақдирдир шундай тилсим,
 Қўлинг тутиб чорлагай ҳақиқий тугал бахтга.

Сен ўшал жононни топ. Чекингай қаро тунлар
 Зулматлар ортда қолиб, чарогон кулгай кунлар.
 Дўстим, сени сийлаган бахтинг ҳеч тарк этмасин,
 Меҳр тўла нигоҳлар ишқ-ла боқиб юрсин деб,
 Омадсиз кунларингда суянч бўлиб турсин деб,
 Қўлингдаги қаҳрабо қадаҳлар чил-чил синсин.

ОМОЧ

Мана у чин вафодор,
 Метин ога, дўст – итоаткор
 Ғаройиб хислати бор
 Энг қадимий, муқаддас омоч.
 Кўксингдаги хазина сарҳадларида,
 Чангу гил қоплаган пучмоқларида,
 Олтину зар зумрадларни-да
 Зулматлар қаъридан суғуриб олар.
 Турибмиз ожизлар сафида

Қаршимизда оддий мўъжиза
 Муҳаббат ва ақл
 Гулларки бор будин тўкиб ясанган!
 У шунчалар паришон эди,
 Бу ўлимми-тушимиди, билмай
 Бир алпозда жон таслим қилди,
 Чин ҳалол, пок эди, изоҳ ҳам бермай,
 Шунчалар покиза,
 Кару гунг каби.
 Мен ўлган эканман! – тушимда кўрдим.
 Уйгондиму, англадим,
 Тушимда уйгоқ эдим.
 Ноилож, тан оламан,
 Фарқи йўқ, дейман менга.
 Аммо шуни биламан,
 Тўй ўтгандан сўнг унга
 Ёлғизлиги билинар
 Ва шундан сўнг англайди,
 Худди аввалги каби, ёлғизлигича қолар.
 Кетасанми? Майли кет, энди менга фарқи йўқ,
 Сен бундан ҳам илгари
 Йироқларда эдинг-ку.
 Эман баргин узганча,
 Айрилдим, деб ўйлади,
 Аммо уни шамолнинг
 чалғитганин билмади.
 Барчасин тинглаб, кўриб,
 Донишмандлик қилмади,
 Нечун асрлар оша
 Яшаганин билмайди.
 Атиргулга қурт айтар, тушида кўрганини,
 Гўё унинг капалакка айланиб қолганини.
 Улар шунчалар беғам,
 Бир-бирин севшиарди,
 Ҳаммасига қўл силтаб,
 бепарво юришиарди.
 Аммо улар томонга энди қарай олмайман,
 Бундаин қилмоққа етмайди кучим.
 Яна қайта йўқотиб қўймаслик учун,
 Сени такрор топа олмайман.
 Аммо қалбда азоблар дардим яширин,
 Сўзла таърифлаб бўлмас –
 Куйлаш осонроқ,
 Шунинг учун энди ёниб, ёниб куйлайман.

МУҚАДДИМА

Кексаликнинг ташвиши, майли, чидаса бўлар,
 Аммо ижозат беринг, ҳақиқатни айтишига.
 Хотир сусайиб борар, аммо шундай кун келар,
 Ҳаётингиз ҳақида бошдан-оёқ ўйлашга.

ТАШРИФ

*Байрамга келиб қолдим қадрдоним шаҳримга,
Тонга қадар рақс, оркестр олмади тин.
Мушаклар гумбурлайди, менинг камтар шаънимга
Аслида бунга сабаб дунёга келган куним.*

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

*Отам менга қолдирган ўтқир нигоҳларини,
Янги саргузаштларга ташналигим ҳам ундан.
Онам эса, қисматим – шеърий китобларини,
Мажозларга қалбимни жо қилганим ҳам шундан.*

ИЛК БОР ЙЎЛГА ЧИҚИШ

*Ўйинчоқ отим тинмай дукурлаб ер тепади.
Гарчи осонмас, қуёш томонга йўл оламиз.
Қўлимда нозик найза, испан рицари қаби
Буюк Эспландианадек¹ зафар қучиб қайтамиз.*

БИРИНЧИ ҲАРАКАТ

*Тимсолимни тутунда чизиб кўрмоқчи бўлдим,
Донишманд Прометей лойдан ясаб кўрганди.
Илк димоққа урилган тамаки чангидан сўнг
“Тутун” сўзи ёдимга ўзга маъно солмайди.*

КЕТИШ

*Этикларимни кийиб, йўлга тайёр турибман,
Оҳиста қўл кўтариб, энди видолашамиз.
Сездим, қайтишим душвор, дарак бериб турибди,
Ғамгин ботқоқлик, тоғлар. Хайр, дўстларим. Эссиз!*

ҚАБР ТОШИДАГИ БИТИК

*Барчасига бориму бисотим тўлов қилдим,
Сирлар тўла Худога дилда чин ихлос туйдим.
Гўзаллик Ҳақлигига сажда қилиб топиндим,
Аммо бунда ўлимнинг кўксига бошим қўйдим.*

¹ Эспландиана – рицарлик романлари қаҳрамони.



САРҲАДЛАР

*Роман очколар билан ютса,
ҳикоя нокаутлар билан голиб келади.
Роберто Арльт*

МАФТУНКОР ВА ҒАРОЙИБ ОЛАМ ИЖОДКОРИ

Испан адиби, нозиктаъб бадихағўй, испантилли халқлар адабиётининг билимдони ҳисобланган Мигель Эрраэснинг Хулио Кортасар ижодига бағишланган “Ҳодисаларнинг бошқа хусусияти” китобиди: “Кортасар ижоди менинг олам ҳақидаги тасавурларимни ўзгартириб юборди. Унинг китобларини ўқиб, савиям ошди, билим доирам кенгайди, эҳтимолдан йироқ бўлмаган ўзга воқеликни инкишоф этди”, дея ёзади. Ҳолбуки, бугун ҳам буюк Кортасар асарларини ўқиган китобхон шундай ҳолга тушади, кутилмаган таассуротлардан ақли шошади, ҳаёт ҳақида, кўз ўнгида юз берган воқеалар, одамлар ўртасидаги ихтилофли муносабатлар, урф-одатларнинг моҳияти, уларнинг негизлари ҳақида беихтиёр ўзгача фикр юрита бошлайди, зеҳни кенгайгандек, кўп нарсаларни атрофидагилардан фарқли равишда теранроқ ва атрофлича англаётгандек бўлади. “Ўйиннинг тугаши”, “Саккизбурчак”, “Ҳозирча Лиана йиғлапти” тўпламларидаги ҳикоялар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. “Саккизбурчак” тўпламини испантилли мамлакатлардаги адабий танқидчилик “бу китоб ҳозирги замон адабиёти сарҳадларида портлаган бомба” деб баҳолаган эди. Мазкур тўпламдан ўрин олган “Чунтақдан топилган ён дафтардаги ёзувлар”, “Шу ерда, лекин қаерда ва қандай қилиб”, “Изларини излаб”, “Ҳозирча Лиана йиғламоқда”, “Қора мушукнинг бўйни” ёки “Ҳар қандай олов – олов” китобиди ҳикоялар, хусусан “Жанубий йўл”, “Сеньорита Кора”, “Туш пайтидаги орол”, “Жон Хауэлл учун қўлланма”, “Ўзга осмон” каби ҳикояларини ўқиган, мен адабий тафаккури бой, савияси юксак китобхонни назарда тутиб ўқиёлган одам, дейишни истардим, нафақат Америка, балки жаҳон адабиётининг ривожига ёхуд мисли кўрилмаган даражада юксалишига сабаб бўлган фусункор реализм методининг ажойиб намунаси сифатидагина эмас, қайси жиҳатлари бизниқига ўхшаш, қай жиҳатлари бизнинг ҳаётдан кескин фарқ қилувчи, таъбир жоиз бўлса, сирли воқеликка чиқиш – кўчиб ўтиш имкониятлари ва ўша йўллар тафсилотларини ғаройиб мушоҳадалар орқали акс эттира олгани билан ҳайратга солади. Мутолаага берилган одам, юқорида айтганимиздек, Мигель Эрраэс ҳолатини бошдан кечирмай пложо йўқ. Бу ҳикоялар унинг дунёқарашини ўзгартириб юборади...

Кортасар ҳикояларининг сюжетини айтиб бериш ўта қийин, ҳатто мумкин эмас. Мана, масалан, ўтган йили “Жаҳон адабиёти” журналининг 5-сониди эълон қилинган “Бири кам дунё” ҳикоясини олайлик. Уртамиёна, лекин машҳур радиоактёр тилидан ҳикоя қилинган бу асарда, маълум бўлишича, радиопостановкаларни яхши кўриб тинглайдиган Лусиана деган бир жувон унинг овозига ишқивоз, гарчи нуқул салбий қаҳрамонлар ролини ижро этган бўлса ҳам, ўша актёрнинг шахсий ҳаётига қизиқади, инсон сифатида унинг қиёфасини, ички оламини ўзича тасаввур қилиши ҳақида мактуб ёзади. Лусиана хаёлан уни улуғлайди, қўни-қўшнилари, ҳатто холаси Поли ҳам актёрдан нафратланишидан қаттиқ норози эканини изҳор этади. “Сиз қароқчи ролини ижро этасизу, маҳорат билан ўйнаганингиз эвазига ҳаққоний образ ярата оласиз, лекин аслида Сиз унақа бағритош эмассиз, мен сизни жуда яхши биламан ва ҳоказо-ҳоказолар, деб унга фикрларини билдиради. Ва шунда уни баланд бўйли, жингалак сочли, қўй кўз

йигит дея тасаввур қилади. Ҳар қандай ўртамиёначилик олиб келадиган чучмал, жўн тасаввурларга ўша актёр ҳам берилиб, қизни ўзича малла сочли, мунис бир аёл, деб тасаввур қилади, унинг деворларига чирмовуқеул чирмашиб кетган ойнаванд айвонда ўзига хат ёзиб ўтирганини кўз олдига келтиради. Қисқаси, охир-оқибат улар учрашадилар, мактуб орқали мулоқот қилган чоғларида бир-бирларига кўнгилларида уйғонган меҳр-муҳаббатнинг жўшқин таъсири остида турмуш қурадилар. Актёр уй-жойи ўша чучмал тасаввурларида жонланган манзарага ўхшашини, Лусиана ҳам худди хаёлида гавдаланган ҳолда – новдалардан тўқиб ясалган кажаво оромкурсида, худди ўшандоқ тунчироқ шуғласида ўтиришини истайди ва бунинг учун жавон, оромкурси ҳамда стол олиб келади. Лекин сира кўнгли тўлмайди. Лусиананинг ҳам тирик инсон этани, унинг ҳам ўз орзу-ниятлари бўлиши муминлиги ҳақида қайғуриб кўриш тугеул бунга заррача қизиқмайди. Ваҳоланки, Лусиананинг ҳам тасаввурларидаги олийжаноб, сочлари жингалак, бўйлари баланд, жуссадор йигитга мутлақо тескари бўлган актёрдан кўнгли совий бошлайди. Хаёл билан ҳаёт бутунлай бошқа-бошқа нарсалар эканлиги аста-секин икковиға ҳам маълум бўлиб боради.

Кортасар ҳикояларига хос кутилмаган якун – “Бири кам дунё” ҳикоясига ҳам алоҳида тароват, фазилат бағишлаган хотима асар қаҳрамонларининг ширин, лекин ёлғон умидларига, пуч орзуларига барҳам беради. Иттифоқо актёр унинг баланд бўйли, жуссадор, куюқ сочлари жингала-жингала йигит билан кетаётганини кўриб қолади-ю, ҳаммасини фаҳмлайди. Таъбир жоиз бўлса, ҳикоянинг сюжети мана шу! Лекин асосий бир нимани унутиб кўйгандек бўласан. Нега бир-бирига муносиб, эрки ўзида, бошлари очиқ йигит билан ёшгина аёл бесабаб, қаёқдаги хаёллари туфайли ажрашиб кетадилар? Ахир ҳаёт хаёлдан кўра қудратлироқ эмасми?

Улар ўн беш ёшли йигит билан қизалоқ эмас-ку!

Бунақа саволлар сон-саноксиз топилади. Жумбоқ, бошқотирмадан иборатга ўхшайди ҳикоя, чалкаш-чулкаш, боши-кети топилмайдиган кўчага кириб қолгандек бўласан. Лекин ёзувчи ана шундай кўчага сени секин-аста, уйдабу-ронлик билан, нозик ва асосли-мантиқли мушоҳадалар орқали олиб кирадики, сезмай қоласан. Кортасарнинг ўз эътирофича айтадиган бўлсак, у адабиёт оламида уйинни яхши кўради. Кўпдан-кўп ҳикояларида – таъкидлаш жоиз! – кутилмаган воқеа-ҳодисалардан фойдаланиб, худди бекинмачоқ ўйнагандек, худди қушимбоши каби ўйинларини ўйнаётгандек тутади ўзини. Уруғвайлик журналист Энрико Гонсалес Бармежа билан суҳбатда Кортасар: “...адабиёт мен учун энг жиддий ўйинлар орқали фаолият кўрсатиладиган соҳага ўхшайди... У (адабиёт) чинданам шундай, фақат ўта жиддий ўйинлар...” Унинг ўзи сўзлар билан ўйин қилади, сюжетларни ўйнаб қуради, жанрлар, вазиятлар, макон ва замонни ўйин қондасига бўйсундиради.

Чунки унинг тушунчасига кўра санъат олами бепоён ва чексиздир.

Журналда эълон қилинаётган “Беморларнинг саломатлиги” ҳикояси ҳақида узоқ мулоҳаза юритиш, зарурат туғилса, мунозара қилиш мумкин. Лекин мен бир нарсага эътиборингизни қаратишни истардим, ёзувчи оддий воқеадан шундай қизиқарли, ҳаққоний, ҳаётий ҳикоя яратганки, беихтиёр Эвелин Пиконнинг кифтини келтириб айтган “ҳикоя ҳикояга айланиши учун Кортасардан фойдаланади” деган ибораси эсга тушади.

Ҳикоя жуда оддий воқеа асосига қурилган. Алехандро деган йигит ишлаш учун чет элга кетган; у онасининг эрка ўғли; катта хонадон соҳибаси кўрпатўшак қилиб ётади – дарди оғир, ана шундай вазиятда уйига қайтиб келаётган Алехандро йўлда автомобиль ҳалокатига учрайди ва жон беради, табиийки, оғир ётган онага бу фалокат ҳақида оила аъзолари ҳам, қариндош-уруғлар ҳам лом-мим дейишолмайди. Мана шу ҳаётий воқеани Кортасар шундай ҳикояга айлантирадики, Эвелин Пикон таъбири билан айтсак, ўша воқеа Кортасардан фойдаланиб, тугал бир ҳикоя қиёфасига кирган.

Касалманд она ҳам ўзига етгунча куйинчак, меҳрибон, у ўз соғлиғидан кўра кўпроқ оила аъзолари, сингелиси, укаси, болалари ҳақида қайғуради. Ҳар кун олинб олиб турувчи доктор Бонифас кўрсатмаларига биноан барча оила аъзоларининг бирдан-бир ташвиши: Алехандронинг ўлимини онага билдирмаслик. Хонадонда ёлғон-яшиқлар, баҳоналардан иборат “тизим” ишга тушади. Ростгўй, диёнатли одамлар: ёшу қари фақат ёлғон тўқиш хаёли билан яшайди. Ҳаттоки кекса Клеллия хола “ўйин”да фаол қатнашади, инсулт бўлиб, тилдан

қолиб ётиб қолганида ҳам томошада иштирок этаверади; жиянлари, укаси ва ҳаттоки ўлиб кетган Алехандронинг қаллиғи, унашиб кўйилган келин Мария Лаура ҳам онани чалғитишда бир-биридан ўтказиб жонбозлик қилади. Алехандродан ҳар ойда икки марта келиб турган мактубларни овоз чиқариб ўқиш маросимлари, унга онанинг ёзган хатини жўнатиш тадориклари, эҳ-ҳе, “уч кунга келиб кетсин, ҳеч бўлмаса” деган онанинг ўтинчига нима жавоб қилишни билмай, эсанкираб қолишганда “ўта вазмин, ақли расо, тўғрисўзлиги билан одамларга ибрат бўлиб қолган” Роке тоға: “Уруғвай билан Бразилия ҳукумати тескари бўлиб қолиб, чегаралар ёпилган эмиш”, деган важ-қорсон топиб беради. Ана энди бу давлатлараро низога “бағишланган мақолалар”, бу низони бартараф қилиш учун БМТ томонидан тузилган комиссияларнинг фаолияти ҳақидаги “шарҳлар”ни изоҳлашлар бошланади, бамисли бутун бошли институт шу масала билан шуғулланаётгандек туюлади.

Лекин энг ёмони, мана шундай кўламдаги лузумсиз ёлғон-яшиқлар авж олган дилхун “спектакл”да бемор она ҳам иштирок этади. У ҳаммасини сезса-да, болалари – Роса, Карлос ва укаси Роке тоға билан синглиси Клелия холани аяганидан билиб билмаганга олади ўзини ва шу орқали ёлғончиларни бевосита қўллаб-қувватлаб туради. Пировардида, ким кимни алдаяпти ёки ким кимни эҳтиёт қиляпти, англаб бўлмайдиган вазият юзага келади, ҳосил бўлган бу жумбоқнинг камида ўнта жавоби бор, лекин қайси жавобни танлашни билмайсан киши. Касал она ўғлининг бевақт, ёш ўлиб кетганини билади ва ич-ичидан қийналади, шу билан бир қаторда ўғлининг фожиали ўлимини яшираман, деб қийналиб кетган қон-қариндошларига озгина енгил бўлар дея, ўзини билмаганга солади ва бу билан бир дарди ўн бўлади.

Бошқача талқин қилиш ҳам мумкин, Хулио Кортасар асарлари турли-туман шарҳлар, изоҳларга йўл беради, зотан, аргентиналик буюк адиб яратган бадиий олам, бадиий ҳақиқат ҳақиқий олам ва ҳаётий ҳақиқатга заррача зид келмайди.

Ижод фалсафаси, ижод моҳияти ана шундай ёндошувни тақозо этади.

Таржимондан

Хулио КОРТАСАР

БЕМОРЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ

Ҳикоя

Рус тилидан
Олим ОТАХОН
таржимаси

Кечагина туппа-тузук юрган Клелия хола бирдан кўрпа-тўшак қилиб олганди, ҳаммамиз довдираб қолдик. Қўйинг-чи, Роке тоғадек босиқ, ҳар қандай оғир дамлардаям биронта чора-тадбир топа олгувчи одам ҳам ўзини йўқотиб қўйди. Дарҳол Карлоснинг ишхонасига кўнғироқ қилиб, унга хабар бердик. Пепа билан Роса мусиқа машғулотини бошқа кунга кўчириб, ўқувчи болаларни уй-уйларига қайтариб юборишди. Клелия холани айтмайсизми, ўзининг аҳволи бунақа-ю, онамиз ҳақида ташвиш чекканичи: менинг дардим енгил, кўрмагандек бўлиб кетаман, онангизни эҳтиёт қилинг, бу хафақон деганлари жуда ёмон. Бунинг устига қонида шакари кўпайиб кетибди. “Алехандрони зинҳор-базинҳор эслатманглар”, деб доктор Бонифас ҳам бекорга тайинламагандир?! Худо кўрсатмасин, Клелия хола узокроқ ётиб қолгудек бўлса, ойим шубҳаланмаслиги учун тайинлироқ баҳона топиб қўйиш керак. Тавба, Алехандроники камлик қилаётувдими?! Бир оғиз ноўрин гап ёки арзимаган янглишмовчилик бўлса

тамом, ойим ўша заҳоти сезади. Уйимиз катта, хўп, лекин нима каромат кўрсатади?! Бахтга қарши ойим ўта сезгир, ер тагида илон қимирласа биллади, ким нима қилаяпти, ким келди, ким йўқ – барчасини билиб ўтиради. Пепа телефон орқали доктор Бонифас билан икки оғизгина гаплашиб олди, доктор эртароқ келишга ваъда берибди, эшик очиқ тураверсин, қўнғирок қилмасдан кириб бораман, дебди. Роса билан Роке тоға икки марта ҳушидан кетиб, ҳозир боши каттиқ оғриётганидан зорланаётган Клелия холанинг тепасида гирдикапалак бўлишаётган бир пайтда Карлос ойимнинг ёнида эди. У Бразилия ҳақидаги ҳар хил миш-мишлару энг сўнгги янгиликлар билан ойимни чалғитиб ўтирарди. Ойимнинг кайфияти чоғ эди, ҳатто одатда тушдан кейин безовта қиладиган бел оғриғи эсига ҳам келмаётган эди; лекин, хайронман, олдига кирган одамдан нима бўлди, нега ҳаммангиз ташвишманд кўринасиз, деб сўрагани-сўраган. Худди келишиб олгандек ҳамма ҳавонинг димлиги ва таркибига аллақандай кимёвий моддалар қўшилаётгани учун нон маҳсулотларида маза-матра қолмаганлиги ҳақида зорланиб гапирарди. Энди чойга ўтирганимизда Роке тоға келди: бу ёғига ойим билан у гаплашиб ўтириши лозим эди, Карлос эса тезгина ювиниб доктор Бонифасни кутиб олгани пастга тушиб кетди. Клелия хола анча яхши бўлиб қолган, лекин иккинчи марта ҳушини йўқотмасидан олдинги шавқи сўнган, бемажол, ҳатто бармоқларини қимирлатолмасди. Унинг ҳолидан хабар олиб тепасида ўтирган Пепа билан Роса ялиниб-ёлвориб ярим пиёла чой тугул бир қултум сув ҳам ичиришолмабди. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам кечга яқин уйдагилар бироз энгил тортишди. Клелия холанинг соғайиб, эртага ҳеч нарса кўрмагандек ўз оёғи билан ойимнинг ётоғига кириб келишига ҳамманинг ишонгиси келарди...

Бу ҳам майли-ю Алехандронинг иши чатоқ эди. У ҳамкасб дўстини кўргани кетаётганида Монтевидео шаҳри яқинида машинаси фалокатга учраб ҳалок бўлган. Ўша машъум воқеадан кейин бир йилча вақт ўтди, бу фожиа ойимдан бошқа оила аъзоларининг барчаси учун худди кун кеча рўй бергандек туюларди. Ҳа, ойимдан бошқа ҳаммамиз учун! Чунки ойим Алехандро Бразилиянинг Ресифэ шаҳридаги фирмалардан бири билан тузилган шартнома бўйича цемент заводи қурилишида соғ-саломат ишлаб юрибди, деб ўйларди. Доктор Бонифас билан бамаслаҳат юз берган автомобиль ҳалокати чоғида Алехандронинг ҳам сал-пал шикастлангани, лекин яраси энгил эканини ойимга айтиш ёки йўлини топиб, сал ишора қилиб қўйишга эса ҳеч ким журъат қилолмади. Ҳатто фожиа рўй берган дастлабки кунлар, айтиш мумкинки, эс-ҳушидан айрилаёзган Мария Лаура ҳам бу бахтсиз ҳодиса хусусида ойимга гапирмаслик керак, деган фикрни маъқуллади. Карлос билан Мария Лауранинг отаси Алехандронинг жасадини олиб келгани шошилишч Уругвайга учиб кетишди, қолганлар эса ойимнинг тепасидан кетмай кечаю кундуз унга парвона бўлишди, чунки ўша кунлари ойимнинг саломатлиги жудаям оғир эди. Алехандронинг жасади солинган тобутни муҳандислар клубининг катта залига (албатта, маъмуриятнинг рухсати билан) қўйишди, шу тариқа Пепадан бошқа – ойим уни ҳеч қаёққа юбормаганди ўшанда – барча қариндош-уруғлар ғамдан адо бўлган Мария Лаурага таъзия билдириб, унга сабр тилаш учун ўша ерга боришди. Табиийки, ҳамма оғирлик Роке тоғанинг зиммасига тушганди, каллаи сахарлаб ўша ерга етиб келган Роке тоға энг аввал нима қилиш лозимлигини Карлосга тушунтирди, Карлос эса Алехандро билан доим қарта ўйнаб ўтирадиган яшил ранг мовут қопланган столга бошини қўйиб хўнг-хўнг йиғлади, салдан кейин уларнинг ёнига Клелия

хола келиб ўтирди. Ўша куни ойим эрталабгача донг қотиб ухлади – бир мартаям уйғонмади, шу сабабли бемалол ёлғиз ўзини қолдириш мумкин эди. Роса билан Пепанинг розилигини олиб ойимга “Насъон” газетасини – ойим гоҳ-гоҳ шу газетани ўқиб турарди – кўрсатмасликка қарор қилдик, сўнг ҳаммамиз яқдиллик билан Роке тоғамизнинг ўйлаб топган ҳийласини қўллаб-қувватладик. Бразилиядаги бир баобрў фирма Алехандрога бир йилга шартнома тузишни таклиф қилган. Бу икки томон учун фойдали бўлгани боис, Алехандро Монтевидеодаги жўраси билан хайрлашиб юқларини йиғиштирган-да, Бразилияга учиб кетган. Ойимга, албатта, ҳозирги замонда қадриятларнинг ўзгариб кетгани ҳақида норози оҳангда гапиргандек бўлиб, нолиганча одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилганига йўйдик, одамлар бағритош, бераҳм, тағинам Алехандро инсофли йигит экан – асосий гап шу аслида – тўрт-беш ойдан кейин бир ҳафтага келиб-кетишнинг иложини қиларкан, барака топсин, деб кўнглини кўтариб қўйдик. Хайрият, бу янгиликни ойим кўз ёшсиз ва дори-дармонсиз бўлмаса ҳам биз кутгандан кўра енгилроқ қабул қилди. Карлос – ойимнинг кўнглини топа биладиган одам деб ана уни айтса бўлади – суюкли кенжатоийнгиз шунақа мартабага эришса-ю, сиз йиғлаб ўтирсангиз уят бўлар, деди. Алехандро жигаргўшалари шунга сиқилишаётганидан хабар топса, мусофирчиликда юрган бола эзилади, деганди, ойим ўша заҳоти ўзини қўлга олиб, шу топда мусаллас бўлсайди, Алехандронинг соғлиги учун қадах кўтарардим, деб қолсалар бўладими?! Юраги тўлиб ўтирган Карлос мусаллас келтириш баҳонасида хонадан учиб чиқиб кетди, мусалласни эса Роса олиб кирди ва ойим билан бирга ичишди.

Иложимиз қанча... Ойим жуда-жуда қийналиб кетганди, у ҳадеб шикоят қилиб зорланмаса-да, бир ўзини ёлғиз қолдиришмас, кечаю кундуз атрофида гирдиқапалак бўлишарди. Пайшанба куни, дафн маросимининг эртасига ойим келиним кўринмаяпти, деб ажабланиб сўраган эди – Мария ҳар пайшанба уни кўргани келарди – Пепа оёғини қўлига олиб Мария Лаура билан маслаҳатлашгани чол-камбир Новалиларникига югурди. Роке тоға эса бу пайтда адвокат ошнасникида унга топширилаётган ишнинг нақадар нозиклигини тушунтириб ўтирарди. Адвокат ўша куниёқ Ресифэда истиқомат қиладиган (ойимнинг олдида шаҳарни олди-орқасига қараб танлашганига раҳмат) укасига мактуб йўллаб, тез-тез хат ёзиб турсин, Алехандро дўстингга айтиб қўй, деб тайинлашга ваъда берди. Доктор Бонифас гўё йўл-йўлақай кирган киши бўлиб ойимни бир қур текширди-да, кўзлари анча яхши, лекин толиқтириб қўйиш ярамайди, деб тайинлади ва ҳозирча газета ўқимай туришни тавсия этди. Клелия хола дунёда юз бераётган энг қизиқ воқеалар ҳақида гапириб ўтиришни зиммасига олди, бахтимизга ойим радиони, айниқса, суҳандон зотини ёқтирмасди, уларнинг овози ўта ёқимсиз, буям етмагандек деярли ҳар дақиқада бериладиган шубҳали дори-дармонларнинг маъни-матрасиз рекламаларини айтинг. Одамларга ҳам ҳайронсан, фарқига бормай олаверишади, зарари йўқмикан, деб ўйлаб ҳам ўтиришмайди.

Мария Лаура жума куни кечқурун келди. У меъморчилик бўйича бошланиб кетган имтиҳонлар толиқтириб қўяётганлигидан зорланди. Бир дақиқа ҳам вақти йўқ экан.

– Тушунаман, фариштагинам, – деди ойим меҳр билан, – кўзларинг ҳам кизариб кетибди, яхши эмас!.. Кечқурун ётишдан олдин мойчечак дамламаси билан чайиб ётгин, эрталабгача анча яхши бўлиб қолади, мени айтди дерсан.

Зарурат туғилиб қолса, ўша заҳоти суҳбат мавзуини ўзгартириб юборишга шай бўлиб Роса билан Пепа ойимнинг ёнидан бир қадам силжимай ўтиришарди. Отасига раҳмат, Мария Лаура истейдодли актрисадек ўз ролини

қойилмақом қилиб ижро этди, у ҳатто ойим куёв ҳам шунақа бўладими, ҳеч кимга лом-мим демасдан шартта жўнаворди, деганларида жилмайиб қўйди холос. Ҳозирги ёшлардан бошқа нимани ҳам кутасан; одамлар ўзгариб кетган; бесабр-бетоқат, бир нимадан қуруқ қолаётгандай ховлиқишади – ит эгасини танимайди... Ана шундан кейин ойимнинг узундан-узок хотира дафтари очилди: ота-онасини, бувиси билан бувасини, кон-қариндошларини бирма-бир эслаб чиқди, кейин ҳаммага қаҳва тортишди, ўша заҳоти янги латифалар айтиб беришдан чарчамайдиган ҳазилкаш Карлос оғзи қулоғида кириб келди – жуда пайтида келди-да, бунинг устига Роке тоға ҳам шунақаям ёқимли ва ийдириб юборадиган табассум билан ётоқхонага бош суқиб кирдики... Хуллас калом, ҳаммаси яна ўз изига тушди.

Бора-бора уйдагилар бу мураккаб ва чалкаш ўйинга қўниқиб қолишди. Иқрор бўлиш керак, ҳаммадан ҳам Мария Лаурага қийин эди, яхшиям у ҳафтада бир марта – пайшанба куни ойимдан хабар олгани келарди. Ниҳоят, барчамиз орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Алехандронинг илк мактуби қўлимизга тегди. Худога шукур, зап пайтида келди, акс ҳолда жим бўлиб кетди-я, деб ойим хавотир ола бошлаганди.

Карлос ойимнинг оёқ тарафига ўрнашиб ўтирди-да, мактубни овоз чиқариб ўқиб берди. Ресифэ Алехандрога бениҳоя ёқибди. У кўрфаз ҳақида, у ердаги тўтифурушлар, роҳатбахш салқин шарбатлар ҳақида эринмай батафсил ҳикоя қиларди. Буни қаранг-а – шу ерга келганда ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлади – ананас сувтекин экан, қаҳвани айтмайсизми, бирам хушбўй-биррам хушбўй!.. Ойим хатжилдни қўлига олиб қаради-да, маркаларини Маралдоларнинг кенжатой ўғлига беришни уқтирди. Агар унинг ихтиёрида бўлса, ёш болаларга марка йиғишни тақиклаб қўяркан, чунки болалар ҳеч қачон қўлларини ювишмайди, маркалар эса қайси гўлаҳхоналарда ётган – ким билади?!

– Тўппа-тўғри! Буниси майли, маркаларни туфлаб ёпиштиришганларичи?! – деди ойим. – Бирон-бир касал юқиши мумкин. Ҳамма билади, микроблар унча-мунчага ўлмайди. Фарқи нима? Битта марка кўп, битта марка кам!

Эртасига ойим Росани чақириб, Алехандрога ҳам хат ёздирди, хатда қачон таътилга чиқишини эслатиб, уйга келиб-кетиши қимматга тушмайдим, деб сўради; саломатлиги ҳақида батафсил, бутун тафсилоти билан ҳикоя қилиб берди, бунинг орасида Карлоснинг лавозими кўтарилганини эслатиб ўтишни унутмади; Пепанинг энг қобилиятли ўқувчи деган мукофотга сазовор бўлганини ҳам қистириб ўтди, турган гапки, Мария Лауранинг ҳар пайшанба канда қилмай кўргани келаётгани, шўрлик ишга берилиб соғлиғи ҳақида қайғурмаётгани ва кўзини эҳтиёт қилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Мактуб ёзиб тугатилгач, ойим қоғоз варақларини олиб кўзига суртди, кейин қалам билан имзо чекди. Пепа ўша заҳоти ўрнидан ирғиб турди-да, конверт келтириш баҳонасида учиб чиқиб кетди, кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай жавон устидаги гулдонга солиш учун янги узилган гуллар билан ойим соат бешда ичиши лозим бўлган дориларни кўтариб Клелия хола кириб келди.

Нимасини айтасиз... Уларга осон тутиб бўлмасди, ойимнинг қон босими бирдан кўтарилиб кетганда, беихтиёр, наҳотки шунча уриниш, эҳтиёткорликка, зўрма-зўраки масрурликка қарамай ички хавотир ва умидсизлик хуруж қилаётган бўлса-я, деган хаёлга бордилар. Йўқ, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас! Чунки уларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган сохта қулгилари ойимнинг хоналарига киришгач, бениҳоя самимий қаҳқаҳага айланиб кетардики, қойил қолмай иложинг йўқ! Гоҳо-гоҳо ойим уларни

кўрмайдиган, овозларини эшитмайдиган ерда ҳамма нарсани унутиб, ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгига берилганлари-чи?! Тўғри, ўйин-кулги авжига чиккан маҳал гоҳо туйкус тўхтаб қолар ва ҳаммалари беихтиёр бир-бирларидан кўзларини яширишга ҳаракат қилишарди. Пепа йиғлаб шишиб кетар, Карлос эса бошини куйи солиб, тўхтовсиз сигарет чека бошларди... Нафсиламрини айтганда улар – ҳаммалари, ойим ҳеч нарсадан беҳабар пайтида бу оғир, диккинафас кунларнинг тезроқ ўтиб кетишини орзу қилишарди. Доктор Бонифас билан бамайлихотир гаплашиб олишгач, оила аъзоларининг барчаси, Клелия хола таъбири билан айтганда, бу “мурувват ва шафкатнинг машаққатли йўлидан” асло қайтмасликка қарор қилишди. Ҳаммасидан ҳам, айниқса, Мария Лаура ойимни йўқлаб келганида жуда-жуда қийналиб кетардик. Чунки у келди дегунча, ойим Алехандро ҳақида гап очарди – тўғри, бу табиий, она бўлгандан кейин қизиқади-да боласининг тақдирига. Қолаверса, ойим уларнинг мақсадини билгиси келарди, Алехандро келса, тўй қилишадими ёки Алехандро яна қилиқ чиқариб битта-яримта фирма билан қаердалиги ва муддати номаълум шартномага имзо чекадими – хуллас, билгиси келарди. Ҳасанми-куясанми, лекин дам-бадам ётоқхонага кириб, ойимдан хабар олиш, унинг гапларидан сиқилиб, бир ҳол бўлиб оромкурсида ўтирган Мария Лаурани лоақал бир дақиқага тинч қўйиши учун ойимни чалғитишар эди. Кунлардан бир кун ойим, дафъатан, Клелия холадан Мария Лаура келганда нима сабабдан ҳаммалари ёпирилиб кириб ётоқхонамни отбозор қилиб юборишади, Алехандронинг қаллиғи билан гаплашишга бошқа вақт куриб қоптими, дея сўраб қолган эди, Клелия хола кулиб юборди-да, юмшоқлик билан Мария Лаурани кўришса, Алехандрони кўргандек бўлишади-да, дея изоҳ берди.

– Гапинг тўғри, – деди шунда ойим, – умуман олганда, Мария Лаура бебаҳо қиз. Менинг эркатой ўғлим (уни савалаган одамнинг ҳақи кетади) билиб қўйиши лозим, шунақа қизнинг уволи тутади, Худо урсин!

– Вой тавба, нималар деяпсан?! – Клелия хола кўзларини катта-катта очиб ойимга тикилиб қолди. – Ўғлинг ҳақида гап очилса, ўзингни йўқотиб кўясан-а!

Ойим кулимсиради ва бугун-эрта Алехандродан хат келса керак, деб қўйди. Дарҳақиқат, хат бир кун ҳам кечикмай етиб келди, Роке тоға хатни ойим ҳар кун соат 17.00 да ичадиган лимонли чой билан патнисга солиб тантанали равишда келтириб берди.

Бу сафар Алехандронинг хатини ўзи ўқимоқчи бўлган ойим кўзойнагини сўради. Сўнг шошилмай, ҳар бир сўзнинг, ҳар бир жумланинг маъзини чақиб ўқиб чиқди.

– Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, хурматни билишмайдими нима бало, – деди норози оҳангда ойим. – Яхшиям бизнинг пайтимизда ёзув машинкалари бўлмаган, лекин чин сўзим, мен сизларга бунақа ёзиб юборишга ботинолмасдим, отангизга-ку, мутлако...

– Ёзиб ҳам кўрган эди! – ойимнинг гапини илиб кетди Роке тоға. – Ота-сига тортган-да!..

– Вой, Роке-ей, лозим бўлса-бўлмаса, чолим ҳақида бир оғиз номаъкул гап айтмасанг, кўнглинг жойига тушмайди-я! Ўзинг биласан, бунақа гапларни ёқтирмайман. Эсингдан чиқдими ойим билан ўтган гап-сўзлар?..

– Хўп-хўп, бўлди-бўлди. Гап келиб қолди-да, узр, лекин ҳозирги ёшлар хурматни билишмайди, деганингга қўшиламан.

– Бир нарсага ҳайрон бўляпман, – деди ойим ва кўзойнагини олиб нақшинкор карнизни кўздан кечира бошлади, – Алехандродан бир

эмас, бешта хат олдим, тавба, биронтасида мени бу ердалигида айтиб чақирадиган номимни тилга олмаяпти... Иккимиздан бошқа ҳеч ким билмайди буни. Жудаям ғалати, биласанми, сира тушунолмаяман... Лоақал бир марта айтгандаям майлийди, акс ҳолда одам ҳар хил хаёлга бораркан...

– Балки мактубда шундай деб аташ нокулай бўлаётгандир... Гаплашиб ўтирганларингизда айтиш бошқа, хатда эса бошқачароқ чиқади. Ҳа, дарвоқе, нима деб чақирарди сени?

– Бу иккимизнинг ўртамиздаги сир. Буни Алехандро билан мен биламан фақат, – шундай деб ойим жилмайиб қўйди.

“Нима деб чақирарди Алехандро ойимни?” дея ўйлайвериб Пепа билан Росанинг мияси ачиб кетди. Уларнинг саволларидан безор бўлган Карлос эса, нима деб жавоб қилишни билмай, нуқул елкасини қисарди.

– Мендан нима истайсиз, тоға? Худога шукур, бировларнинг имзоларини ўхшатиш қўлимдан келади, ундан бошқасини кутманг ҳам, сўраманг ҳам... Эрта-индин ойимнинг бутунлай эсидан чиқиб кетади. Унинг гапларини жиддий қабул қилмаслик керак, холос.

Ҳаёт ўз йўлида давом этарди. Иттифоқо бир куни – шу суҳбатдан беш ойча ўтгач – Алехандродан ишим кўпайиб кетди, бир дақиқаям вақтим йўқ, деган мазмундаги шикоятмуз оҳангда (ҳолбуки, нолиш гуноҳ, чунки бундан ортиқ ишни орзу қилиш ёш мутахассисга ношукурлик) мактуб келганда, ойим тўсатдан Алехандродан меҳнат таътилингни олгин-да, йўлга туш, Буэнос-Айресга кел, деб қатъиян талаб қилишга ўтди. Ойимга айттириб хат ёзадиган Росанинг назарида бу сафар ойим ҳар битта сўзни тош-торозига солиб, ҳар бир жумланинг маъносини узоқ ўйлаб ёздиратгандек эди.

– Айтишга осон, боёқиш кеп-кетишнинг йўлини тополмаётганга ўхшайди, – деб юборди Роса бехосдан. – Иши яхши, истиқболи ундан ҳам яхши бўлса, кимнинг шундай фирма билан алоқани бузгиси келади?!

Ойим Росанинг гапларига заррача аҳамият бермай, сўзини давом эттираверди. Саломатлиги чатоқ, шунинг учун Алехандро жилла курса икки кунгами, уч кунгами келмаса бўлмайди. Мария Лаураниям эсдан чиқармаслик лозим. Алехандронинг ўз қаллиғига вафодор эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин чинакам севги учун шоирона сўзлару ваъдалар кифоя қилмайди, яна тағин хат орқали. Мактубнинг ниҳоясида ойим Алехандро яқин кунлар ичида ўзини қувонтирадиган хабар юборишига умид боғлаб кутишини изҳор этди. Ойимнинг одатига хилоф тарзда хатни хатжилдга солмасдан аввал лабига тегизиб қўймагани ҳамда худди хотирасига муҳрлаб қўймоқчидек саҳифаларига узоқ-узоқ тикилиб колгани Росага ғалати туюлди ва жуда ажабланди. “Бечора Алехандро!” деди у хўрсиниб ва ойимдан яширинча тезгина чўқиниб олди.

– Менга қара, – деди Роке тоға кечкурун Карлос билан домино ўйнагани ўтиришган маҳал, – ишимиз чатоққа ўхшайди. Бир чорасини топиш шарт. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Акс ҳолда бугун бўлмаса, эртага сезиб қолади.

– Менинг қўлимдан нима келади. Фақат айтишим мумкин, Алехандродан шундай бир хат келсинки, уни ўқиган ойим анча пайт тинчлансин... Бечора, шундай қийналиб кетдики, нимасини айтай...

– Ҳамма кўриб турибди нима бўлаётганини, оғайничалиш. Лекин менинг ишончим комилки, онангиз ўзини қўлга ола билади, энг асосийси, у ўз уйида, бола-чақасининг даврасида!

Ойим Алехандронинг мужмалгина хатини индамай ўқиб чиқди – хатда

у заводнинг бош биносини топширишган заҳоти қандай бўлмасин таътилга чиқаман, деб ваъда берарди. Кечкурун Мария Лаура келганда Алехандронинг ваъдаларини индамай ўкиб чиққан ойим, талаб қилинг, куёв дегани бунақа бўлмайди, жилла курса бир ҳафтага Буэнос-Айресга келиб кетсин, деди. Роса билан гаплашиб ўтирганда эса Мария Лаура ойим бу ҳақда пайтини топиб, хонада ёлғиз қолишганда айтганига эътиборни қаратди. Яхшиямки Роке тоға бор, мана шу халоскоримиз ҳаммани ташвишга солаётган, лекин ҳали-ҳануз биронтамиз тилга олишга журъат қилолмаётган нарса ҳақида очиқ-ошкор гапирди. Ана шундан сўнг ойим уйга келиб-кетишга мажбур қилиб Алехандрога хат ёздирётган маҳал оилавий йиғинда – пешонамиздан кўрамиз, бошқа иложи йўқ – ойимнинг ўғли ҳақидаги биринчи кўнгилсиз хабарга бардоши етиш-етмаслигини синаб кўришга жазм қилдик. Карлос доктор Бонифаснинг олдидан ўтди, у янги бир дорини таклиф этатуриб асосийси эҳтиёткорлик эканини қайта-қайта тайинлади. Орадан ўн кунга яқин вақт ўтди. Кунларнинг бирида, кечки пайт Роке тоға ётоқхонага кириб келди. У секингина ойимнинг оёқ тарафига ўтирди-да, аввал ойим билан саломлашди, сўнг дори-дармон турадиган стол ёнидан жилмай негадир дам-бадам деразадан ташқарига қараб қўяётган Роса билан бош қимирлатиб сўрашди.

– Мен нима дедим, жияним бекорга келиб-кетишни пайсалга солмаёттибди, демовдимми, мана ҳаммаси маълум бўлди-қўйди, – деди Роке тоға тиззасига уриб. – У сенинг саломатлигингни ўйлаб, онам сиқилмасин деган, биларди-ку аҳволингни?!

Ойим ҳеч нарсани тушунмай анграйиб унга қаради.

– Бугун қуданг Новали қўнғироқ қилди, Мария Лаура Алехандродан хат олганга ўхшайди. У ҳаммаси жойида, тинчлик деб ёзибди, лекин минг афсуски, уч-тўрт ой ҳеч қаёққа чиқолмасмиш.

– Нега?.. – деб сўради ойим.

– Оёғига бир бало бўлган, шекилли. Мария Лаурадан сўраб-суриштирайликчи ҳали. Новалининг гапига қараганда, оёғи синганмишми-ей...

– Нега синади?

Роке тоға жўяли жавоб топгунча Роса дори кўтариб ойимнинг ёнида ҳозир у нозир бўлди. Худди келишиб олгандек ўша заҳоти остонада доктор Бонифас кўринди. Хуллас, чоп-чоп, югур-югур бошланди. То ҳаммаси ўрнига тушмагунча жонимиз оғзимизга келди, доктор Бонифас бечора ярим кечагача кетолмай ўтирди. Икки кундан кейин сал ўзига келган ойим Алехандрога хат ёзиб юборишинг керак, деб Пепага тайинлади. Ойимнинг гапини яхши тушунмаган Пепа қалам билан қоғоз кўтариб келганди, ойим кўзларини юмиб, бош чайқади.

– Нимани хоҳласанг, шуни ёзиб юборавер. Ўзингни эҳтиёт қил, дейишни унутмасанг бўлди.

Пепа индамайгина ойимнинг каравотига ўтирди-да, узундан-узоқ хат ёзди, ҳолбуки, у ойим бир сатрини ҳам ўқимаслигини биларди. Ўша куни оқшом Пепа Росага ойим мактубни ўқиш тугул, қўлига ҳам олмаслигига заррача шубҳа қилмаганини айтди.

Ойим суюлтирилган дорини олиб келишгандагина кўзини очди, у худди бутунлай ўзга нарсалар ҳақида ўйлаётганга ўхшар, мактубни тамомила унутган эди.

Алехандро жавоб хатида оёғининг лат егани ҳақида, ойимни ташвишга қўймаслик учун вақтида айтмаган эдим, дея астойдил ўқиниб ёзарди. Икки марта гипсга солишганини ёзиш шартмиди?! Мана энди ҳаммаси жойида,

бир ҳафталардан кейин юришга рухсат беришса керак. Қисқаси, кўп эмас, икки ой вақт йўқотди. Лекин иш қизиган паллада авжи тўхтаб қолди – шуниси алам қилади...

Хатни овоз чиқариб ўкиб бераётган Карлос ойимнинг хаёли жойида эмаслигини, дам-бадам соатига қараб қўяётганини пайқаб ўтирар, бу ойимнинг асабийлашаётгани ва бетоқат бўлаётганининг белгиси эди. Соат еттидан беш дақиқа ўтган, холбуки, Роса роппа-роса еттида доктор Бонифас ёзиб берган дори билан қайнатмани олиб кириши лозим эди.

– Ана кўрдинг, – деди Карлос мактубни икки буклар экан. – Ҳаммаси жойида, ваҳима қиладиган ери йўқ. Эркатоёй ўғлинг соппа-соғ.

– Боши омон бўлсин, ишқилиб, – деди бунга жавобан ойим. – Росага чиқиб айт, тезроқ кимирласин!

Лекин ойим, Алехандро оёғини нима қилиб синдиргани ҳақида батафсил айтиб берган Мария Лауранинг гапларини диққат билан тинглаб ўтирди ва ҳатто, оёғини укалатсин, ёзиб юборгин, деб маслаҳат берди. Отаси отдан йиқилиб оёғи синганда айнан шу усул кўпроқ ёрдам берган. Гап орасида ойим бир неча томчи лимон қайнатмаси сўради – унинг фикрича, бу бош оғриғини тез қолдирар экан.

Биринчи бўлиб кўнглидагини Мария Лаура очиқ-ойдин айтди. Ўша куни кечкурун уйига кетишдан олдин у Росани меҳмонхонага чақирди-да, ич-ичини тирнаётган шубҳа-гумонларини ўртоқлашди. Роса қулоқларига ишонгиси келмай, лом-мим демасдан Мария Лаурага тикилиб қолди.

– Бўлмаган гап! – деди охири Роса. – Калланга қаердан келди бунақа бемаъни нарса?

– Бўлмаган гап эмиш, бор гап! – деди бунга жавобан Мария Лаура. – Айтиб қўяй, бошқа унинг ётоқхонасига қадам босмайман. Нима десангиз деяверинг, лекин гапим шу.

Мария Лауранинг шубҳа-гумонлари асосли эканини оиламизнинг ҳар бир аъзоси ич-ичида тан оларди, бироқ Клелия хола – унинг гапига ҳамма қўшилди – айтилган сўз – отилган ўқ, бу хонадонда ҳеч ким сўзини қайтариб олмайди, деди. Роса Мария Лауранинг олдига борди, бироқ укасининг қаллиғи тўлиб турган экан, шунақаям ўкраб йиғлаб бердики, ундан бир нимани илтимос қилишдан маъно қолмади. Кечкурун ойимнинг олдида ўтирганда Пепа билан Роса Мария Лаурага роса ачинган бўлишди, бечора бир-биридан оғир имтиҳонларга тайёрланаман деб қийналиб кетди. Ойим чурқ этмади, бир ҳафтадан сўнг – кейинги пайшанба куни Мария Лаурани ақалли бир марта сўраш у ёқда турсин, умуман эсламади ҳам. Ўша куни Алехандронинг Бразилияга кетганига роппа-роса ўн ой тўлди. Ёш муҳандиснинг фаолиятига юксак баҳо берган фирма шартномани яна бир йилга чўзишни таклиф қилди, фақат битта шарт – Алехандро дарҳол янги завод қурилаётган Белен шаҳарчасига кўчиб ўтиши лозим. Буни эшитиб, Роке тоғанинг боши кўкка етди: нақадар ажойиб – бунақаси камдан-кам бўлади.

– Алехандро жуда қобилиятли, тенгқурлари ичида унга етадигани йўқ, – деди ойим, – Карлос бўлса қатъиятли, бир сўзли эди.

– Тўғри, – дея маъқуллади Роке тоға ва негадир Мария Лаура уйимизда бекорга ғалва кўтарибди, дея кўнглидан ўтказди.

– Нимасини айтасан, болалардан буюрди сенга.

– Худога шукур! Ҳаммасидан хурсандман. Отаси кўрмади-да – шу армон бўлиб қолди. Қизларимни айтмайсанми, бири-биридан ақлли, Карлос-чи, бечора бизни деб ўлиб-тирилади.

– Алехандронинг истиқболини айтмайсанми?!
 – Ҳа-я... – деди ойим.
 – Таклиф этишган янги шартнома қалай?! Қўнглингга сиғса, табриклаб икки энлик хат ёзиб юбор. Онамни хафа қилиб қўймадиммикан, деб ичини ит тирнаётгандир ўзиям.

– Ҳа-я... – деди ойим яна хаёлчан шифтга термилиб ётаркан. – Пепага айт, ёзиб юбора қолсин. Нима деб ёзишни ўзи билади.

Пепа нима деб ёзишни мутлақо билолмади, лекин нима бўлган тақдирда ҳам жавоб хат ёзишларда чалкашликка йўл қўймаслик учун хат матни қўлида бўлиши шарт. Онаси бундай имкониятни қўлдан чиқармаслиги лозимлигини тушунганидан, табиийки, Алехандронинг боши кўкка етди. Оёғи анча яхши, унга ишни ишониб топширишди дегунча, беш-ўн кун уйга келиб-кетиш учун рухсат сўрайди. Ойим бошини оҳиста чайқаб қўйди-да, кутилмаганда оқшомги газеталарни сўради – Карлос сўнгги янгиликларни ўқиб беришини хоҳлаб қолди.

Турмуш ортиқча қийинчиликсиз яна ўзанига тушди; кутилмаган қўнгилисизлигу ташвишлар гўё барҳам топди, Худога шукур, ойимнинг саломатлиги ҳозирча хавотирга солмасди. Ҳамма навбат билан ойимдан хабар олиб турди. Роке тоға билан Клеллия хола тик этса, ойимнинг олдига – ётоқхонага кириб боришарди. Оқшомлари Карлос, эргалаб эса Пепа газета ўқиб берарди. Роса билан Клеллия хола доктор ёзиб берган дориларни вақтида ичиришар, Роке тоға бир кунда уч-тўрт маҳал ётоқхонада ойим билан ўтириб чойхўрлик қиларди. Ойим ҳеч қачон ёлғиз қолмас, Мария Лаурани умуман эсламас, ҳар уч ҳафтада Алехандродан келган хатни ўқиб беришса, жимгина эшитар, Пепадан чўзиб ўтирмай дарҳол жавоб ёзиб юборишни илтимос қилар, кейин, туйқус суҳбатни бутунлай ўзга мавзуга буриб юборарди – ҳар доим илтифотли, ҳамиша оқила, лекин барибир алланечук ўзини бегонадек тутарди.

Айнан шу кезлари Роке тоға Аргентина билан Бразилия ҳукумати ўртасида юзага келаётган ихтилофлар ҳақидаги хабарларни ўқиб бера бошлади. Дастлаб бу гапларни у газетанинг хошиясига ёзиб қўярди, бора-бора ўқиш жараёнида тўқийдиган бўлди, яхшиямки, ойимни услубдаги равонлик ва аниқлик қизиқтирмасди. Роке тоға, бу воқеалар Бразилияда истиқомат қилаётган Алехандро билан бошқа аргентиналикларга таъсир қиладими-йўқми – шу хусусда турли хил тахмин ва башоратлар ўйлаб топарди, ойим лоқайд ва бепарво тинглаётганини кўриб газетадаги янгиликларни муҳокама қилишга барҳам берди, сиёсий вазият эса кун сайин кучайиб, ташвишли тус оларди. Алехандро ҳам ўзининг мактубларида мамлакатлараро дипломатик алоқаларнинг бузилиб кетиш хавфи мавжудлигидан ташвишланар, бироқ табиатан некбин эмасми – бу чўзилиб кетган можарога охир-оқибат иккала мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари барҳам беражагига ишонар эди.

Ойим кўпинча сукут сақларди, чамаси, Алехандронинг яқин орада келмаслигига кўзи етиб қолган эди. Бироқ бир куни у, газеталарда ёзилганидек, Бразилия билан муносабатлар чинданам шунақа ёмонми, деб доктор Бонифасдан сўраб қолса бўладими?!

– Бразилия биланми? Нима десам экан... Аҳвол ҳавас қиладиган даражада эмас, – деб жавоб берди доктор. – Лекин нима бўлган тақдирда ҳам юрт бошқараётганларнинг эс-хуши жойида...

Бундай мужмал жавобни кутмаган ойим унга шундай тикилдики... Чинданам докторнинг овозидан унинг заррача ташвиш чекмаётгани сезилиб турарди. Ойим енгилгина хўрсиниб қўйди-да, бутунлай бошқа нарсалар ҳақида

гап очди. Шу окшом ойим одатдагидан кўра жонланиброқ ўтирганидан доктор Бонифас анча енгил тортди. Эртаси куни эса Клелия хола ётиб қолди.

Умуман олганда, унинг хушдан кетиши ҳеч кимни кўрқитиб юбормади, ҳар қандай одам шу ҳолга тушиши мумкин, аммо доктор Бонифас Клелия холани иложи борича тезроқ касалхонага ётқизиш керак, деб Роке тоғага маслаҳат берди. Бразилияда бўлаётган ходисалар ҳақидаги хабарни тинглаб ўтирган ойимга (Карлос окшомги газетани ўқиб бераётган эди) Клелия хола бошини шамоллатиб қўйибди, кўрпа-тўшак қилиб ётганмиш, дейишди. Ҳаммасини ўйлаб бир қарорга келиш учун бемалол вақт бор, тонг отгунча ҳали эрта, фақат доктор Бонифас билан гаплашиб олган Роке тоға биринчи марта ўзини йўқотиб қўйди, унинг ёрдамисиз чора-тадбир ўйлаб топишга тўғри келди. Яхшиямки, холамизнинг дугонаси Монолита Вальенинг дала ҳовлиси ҳақидаги фикр лоп этиб Росанинг миясига урди. Эрталаб Карлос ойим билан шундай чиройли суҳбат қурдики, пировард-натижада ойимнинг ўзи Клелия холангизни дала ҳовлига олиб боринглар, тоза ҳавода тезроқ соғайса ажаб эмас, деб қолди. Карлоснинг хизматдоши сидқидилдан машинасида элтиб қўйишни таклиф қилди – бунақа аҳволда поездда юриш – бориб турган нодонлик. Клелия холанинг ўзи ойим билан хайрлашишни хоҳлаб қолди-ю, Карлос билан Роке тоға икки кишилашиб қўлтиғидан олишди-да, минг азоб билан ойимнинг ётоқхонасига олиб боришди, ойим бўлса нуқул шамоллаб қолмасин яна, деб қайта-қайта таъкидларди (бу бемаъни машиналарда доимо елвизак бўлади). Асосийси, уйқудан олдин олхўри шарбати беришсин, у кони фойда.

– Клелиянинг қон босими жуда баландга ўхшайди, – деди ойим Пепага. – Аҳволи оғир, менимча.

– Йўғ-е... Арзимаган нарса. Далада Клелия хола дарров ўзига келиб олади. Шўрлик холамиз анча уринди-да, кейинги бир-икки ой ичида. Янглишмасам, Монолита холамини доим дала ҳовлисига таклиф қиларди.

– Ғалати-ку! Тавба, Клелия бу ҳақда бир мартаям айтмаганди менга.

– Балки сизни ташвишга қўймаслик учун шундай қилгандир.

– У ерда қанча туради?

Пепа елка қисди, лекин доктор Бонифасдан сўраб билишга ваъда берди, чунки Клелия холага дала ҳовлида дам олинг, деган ҳам доктор-да! Уч кундан сўнг ойим яна шу ҳақда гап очди (кечаси Клелия холанинг касали хуруж қилиб оғирлашиб қолган, тоғамиз билан галма-гал тепасида навбатчилик қилиб чиқишганди).

– Мен сендан сўраяпман, қачон келади Клелия?

– Нима кераги бор, ойи?! Шунча пайтдан бери холам энди тоза ҳавода дам оламан деган бўлса.

– Хўп, хўп, лекин сизлар нима дедингиз менга, ҳеч нарса қилгани йўқ, ўтиб кетади демадингизми?!

– Дейишга дедик. Аслида ҳам шунақа. Клелия холам бир дам олай деган, янаям тўғрироғи, Монолита билан уч-тўрт кун дала ҳовлида турмоқчи экан... Улар болалиқдан бирга ўсишган – кадрдон-ку!

– Унга қўнғироқ қилиб қачон келасиз, ойим сўраяптилар, дегин!

Роса дала ҳовлига қўнғироқ қилган, унга Клелия хола анча яхши, лекин қуввати йўқ, уч-тўрт кун шу ерда бўлади ҳали дейишган. Энг муҳими ҳаво ниҳоятда яхши!

– Шу ишлар менга сира ёқмаяпти, – деди ойим. – Клелия кела қолса бўларди.

– Ойи, ҳамма нарсага ташвишланаверасизми? Ундан кўра сал ўзингизга

келиб олинг, сизни ҳам Монолита холанинг чорбоғига олиб борамиз – дам олиб келасиз.

– Мен-а? – ойим хайрон бўлиб Росага қаради, унинг кўзларида ҳам ўкинч, ҳам қаҳру ғазаб акс этарди.

Карлос хохолаб юборди-да, кўзларини олиб қочиб (Клелия холанинг ахволи жудаям оғир эди – ҳозиргина Пепа қўнғирок қилганди), ойимнинг юзидан ўпиб қўйди.

– Вой эси йўғ-ей, – деди Карлос шўхлик қилган болага пўписа қилиб қўйгандек.

Шу куни ойим кечаси билан ухлолмай чикди, тонг отар-отмас Клелия холамни сўради, холбуки, бу пайтда дала ховлидан ҳеч ким қўнғирок қила олмасди (Клелия холанинг ҳозиргина жони узилган, барча маросимларни майитхонада ўтказишга қарор қилишганди). Эрталаб соат саккизда ҳамма гапни ойим эшитиб турсин учун катта хонадан дала ховлига қўнғирок қилишди. Хайрият, Клелия хола кечаси тиникиб ухлабди, ҳозир ҳеч нарсадан шикоят қилмаётган экан, фақат Монолитанинг оилавий шифокори яна бир кун-ярим кун ёта турсин, шошилманглар, деб маслаҳат берибди.

Ишхоналари вақтинчалик ёпилганидан беҳад мамнун бўлган Карлос эрталабданоқ ойимнинг ётоғига кириб келди, у шошилмай чой ичаркан, турли нарсалар ҳақида эзмаланиб ўтирди.

– Менга қара, Карлос, – деди ойим. – Менимча, Алехандрога телеграмма юбориш керак. Вақт топиб холасини кўриб кетсин. Чунки холаси уни ўз боласидек яхши кўриб, кўтариб катта қилган, уят бўлади келмаса.

– Вой ойижон-ей, Клелия холамга нима қипти – ҳеч нарса! Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, сизни кўргани келолмаган Алехандро энди келармиди...

– Нима қилса, ўзи билади, – деди ойим, – сен ёзиб юборавер, Клелия холам оғир касал, кўриб кетмасанг бўлмайди, де.

– Ким айтди сизга Клелия холамни оғир деб?!

– Оғир бўлмаса янаям яхши. Ёзиб юбориш шунчалик қийин ишми?

Ўша куни кечқуруноқ хат ёзилиб, ойимга ўқиб эшиттирилди. Алехандродан жавоб келиши кутилган пайтда (Клелия хола ўзини анча яхши сезар, лекин шифокор қиркига чидаган қирқ бирига ҳам чиданглар, яна озгина тоза хавода юрса, бутунлай соғайиб кетади деб жавоб бермаётганди) Бразилия билан муносабатлар шунчалик кескинлашиб кетдики, Карлос хат йўқолиб ўтирмасин-да, ишқилиб, дея хавотир қила бошлади. Худо кўрсатмасину бунақа пайтда почта одатдагидек ишлайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

– Унинг учун айна муддао бўлибди-да, – деди ойим, сўнг мийиғида кулиб қўйди. – Ўла қолса келмайди, мени айтди дерсиз.

Алехандродан жавоб келди, бироқ унинг хатини юрак ютиб ойимга ўқиб беришга ҳеч ким ботинолмади. Роке тоға, Карлос ҳамда опа-сингиллар катта хонада анчагача, “уф” тортиб, гоҳ-гоҳ одатда Клелия хола дам оладиган оромкурсига кўз ташлаб, сўнг бир-бирларига жавдираб саволомуз назар солиб ўтиришди.

– Тавба, шунчалик ҳам бўладими? – деди Карлос. – Нима биринчи марта алдаяпмизми? Ўйин давом этапти, холос.

– Шунақа осон бўлса кириб ўзинг ўқиб берақол! – деди Пепа ўпкаси тўлиб.

– Нима десангиз денг, лекин қаердадир қовун туширдик, менимча. Мен ойимнинг хонасига кўрка-писа оёғимнинг учида кирадиган бўлиб қолдим... Худди ҳозир қўлга тушиб қоладигандек.

– Ҳаммасига Мария Лаура айбдор, – деди Роса. – Хаёлимизга ҳам келма-

ётганди унинг айтганлари, мана оқибати – довдир-совдир қилиб юрибмиз, нима дейишни билмаймиз. Буям етмагандек Клелія холамни айтмайсизми?!

– Биласанми нима, гапингни эшитиб миямга бир фикр келди, Мария Лауранинг ўзи билан гаплашиш керак, – деди Роке тоға. – Энг яхши йўл шу, гўё имтихондан келаётибди-ю, кўриб кетай деб кирган бўлади, ойимга Алехандро ҳализамон келолмас экан деса, олам гулистон.

– Алехандро ҳар хатида Мария Лаурани сўрайверганига қарамай ойим уни заррача эсламай қўйган бўлса... юрагинг тарс ёрилиб кетмайдими?!

– Юрагим нега ёрилар экан?! Ҳозир биз келишиб олишимиз керак, холос. Ё “ха”, ё “йўқ”, икковидан бири.

Роса Мария Лаурани кўндиришга жудаям қийналди, у деди, бу деди, хуллас, охири розилигини олди, Мария Лаура яқин дугонасига йўқ дейишга тили бормади. Сирасини айтганда, Мария Лаура бу хонадон ахлининг ҳаммасини бир хилда яхши кўрарди-ю, фақат ойимдан хайиқар, унинг олдида ўзини йўқотиб қўярди. Қисқаси, бир неча кундан сўнг Мария Лаура мактуб билан келди – уни Карлос ёзиб берганди. Қўлида гулдаста, сумкасида ойимнинг жону дили бўлган ширинлик – мандаринли мармелад... Ҳа... Худога шукур, қийин имтихонлар ортда қолди, энди Мария Лаура бир-икки ҳафта Сан-Висентеда бемалол дам олса бўлади.

– Сенга тоза ҳаво ёқади, – деди ойим, – Клелія бўлса, унга... Пепа! Бугун дала ҳовлига кўнғироқ қилдингми?! Вой, эсим курсин! Сўровдим-а, ҳозир?! Буни қаранг, Клелія уч ҳафтадан бери келолмайди-я?! Мана сизга оқибати...

Мария Лаура билан Роса бу воқеани ипидан-игнасиғача муҳокама қилишди. Чой келтиришганда, Мария Лаура хатнинг айрим жойларини ўқиб берди, Бразилияда чет эллик мутахассисларни эҳтиёт чораси сифатида хонабанд қилиб қўйишган экан. Ҳозир Алехандро қимматбаҳо меҳмонхонада Бразилия ҳукуматининг ҳисобидан мазза қилиб яшаётган экан. Бу то давлатлараро муросага келмагунча давом этаркан. Ойим лом-мим демай эшитди, липа баргининг дамламасидан бир пиёла ичди-да, пинакка кетди. Дугоналар катта хонага ўтишди ва ўша ерда бемалол суҳбатлашиб ўтиришди. Кетар олдидан Мария Лауранинг кўнглида телефон ҳақидаги машғум фикр туғилди. Ўша заҳоти Росани чақириб ҳаммасини баён қилиб берди, Роса эса, очиғи, Карлос нима деркан дегандек кутди. Бироздан сўнг шубҳа-гумонларини Роке тоғага айтди, Роке тоға “ҳм” деб қўйди, холос. Бунақа вазиятда ё индамасдан ўтириш ё газетани қўлга олиш керак... Карлос ойим хусусида турли тахмин қилиб бошини қотириб ўтирмади-ю, лекин ҳеч ким маъқулламаётган фикрга қарши чиқмади.

– Омон бўлсак, кўрамиз, – деди у Роса билан Пепага. – Қутилмаганда ойимнинг ўзи сўраб қолиши мумкин, ана унда кўрасан...

Бироқ ойим бир марта ҳам телефонни сўрамади, Клелія холага кўнғироқ қилиш ҳаёлига ҳам келмади. Ҳар куни эрталаб, дала ҳовлида нима гап деб сўраб қўяр, сўнг товуш чиқармай жимгина ўтираверарди; унинг хонасида вақтнинг ўтиши томчи дорилар, дамлама ҳамда настойкалар билан ўлчанарди. Ойим Роке тоға келса суюнарди, мабодо, газетани кечиктириб келтиришса ёки Роке тоға шахматдан бош кўтармай алламаҳалгача қолиб кетса, хуноби ошаётганини сездирмасди. Роса билан Пепа ойимнинг газеталарга ҳам, дала ҳовлига кўнғироқ қилишга ҳам, ҳатто Алехандродан келадиган хатларга ҳам қизикмай қўйганига суюнишарди. Шунга қарамай, бу ўзгаришларга тўла-тўқис ишониш ҳам қийин эди, чунки гоҳо-гоҳо бошини азод кўтариб, уларга тешиб юборгудек тикилиб қарар экан, ойимнинг кўзларида алланечук қатъият ва саркашлик пайдо бўларди. Секин-аста бу

галати, тушуниксиз ҳаёт ҳаммани ўз домига тортди. Роса учун ҳар куни телефонни олиб, бўшлиқ билан гаплашиш оддий эрмакдек бўлиб қолди. Роке тоға эса газетанинг реклама билан футбол янгиликлари эгаллаган саҳифасини очиб, Бразилия ҳақида тутилмасдан мақола ўқирди. Карлос ётоқхона остонасидан ҳатлади дегунча, дала ҳовлига қандай бориб келгани, Монолита билан Клелия хола бериб юборган халта-халта мева-чева ҳақидаги ҳикоясини бошларди.

Сўнгги ойларда ойимнинг ҳаёти оиламизда ҳукм сурган тартиб-интизомга таъсирини ўтказмади. Доктор Бонифас ойингиз осонгина жон беради, у оддийгина хушдан кетади-да, шамдек сўнади, дея башорат қилди. Лекин ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам ойимнинг ақл-идроки хиралашмади, унинг тепасида барча болалари йиғилиб, ғам-ғуссадан адо бўлишганини яширолмай туришганда ҳам ойимнинг идроки, қувваи ҳофизаси заррача сусаймаган эди.

– Ҳаммангиздан мингдан-минг розиман, – деди ойим. – Балли, шафқат, меҳр-муҳаббатингизни аямадингиз. Мени қийналмасин, деб ҳаммасига чидаб келдингиз. Раҳмат, сизларга.

Ойимнинг ёнгинасида ўтирган Роке тоға унинг қўлларини уқалай туриб секингина юпатди ва қўй бунақа гапларни, деди. Пепа билан Роса ўзларини жавондан бир нимани ахтараётгандек тутишарди. Улар Мария Лаураининг тахмини тўғри эканига энди ишонишди, ҳарқалай, бошиданок сал-пал сезганларига иқроқ бўлишди.

– Менга шунчалар ғамхўрлик қилдингизки... – деб гап бошлади ойим.

Роса Пепанинг қўлини қисиб қўйди, чунки мана шу икки оғиз гап ҳаммасини аввалгидай давом эттириш, узок давом этган ўта нозик ва зарур ўйинни қайта тиклаш учун имкон берарди. Карлос худди ойим ҳаммалари учун жудаям муҳим бир гапни айтажагини ҳис қилгандай ундан кўз узмай турарди.

– Бу ёғига энди хотиржам юрасизлар... Биз бошқа қийнамаймиз сизларни...

Роке тоға эътироз билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Карлос унинг билагидан ушлаб, қаттиқ сиқди. Ойимнинг ризқ-насибаси узилган, уни безовта қилишнинг фойдаси йўқ эди.

Дафн маросимининг учинчи куни Алехандродан мактуб келди. Бу унинг охирги хати эди. Унда Алехандро ойим билан Клелия холамизнинг саломатлиги ҳақида батафсил ёзиб юборишимизни илтимос қиларди. Роса одати бўйича мактубни очишга очди-ю, охиригача ўқиёлмади. Қайноқ кўз ёшлари ёноқларини куйдириб оқарди, бироздан сўнг барибир мактубни сатрма-сатр ўқиётган чоғда дафъатан Алехандрога ойимнинг ўлими ҳақида қандай ёзамиз, деган саркаш бир фикр миясидан кетмаётганини сезиб қолди.



АСТОР ПЬЯЦОЛЛА



Астор Пьяцолла – аргентиналик машхур мусиқачи, композитор. У ўз ижоди билан танго жанрини юкори чўққига олиб чиққан, бугунги кунда “Нуэво танго” номи билан аталувчи услубнинг асосчисидир. Шунингдек, Астор Пьяцолла бандонеоннинг мохир ижрочиси ҳамдир. Пьяцолла Аргентинада “El Gran Astor” (“Буюк Астор”) номи билан машхур.

Пьяцолла танго фақатгина рақс майдончалари мусиқаси эмаслигини амалда исботлаб, уни концерт мусиқаси даражасига олиб чиқа олди. Унинг асарларида жаз, классика ўзининг янги кўринишини намоеън этди. Инсонлар қалбининг тубтубига кириб борадиган гармония ва ритмнинг ўзгача оҳангдорлигини кашф этди. Ижодида авангардлик, янгиликка, новаторликка бўлган интилиш боис, уни анъаналарга қарши чиқаётганликда айбладилар. У бир муддат АҚШда яшашга мажбур бўлди. Лекин ижод ва миллий мусиқага бўлган муҳаббати боис янги асарлар ижод қилишдан

тўхтамади. Вақт ўтиб унинг истеъдоди ва меҳнатлари тан олинди. Унинг номи нафақат ватанида, балки Лотин Америкаси ва Европада ҳам машхур бўла бошлади.

Астор 1921 йил Аргентинанинг Мар-дел-Плата шаҳрида туғилган. Асторнинг ота-онаси камбағал итальян мухожирларидан эди. 1924 йилда иш топиш, кун кўриш ниятида унинг оиласи Аргентинадан Нью-Йоркка келади. Пьяцолланинг отаси тангони тинглашни хуш кўрган. Астор тўққиз ёшга тўлганида отаси унга бандонеон совға қилади. Шу мусиқа асбобини ўрганишга киришган болакай Америка фольклорини, шу ерлик бастакорлар асарларини ижро этади. Устозлари ёш Асторнинг ноёб мусикий қобилиятини тезда англаб етадилар. Пьяцолла 1934 йилда “Танго”нинг машхур ижрочиси Карлос Гардел билан танишиш, у билан бирга сахнага чиқиш ва “Танго” ҳақидаги фильмида роль ижро этиш бахтига муяссар бўлади. Орадан бир йил ўтгач, 14 ёшли созандани Карлос Гардел Жанубий Америка бўйлаб гастрол сафарига таклиф қилади. Бироқ Асторнинг отаси ўғлини юбормайди. Отасининг бу қароридан Астор қаттиқ хафа бўлади. Орадан кўп ўтмай Карлоснинг самолёти ҳалокатга учраб, унинг фожиали ҳалок бўлганлиги тўғрисида хабар келади.

Асторнинг ота-онаси 1936 йилда АҚШдан Мар-дель-Платага қайтишга қарор қиладилар. Ҳали ўн еттига тўлиб улгурмаган Астор, мусиқа оламида бахт топиш илинжида Буэнос-Айресга йўл олади. Тунги клубларда турли мусиқачилар билан

биргаликда мусика чалади. Айниқса, таникли мусикачи Анибал Тройло билан танишуви унинг ижодида муҳим воқеа бўлди.

Концертлардан бўш вақтларида бўлажак бастакор фортепьянодан таҳсил олар, мусика назарияси билан шуғулланарди. Унинг устозлар бобида ҳам омади чопди. Бастакор Альберто Гинастер, пианиночи Рол Спивак, Буэнос-Айресда истикомат қиладиган машхур рус пианиночиси Артур Рубинштейнлар билан танишуви Асторнинг келажақдаги ижодида муҳим роль ўйнади.

1946 йилда Астор ўзининг биринчи мустақил оркестрини тузади. 1949 йилда ижодий гуруҳ тарқалиб кетади. Астор мусикий билим олиш билан чуқурроқ шуғулланишга киришади, Равел, Барток, Стравинскийларнинг ижодини ўрганади, таҳлил қиладди. Бир неча йил Америка жаз мусикаси устида изланишлар олиб бориб, янгилликлар қилишга интилади. 1953 йилда ёзган “Буэнос-Айрес” симфонияси ҳамкасблари томонидан катта олқишлар билан кутиб олинади ва шунингдек, Фабиан Савицкий мукофотига сазовор бўлади, француз ҳукуматининг стипендиясини ҳам ютиб олади. Бу мукофот унинг Парижга бориб, машхур мусикачи ва мохир педагог Надя Буланждан таҳсил олиш имкониятини берди. Устози Надя Буланж унга ўзига хос ижодий услубини таниш йўллари кўрсатди. Бир йилдан сўнг Пьяццолла Аргентинага қайтди ва бутун дунёга “Нуэво танго”сини тақдим этди. Унда классика ва жаз уйғун бўлиб, янги талқин яратилганди.

Анъанавий танго тарафдорларидан чарчаган Пьяццолла 1958 йилда Нью-Йоркка кетади. У ерда отасига бағишланган ва дунёга машхур бўлиб кетган “Адиос Нонино” асарини яратади.

1960 йилда Астор яна Буэнос-Айресга қайтади. Ўзининг илк квинтети Quinteto Tango Nuevoни ёзади (бандонеон, скрипка, пианино, электрон гитара, контрабас жўрлигида). 1965 йилда унинг Нью-Йорк филармониясидаги концерт пластинкаси чиқади. 1967 йилда бастакор ажойиб шоир Горацио Феррер билан танишади. Улар ҳамкорликда “Мариа де Буэнос-Айрес” номли оперетта ёзадилар. 1968 йил опереттанинг премьераси бўлиб ўтади.

Пьяццолла 1970 йиллар бошида Европа бўйлаб сафардан сўнг янги ансамбль ташкил қиладди. У яна Парижга қайтиб беш ой муддат ичида “El Pueblo Joven” ораторияси ва бошқа асарларини ёзади.

1973 йилнинг августида Буэнос-Айреснинг Колон театрида 9 солист ва ансамбль учун ёзилган “Concierto de Nacar” асарининг тақдими бўлиб ўтади.

1988 йилда Пьяццолла, Лало Шифрин ва “Сент-Люк Оркестр” билан биргаликда “Бандонеон учун концерт”, “Бандонеон ва оркестр учун уч танго” асарини ёзади. Орадан бир йил ўтгач, “Кронос” квартети билан биргаликда “Тангонинг беш ҳислати” номли янги асарини тақдим этади.

Умрининг сўнги ўн йилида Пьяццолла уч юздан ортиқ танго, 50 га яқин фильм учун мусика ёзади. Машхур театр ва кино режиссёрларидан Жанна Моро, Ален Делонлар билан ҳамкорлик қилган.

Бастакор Астор Пьяццолла 1992 йили 71 ёшида Буэнос-Айресда вафот этади. 1993 йилда эса бастакорнинг “Унутиш” асари “Грэмми” мукофотига лойиқ кўрилади.

*Дилбар ОРОЛОВА
тайёрлади*

ДИЕГО ДАЙЕР



Диего Дайер ёш бўлса-да, замонавий Аргентина тасвирий санъатининг иқтидорли ва серкирра ижодкори сифатида танилган. У 1978 йилнинг 23 ноябрида Аргентинанинг Рафаэла шахрида туғилган. Диегода болалигидан расм чизишга бўлган туғма қобилият намоён бўлади. У 1993 йилда Рафаэладаги донг таратган машхур рассом, ҳайкалтарош Марсель Гроссонинг устахонасида рассомлик сир-саноатларини ўргана бошлайди. Ижодкор 90-йилларда Рафаэлада ўтказилган танловларда кўп марта ғолиб чиққан. Шу билан бирга, рассом ўз маҳоратини ошириш учун тинимсиз меҳнат қилиб, кўплаб семинар ва маҳорат машғулотларига қатнайди. 2002 йили Аргентинанинг Курдобо шахридаги санъат институтига ўқишга киради.

Рассом ёш бўлишига қарамай, ўзининг бетакрор услубига эга бўлиб, ўз асарлари билан санъатсеварларда катта қизиқиш уйғотади. Унинг суратлари Гойя маданий маркази, АҚШнинг Брайт галереясида, Аргентина ва Испаниянинг турли шаҳарларида кўргазмага қўйилиб, кўплаб мутахассислар эътиборини тортган. 2002 йили “Маркьяро” галереясида унинг биринчи кўргазмаси бўлиб ўтади. 2004–2006 йилларда Буэнос-Айресдаги “Мумтоз санъат” кўргазмасида мохир рангтасвир устаси деб тан олинади ва мукофотланади. 2007–2009 йилларда рассомнинг бир неча бор шахсий кўргазмалари бўлиб ўтади. Ҳозирги кунда Диего Дайер Курдобо шахрида ижод қилмоқда.

Рассомнинг ижодида инсон қиёфаси тасвири муҳим роль ўйнайди. Бир қарашда томошабинга кўринган тасвир ортида бошқача маъно яширинган бўлади. Унинг суратларида инсонларнинг ҳаёти, ўзаро муносабати, ички кураши каби ғоялар турли рамзлар орқали ифодаланади.

Рассомнинг ижодида инсон қиёфаси тасвири муҳим роль ўйнайди. Бир қарашда томошабинга кўринган тасвир ортида бошқача маъно яширинган бўлади. Унинг суратларида инсонларнинг ҳаёти, ўзаро муносабати, ички кураши каби ғоялар турли рамзлар орқали ифодаланади.

Муқовамизда рассомнинг “Ошиқлар” сурати берилмоқда. Икки ошиқ бир-бирига талпиняпти, кўзларида – соғинч, ёнларидаги одамларнинг эса кўзлари боғланган. Ижодкор бу билан икки ёшнинг кўнглида кечаётган ҳис-туйғуларнинг бошқаларга бегона эканлигини кўрсатмоқчи. Рассомнинг “Ака-укалар”, “Рассом”, “Орзуга берилиб”, “Скрипкачи”, “Сир”, “Учовлон”, “Гитара сабоғи”, “Мактуб”, “Илҳом излаб”, “Скрипкачи концерти”, “Кузатувчи”, “Хотира ҳимоячилари” каби картиналари ижодий ранг-баранглиги, мажозий маъноларга бойлиги билан эътиборга молик. “Вақт” суратида рассом ўзининг сиймосини тасвирлаган.

Аброр УМАРОВ тайёрлади

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

1 МАЙ 1909–1990 йиллар. ЯННИС РИЦОС, грек шоири. Нобель мукофоти лауреати (1986). “Трактор”, “Пирамидалар”, “Синов”, “Жисм ва қон”, “Кипр ҳақида қайғунома”, “Шеърлар”, “Завқли симфония”, “Бедорлик”, “Ёмғир оҳангидаги эски мазурка” каби шеърӣй китоблари, “Ой сонатаси”, “Океан марши”, “Опамнинг кўшиғи”, “Эпитафия”, “Сўнгги юз йиллик одамларига”, “Қуёш бўсағаси” поэмалари, “Денгиз бўйидаги аёл” драмаси унга шуҳрат келтирган.

2 МАЙ 1903–1978 йиллар. КОМИЛ ЁРМАТОВ, атоқли кинорежиссёр, ўзбек кинематографиясининг асосчиларидан. “Муҳожир”, “Уйқусиз йиллар”, “Алишер Навоӣй”, “Ибн Сино”, “Осиё устида бўрон”, “Пахтаой”, “Опа-сингил Раҳмоновалар”, “Қора консулнинг ҳалокати”, “Узоқ-яқин йиллар”, “Нодирабегим”, “Икки дил достони” каби фильмлар яратган.

4 МАЙ 1006–1088 йиллар. ХОЖА АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ, тасаввуф илмининг йирик вакили. “Кашф ул-асрор”, “Илоҳийнома”, “Зод ул-орифийн”, “Қанз ус-солиқин”, “Қаландарнома”, “Манозил ус-соирин” каби асарлар яратган. “Пири Ҳирот” лақаби билан танилган. Алишер Навоӣй уни “Муқарраби бориӣй” (“Тангрининг яқини”) деб улуғлаган.

1047–1123 йиллар. УМАР ХАЙЁМ, шоир, файласуф, математик, қомусий олим, Шарқ мумтоз шеърятининг йирик вакили. 200 дан ортиқ рубоӣйлари, “Дастур ул-мулук” (“Сиёсатнома”), “Рисолатул-қавн ват-таклиф” (“Қоинот ва унинг вазиқалари”), “Рисола фил-вужуд” (“Борлик ҳақида рисола”), “Рисола фи куллияти вужуд” (“Борлик умумийлиги ҳақида рисола”) каби асарлари машҳурдир. Рубоӣйлари Ғафур Ғулом, Шоиқлом Шомухамедов, Жамол Камол сингари шоирлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

11 МАЙ 1916–2002 йиллар. КАМИЛО ХОСЕ СЕЛА, испан ёзувчиси. Нобель мукофоти лауреати (1989). “Паскуал Дуарте оиласи”, “Арихона”, “Манхэттен”, “Икки ўлик учун мазурка”, “Сан Камило. 1936”, “Алькирияга сафар” романлари, 11 жилддан иборат “Маънавий табу луғати”, “Сирли луғат” ҳикоя ва пьесалар тўплами, “Испания воқеалари. Кўрлар ва аҳмоқлар” сингари асарлари шуҳрат келтирган.

15 МАЙ 1910–1981 йиллар. РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ, атоқли ўзбек театр ва кино актёри, режиссёр. Кино соҳасида Алишер Навоӣй (“Алишер Навоӣй”), Хўжа Насриддин (“Насриддиннинг саргузаштлари”), Мирзакарим кутидор (“Ўткан кунлар”), саҳнада Навоӣй (“Навоӣй Астрабодда”), Муқимий (“Муқимий”), Ҳамза (“Ҳамза”), Фердинанд (“Макр ва муҳаббат”) каби йирик образлар яратган. Режиссёр сифатида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарғона тонг отгунча”, “Тошболта ошиқ” спектакллари саҳналаштирган.

16 МАЙ 1904–1938 йиллар. БОТУ (МАҲМУД ҲОДИЕВ), ўзбек шоири. “Умид учкунлари”, “Тўлқин товушлари” шеърӣй тўпламлари муаллифи. Чеховнинг “Ванька” ҳикоясини ўзбек тилига ўғирган. Фитрат, Чўлпон,

Элбек сингари шоирлар сафида ёник ижод қилган. Қатағон қурбони бўлган. Қисқа умри мобайнида шеърляти билан миллат маърифати ва ўзбек адабиёти учун хисса кўшган.

1910–1975 йиллар. АББОС БАКИРОВ, атоқли ўзбек театр ва кино актёри. Театр сахнасида Хисрав (“Фарҳод ва Ширин”), Ромео (“Ромео ва Жульетта”), Хусайн Бойқаро (“Алишер Навоий”), кинода Юсуфбек ҳожи (“Ўткан кунлар”), Носиров (“Синчалак”) ва бошқа образлари билан шухрат қозонган. Андижон театрида “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Тоҳир ва Зухра” сингари спектакллари сахналаштирган.

18 МАЙ 1936 йил. ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ, козоқ шоири. “Куёшли тунлар”, “Маймун йили”, “Қутлуғ тонготар”, “Сопол китоб”, “Оқдарё устида”, “Бутун бахт”, “Аз и Я”, “Ажойиб тун”, “Шарофатли вақтлар”, “Оловнинг кўчиши”, “Юмалоқ юлдуз”, “Арғумоқлар” сингари асарлар муаллифи.

24 МАЙ 1905–1984 йиллар. МИХАИЛ ШОЛОХОВ, атоқли рус адиби. Нобель мукофоти совриндори (1965). “Хол”, “Алёшканинг қалби”, “Гирдоб”, “Лолазор дашт”, “Нафрат мактаби”, “Тутинган ўғил”, “Инсон тақдири” каби ҳикоялар муаллифи. Адибга “Гинч Дон” эпопеяси, “Очилган кўрик”, “Улар Ваган учун жанг қилдилар” романлари оламшумул обрў-эътибор келтирди. Унинг асарлари ўзбек тилига О.Шаропов, Х.Ахророва, С.Анорбоев, М.Мирмухамедов, М.Мирзоидов сингари таржимонлар томонидан ўгирилган.

1940–1996 йиллар. ИОСИФ БРОДСКИЙ, йирик рус шоири; драматург ва таржимон. Нобель мукофоти совриндори (1987). “Шеърлар ва поэмалар” (1965), “Хилватгоҳ” (1970), “Гўзал кунлар якуни” (1977), “Яратган ҳаммани асрайди” (1992) каби шеърлий тўпламлари эълон қилинган. “Шоира ва наср”, “Достоевский ҳақида”, “Адабиёт ва уруш” сингари қатор эсселар, “Мармар”, “Демократия” пьесалари муаллифи. Шоир асарларидан намуналар М.Мирзо, В.Файзуллоҳ ва бошқа шоирлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

30 МАЙ 1265–1321 йиллар. ДАНТЕ АЛИГЪЕРИ, улуғ итальян шоири, жаҳон адабиётининг энг йирик намояндаларидан бири (туғилган куни ҳақида турли тахминлар бор). “Янги ҳаёт”, “Зиёфаг” асарлари, кўплаб сонетлар, “Монархия”, “Сув ва замин масалалари” сингари фалсафий трактатлар муаллифи. “Илоҳий комедия” асари унга оламшумул шухрат келтирган. Мазкур дostonнинг таржима қилиниши улкан маънавий ҳодиса саналади. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов мазкур асарни юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.

1910–1978 йиллар. МИРТЕМИР (Миртемир Турсунов), атоқли шоир. Ўзбекистон халқ шоири (1971). Ўзбекистон Давлат мукофоти (1979), Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти (1977) лауреати. “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2002). Илк шеърлар тўплами – “Шуълалар кўйнида” (1928) миллий шеърлятимиз учун янги бўлган сочма (насрий шеър) жанрида ёзилган. “Зафар”, “Қайнашларим”, “Қорақалпоқ дафтари” каби шеърлий тўпламлари эълон қилинган. “Дилкушо”, “Сув кизи”, “Сурат” сингари дostonлар муаллифи. Абай, Махтумқули, Бердак шеърларидан ташқари, қирғиз халқининг “Манас” эпосини (ҳамкорликда), Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон” дostonини (ҳамкорликда), А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Некрасов, Г.Гейне, П.Неруда, С.Вурғун ва бошқаларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади*

✍ Очередной номер журнала «Жахон адабиёти» посвящен Аргентине – стране, которая занимает достойное место в мировой литературе. В рубрике «Рассказ о рассказе» вниманию читателей представлено произведение лауреата Нобелевской премии Хулио Кортасара «Здоровье больных» (перевод на узбекский язык Олима Атахана), примечательное тонким и пронзительным анализом тайн человеческой души.

✍ Рубрику «Меридианы поэзии» украсила лирика аргентинских поэтов. Стихи Эваристо Карриего, Леопольдо Лугонеса, Энрике Банчса, Педро Мигеля Облигадо и других даны в переводе Яхя Тогы, Вафо Файзуллы, Дилором Абдурахман. Панорама аргентинской культуры, а также личности, оставившие неизгладимый след в искусстве данной страны представлены в рубрике «Глобус».

✍ Война приносит одни беды и несчастья, страдания и беспокойства. И все же в истории человечества разгоралось неисчислимое количество битв и войн, которые становились причиной огромных потерь. «История человечества – это история войн» гласит мудрость. Повесть Гафура Пулатова «Соны Герируда» о последствиях войны, из-за которой афганский народ отстал в развитии на десятилетия. Автор проникновенно описывает ужасы войны, личным свидетелем которых был он сам. Вместе с тем, образно повествует о таком ценнейшем, незаменимом благе, как мир и спокойствие.

✍ В рубрике «Проза» представлена повесть популярного норвежского писателя Юстейна Гордера «Апельсиновая девушка» (перевод Камилы Насыровой). Особенность данного произведения в том, что автору удается обобщить неприглядные, обыденные детали, и создать при этом нечто целостное. Как говорит один из героев: «Представить небеса сложно, но есть те, кто не может их узреть из-за туши на ресницах». В произведении захватывающе описывается связь между сыном и его отцом, скончавшимся, так и не успев адаптировать отпрыска к социальной жизни. Отец незримо участвует в формировании его духовных взглядов. Пример тому наставление, повлиявшее на отношение сына к миру: «Прежде чем учить физику и химию, научись наслаждаться этими науками».

✍ Узбекский и туркменский народы издревле живут бок о бок. Сопричастность отражается и в литературе двух народов. В произведениях узбекских и туркменских поэтов десятки классических персонажей, такие как, Гуруглу, Тахир и Зухра, Ашик Гариб и Шохсанам, Лейли и Меджнун, Юсуф и Зулейха каждый раз обретают новые и новые грани. В рубрике «Меридианы поэзии» собран цикл стихотворений популярных представителей туркменской поэзии XX века Керима Гурбаннафасова и Гурбанназара Эзизова в переводе Курбана Мухаммадризо и Ачила Тахира.

✍ Модернизм, как литературное явление возникшее в конце XIX – начале XX веков, объявило, что ценность произведений реалистического искусства не имеет ничего общего с реалиями жизни, обособлена от нее, был выдвинут лозунг «искусство ради искусства». Что породило модернизм? На каких философско-теоритических принципах он основан? В рассказе Вирджинии Вульф «Королевский сад», а также статье профессора Мухаммаджона Халбекова о творчестве британской писательницы вы найдете ответы на данные вопросы.

✍ Персонаж всегда занимает ключевую роль в литературном произведении. Именно посредством своего героя автор отражает личные взгляды, чаяния и надежды. В чем кроется отличительная черта литературных героев? В образе, имени или может описании? Статья «Ценность литературного героя», где кандидат филологических наук Абдулла Улугов рассуждает на данную тему представлена в рубрике «Литературоведение. Философия».

RESUME

✍ This issue of the magazine is devoted to Argentina which has a deserving position in the world literature. Nobel prizewinner Julio Cortazar's story named "Health of Sick Persons" (translated by Olim Otakhon) is presented in "Story About Story" column. This work is notable for acute and penetrating analysis of human soul.

✍ "Meridians of Poetry" heading is enriched by works of Evaristo Carriego, Leopoldo Lugones, Enrique Banches, Pedro Miguel Obligado and another Argentine poets translated by Yahyo Toga, Vafo Fayzulloh and Dilorom Abdurahmon. The panorama of Argentine culture, also popular figures of art of this country is presented in "Globe" column.

✍ A war brings nothing but misfortune, disaster, pain and suffering. However countless battles and fights broke out in history and they caused a lot of casualties. Proverb says that history of mankind is a history of war. "A Moan of Herirud", the narrative written by Gafur Pulatov is about results of war which threw away the Afghan people to the middle ages. Author who was a witness of war describes horrors with pain and emotion. He also relates about peace and prosperity which is the most indispensable welfare in the world.

✍ A well-known Norwegian writer Jostein Gaarder's narrative "Orange Girl" (translated by Komila Nosirova) is given in "Prose" column. Writer managed to summarize unsightly details into something integrated. One of the personages says: "It is hard to imagine the heavens, but there is a people who can't see them because of a flourish in eyelashes". Author depicts a contact between a son and a deceased father who hadn't adapted his boy into social life. The father invisibly takes part in forming a spiritual outlook in son's mind. For example, this admonition affects into son's view: "Before learning physics and chemistry try to like them".

✍ Uzbek and Turkmen people live side by side for ages. These relations affect to the literature of two nations. Dozens of personages from the work of Uzbek and Turkmen poets, such as Guruglu, Tahir and Zuhra, Garib and Shohsanam, Layli and Majnun, Yusuf and Zulayho are described with a new view every time. The course of poems by popular figures of Turkmen poetry of XX century Kerim Gurbannafasov and Gurbannazar Ezizov (translated by Kurban Muhammadrizo and Ochil Tohir) is presented in "Meridians of Poetry" heading.

✍ Modernism, a literary tendency founded in the end of XIX and in the beginning of XX centuries declared that the value of realistic art has nothing common with reality of life. The slogan "Art for Art" was advanced. What gave rise to modernism? What kind of philosophical and theoretical principles it bases upon? You can find answers to these questions in story named "Royal Garden" by Virginia Woolf and in the article about this British author written by Muhammadjon Holbekov.

✍ A personage always has a key position in a literary work. Because writer describes all his dreams and hopes in his heroes. What kind of distinctive features are hidden in personages? Image, description or name makes them so original? Abdulla Ulugov, candidate of philological sciences discusses a topic in the article "Value of Literary Hero" presented in "Literary Criticism. Philosophy" column.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2015 йил май сони

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир, расом: Д.ҲАМИДОВА
Мусаххих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 05.06.2015 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 3541 нусха. 3998 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “Shaq” НМАКда чоп этилди.
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2015 й.